

Ш.Наралиева, Н.Корганбаева, Ш.Алиакбарова

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Умумтаълим мактабларининг  
8-синфи учун дарслик

1-қисм

8



Алматы  
«Жазушы», 2018

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 (5 Узб) я 72  
Н 23

**Наралиева Ш. ва бшқ.**

**Н 23 Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. 1-қисм / Ш. Наралиева, Н. Корганбаева, Ш. Алиакбарова. – Алматы: “Жазушы” баспасы, 2018. – 224 бет, расмли.**

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 (5 Узб) я 72


ISBN 978-601-200-610-0 (1-қисм)  
ISBN 978-601-200-615-5 (жами)

© Наралиева Ш., Корганбаева Н.,  
Алиакбарова Ш., 2018  
© “Жазушы” баспасы, 2018  
Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.  
Нашрнинг мулкӣ ҳуқуқлари  
«Жазушы» нашриётига тегишли.




## Шартли белгилар

	<i>Ёдда сақланг!</i>		<i>Сўзлаш</i>
	<i>Билиб олинг!</i>		<i>Ёзиш</i>
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
	<i>Тақдимот</i>		<i>Видеолавҳа томоша қилиш</i>
	<i>Савол ва топшириқлар</i>		<i>Мулоқот</i>
	<i>Тинглаш</i>		<i>Жуфтликда ишлаш</i>
	<i>Ўқиш</i>		<i>Якка тартибда ишлаш</i>
	<i>Донолар бисотидан</i>		<i>Матнолди топшириқлар</i>
	<i>Ёд олиш</i>		<i>Расм чизиш</i>

Янги мавзунни ўзлаштириш учун мўлжалланган топшириқлар:



**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** адабиёт, ҳаётий ҳақиқат ва бадиий ҳақиқат, бадиий тўқима, мавзу ва муаммолар, ижодкор ва санъаткор, китобхон, қаҳрамон.

	<i>Матнолди топшириқлар</i>		
	<i>Мулоқот</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>

1. “*Ақлий ҳужум*”: сизнинг қандай севимли китобингиз бор? Нима учун айнан шу китоб?
2. Асар қаҳрамонлари ҳақида сизнинг ўй-фикрларингиз қандай?

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-------------	---	----------------

## КИРИШ

Инсон маънавиятини шакллантиришда бадиий адабиёт энг кўп самара берадиган воситадир. Адабиёт бу вазифаларни одам ва оламда рўй берадиган ҳолату ҳодисаларни акс эттириш йўли билан бажаради. Аммо адабиёт ҳаётдан ҳам, одамлардан ҳам шунчаки нусха кўчирмайди, балки ҳаёт ва одамни бадиий акс эттиради. Бадиий асарга ҳаётдаги ҳодисалар аслида қандай бўлса, шу ҳолича кўчириб олинмайди.

Ҳаётий ҳақиқат билан бадиий ҳақиқат ҳаминша ҳам бир-бирига мувофиқ келавермайди. Баъзан бадиий ҳақиқат ҳаётий ҳақиқатдан чуқурроқ, таъсирлироқ бўлиб ҳам чиқади. Ҳаёт адабиётга нисбатан солиштириб бўлмайдиган даражада бой, ранг-баранг ва серқирра эканлигига қарамай, кўпинча, ҳаётнинг бадиий асарда акс эттирилган қисми мукамаллиги, ортиқча ўринларнинг йўқлиги, мақсадга мувофиқлиги билан ажралиб туради. Ижодкор ҳаёт ҳодисаларини тасвирлар экан, унинг адабий қаҳрамон табиатини очишга хизмат қилмайдиган ўринларини, кераксиз тафсилотларини, аҳамиятсиз лавҳаларини олиб ташлаб, маълум бадиий мақсад атрофига тўплайди. Бу жараёнда адиб воқеа ва қаҳрамонларни танлаш, индивидуаллаштириш, умумлаштириш каби бадиий юмушларни бажаради.

Бадиий адабиёт инсоният тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Гарчи, бадиий адабиёт бир киши тафаккури ҳамда руҳи-

ятининг маҳсули сифатида дунёга келса-да, ўша алоҳида шахс ҳамиша маълум бир макон ва замонда яшаганлиги учун ҳам муайян тарзда ижтимоий борлиқни акс эттиради. Бадиий асарда деярли ҳамиша алоҳида одам тақдири, табиати, ўйлари тасвирланади. Лекин у одам қанчалар алоҳида бўлмасин, ҳамиша жамият қўйнида яшайди. Чунки жамиятнинг таъсирига берилмаган, ундан четда турган одам бўлиши мумкин эмас. Демак, ҳар қандай одамда ўзигагина эмас, балки бутун жамиятга дахлдор қандайдир жиҳатлар бўлади. Шунга кўра, адабиёт жамият билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади, ўзгаради, унга хос жиҳатларни ифода этади.

Адабий жараён ижтимоий ҳаётни ўзига хос тарзда акс эттиради. Ҳар бир жамият ўзи учун муҳим бўлган мавзу ва муаммоларнинг бадиий адабиётда тасвирланишини тақозо қилади. Шунинг учун ҳам бадиий адабиёт кўп асрлик тараққиёти давомида жуда кўп ўзгаришларга дучор бўлади. Айтайлик, Навоий даврида теурий шахзодалар ўртасида тахт учун кураш авжга минган бўлиб, юртнинг маърифатпарвар, комил инсон бўлган одил шоҳ томонидан бошқарилишига эришиш шу замоннинг асосий муаммоси эди. Айни муаммони тўғри ҳал этиш ҳазрати Навоийнинг асосий орзуси эди. Худди мана шу сабаб тахтдан ҳунарни устун қўйган Фарҳод, адолат бобида тенги йўқ Искандар образлари адабиёт майдонида пайдо бўлди.


Инсон туйғулари юксак бадиий маҳорат билан акс эттирилган асарларнинг умри боқийдир. Юнон фожианависи Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асари милоддан аввалги IV асрда яратилган, аммо у бугунги томошабин қалбини ҳам ларзага солади. Навоийнинг салкам олти аср илгари битган асарлари бугун ҳам киши дилини яйратади, чунки уларда инсон руҳиятининг ҳамма даврларда ҳам бирдай қадрланадиган ҳолатлари акс эттирилган.

Адабиётнинг ижтимоий ҳаёт билан алоқадорлиги унинг маърифий, яъни китобхонларга билим бериш вазифасини ҳам келтириб чиқаради. Аммо билим бериш бадиий адабиётда ўзига хос усул билан амалга оширилади. Айтайлик, фаннинг фалсафа, жамиятшунослик, табиатшунослик ва бшқ. тармоқлари ҳам кишига ҳаёт, жамият ижтимоий муаммолари ҳақида тушунчалар беради.



Аммо ҳаёт фанда илмий умумлаштиришлар, қоидалар, формулалар, ахборотлар тарзида акс этса, адабиётда у бадий образ шаклида ифодаланади. Фан «нима бўлганини» тушунтирса, адабиёт «қандай бўлганини» тасвирлайди. Инсон фан бераётган ахборотни ақли билан қабул қилади, таҳлил этади ва тафаккурини бойитади. Адабиёт одам тафаккурига унинг ҳиссиёти орқали таъсир қилади, уни бойитади.

Хулоса қилиб айтганда, адабиёт ўзи яшаётган давр ижтимоий муаммоларидан четда туролмайди, аммо унинг нухаси ҳам бўлиб қололмайди.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

БИЛИШ

	<i>Сўзлаш</i>
---	---------------

Адабиётда бадий тўқиманинг ўрни қандай? Жавобингизни асосланг.

ТУШУНИШ


	<i>Гуруҳда ишлаш</i>
--	----------------------

1. Нима учун жамиятимиз ижтимоий муаммоларга алоқадор бўлади? Сабабини тушунтиринг.
2. Нима сабабдан айрим ижодкорлар долзарблик баҳонаси билан ўткинчи муаммолар ортидан қувадилар? Бундай уринишларга ўз муносабатингизни билдиринг.

ҚЎЛЛАШ

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	------------------------	---	-------------

3. «Венн диаграммаси» усули орқали ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқат жиҳатларини солиштиринг.




ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

4. “Т-жадвали” усули орқали адабиётнинг ва илмнинг таълимий вазифасини жуфтликда ёритинг.

Адабиёт		Илм	
Ўхшашлиги	Фарқи	Ўхшашлиги	Фарқи

УМУМЛАШТИРИШ

“Ассоциация” усули асосида адабиётга хос хусусиятларни тўпланг.



БАҲОЛАШ

“Инсон туйғулари юксак бадий маҳорат билан акс этирилган асарларнинг умри боқийдир” мавзусида кичик эссе ёзинг.





## ОТАЛАР СЎЗИ – АҚЛНИНГ КЎЗИ


### ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАН

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: халқ оғзаки ижоди, халқ дostonлари, бахшилар, Кунтуғмиш ва унинг қизиқиш доираси, Холбека ва унинг туши, сандиқдаги сурат, Зангар подшосининг зуғуми.

	<i>Матнолди топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Мулоқот</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------	---	-----------------------



1. Халқ дostonлари ҳақида нима биласиз?
2. Уларни кимлар ижро этади?
3. Дostonчилик мактабини кимлар яратган?

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>
--	----------------------

4. Қуйидаги дostonдан парчани “Жигсо” усули орқали ўзлаштиринг.

### КУНТУҒМИШ

(Достон)

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

**Д**ўрман вилоятининг Кунтуғмиш деган полвони бор эди, полвоннинг Оппоқой деган синглиси бор эди. Кунтуғмиш ўн тўртга киргунча илм-ҳунар, касб-камолот ҳосил қилиб, ўн тўртдан ўтгандан кейин сипоҳилик ишларига юз келтириб, қилич чопмоқ, милтиқ отмоқ, чиришбозлик, кўпкаритозлик<sup>1</sup>, найзадастлик, гаровбаслик<sup>2</sup> ишларига кўшиш қилиб<sup>3</sup>, қирқта йигитни ёнига олиб, машқ қилиб, гоҳ тоққа, гоҳ овга чиқиб юрар эди.

Шаҳри Зангар деган шаҳар подшосининг отини Буврахон дер эди. Буврахоннинг икки вазири бор эди. Бировини Шоир вазир дер эди, бировини Тоир

<sup>1</sup> Кўпкаритозлик – кўпқари, улоқ ўйини.

<sup>2</sup> Гаровбаслик – баҳс бойлаш, турли ўйинлар билан мусобақалашш.

<sup>3</sup> Кўшиш қилиб – уриниш, ҳаракат қилиш.





вазир дер эди, иккови ака-ука эди. Булар ният қилиб эди: «Бизлар фарзанд кўрсак, ўғил бўлса, қўлқанот<sup>1</sup> бўлсин, қиз бўлса, дўст бўлсин». Кунлардан бир кун Шоир вазирнинг хотини қиз туғди, Тоир вазирнинг хотини ўғил туғди. Қизнинг отини Холбека қўйди, ўғилнинг отини Холмўмин қўйди. Лекин Холмўминнинг онаси ўлди, бола этак остида қолди, Холбеканинг онаси эмизиб катта қилди. Булар ширхўра<sup>2</sup> бўлиб, никоҳ юрмайдиган бўлиб қолди. Икки вазирнинг аввалги ваъдаларини Зангар шаҳарининг одамлари эшитган эди: «Холбека Холмўминнинг бахшандаси» дер эди, сут эмганини билмас эди. Аммо Холбека ўн тўртдан ўтгандан сўнг, овозаси оламга кетди, донғи Доғистондан ўтди. Холбеканинг тавсифини, ҳусни зеболигини эшитган подшолар ва хонзодалар ҳар мамлакатдан, ҳар юртдан, ҳар диёрдан совчи қўяберди. Совчиларга Холбека: «Ҳар ким мени оламан деб келса, нард ўйнайман, утса<sup>3</sup> тегаман», деб овоза қилди. Ҳар бир тўралар, хонзодалар Холбека билан нард ўйнаб уттирди, бирор киши Холбекани утолмади.

<sup>1</sup> Қўлқанот – ажралмас, яқин оға-ини маъносида.

<sup>2</sup> Ширхўра – эмикдош, кўкалдош, бир онани эмган болалар.

<sup>3</sup> Утса – ютса.

Кундан-кунга Холбеканинг ҳусни зиёда бўлиб, шуҳрату овозаси ортар эди. Кунлардан бир кун Буврахон Холбеканинг жамолини кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, «Тегса ҳам оламан, тегмаса ҳам оламан, бошқанинг келганини кўраман», – деб одам юборибди. Холбека жавоб айтди: «Подшо номардлик қилмасин, ўзидай подшоларга таъна-маломат бўлмасин. Менинг шартимни эшитмаган, билмаган одам йўқ. Қавлимдан<sup>1</sup> қайтмайман, шоҳингдан қўрқмайман! Бизга ошиқ бўлган бўлса, келсин, нард ўйнасин, утса тегаман, уттирса, подшо деб сийламайман, жонидан кечса, бизга келсин!» – деб совчисини қайтарди. Совчи бу воқеаларни подшосига баён қилди. Подшо эшитиб ҳайрон-лол бўлиб, аркони давлатга қараб, улардан маслаҳат сўраб: «Эй умароларим, вазири доноларим, бу ишнинг охири қандай бўлади? Бориб нардини ўйнасак, уттирсак, бизни шоҳ деб сийламаса, қўяйик десак, ишқибозлик ёмон бўлса. Бор деб қўйсак, бир кун биров утиб олиб кетса, қандай бўлади?» – деди. Аркони давлат шу маслаҳатни айтди: «Тақсир подшойим, бунинг иложи шуки, бахтини боғланг, ҳеч ким Холбека деб отини айтолмасин, балки бу шаҳарга кела олмасин», – деб маъқул қилдилар: «Ўзи ҳам тўрт-беш йил ўтгандан кейин, эр талаб бўлиб, сизга тегмай кимга тегаети».

Подшо кўча, гузарларга жарчи қўйиб: «Ҳар ким Холбека деб айтса, олти ой зиндонда боқдираман, суягини тошга чақдираман, тириклай терисини шилдираман, ичига сомон тикдираман, икки кўзини ўяман, тепасига мойни қуяман» – деб қичқиртаберди. Ҳеч кимнинг захраси йўқки, Холбека деб айтса.

Шу ўртада тўрт-беш йил ўтиб кетди. Холбека ҳам подшога бўйинсинмади, қирқин қизи билан, неча турли нози билан даврини суриб ўтираберди. Кунлардан бир кун Холбека ноз уйқуда ётиб эди, бир туш кўрди: Кунтуғмиш билан иккови бир тўшакда ётиб, бир-бировига сўз қотиб, Холбека сўради: «Сен кимсан, жой-манзилинг қайда, отинг ким?» Полвон айтди: «Отим Кунтуғмиш, Дўрман элининг полвони бўламан. Сен кимсан, отинг ким, юртинг қаерда?» Холбека айтди: «Отим Холбека, отамнинг оти Шоир вазир, юртим шаҳри Зангар». Иккови тушида бир-бирови билан топишиб, йигитнинг узугини Холбека, Холбеканинг узугини Кунтуғмиш олиб, қўлига солди. Туш шу ерга етганда Холбека уйғонди.

Холбеканинг Баҳрагул деган канизи бор эди, аксари сирларини Баҳрагулга айтар эди. Баҳрагул Холбеканинг безовталигини англаб: «Ой бибим, сени илгаригилардай кўрмайман, дардингни менга билдирсанг, танда жоним бор, иложин қилсам керак», – деди. Холбека айтди: «Э Баҳрагул, менга бир дард теккан, иложи сира йўқ», – деб кўрган тушини Баҳрагулга бир-бир баён қилиб, яна айтди: «Бир сураткашни келтирсанг!»

Баҳрагул сураткашни олиб келди. Холбека оғим ўзининг суратини қоғозга солдириб, бир сандиқ тайёр қилиб, ичини мумлаб, сиртини тилла билан қоплаб, ўзининг сочидан бир тола соч олиб, ўзининг суратига ўраб, неча арзи-қолларини ҳам арз қилиб, сандиқни қулфлаб, калитини сандиққа боғлаб, бир катта дарё шаҳарнинг ичидан ўтар экан, сандиқни дарёга солиб, «Ошиқ-маъшуқлик аввалдан пок бўлса, шу сандиғим Кунтуғмишдан бошқага тегмасин» деб дарёга ра-

<sup>1</sup> Қавлим – қарор, аҳд.

вона қилди. Сандиқ неча кун, неча вақтлар оқиб, ҳеч кимнинг қўлига тушмай, Дўрман юртига дохил бўлди.

Кунтуғмиш қирқ йигити билан дарёнинг ёқасида ов қилиб юриб эди, кўзига бир сандиқ кўринди. Йигитларига айтди: «От солиб, олиб чиқинглар!»

Йигитлар Кунтуғмишга арз қилдики: «Бу молни бир шарт билан олиб чиқамиз, шу сандиқни бўламиз, ичини оласизми, ё тишини?» Кунтуғмиш айтди: «Сизлар сайлаб олинглар».

Йигитлар бир-бирига қараб, иттифоқ қилиб: «Тиши тилла экан, бизлар тишини оламиз», – дедилар.

Кунтуғмиш айтди: «Биз ичини оламиз».

Бир йигит от солиб олиб чиқди. Калити ўзида экан, очиб кўрдилар: ичидан бир қоғоз чиқди, қоғозни ёзиб кўрса, Холбека ойимнинг тўлган камоли, ойдай жамоли мунаввар бўлиб турибди. Кунтуғмишнинг бир ишқи юз бўлиб, тоқат келтиролмай, беҳуш бўлиб йиқилди. Қирқ йигит шошиб, бариси чувуллашиб, уни ўртага олиб, ҳой-ҳойни солиб, Оппоқойга одам жўнатди. Оппоқой буни эшитди, сочини ёйиб, бетини юлиб, «Оғам!» деб акасининг устига ўзини ташлаб: «Не сабабдан кетди сенинг эсларинг?» деган эди, полвон кўзини очди. Кунтуғмиш ишқ дардини пинҳон тутолмай, йигитларига қараб бир сўз айтиб турибди:

Боғ ичида олма, анор истайди,  
Бўйи маҳбуб нозик дилдор истайди.  
Қадрдонлар, бирга юрган дўстларим,  
Дўстларай, кўнгил бир ёр истайди.  
Қаторда юк тортган норча лўкларим<sup>1</sup>,  
Душманга кетмагай ору кекларим.  
Сирдошларим, валлакатим, бекларим,  
Дўстларай, кўнгил бир ёр истайди.  
Дўстларим, қилманглар бағримни кабоб,  
Ғарибнинг кўнглини овламоқ савоб.  
Эртароқ синглимдан олинглар жавоб,  
Дўстларай, кўнгил бир ёр истайди.  
Қулоқ солинг Кунтуғмишнинг тилига  
Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,  
Борар бўлдим энди Зангар элига  
Дўстларай, кўнгил бир ёр истайди.

Кунтуғмиш йигитларга буюрди: – Қоғоздаги суратни синглимга кўрсатинглар! Йигитлар суратни кўрсатди. Оппоқой қараса, қоғозда бир қиз: қошини кериб, лабини буриб, ширин қилиб кулиб, чикка бел бўлиб, суқсурдай тўлиб, товусдай тараниб, беллари буралиб турибди. Инсоф қилиб қараса, Оппоқой бил-

<sup>1</sup> Норча лўк – илдам, текис чопадиган эркак туя.

дики, акасининг иложини қилолмас, Холбекадан бошқани хоҳламас. Ноилож, ночор: «Бор ака, соғ боргайсан, саломат келгайсан», – деб жавоб берди.

Синглисининг розилигини олган Қунтуғмиш Холбекани излаб Зангар сари отланади. Узоқ йўл босиб, машаққатлар чекиб, ниҳоят суюклисининг юртига кириб келади. Лекин у Зангардаги тартибу одатларни билмас эди...

...Зангарга келган Қунтуғмиш қаерга борарини билмай, паст кўча, рост кўча, мохов кўча-пес кўча, ўзи кўрмаган кўп кўча – бир кўчага солиб кетди. Шу юргандан юраберди, тушга давур юрди, чорсунинг устидан чиқиб қолди. Шаҳарнинг бозори экан, одамлар қумурсқадай қимирлаб ётибди. Қунтуғмиш кимдан сўрарини билмай, бозордаги одамларга бақириб: «Бизнинг ёрни кўрганларинг борми?» деб турибди. Бозордаги одамлар: «Баччағар касофат қаёқдан келди?» деб савдо-сотиғига қарамай қочаберди.

Бир кампир калавапурушлар билан жанжал қилиб ўтириб эди. Қараса, бир ёш йигит йўлбарсдай бўлиб: «Холбекани кўрган борми?» – деб келади. Кампир кўриб: «Ҳай аттанг, бу йигит бу элнинг расмини билмас экан, узоқдан келган экан, мабодо подшонинг мулозим одамларига маълум бўлиб нобуд бўлмасин», деб жойидан ирғиб туриб, Қунтуғмишга қараб тез юриб, оёгининг бетини оёғи билан босиб, кифти билан бир уриб ўтаберди. Қунтуғмиш кетига қараса, бир кампир кўчага қараб, қоши билан ишорат қилиб кетиб боради. Қунтуғмиш: «Шу кампир бир шумликни билади» деб ортидан юраберди. Кампир кўп йўлга бориб, у ёқ-бу ёққа қараб, «Сен қандай одам бўласан?» деб сўраб, бир сўз деб турибди:

Зулфи зарафшоним, қайдан бўласан?  
Тўти ғазалхоним, қайдан бўласан?  
Сенинг тарзинг бу ерларга келмайди,  
Тарафсиз полвоним, қайдан бўласан?

Қунтуғмиш айтди: – Эй мома, Холбекани биласанми? Мен Дўрман мамлакатидан уч ой йўл юриб, шу бугун шаҳрингга келиб турибман, шаҳрингнинг паст-баландини билмайман. Отим Қунтуғмиш, Дўрман элимни, халқ, қариндошимни ташлаб, шаҳрингга Холбекани излаб келдим.

Кампир айтди: – Э жоним болам, ошиқлиги қурсин, бошга тушгандан кейин кишини девона қилиб, элидан, юртидан айириб, ғариб қилган. Бу кампир подшонинг қудаси эди, подшонинг ўғлига катта қизини берган эди. Кампир Қунтуғмишнинг олдига дастурхон ёзиб қўйиб айтди: «Ўғлим, сен чой ичиб бўлгунча мен Холбекани топиб келаман», деб чиқиб кетди: Қунтуғмиш уйнинг у ёқ-бу ёғига қараб: «Бу ерларга Холбеканинг ўзи келмак тугул, изи ҳам топилмас», деб ўйлаб ўтирди.

Энди кампир уйнинг сиртига чиқиб ваҳм босиб, лол бўлиб ўтирган эди, кўнглига бир гап келиб қолди: «Топдим, топдим», деб жойидан ирғиб турди. Кампир нимани топди? Яна бир қизи бор эди, отини Замонгул дер эди, уч ойча бўлиб

эди, Холбека каниз қилмоққа олиб кетиб эди. Шундан бир кун илгари кампир қизини «Менинг уст-бошимни ювиб берсин», деб арз қилиб олиб келган эди...

Кампир қизи Замонгул (Гулзамон) ни Кунтуғмишга рўпара қилади. Аммо севгилисининг суратини кўрган йигит сохта Холбекани қабул қилмайди. Замонгул Кунтуғмишни асл Холбека яшайдиган жойга бошлаб боришга мажбур бўлади. Аммо шоҳнинг буйруғига мувофиқ қиз кўшки олдига бегона эркак яқинлашуви мумкин эмасди. Шу боис Гулзамон йигитдан савдогарбачча қиёфасига киришни сўрайди.

Кунтуғмиш тимга кириб, икки бўғча мато сотиб олиб, баззозвачча бўлиб, Холбеканинг кўшки устида матоларини кўшкнинг деворларига суяб, молларини ёйиб ўтириб эди. Бир вақт қараса, Холбека қирқин қизи билан, неча сарвинози билан, қанча жоду кўзи билан кўшкка чиқиб бораётибди. Буёғида тўқсон беш, буёғида тўқсон беш – ўни кам икки юз кокили бор, бир ёғини тилла сувига ботирган, тонг шамолига қотирган, юзининг жилваси зулфига уриб, яшин тушгандай бўлиб бораётибди. Кунтуғмиш Холбеканинг жамолини кўриб, биқинини ушлаб, лабини тишлаб, ияги қалтираб, кўзи ялтираб, қулоғи битиб, ҳисоби йитиб, ақлидан кетиб, «Сад офарин ҳусни жамолингга» деб, товушининг борича бақириб-чақириб бир сўз деб турибди:

Бандаман юзда холингга,  
Сенинг қилган хаёлингга,  
Шунча вақтлар интиқ бўлиб,  
Бугун етдим жамолингга!..  
Қирқин қизи гулдай жайнаб<sup>1</sup>,  
Ҳаммаси суқсурдай бўйлаб,  
Ўз зулфиман ўзи ўйнаб,  
Холбека чиқди кўшкка.

Холбека ойим пастга қараса, бир йигит Холбека қизлари билан кўшкка чиқиб кетди, деб шовқин солиб турибди.

Холбека ойим Баҳрагул вазирига фармон қилди: Гулзамон билан бирга бориб, ҳар тусли матосидан бир олчин-бир олчин олиб кел!

Баҳрагул Кунтуғмишнинг ҳайбатига яқин келолмай, қуруқ қайтиб кетди. Холбека айтди: Баҳрагул, олиб келган матоларинг қани?

Баҳрагул Холбекага қараб бир сўз деб турибди:

Бувушим, ул одам баззоз эмасди(р),  
Жондан кечмай бу манзилга кemasди(р).  
Бир ўғлондир, мисли дарёдай тошган,  
Юзлари қизариб олмадай пишган,  
Олмоққа ҳар кимнинг ақли шошган,  
Қошида донолар сўздан адашган

Душмани шер бўлса, қайтмай савашган.  
Жамолига қараган кўзлар қамашган  
Нур юзига ойу офтоб талашган.  
Сени излаб Дўрмандан ёринг келмасми?  
Гумоним – шу Кунтуғмиш бўлмасми?

Холбека ойим қизларини ясаб, ўзларига оро бериб, хос меҳмонхонасида йигирма қизни буёғига ўтқизиб, йигирмасини уёғига ўтқизиб, зич бўлиб ўтирди. Қизларга тайин қилди:

– Шу одам эшикдан келса, биттанг жой берсанг, ё ўрнингдан турсанг, ўлдираман! – деди. Шу вақтда Кунтуғмиш:

– Ассалому алайкум! – деб эшикдан кириб борди. Буни кўрганда, Холбека ойим жойидан ирғиб туриб:

– Ваалайкум ассалом, тўрга ўтинг! – деб ўзи пойгага югуриб ўтганини билмай қолди. Холбека туриши билан қирқин қиз гуруллаб бари жойидан турди. Холбека Кунтуғмишга жой бериб, қўлига бир пиёла қандчай бериб, қизларига айтган аввалги сўзи учун изза бўлиб, «Йўл бўлсин!» деб бир сўз деди:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин!  
Кўнгли суйса, ёрнинг лаби бол бўлсин.  
Қандай қўрқмай келдинг ажалхонага  
Жондан қўрқмай юрган жоним, йўл бўлсин?

Кунтуғмиш Холбеканинг жамолини кўриб, юз шавқу завқ билан кўнгили бериб, нозига қойил бўлиб, хуснига мойил бўлиб: «Одам ўлдирадиган жаллод қаерда?» деб баҳодирлик томирлари ҳаракатга келиб, Холбекага қараб бир сўз деди:

Ушбу дунё барча қўлдан ўтарми,  
Куйсин ўлим, барчани йиғлатарми,  
Уч ойчалик йўлдан ёр излаб келиб  
Ўламан деб, ёрин кўрмай кетарми?  
Омонат, санамжон, одамнинг жони  
Қиличдан сесканмас ботирнинг тани,  
Жондан кечмай бу ерларга келмайди,  
Ўлимдан қўрқади деб айтмагин мени!..

Холбека қирқин қизларига қараб бир сўз деди:

Оғзига гап солсам, гапим олмайди,  
Ўжар экан, билганидан қолмайди.  
Олиб келинг, қирқин қизлар, нардимни  
Тилак билан келган экан, бўлмайди!

...Икки толиб<sup>1</sup> бир-бирига дуч бўлди,  
Жамолига Кунтуғмиш вақти хуш бўлди,  
Чошгада қурилди ойимнинг нарди,  
Ўйнай-ўйнай билинг роса туш бўлди.  
Кеч бўлибди, булар жудо бўлмайди,  
Ўйини буларнинг одо бўлмайди.  
Икки барно кишт дейишиб ўтирди  
Қайсисин утарин киши билмайди.  
Кишт деди-ю, ўйнайберди иккови  
Шу вақтда кун бўлди, билинглар ётар<sup>2</sup>.  
Утишолмай ўтирибди иккови,  
Шу вақтда тун ярим оқшомдан ўтди,  
Балки ўтиб, билинг, саҳарга етди.

Холбека ойимнинг кўзини мудроқ босди, уйқунинг мастлигидан ҳушини йўқотиб, бир киштни бежой босиб юборди. Шу вақтда тонг ёриб, Кунтуғмиш бир киштни босиб, Холбека ойимни мот қилди.

Холбека хушига келиб қараса, Кунтуғмиш мот қилиб ўтирибди. Жойидан туриб, иззат қилиб: Менинг шартимни бажо келтирдинг, мен сеники бўлдим, – деди. Базм суҳбатини қуриб, зиёфат қилаберди. Энди икки калима сўзни шу шаҳарнинг подшоси Буврахондан эшитинг.

Холбекага ошиқ бўлгандан сўнг қирқ зинали ноғорахона қилдириб эди. Холбекага киши юбориб айтган эдики: «Ҳар кун тонг вақтидан кичик чошкагадовур кўшкига чиқсин, юзидан ниқобини олсин, оламни томоша қилсин». Шу сабабдан Холбека ҳар куни бир марта кўшкига чиқар эди. Подшо ҳам ноғорахонага чиқар эди, шу жойдан Холбеканинг жамолини кўрар эди. Шаҳрига чопар қўйиб қичқиртирган эди: «Ҳар ким подшонинг ноғорасини эшитмай, подшо ноғорaxonадан тушмай уйдан чиқмасин!» Ҳар вақт подшо пастга қайтар бўлса, ноғорани уриб қайтар эди. Шаҳар аҳолиси аниқ эшитар эди. Ундан илгари ҳеч ким уйдан чиқолмас эди.

Подшо уч кун ноғорахонага чиқди, Холбека ойим кўшкига чиқмади. Подшо икки юз жаллод, тўрт юз мирғазабни буюрди:

– Бориб кўринглар, Холбека касал бўлдими, ё иш ўсал бўлдими?

Подшонинг ҳукми билан жаллод, мирғазаб босиб келаберди.

Канизлар Холбеканинг тоби йўқ деб айтолмай, жаллодлардан қўрқиб, «Ол келди» деб қочаберди. Мирғазаблар бир шумлик бўлган экан, деб ҳужраларнинг эшигини бузиб келаберди. Қирқ кўшк ичкима-ички, бир-бирининг устидан бўлган эди, бир тарафи Холбеканинг кўшки эди. Баҳрагул чиқиб қараса, жаллодлар қарийб ўттиз ҳужрани бузибди, канизлар йиғлаб, чувуллаб қочиб келаётибди. Шунда Холбекани уйғотиб, жаллодлардан хабар бериб бир сўз деди:

<sup>1</sup> Толиб – талабгор.

<sup>2</sup> Мисра вақт кеч бўлиб, ётар вақти келди мазмунини англатади.

Қулоқ солгин канизингнинг тилига,  
Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,  
Уйқудан кўтаргин, бувим, бошингни  
Тушар бўлдинг золимларнинг қўлига!

Кунтуғмиш ҳам уйғониб қараса, тўрт юз мирғазаб, икки юз жаллод ҳайбат болтаси қўлида, кескир ханжари белида келиб қолибди. Кунтуғмиш айтди: – Э Холбекажон, сени олмай ўлиб кетганимда, юрагимда от бошидай армон кетар эди; алҳол бир кун ҳам бўлса, бир йил ҳам бўлса, минг йил ҳам бўлса олдим, мақсудимга етдим, армоним йўқ. Энди шу ёмонларнинг қўлида ўлганча, кўшкдан ташлаб ўлсам бўлмайдимиз?

Холбека айтди: – Мен ҳам қабул қилдим.

Иккови бир-бировини қўлма-қўл ушлаб, қучоқлашиб кўшкдан ташлаб юборди. Икковининг ҳам кўйлагига шамол кириб, мисли қанотдай бўлиб, беозор ерга тушди. Кунтуғмиш ёрининг қўлидан ушлаб, таниш кампирни олиб келди. Кампирнинг бир гўсалахонаси<sup>1</sup> бор эди, иккови шу ерга яширинди.

Подшонинг жаллод, мирғазаблари Холбекани тополмай, ҳамма манзилларни бузиб, Холбека қочибди деб қайтиб борди.

Подшо бу гапни эшитиб, уйқуда эди, уйғониб, маст эди, хушёр бўлди. Дарвоза-дарвозага одам қўйиб беркиттирди. Ҳеч кимни шаҳардан ташқари чиққали қўймади, ҳаммага йўл банд бўлди. Жарчилар ҳар ким Холбекадан хабар берса, балки қошидаги жўраси билан олиб келса, бўйи баробарли зар бераман», деб кўчама-кўча, гузарма-гузар, маҳаллама-маҳалла қичқириб юрибди. Шаҳарнинг ичи остин-устин, талотўп бўлиб қолди.

Уч кун шаҳарга чақирув бўлди. Уч кундан кейин яна қичқирди: «Ҳар кимнинг ҳовлисини, уйини подшолик одамлари бориб қарайди, кимниқидан топса, ўзини ўлдириб, молини талайди!» Кампир бу сўзни эшитиб қўрқди. Кунтуғмиш билан Холбекага:

– Э болаларим, менинг уйимни қараб ўтиб кетганча, подшонинг бир кўна сомонхонаси бор, шунга олиб бориб қўяйин, уйимни кўргандан кейин сизларни тагин қайтариб олиб келарман, – деб икковини оқшом ҳеч кимга кўрсатмай, подшонинг сомонхонасига олиб бориб беркитиб кетди.

Подшонинг Замонқул деган бир қари эски қули бор эди. Давлатхонага сомон даркор бўлиб қолди. Ўттиз қанорни олиб келиб, сомонни тиқиб жойлайверди. Йигирма қанор тиқиб эди, ўнтаси қолиб эди, иккови жуппай<sup>2</sup> бўлиб қанорнинг оғзига йиқилиб қолди. Замонқулнинг кўзи тушди, тура қочди. «Ўзим ҳам ажинаси бор деб гумон қилиб юрар эдим, нар-мода экан», деб қочаберди. Холбека ойим орқасидан қувди. Замонқул ушлатмай, ташқарига чиқиб, орқасига қараса, Холбека эшикнинг олдига келиб қолибди. Шунда Холбека эланиб-ёлвориб, қулни алдаб бир сўз деб турибди:

<sup>1</sup> Гўсалахона – бузоқхона

<sup>2</sup> Жуппай – жуфт, қўшмоқ.



Оқизинг кўзидан қонли ёшини,  
Учиринг қўлидан давлатқушини,  
Тан бағишлаб, бобо, сизга тегайин,  
Келиб кесгин, шаҳзоданинг бошини!

Замонқул Холбека эканлигини таниб, «Бахти қайтганга қара, мени сеҳр-фусун қиламан дейди, бобонг бу соқолни қаерда оқартган?» – деб Холбекага қараб бир сўз деди:

Кўзлари қамбарсан, қоши қаламсан,  
Кўрганларга солган қайғу-аламсан.  
Сендай санам мендай қулга тегарми,  
Жодугар, сеҳргар, баттол санамсан!  
Замонқул шоҳдан суюнчи олади,  
Бек Замонқул бекларбеги бўлади,  
Бегларбеги насиб қилсин ўзига,  
Банди бошим озод бўлиб қолади.

Холбека: – Шу сўзимдан қайтсам, елкамнинг чуқурини кўрмай ўлайин, босган изим орқамда қолсин, – деб, «катта» қасамлардан ичиб, Замонқулни авраб туриб эди. Замонқул ҳам фириб емас эди, лекин томошаи жамол қилиб туриб эди.

Подшонинг мирохури<sup>1</sup> кўчада келар эди. Қулоғига гунг-гунг одамнинг товуши келиб, деворнинг тешигидан қараса, биров томнинг тўрида, Холбека ўртада, Замонқул эшикнинг олдида гаплашиб турибди. Мирохур чопиб кетди. Подшонинг олдига бориб, қуллуқ қилиб:

– Холбекани бир йигит билан подшоликка қарашли сомонхонада кўрдим, Замонқул ҳам ўша ерда, – деди.

Бу сўзни эшитиб, подшонинг қаҳри келиб, илондай захри келиб, жаллод, мирғазабларига<sup>2</sup> фармон берди: – Замонқулни кўргандан ўлдиринг! У икковини аркони давлатга ўлдирмай, ҳозир қилинг!

Икки юз жаллод, тўрт юз мирғазаб, қанча оломон билан сомонхонага равона бўлди. Замонқул Холбеканинг олдидан чиқиб: «Подшодан суюнчи оламан», – деб келаётир эди, бир одам кўриб:

– Қоч, Замонқул, ўласан! – деди.

Замонқул: – Замонқулнинг нимаси ўлади! Замонқул хушхабар олиб келаётибди, подшо ҳеч нарса бермаса ҳам, банди бошим озод бўлиб қолади деб бораётиб эди, бир жаллод чопиб келиб, қилич билан қўйиб юборди, Замонқулнинг банди боши озод бўлиб қолаверди.

Подшонинг мирғазаб, жаллодлари сомонхонага кириб, Кунтуғмиш билан Холбеканинг икки қўлини боғлаб, сийнасини доғлаб, олдига солиб ҳайдаб, бо-

<sup>1</sup> Мирохур – подшо отбоқарлари бошлиғи, ўрта даражадаги амалдор.

<sup>2</sup> Мирғазаб – жазоловчи амалдор.

шига қамчи ёғдириб уриб бораётир. Шунда Холбека ойимнинг бошига тушган таёқ ўзига билинмай, ёрига раҳми келиб, жаллодларга эланиб бир сўз деди:

Узоқда қолгандир манзили-жойи,  
Сабил бўлди Холбеканинг саройи.  
Мени ўлдир, ёримни озод айланглар,  
Бу ишда ёримнинг йўқдир гунойи.

Жаллодлар: – Бу бахти қайтган баччағар ҳали ҳам аввалги катталигини қилади, ҳали таёқ ўтган йўқ, қаттиқроқ уринг, – деб илгаригидан кўпроқ урди. Шунда Кунтуғмиш ёрининг аҳволига раҳми келиб, жаллодларга эланма, деб бир сўз деди:

Аё, нозлим, бир гапим бор, англаб ол,  
Мен сўзлайин, зеҳнингни қўй, қулоқ сол  
Жаллодларга эланмагин, бўйингдан  
Гавҳарни не билсин ушалган сопол.  
Пайдо бўлдим икки гавҳар донадан,  
Парвоз қилиб учдим манзил-хонадан.  
Ўлим учун ғам емайман, бўйингдан  
Армоним, бир ўғил эдим, онадан.

Холбека Кунтуғмишнинг бу сўзларини эшитиб: «Ҳай аттанг, ёлғиз ўғил экан», – деб кўнгли бузулиб, кўзидан ёш тизилиб, бағри эзилиб, жаллодларга бир сўз деб турибди:

Жаллодлар, айтайин сенга бир сўзни,  
Мени деб тарк этди кеча-кундузни  
Эсиз, ёрим ёлғиз экан онадан  
Ирим қиб мерганлар отмас ёлғизни...

Подшонинг олдида умаролари<sup>1</sup> ўтириб эди; подшо маслаҳат сўраб айтди: – Аркони давлатим, уламо-муфтиларим<sup>2</sup>, иноқ вазирларим, кенгашдош доноларим! Мендай улуғ подшонинг ҳайбатидан қўрқмай, хавфтарс<sup>3</sup> қилмай, подшо хонадонига хиёнат қилувчиларни нима қилмоқ керак?

Аркони давлат гуриллаб бирдан арз қилдики: – Э тақсир, подшойим! Осиб ўлдирдингиз – кўрдик, минордан ташладингиз – кўрдик, тўпга солиб отдингиз – кўрдик. Бу беадабларга шундай жазо берамиз: бир туяни олиб келиб сўямиз, терисини тулуп<sup>4</sup> қилиб, хом териға икковини зич қилиб тиктирсангиз, бир асов

<sup>1</sup> Умаро – амирлар, амалдорлар.

<sup>2</sup> Уламо – илоҳиётчи олим; муфти – фатво берувчи диний амалдор.

<sup>3</sup> Хавфтарс – хавфсираш.

<sup>4</sup> Тулуп – сўйилган жонлиқнинг терисини бузмай шилиб олиш.

байталнинг думига тақиб, чўл жазирага ҳайдаб юборсангиз, буларнинг ўлигини ғажир<sup>1</sup> – қузғунлар еб кетса, – деб подшога маъқул қилдилар.

Подшо буюриб, бир туяни сўйиб, тулуп қилиб, икковини зич қилиб хом терига тиқиб, дарвозадан чиқариб, бир асовнинг думига тақиб, бир чўл жазирага қаратиб, кўп одам чувлаб ҳуркитиб, ҳайдаб юборди. Асов байтал ҳуркиб, икковини судраб, чўлга улоқиб кетди. Байталнинг думи бир тола, ярим тола узила-узила, олти кун деганда тулуп бир ерда тушиб қолди. Хом тери офтобнинг ҳарорати билан қуриб, чунон қисдики, темирдай беркитди.

Шу вақт Холбека узилиб қолганини билиб, Қунтуғмишга бир сўз деди:

Валламат, танингда қувват бормиди,  
Бизлар қолдик дейман чўлда узилиб!..  
...Бир тоғдан бир қузғун давра олиб учди...  
Ногоҳондан кўзи тулупга тушди.  
Қанотин чимириб қўниб устига  
Чўқиди-чўқиди тулупни тешди.  
Қўлин солиб иккиласи йиртишди,  
Соғ-саломат шу тулупдан чиқишди.

Қунтуғмиш омон-эсон, сихат-саломат ёри билан терининг ичидан чиқиб қарасалар, қўрқинчлик жазирама бир чўлда тушиб қолибдилар. Қунтуғмишнинг кўзига узоқдан соядай қорайиб бир нарса кўринди. Кўнглида айтди: «Шу қора ё тоғ бўлгай, ё бир қора дарахт – эл бўлгай», деб иккови қўл ушлашиб шу тарафга равона бўлди...

Кўринган тоғ эди. Қунтуғмиш ва Холбека шу ерда биргаликда ҳаёт кечирдилар, эгиз ўғилли бўлдилар. Атрофдан одам дарагини топарман деб, Қунтуғмишнинг кирмаган ғори, чиқмаган чўққиси қолмади. Лекин одамлар яшайдиган манзилларга асло йўл тополмади...

...Йилдан йил ўтди, Қунтуғмиш асло эл-йўл тополмади. Болалар учга кирди. Шу тоғда Қунтуғмиш чиқмаган ҳеч бир чўққи қолмади. Лекин жуда узоқда, бир баландда, қияли чўққи бор эди...

Қунтуғмиш ана шу чўққини мўлжаллаб уч кун юрди ва карвон йўли устидан чиқиб қолди. Шу йўлдан ўтиб кетаётган зангарлик савдогар Азбархўжа нон бераман деб, Қунтуғмишни шу атрофдаги ёлғизгина булоқ бошига ўрнашиб олган даҳшатли аждарга қарши йўллайди. Қунтуғмиш аждарни ўлдиради. Сўнг Азбархўжа билан дўст тутинишади. Танишув мобайнида Қунтуғмишнинг хотини гўзал Холбека эканини билиб олган Азбархўжа дўстига хиёнат қилади. Уни маст қилиб, кигизга ўраб, устидан тош бостириб қўяди, икки ўғлини эса далада қолдиради. Зангар шоҳи Буврахонга бериш учун Холбекани олиб йўлга тушади. Орадан бир кун ўтгач, Қунтуғмишнинг мастлиги тарқаб, кигиздан халос бўлади. Тепалик ён бағридан оч ва қаровсиз юрган икки ўғилчасини ҳам топади.

<sup>1</sup> Ғажир – ўлаксахўр йиртқич қуш.


	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

**БИЛИШ** 

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------



1. Кунтуғмишнинг болалик чоғи ва қандай тарбия олгани ҳақида ўз фикрларингизни билдириш.
2. Холбека кимнинг фарзанди? Унинг камолга етгунча бўлган ҳаёти ҳақида мулоҳаза юритиш.
3. Буврахон зуғумига Холбека қандай жавоб берди? Сизнингча, подшога берган жавоб қиз табиатидаги қандай сифатларни намоён этади?
4. Азбархўжа нима сабабдан дўст тутинган Кунтуғмишга хиёнат қилади?

**ТУШУНИШ** 

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Расм чизиш</i>
---	------------------------	---	-------------------

1. Кампир Кунтуғмишни қандай таърифлади? Қаҳрамон қиёфасини кўз олдингизга келтириш учун унинг расмини чизиб кўришга уриниб кўриш.
2. Зангар подшоси Холбекани кўндириш учун қандай чора қўллади? Сиз буни қандай изоҳлайсиз?
3. Достонда Кунтуғмишни яна қандай аташади? Нима учун?

**ҚўЛЛАШ** 

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

1. Достоннинг 1-қисмини қандай аташ мумкин?
2. Достонда қўлланилган ҳикматли сўзлар ва халқ мақолларини топиб, иш дафтарингизга ёзиб олинг. Қўлланиш доирасини изоҳланг.

**ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ** 

1. Кунтуғмиш ва Холбека туш кўриш орқали танишадилар. Шунга ўхшаш ҳолатларни қайси достонларда учратгансиз?

2. “Ширхўра” сўзи қандай маънони англатади? Фикрингизни асар матнига таянган ҳолда изоҳланг.

УМУМЛАШТИРИШ

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------	---	-------------

1. Кунтуғмишнинг қизиқиш доирасини “*Тўплаштириш*” усули бўйича изоҳланг.
2. Достонда қандай бадиий тасвир воситалари қўлланган? Жадвални тўлдилинг.

Тасвирий восита	Далиллар
<i>Сифатлаш</i>	
<i>Ўхшатиш</i>	
<i>Қаршилантириш</i>	
<i>Муболага</i>	
...	


ҚЎЛЛАШ

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------	---	-------------

1. Достоннинг 1-қисмини қандай аташ мумкин? Парчаларга бўлиб, гуруҳларда сахна кўринишини намоиш этинг.



*Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Гуркибой ва Моҳибой, етимлар, овчи ва балиқчилар, чўпон, қизилияк бўри, дўстлик, садоқатлик.*

	Ўқиш		Сўзлаш
---	------	---	--------

...**К**унтуғмиш болаларини қўйнига солиб, карвонларнинг изини олиб, чопган отдай равона бўлиб, югуриб қуваберди. Бир ҳафта деганда Тажан дарёнинг лабига борди. Қараса, Алдархўжа<sup>1</sup> хавотир қилганидан «Мабодо орқамиздан Кунтуғмиш келса, сувдан ўтолмасин, орқамиздан етолмасин», деб дарёнинг қайиқча-кемаларини ҳам сувга оқизиб кетибди. Кунтуғмиш у ёқ-бу ёққа югуриб кўрди, кема-қайиқ тополмади. Ахир иложини топмай, икки боласини йўрғаклаб, ўзини сувга чоқлаб дарёдан юзиб ўтмоқчи бўлди. Боласининг биттасини оғзига тишлаб, у биттасини дарёнинг лабига қўйиб, дарёга кириб, бирор ўттиз қулоч уриб эди, у битта боласини қўйган ерининг олдида бир туп гиша бор эди, шунинг остида бир қизилияк<sup>2</sup> қари бўри писиб ётар эди. Полвон узагандан кейин бўри боланинг белидан тишлаб олиб кетаберди. Бола қўрқиб: «Ота!» – деди. Отаси қараса, бўри тишлаб олиб бораётибди. «Воҳҳ!» – деб эди, оғзидагиси ҳам сувга тушиб кетди. Уни бир балиқ ютди. Кунтуғмиш: «Бу-ку ўлди, унисига етармиканман», – деб сувдан чиқиб қувди. Икки оёқлига тўрт оёқли нега етказсин, у ҳам қутулиб кетди. Шунда Кунтуғмиш болаларидан айрилиб, қанотидан қайрилиб, икки боласининг фироқида Холбекани ҳам эсидан чиқариб: «Эй замона! Қишу ёзингни, кўпу озингни, ўрдак-ғозингни, кеча-кундузингни, ой, офтоб, юлдузингни, осмон-ерингни, ҳар на борингни бор, энангга бер!» деб қадди букилиб, ҳар бир кўзидан қатра-қатра ёш тўкилиб, бир дарди минг бўлиб, ичи ғамга тўлиб, жунун савдоси қилиб, ўз ҳоли-аҳволига наъра тортиб юра берди.

Кунтуғмиш фарзанд доғига сира тоқат келтиролмай, нолишига осмон-ер тебраниб, йиғлаб борар эди. Шу вақтда унинг ноласини эшитиб, бир чўпон келиб қолди. Қараса, одам шер ҳайбатли, йўлбарс сифатли бир киши фалақдан шикоят қилиб, йиғлаганига тоғу тошлар сув бўлиб турибди. Чўпон қўйни қўйиб, Кунтуғмишнинг олдига келиб: Нега мунча йиғлайсан? – деб бир сўз деди. Кунтуғмиш чўпондан хабари йўқ, ўз ҳолига йиғлаб борар эди, кўзини очиб қараса, бир чўпон келиб, «Қайдан бўласан?» деб сўз сўраб турипти. Кунтуғмиш кўнгли қайнаб, бир дардманд тополмай, ичи ғамга тўлиб турган эмасми, чўпонни мунгдош билиб: – Э, бери кел, – деб чўпонга қараб бир сўз деди:

<sup>1</sup> Алдархўжа – Азбархўжанинг лақаби.

<sup>2</sup> Қизилияк – тишлари тўкилган, қари.

Дўрман менинг мамлакатим,  
Қайрилиб синди қанотим,  
Кунтуғмиш дер менинг отим,  
Полвон номи нишон бўлди<sup>1</sup>.

Ёр-ёр дедим қонлар ютиб,  
Ҳар тарафга кўзим тутиб,  
Олдим ёрни нардин утиб,  
Жойим кўшқу айвон бўлди.

Йиғлайин қанотим синди,  
Эсиз, бахтим қаро бўлди,  
Подшосига бўлдим банди,  
Қутулмоғим гумон бўлди.

Кўндим шунда тақдирига,  
Қойил манглайнинг шўрига,  
Бизларни тикди терига  
Бу кенг дунё зиндон бўлди.

Қилди душманлар маломат,  
Кўрдик бир неча аломат,  
Чиқдик теридан саломат,  
Яна кўнгил равшан бўлди.

Бир-бирова бўлиб пайванд,  
Кўнгилларни қилиб хурсанд,  
Насиб бўлди икки фарзанд,  
Яна кўнгил равшан бўлди.

Қидирдим алвон-алвонга,  
Югурдим тоғда ҳар ёнга,  
Тўрт йил юрдим Муғол тоғда,  
Дучор келдим кўп карвонга<sup>2</sup>.

Шириндир одамнинг жони,  
Ҳар кимнинг элда даврони,  
Ўзимни сотиб бир нонга,  
Мен ўлдирдим аждаҳони.

Номус билан орим кетди,  
Қаторимда норим кетди,

<sup>1</sup> Мисраининг мазмуни: Полвон деган ном менинг унвоним бўлди.

<sup>2</sup> Кўп карвон – бу ўринда «катта карвон» маъносида.

Шароб бериб, маст қиб мени,  
Карвон ёрим олиб кетди.  
Дўст карвоним душман бўлди.

Бирини олиб ийнима,  
Бирини солиб қўйнима,  
Қўш боламни топиб олиб,  
Келдим Тажаннинг бўйнига.  
Ўтмаклигим гумон бўлди.

Бировини ютди балиқ,  
Ул ер билан яксон бўлди...  
Армай манглайнинг шўри,  
Биттасин обкетти бўри,  
Уни кўрмак гумон бўлди.

Қарорим йўқ, турай десам,  
Мадорим йўқ, юрай десам,  
Уйим йўқдир, бораё десам,  
Ватаним йўқ, кираё десам,

Ёрим йўқдир, кўрай десам,  
Қўзим йўқ, ўргилаё десам,  
Ажал етмас, ўлай десам,  
Чўпон, бошим сарсон бўлди!

Чўпон: – Э бечора, дардинг оғир экан, – деб қўшилиб йиғлаб, – мен қўйларни қайтариб олай, сени чўпонларнинг қўшхонасига олиб бораман, биз билан бирга бўласан, ўзингга келганингдан кейин Дўрман йўлини кўрсатиб, озиқ-овқат бериб, сени кузатамиз, – деди полвонга тасалли бериб, қўйига қараб кетди. Чўпон қўйларини қайтариб юриб эди. Кунтуғмиш бораётган йўлини ҳам қўйиб, бошқа бир йўлга тушиб, кўнгли жўш уриб: «Бор дунёнгдан кечдим!» деб кетаберди. Чўпон бўридан чўчиб ёйилган қўйларни тўплаб қараса, Кунтуғмиш йўқ, қаёққа кетганини билмай, шу орада бўлса, келиб қолар деб, қўйни ҳайдаб кетди. Энди Кунтуғмишнинг болаларидан эшитинг. ...Олим сайёд<sup>1</sup> деган қатағонлик сайёд бир катта тўрни дарёга ёзиб ўтириб эди. Полвоннинг боласини ютган балиқ шу сайёднинг тўрига тушди. Кўтариб олсалар бир катта балиқ тушибди. Ичини ёрди: «Ота» деб ичидан бир бола чиқа келди. Олим сайёд ҳайрон бўлиб, болани уйига олиб бориб, фарзанди йўқ эди, тарбия қилиб боқаберди.

Энди бўри олиб қочган боладан сўз эшитинг.

---

<sup>1</sup> Сайёд – овчи.



Бўри болани олиб қочди, бир-икки қирдан ошди. Ўнта чўпон итига ош пишириб ётиб эди, бўрининг гузари шулар устидан тушди. Чўпонларнинг кўзи тушди, итини кўшди, бўри шошди, болани ташлаб қочди. Чўпонлар болани тушириб олиб, ҳайрон қолиб, бирови айтди: «Қирга чиққан хотиннинг боласи». Биров деди: «Мўлтонининг боласи», биров айтди: «Бир уйқучи, бефарқ хотиннинг боласи».

Шу ерда ўн бир чўпон доим бир қўшхонада<sup>1</sup> эди. Кунда кечқурун бари йиғилиб келар эди. Кечқурун бояги – Кунтуғмишга учрашган чўпон қўйларини ҳайдаб келса, жўралари: – Э биродар, бизлар букун бўридан бир бола тушириб олиб қолдик, – деб ўртага олиб турибди. Чўпон кўнглида айтди: «Ҳалиги шўрлининг боласи».

Орадан бир-икки кун ўтмай овоза бўлиб қолди: «Олим сайёд балиқнинг ичидан битта тирик бола топган эмиш». Буни ҳалиги чўпон эшитди: «Ҳалиги шўрлининг боласи», деб юрди.

Чўпонлар бўрини «гурк» дер экан, ўз оти ўзи билан боланинг отини Гуркибой қўйдилар. Балиқни сайёдлар «моҳи» дер экан, унисининг отини Моҳибой қўйдилар. Болаларни тарбиятда қўйиб, энди сўзни Холбека ойимдан эшитинг.

Алдархўжа Холбекани Буврахон подшога кўриниш қилди. Подшо қараса, Холбека ойимнинг қадди букилиб, ранглари сарғайиб, қовоғи тортилиб, таёқдай қотиб, қизил қонига ботиб, илгариги ҳусни жилваларидан юзидан бири ҳам қолмабди. Шунда подшо: «Ҳай аттанг, эсиз Холбека соп бўпти-я», деб аркони давлатининг ичида Холбекага қараб бир сўз деб турибди:

Бир вақтингда банот бичдинг тўнликка,  
Қарайман, этагинг кепти енгликка.  
Қайда қолди қошингдаги ҳамроҳинг  
Ўзинг кепсан карвонларман, Холбека?  
Ёлғон дема, сўзла, нозлим, ростидан!

Холбека ойим шоҳдан бу сўзларни эшитиб, товушининг борича чинқириб, кўнгли бузилиб, бағри эзилиб, кўзининг ёши маржондай тизилиб, бир сўз деди:

Подшо, сизга айтай гапнинг бўлганин,  
Орага солмайин сўзнинг ёлғонин.  
Саҳар вақти икки қўлим бойланди,  
Билмайман, ёримнинг тирик, ўлганин.  
Во ҳасрато, ичар сувим лойланди,  
Фалокат бошима ёмон айланди.  
Қор-ёмғирдай қамчи ёғди бошима,  
Саҳар вақти икки қўлим бойланди...  
Бир боғчада олма эди, нор эди

<sup>1</sup> Қўшхона – қўйлар қамаладиган жой.

Айрилган қул бир кўрмоққа зор эди.  
Билмайман ёримнинг тирик, ўлганин,  
Эна деган икки ўғлим бор эди.  
Сувсиз чўлда болаларим ўлгандир,  
Армонман гўдаклар нобуд бўлгандир,  
Гўдакларнинг ҳеч кими йўқ қошида  
Танасини қарға-қузғун олгандир.  
Оҳ тортганда оҳим ипдай эшилди,  
Айрилиқдан сийна-бағрим тешилди.

Подшо айтди: – Шу иккови тери ичида, чўл-жазирада омон қолган экан, ўша икки гўдак ҳам шу Хўжадан отасининг қасосини олмай қўймас. Мен шу баччағар хўжага Холбекани обкеб бер, деган эканманми! Азбархўжани зиндонга ташланглар, молларини подшоликка ўтказинглар! – деб фармон қилди.

Жаллод келиб Алдархўжани зиндонга ташлади. Подшо Холмўмин ясовулбошига қараб: – Э Холмўмин ясовулбоши! Бор, Холбекани сенга бердим! – деди.

Холмўмин жойидан ирғиб туриб, қўл қовуштириб, қуллуқ қилиб Холбекани уйига олиб бориб боқаберди. Холбека ойимни боқмоқда қўйиб, икки калимани ўзга жойдан эшитинг.

Болалар бир иш буюрса қилгудай бўлди, бир ерга буюрса, бориб келгудай бўлди. Ойдан ой ўтди, йилдан йил ўтди, ўн бирга етди.

Юртга овоза бўлиб эди: «Холбекани Зангар подшоси Холмўмин ясовулбошига берган эмиш». Ҳалиги чўпон буни ҳам эшитди. Чўпон ҳар замон қўй ҳайдаб Қатағонга борса, Моҳибойни ҳам қўрар эди. Чўпонпулисини<sup>1</sup> бериб: «Икковимиз ошна бўламиз», деб таниш бўлиб юрар эди. Чўпон бечора кўнглида: «Шу болалар йигирмага борса, Дўрман мамлакатига олиб бориб, таништириб, Кунтуғмиш полвоннинг болалари эканлигини билдирсам», дегич эди. Гуркибой ўнга киргандан кейин, чўпонлар қўй боқтириб қўйди, ҳар кун бирови билан бирга юриб, қўйни боқиб келар эди. Ҳар ўн кунда навбати бир айланиб келар эди. Бояги отасини кўрган чўпонга навбат келса, Гуркибойни иззатлаб, эшагига миндириб, қўйни ўзи боқар эди. Кўп меҳрибонликлар қилар эди.

Болалар ўн иккига кирди. Бир кун ёгин кўп бўлиб, қўй ҳам кўплик қилиб, Гуркибой югуриб чарчади. Қўйни ҳайдаб келиб, хўрагини еб ётиб қолди. Чўпонлар қўйнинг қийига олов бериб<sup>2</sup>, этак уриб<sup>3</sup>, чўғ қилиб, устларини кептириб<sup>4</sup>, гаплашиб ўтириб эди. Бир чўпон гапириб қолди:

– Э биродарлар, шу Гуркибойни бизлар бўридан тушириб олдик, бир одам ҳам излаб келмади-я, – деди. Буни Гуркибой эшитиб дарров қулоқ солди... Бояги Кунтуғмишни кўрган чўпон йиғлаб юборди. Бу чўпонлар айтди: – Сен бир

<sup>1</sup> Чўпонпули – одатда, тоғ-қирларда қўй боқиб юрган чўпонларнинг қишлоқ болаларига берадиган пули, сийлик.

<sup>2</sup> Қийга олов бериш – қўй қийини ёқиш.

<sup>3</sup> Этак уриш – ўтни алангалатиш учун этак билан елпиш.

<sup>4</sup> Устларини кептириш – устидаги кийимларини оловга тоблаш.

нимани биласан, бизларга айтмайсан. Гуркибойни ҳам кўп иззат қиласан. Биз Гуркибой деб эдик, сен йиғладинг. Сен шунинг сабабини айтасан, – дедилар.

Гуркибой ҳам қулоғини тикиб ётибди. Шунда бояги чўпон жўраларига қараб бир сўз деди:

Бу гўдак бу ерда бўлган саргардон,  
Қўй қайтариб, тилаб ейди парча нон,  
Гуркибойнинг зотин айласам баён,  
Отаси дўрманли Кунтуғмиш полвон.

Узоқда Гуркининг манзил, диёри,  
Бехабар боланинг кўп ичкуяри<sup>1</sup>,  
Қатағонда – сайёдларнинг қўлида  
Гуркининг бир Моҳи деган жигари.

Куймасин ҳеч кимнинг кулбахонаси,  
Ўртанмасин қизил гулдай танаси,  
Зангар элда Холмўминнинг қўлида,  
Гуркининг Холбека отли энаси,  
Холмўмин ясовулбоши бўлар тоғаси.

Гуркибой буларнинг барини эшитиб олди, тонг отгунча йиғлаб чиқди. Тонг отди, бир чўпон Гуркибойнинг олдига бир қўра қўйни солиб ҳайдатди. Гуркибой қўйни ёйиб, бир жойга бориб, оқшом йиғлаб чиққан эди, ёнбошлаб ётиб ухлаб қолди. Ўзи чилланинг ичи эди. Қўйларга ўнта оч бўри тегди, ўлдириб, бўғиб кетаберди. Бир чўчиб уйқудан уйғонса, анча қўй тўмпайиб, бўғизланиб ётибди. Қараса, қўй учдан бир бўлипти. Қириб кетипти деб ҳайрон бўлиб, «Энди бундан борсам, чўпонлар урар, балки ўлдираб, менинг кимим сўраб ётипти...» деб кўрқиб қочаберди.

Энди гапни Моҳибойдан эшитинг. У ҳам эпчилгина бола бўлган эди. Сайёдларининг бошқа шогирд болалари бир сават балиқ сотгунча, Моҳибой беш сават, олти сават балиқ сотар эди. Шу сабадан сайёдлар кўп яхши кўрар эди. Бир кун Моҳибой саватни бошига қўйиб, бозорни оралаб: «Ёғли кабоб, доғли кабоб, олиб есанг топасан савоб», деб кабоб сотиб келаётир эди, қараса, бир чалдевор вайронанинг ичида, деворнинг остида, тўртта одам бир-бирига юзма-юз қараб, «гарткам», деб ўтирипти. Моҳибой айтди: «Ўтириб қиладиган касб экан». Жойни кенгайтиб, бу ҳам ошиқни олиб, гарткам деб отаберди. У қиморвозлар Моҳибойнинг «андилигини» билиб, дуқор<sup>2</sup> турса ҳам, ола<sup>3</sup> турса ҳам ўз фойдасига ҳукм қилиб, бир паслда кабобнинг пулини ва устидаги юпқа тўнини бой берди. Пули қолмагандан кейин: «Э, бу ҳам касб эмас экан», – деб Моҳибой ўйлади:

<sup>1</sup> Ичкуяр – ичи ачийдиган, яқинлари маъносида.

<sup>2</sup> Дуқор – чикка, яъни ошиқнинг ютқизиқли ҳолати.

<sup>3</sup> Ола – пукка, яъни ошиқнинг иккинчи бир ютқизиқли ҳолати.

«Энди борсам, сайёдлар қўлимга кабоб бермас, доимгидай кўрмас, урар, балки ўлдирар, менинг кимим сўраб ётипти», деб бу ҳам қочаберди. Қаранг, дарёнинг бу ёғидан Гуркибой, у ёғидан Моҳибой келиб қолди. Гуркибой қараса, дарёнинг у ёғидан ўзига ўхшаган бир етим келаётипти. Қараб турса, етимликдан ками йўқ, ченамоқдан енги йўқ<sup>1</sup>. Гурки унга қараб бир сўз деди:

Баланд бўлма, паст бўлайлик,  
Ғанимларга қасд бўлайлик,  
Дарёдан ўтгин берёққа,  
Кел, икковмиз дўст бўлайлик!

Моҳибой қараса, нақ ўзига ўхшаган бир етим, дарёдан бу ёққа ўт деб, чақириб турипти, дўст бўламан деб алдаб-сулдаб, менинг устимдаги ҳарна қолганни ҳам оламан дейдигандирсан. Менга сен дўст бўлиб, шу кеба-нагингни<sup>2</sup> берасанми? Мен сен билан дўст бўлмайман», – дея сўкинаберди.

Гуркибойнинг меҳри товлаб, укасига қараб, яхши гапириб: «Аччиқланмай жавоб бергин», – деб турибди. Айтган сўзлари таъсир қилиб, Моҳибойнинг кўнгли эриб: «Мен отимни айтганда таниб олиб қўями шу, айтсам айтақолайин-чи», – деб бир сўз деб турипти:

Қавмим йўқ, оғажон, қариндошим йўқ,  
Сайр этайин десам, эмикдошим йўқ,  
Боқмоққа боғим йўқ, ботмоққа тоғим,  
Қувондисиз, бепадардан бўламан!

Ўзим етим, етимликдан камим йўқ,  
Танҳодирман, қошимда ҳамдамим йўқ,  
Ҳеч мураббим, ёнимда ҳамдамим йўқ,  
Мураббийсиз бепадардан бўламан!

Оҳ урсам, ғамхона кўнглим жўшади,  
Алам тортдим, банди бувним<sup>3</sup> бўшади,  
Балиқнинг қорнидан чиққан эканман,  
Отимни Моҳибой етим дейишади!

Моҳибой бу сўзларни айтганда, Гуркибой бечоранинг юрак-пураги ёрилгандай бўлиб, укаси эканлигини билиб, неча ширин забонликлар билан: – Дарёдан ўт, – деди. Бу асло ўтмади. Ахири ўзи дарёдан оқа-оқа ўтди. Шунда Моҳибой: «Бу даштликнинг сувга оқиб энтикишини қара», – деб мазақ қилиб туриб эди,

<sup>1</sup> Иборанинг мазмуни: кийимига қараб кимлигини мўлжаллай десанг, кийимнинг ўзи йўқ, яъни зоти номаълум.

<sup>2</sup> Кебанак – енгсиз оддий уст кийим.

<sup>3</sup> Банди бувин – бўғинларнинг банди. Бу ўринда: «барча бўғинларим» маъносида.

Гуркибой сувдан чиқиб, укаси билан кўришиб, чиначоқ олишиб, болаларнинг расмини қилиб, иккови дўст бўлди. Гуркибой қараса, Моҳибой укаси ёмон теззабон<sup>1</sup>, бир гапни асло тўхтатолмайдиганга ўхшайди. Кўнглида айтди: «Келе, бунга акангман деб айтмайин, мабодо бирор ҳодиса рўй бермасин», деб иккови дўстлик муҳаббатини маҳкам қилиб, йўлга тушиб кетаберди. Йўлда Гуркибой Моҳибойга бу сўзларни айтиб бораётир:

Ақл деган оқиб ётган ариқдир,  
Биров кўпроқ, биров озроқ олибдир,  
Бой билан камбағал йўлдош бўлмайди,  
Қайга борсанг, ғариб тенги ғарибдир.

Ғариблар йиғласа, бедард кулади,  
Бепарво кўнгилга нима келади?  
Дўстим, энди доим бирга бўлайлик,  
Етимнинг қадрини етим билади.

Дўст кечмайди асло дўстнинг баҳридан,  
Оvloқ юрмоқ яхши душман захридан,  
Шаҳар борган яхши-ёмон кўради,  
Бир хабар олайик Зангар шаҳридан.

Болалар бир-бирларига шундай меҳр қўйиб қолдиларки, биров-бировини бир лаҳза кўрмаса, асло тоқат қилолмайди. Болалар шу юрганча уч ҳафта йўл юриб, Зангар шаҳрига етди. Бу катта шаҳарнинг ичига кириб эди, Гуркибойнинг оғзи очилди қолди. Лекин Моҳибой шаҳар жойда ўсган эмасми, уриб кетиб бораётипти. Бу болаларни ҳар ким кўрса: «Йўл бўлсин, болалар», деб гап қотади. Моҳибой: «Бизлар нон талаб», деб жавоб беради. Улар айтади: «Ундай бўлса, бировинг бизникида турунглар». Моҳибой айтади: «Биз икковимиз айрилмаймиз, агар айрилсак, тонг отмас, кун ҳам ботмас. Икковимиз бир кишида хизмат қиламиз», – деб кетиб бораётипти. Гуркибой оғзи очилиб, ҳар дўконга бир қараб: «Одам ҳам бундай кўп бўлар экан», – деб кейин-кейин қолади. Унда Моҳибой тўхтаб: – Тез юрсанг-чи? – деб чақириб туради. Гуркибой: – Бораётимман! – деб тагин кейин қолади.

Болалар Зангар шаҳрида тасодифан тоғалари Холмўминга хизматкор бўлиб ёлланадилар. Биласизки, Холмўмин ясовулбошиникида оналари Холбека истиқомат қиларди. Кунтуғмишни танийдиган чўпондан отасининг саргузаштларини эшитган Гуркибой онасини танийди, аммо таниганлигини сездирмайди.

Болаларнинг борганига беш-олти ой бўлиб эди, шу шаҳарнинг подшоси Буврахон ўлди. У вақтда подшо ўлса, давлатқуш деган қуш бўлар экан, қушни учи-

<sup>1</sup> Теззабон – тили тез, гапдон.

рар экан, қуш кимнинг бошига қўнса, подшо қилар экан. Давлатқушни учирганига уч кун бўлган эди.

Зангар шахрининг катта-кичик одами далада эди. Қуш гоҳ дарахтга, гоҳ деворга қўниб юрар эди. Шу вақтда Кунтуғмишнинг ҳам гузари шу ерга тушиб қолган экан. Кунтуғмиш катта бир чилимни белга боғлаб олибди, ёмон жандалар кийиб олибди, ҳеч ким билан иши йўқ, одам билан ҳуши йўқ. Чекади банг, айтади вадаванг. Бир қуриб қолган дарахтнинг остига бориб, кўмир қилмоқчи бўлиб, олов ёқиб, нашанинг тараддудида эди, давлатқуши Кунтуғмишнинг бошига қўнди. Шаҳри Зангарнинг одамлари қушни қувлаб борса, қуш бир девонанинг бошига қўнган. Аркони давлат отдан тушиб, иззат-икромлар билан салом бериб: «Тақсир подшойим, юртингиз қутли бўлсин», – десалар, Кунтуғмиш тескари қараб дим индамайди.

Ахир одамлар қушни олиб кетдилар. Подшонинг аркидан боз учирдилар. Яна келиб Кунтуғмишга қўнди. Бу маврид ҳам: «Юртингиз қутли бўлсин», – десалар, дим индамайди. Тағин қушни олиб кетдилар. Олиб бориб яна арқдан учирдилар. Қуш келиб, учинчи мартаба бангининг бошига қўнди. Бу маврид шахри Зангарнинг уламолари, фузалолари<sup>1</sup>, катта улуғлари келиб, муборакбодлик қилиб:

– Тақсир подшойим, юртингиз қутли бўлсин, – десалар тескари қараб, жавоб бермади. Шунда катталар туриб айтди:

– Эй ёронлар, уч дебди, уч дебди, учдан кейин пуч дебди. Энди шу одамни олиб бориб подшо қилмоқ даркор. Шу ишга қараганда бу одам назаркарда одам, ё бўлмаса, қушни арвоҳ урган. Агар банги бўлса, жинни бўлса, бир куни подшолик тахтини ташлаб кетиб қолар, бировинг подшо бўласан-да, – деб қўлидан чилимини тортиб олиб, бир оқ кигизнинг устига чиқариб, чир теварагидан кўтариб, жарчилар: – Замон кимнинг замони, қаландархоннинг замони, – деб кўча-кўчаларга жар солиб қичқираверибдилар. Кунтуғмишни кўтариб тилла тахт устига ўтқаздилар. Ана Кунтуғмиш ёшлиқдан бери юрт сўраб юрганни кўрган эмасми, Зангарни узукдай чангалига олиб, чирсиллатиб сўраб кетаберди. Шунда умароларга фармон бўлдики: «Менинг ...амалдорларим бир ҳафтадан жиловхонада истиқомат қилиб кетсин». Аввал навбат Холмўмин ясовулбошига етди.

Ясовулбоши ҳовлисига келиб, аввал Гуркибой билан Моҳибойга тайин қилди: – Ў болалар, мен янги бўлган подшонинг жиловхонасида бир ҳафта туриб келаман, лекин сизлар оқшом ухламанглар, кундуз ухланглар! Сипойи халқнинг душмани кўп бўлади, кеч бўлганда асло дарвозани очманглар, мабодо болалик қилиб бир ҳодиса рўй бермасин, – деб кўп тайинлади. Кейин ичкарига кириб, аёлига тайин қилдики:

– Ў хотин, иккита етим бола илгариги етимлардай бепарво қолиб, кетиб қолмасин, ҳол-аҳволидан хабардор бўл. «Э етим-да, дема! Мен буларнинг охирини кўраман деб юрибман. Буларни асло етим демагайсан», – деб хотинига кўп тайинлади. Ундан сўнг ҳовлисидан чиқиб, подшонинг давлатхонасига кетди.

<sup>1</sup> Фузало – фозиллар, фазилатли кишилар, олимлар.

Холбека ойим чечасига<sup>1</sup> айтди: – Янга, акам сира етимни демас эди, икки етим бор деб оғзидан туширмайди. Шу етимларни бир кўрсак нима қилади?

Холмўминнинг хотини айтди: – Акангиз бўлса чиқиб кетди, кўрсангиз юринг эса, кўрсатиб келайин, – деб битта нон, бир коса сув олиб меҳмонхонанинг эшигидан узатиб эди, Моҳибой келиб қўлидан олиб кетди. Икковлари ўтириб, нонни ўртага қўйиб емакчи бўлиб туриб эди, Холбека ойим меҳмонхонанинг такча эшигидан қараб, икковини кўрган ҳамоно увуз эти ув бўлиб, тўла бадани сув бўлиб, бутун аъзосида ларза пайдо бўлиб, эмчагига сут келгандай бўлди. Қадди букилиб, кўзидан ёш тўкилиб, товушининг борича чинқириб йиғлайберди.

Шунда Холбека ойим янгасига қараб бир сўз деди:

Боламдан айрилдим, қанотим синиб,  
Йўлига термилдим, кўзларим тиниб.  
Шу болларни кўрган замон, янгажон  
Кўкрагимга сутим тўлди ийсиниб.

Омон бўлсин болаларим ўлмасин,  
Тоза гулдай офтоб тегиб сўлмасин,  
Афт-андоми, қоши-кўзи ўхшайди,  
Шу иккови икки болам бўлмасин?!

Энасини келганини Гуркибой билди,  
Моҳини қўйнига олиб йиқилди.  
Гуркибой кўп гапни гапга улайди,  
Моҳини айқалаб бебахт йиғлайди.  
Йиғлаганга ҳайрон қолиб Моҳибой,  
«Нега мунча йиғлайсан» деб сўрайди...

Холмўминнинг кетганига тўрт кун бўлиб эди. Болалар оқшом ухламас эдилар. Уйқу ғалаба қиладиган бўлгач, Гуркибой айтди: – Э Моҳижон, уйқу ҳам гаранг қилди, уйқу бўлмаса бу ҳам бало экан, шу бугун тикка туриб ухлаб қолмасак дейман.

Моҳибой айтди: – Уйқуни қочирадиган ишлар бор. Мен бир иш қиламан деса, сен уришаберасан, шунинг учун сенга айтолмайман.

Гуркибой айтди: – Сен бир касофат ишни қиламан дейсан, шунинг учун қўй деб уришаман, бўлмаса нега уришайин. Уйқу келмайдиган ишинг бўлса, шуни қил, – деди.

Моҳи айтди: – Уйқунинг офати бўза-да<sup>2</sup>, жонингдан, бўзани ичиб олгин, уйқунг қаёққа қараб кетар экан...

<sup>1</sup> Чеча – янга.

<sup>2</sup> Бўза – ғалладан ачитиб тайёрланадиган маст қилувчи ичимлик.

Гуркибой айтди: – Сен касофат ишни қиламан дейсан! Бўзани сотиб олмоққа пулинг бўлмаса, бўзага маст бўлиб далбанглаб юрганда, қўлга тушсак, э бу бола-да деб, қўллайдиган одаминг бўлмаса?

Моҳибой айтди: – Э мужмал, бўзага ҳам пулми? Шаробчига бориб, ясовулбоши буюрди деб катта бир кўзасини олиб келаман, – деб югуриб чиқиб кетди.

Чопиб бориб, бўзахонанинг эшигини тақ-тақ урди. Бўзафуруш айтди: – Ким? – Ясовулбошининг еtimi, – деди.

Шаробчи ирғиб туриб, чироқни ёқиб, эшикни очиб: – Э укажон, келаберинг, келаберинг, бизлар билан ошна-таниш бўлаберинг, ҳар қанча бўза керак бўлса, олиб кетаберинг, бемалол, – деб бир кўзани орқалатди. Моҳибой кўзани кўтариб етиб борди.

Гуркибой айтди: – Мен чўпонлардан эшитар эдим, бўзани қирқ одам ичар эмиш, бўлмаса, чортанг<sup>3</sup> бўлиб ичар эмиш.

– Сен Гурки, гапни нима биласан! Сени бий қиламан, ўзим косагул бўламан, сенинг телпагинг ўнг оталиқ<sup>4</sup> бўлади, менинг телпагим чап оталиқ бўлади, чортанг бўламиз. Холбека пиёла, тоғорани беради-да, – деб югуриб чиқиб кетди. Бориб эшикни тақ-тақ урди. Холбека айтди:

– Ким?

Моҳибой айтди: – Етим.

– Нега келдинг?

– Битта тоғора, битта пиёла беринг, бўза ичамиз, – деди. Холбека айтди: – Бўза ичмакни ким қўйипти сизларга? Шаҳримизнинг янги бўлган хони бор, бўзанинг таъқиқи қаттиқ! – деб эди, Моҳибойга қаттиқ тегди, йиғлаб қайтиб, тикка Гуркининг олдига келди...

Моҳибойнинг йиғлаб қайтгани Холбека ойимга кўп таъсир қилиб эди. «Ҳай аттанг, аввал қилган пайравлигимнинг барини бекор қилдимми, шу етим кўнгли қолиб йиғлаб кетди», – деб жойидан туриб, бир тоғора билан пиёлани олиб, болаларнинг орқасидан борди. Болалар тоғора билан пиёлани кўриб, димоғи чоғ бўлиб, кайфи тўғри бўлди. Лекин кулишиб-ўйнашолмади, Холбекадан ийманди. Холбека буни фаҳмлаб: «Менинг олдимда булар ёзилмас экан», – деб астагина чиқиб кетди. Болаларга билдирмай, томнинг устига чиқиб, мўридан қаради-да, турди.

Унда Моҳибой Гуркибойга: – Ў «бий бова», чўккалаб ўтиринг, катта одаминг ёнбошлаб ётиши уят бўлади, – деб турғизиб ўтқазди. Ўзи билакни шимариб, этакни қайтариб, Гуркибойнинг телпагини ўнг оталиқ қилиб ўнг тарафига чалқа қилиб ўлтирғизиб қўйди; ўзининг телпагини чап оталиқ қилиб чап тарафга чалқайтириб ўтқизиб қўйди. Моҳибой: – Эй оталиқ телпақлар, дуруст ўтиринглар, – деб телпақларга ҳам дўқ қилаётир... Моҳибой пиёлани бир-икки айлантирди, телпақнинг ичи тўлиб қолди. Моҳибой айтди: – Э Гуркибой, мен шуларни мажлисга қўшманг деб айтиб эдим, сиз кўнмадингиз. Буларнинг оғзи очилиб қолди. Бир югуртиб олайлик, дуруст бўлиб қолар, – деди. Иккови ҳам

<sup>3</sup> Чортанг – тўртовлон.

<sup>4</sup> Оталиқ – маслаҳатчи, сарой амалдори.



жойидан ирғиб туриб, ўзининг телпагини уйнинг уёғидан буёғига қараб тегиб кетди. – Энди дуруст бўлгандирсизлар, – деб телпакларни яна жойига қўйиб, қайтадан бўзани сузиб, икки телпакни ҳар тўлганда иккови тепа-тепа, икки телпак билан тўртов бир кўза бўзани ичиб қўйди. Гуркибой асло бўза ичмаган эди, бу суҳбатни кўрмаган эди, шундай маст бўлдики, ўзидан ва сўзидан хабарсиз бўлди. Моҳибой ичиб кўрган эди, бу ҳам маст бўлди, ўзидан хабари бор эди.

Холбека ойим томнинг устида шу икки боланинг бўзани ичиб, телпакларини тегиб юмалатганига кулиб ўтириб эди. Шунда Моҳибойнинг юраги тошиб, етимлигининг сабабини, беқавму қариндошлигини Гуркибойга арз қилиб, бир сўз деди:

Оҳ десам, тўкилди кўздан селоб ёш,  
Гуркибойжон, «туғмаганнинг туби тош<sup>1</sup>».  
Илоҳи, етими қурсин, Гуркибой!  
Кишида бўлмасми қавму қариндош?

Мен бебахтни шоду хандон айласанг,  
Не бўлур қувонтиб, хурсанд айласанг?  
Гуркибой, билмайман ота-энамни,  
Агар билсанг, нетар баён айласанг?

Гурки бечора ўзини тўхтатолмай юраги тошиб, Моҳибойга: – Э жигарим, кинининг зоти-зурёди, ота-энаси, эли-юрти бўлмасми, деб бир сўз деди:

Узоқда, Моҳибой, ўсган диёрим,  
Беҳабар қолгандир кўп ичқуярим,  
Икковмиз сут эмишган ширхўра,  
Мен акангман, сен бўласан жигарим!

Бу етимлик бизни қилди саргардон,  
Меҳнат қилиб, тилаб еймиз парча нон,  
Зотимиз айласам мен сенга баён,  
Отамизнинг оти – Кунтуғмиш полвон.

Сен шўрлини сувда балиқ ютгандир,  
Мен шўрлини бўри олиб кетгандир,  
Шундай бўп<sup>2</sup> айрилган икковгинамиз,  
Ғам билан сарғайган гулдай танамиз,  
Икковимиз сут эмишган ширхўра,  
Шу бебахт Холбека – бизнинг энамиз.

<sup>1</sup> Иборанинг мазмуни: одам бировнинг боласига меҳр кўрсатолмайди.

<sup>2</sup> Бўп – бўлиб.

Моҳининг кўз ёши равона бўлиб,  
Акам деб, ақлидан бегона бўлиб,  
Чинқириб, зор йиғлаб турди жойидан,  
Гуркининг бошидан парвона бўлиб.

Бу сўзни Гуркибой Моҳига айтди,  
Холбека хатосиз барин эшитди,  
Болларининг бу сўзини эшитиб,  
Қувонгандан бебахт ўзидан кетди.

Алам тортиб банди-банди бўшлади,  
«Во ҳасрато» хумор кўзни ёшлади,  
Бу сўзларнинг барин шўрли эшитиб,  
«Во болам» деб, томдан ўзин ташлади.

Холбека ойим болалари билан топишди. Айтди: – Э гўдакларим! Сизлар жуда ёш эдиларинг, мураббийларинг йўқ эди, ўлди демакка тилим бормас эди. Хаёлим билан тирик қилар эдим. Энди менга бола қаёқда деб умидимни узган эдим. Минг-минг шукур, тирик бор экансиз.

Холбека болаларига айтди: – Сизлардан кўнглим жой бўлди, Зангари қурсин. Бу юртнинг подшоси, амалдори оталарингга зулм қилди, сизларга ҳам зулм қилади. Мени десаларинг, тонг отмай кетинглар, биров кўрмасин, билмасин, – деди:

Эшитинглар, боллар, энанг дардини,  
Изланглар отангнинг Дўрман юртини,  
Тонг отмай чиқинглар Зангар шаҳридан  
Эгарлаб мининглар акам отини.

Ҳар тарафга бедов отни чопинглар,  
Дўрман бориб, отанг дўстин топинглар,  
Қирқ жўраси билан Зангарга келиб,  
Энангни бу ердан олиб кетинглар.

Холбека ойим шоҳона сарполарни олиб келиб, қип-қизил кийимларга болаларни ўраб ташлади. Ёв-яроғ, йўл харжисига давур олиб келиб берди. Болаларнинг ўзлари боқиб ётган икки отни берди... Болалар энасидан жавоб олиб, эрта сахар шаҳарнинг дарвозасидан чиқиб жўнади. Саккиз кун йўл юриб, Олатоққа етди. Моҳибой қараса, минг – бир, икки минг – бир, уч минг – бир, тўрт минг – бир ўн мингча йилқи ёйилиб юрипти. Буврахон подшонинг йилқиси Олатоғда юрар эди. Қанча қулни хотин, бола-чақаси билан шу йилқиларга қарайсан деб ўтқазиб қўйган эди. Шу қулларга икки амалдор сардор, катта эди.

Моҳибой шўхлик қилиб, бир тўп йилқини олдиға солиб ҳайдаб юраберди. Шунда қуллар қарашиб: – Э ҳа, воҳа..., ўхў!.. Ҳазил қилма, ҳов бола! Нобуд бўласан! – дейишяпти. Моҳибой йилқиларни ҳайдаб, чинқириб юраберди. Шунда икки амалдор отларга миниб, қўриқларини<sup>1</sup> қўлларига олиб, «Молни қаёққа олиб борасан!» деб чинқириб, оғзига келганини айтиб, сўкиниб келаётипти:

Юрган йўлим бўтакўзли жўнагар,  
Найза текса, оқ бадандан қон оқар,  
Йилқим семиз қоратерли<sup>2</sup> бўлмасин,  
Молларни жойига қўйгин, баччағар!

...Моҳибой қараса, икки амалдор сўкиб келаётипти. Моҳибой айтди: – Э нокас, мол ҳайдаган одам сенга бермайди-да! «Ўзингни эр билсанг, бировни шер бил» деган экан. Сендан қўрқдикми? Биз ҳам сендай зўрни излаб юрган, кел! – деб турипти.

Энди кўринг, боллар майдон бошлади,  
Тараф келди, деди вақтин хушлади.  
Чинқираб, варқираб икки амалдор,  
Болларнинг бўйнига қўриқ ташлади...

Энди кўринг, боллар «ўйин» бошлади,  
Майдон бўлди, деди вақтин хушлади,  
Бир юлқувда тортиб олиб қўлидан,  
Қўриғини ўз бўйнига ташлади.

Армон билан билмаганин билдирди,  
Зўрлик қилиб, ичин ғамга тўлдирди,  
Қўриқ билан йиқиб, отдан ағдариб,  
Амалдорнинг оғзин қумга тўлдирди.

«Талабгоринг келабер!» – деб иккови йилқиларни қувиб, олдиға солиб ҳайдай кетди. Ҳайдов кўрмаган хом йилқилар терлаб чарчаб қолди. Шунда бир кўлнинг лабига бориб қолдилар. Моҳибой айтди: – Э, Гуркибой, кўп чарчадикку, шу ерда ётиб, бир дамимизни олиб ўтиб кетсак нима қилади? Гуркибой ҳам: – Хайр, – деди. Шунда иккови йилқиларни орқасига қайтариб, отдан тушди. «Отимиз депсиниб, чивинлаб, чангитиб бизни ухлатмас», – деб отларни узоққа бойлади. Иккови ҳам кийимларини ечиб, чопонларини устларига ойқора<sup>3</sup> ёпи-

<sup>1</sup> Қўриқ – йилқиларни ушлашда ишлатиладиган сиртмоқ арқон.

<sup>2</sup> Қоратерли – семиз йилқи совутилмай бевақт чоптирилса, терлаб йўлиқадиган касаллик.

<sup>3</sup> Ойқора ёпиш – чопонни ярим ойга ўхшатиб, бир учини бошига, иккинчи учини оёғига қилиб ёпиш усули.

ниб ётди, бошини қўйгандан қаттиқ ухлаб қолди. Буларни уйқуда қўйинг, гапни бошқа ердан эшитинг.

Бир йилқибоқар келиб: «Дод йилқига ўғри дегди», – деб бўлган сўзларни подшога арз қилиб эди. Шунда подшо: «Шу ўғриларни топасан-да, келасан!» – деб лашкар жўнатиб юборди. Лашкар кеча-кундуз йўл тортиб, ...кўлга келиб қараса, болалар ухлаб ётипти. Лашкар таппа-таппа отдан ташлаб, икки боланинг уйқуда қўлини маҳкам боғлаб, икковининг бошига қамчи ёғдирди.

Шунда Моҳибой қамчи ёғиб турганини ўзи назар-тузар қилмай, акасига қараб бир сўз деди:

Гуркибой, олмадим сенинг тилингни,  
Аттанг-а, кўрмадим Дўрман элимни,  
Уйқуда боғлади нозик қўлимни,  
Мен учун сен ҳам кўрдинг ўлимни.

Банди бўлдим армон билан душманга,  
Ичим тўлди қайғу билан армонга,  
Мард бўлиб кирмадим, қайтай, майдонга,  
Қасофатим тегди, Гуркибой, сенга.

...Кунтуғмиш аркони давлат ...билан ўтириб эди. Иккита болани олиб борди. Кунтуғмиш болаларни кўргандан меҳри товланиб, кўнгли бузилиб, бағри эзилиб: «Келе, бу болаларнинг оғзига бир луқма солай, агар бизлар қилганимиз йўқ деса, озод қилай», – деб икки боласига қараб бир сўз деди:

Қизил гул очилар ғунчама-ғунча,  
Тоқатим йўқ тағи гул очилгунча,  
Рост десам, икковгинанг ёш бачча,  
Ёлғон десам, бунда гувоҳ бир неча,  
Ҳайдаганинг ёлғонмиди, ростмиди?  
Ёш болалар, кўнглингни шод айлайин,  
Бу фоний дунёдан фарёд айлайин,  
Ростин айтсанг, боллар, озод айлайин,  
Ҳайдаганинг ёлғонмиди, ростмиди?

Подшонинг бу сўзини эшитиб, – мункир<sup>1</sup> келса, озод бўлар эканмиз, лекин мардлик қўлдан кетади, – деб Моҳибой – Э подшойим, мардлар ўламан деб сўздан қайтмапти, – деб бир сўз деди:

Йўқчилик жўмарднинг<sup>2</sup> кўзин ўяма?  
Ўламан деб мард қавлидан тояма?

<sup>1</sup> Мункир – инкор қилувчи.

<sup>2</sup> Жўмард – сахий, олижаноб одам.

Оқсудан йилқингни ўзим ҳайдадим,  
Қўлингдан келганин қилгин, аяма!

...Шунда подшо ҳайрон бўлиб, нима дерини билмай қолди. «Ўғрилиги аниқ» деб эшитгандан кейин, аввалдан ҳукм бўлган эди, жаллодлар уриб-сўкиб дорга қараб олиб кетаберди. Шунда Холбека бечора ҳам аёллар билан дорнинг олдидаги томнинг устига чиққан эди, шундай тикилиб қараса, икки боласини жаллод-мирғазаблар олиб келаёттипти. Болаларини таниб, ичи ўтдай ёниб, чирқираб, томдан ўзини ташлади. ...Дорни кўрганда эна эмасми, жони чиқиб қўрқиб, «ҳа» дерга ҳоли, юрарга мажоли бўлмай, дорга қараб бир сўз деди:

Узоқда болларнинг манзил-диёри,  
Зор йиғлайди энаси – ичкуяри,  
Ҳақиқат излаган сенга осилди,  
Бирдан йиқиلاكўр золимнинг дори!  
Дўрман – болаларнинг манзили-жойи,  
Кўкка чиқар мендай куйганнинг ойи<sup>1</sup>  
Қанча эди болларимнинг гунойи?  
Бирдан йиқиلاكўр дорнинг оғочи!

Энасининг бу сўзларига Гуркибойнинг юрак-бағри эзилиб, энасига қараб: – Э шўрли, қисмати қаттиқ энам, бу дунёга келиб бирор шод бўлмай, йиғлаб ўтган энам, бу оғочнинг қўлидан нима келади? – деди. Гуркибой қараса, жаллодлар Моҳининг бошида, Моҳини ўлдирмоқчи бўлаёттипти. Шунда энасига айтаётган сўзини қўйиб, жаллодларга айтди:

– Ў жаллодлар! Аввал мени ўлдиришлар, менинг олдимда Моҳи ўлмасин, менинг кўзим кўрмасин! Менинг ёшим катта йўл меники! Жаллодлар: – Ёши катта бўлса, аввал шуни ўлдирайлик, – деди. Шунда Моҳи зор йиғлаб:

– Эй жаллодлар! Гуноҳни мен қилганман, Гуркибой мени шунча қайтарди, айтганини қилмадим. Гуркининг гуноҳи йўқ, мени ўлдиришлар!.. – деб жаллодларга қараб бир сўз деди:

Қонлар оқсин менинг икки кўзимдан,  
Янгилмадим<sup>2</sup> асло айтган сўзимдан,  
Бу ишда Гуркининг йўқдир гуноҳи,  
Қанча гуноҳ бўлса, ёлғиз ўзимдан!  
Бекларнинг белида олмос қиёғи<sup>3</sup>,  
Ғам билан сарғайган гулдай сиёғи,  
Кунтуғмишнинг уйи сабил қолмасин,  
Қуримасин полвон отам туёғи!

<sup>1</sup> Ойи – ой.

<sup>2</sup> Янгилмадим – янглишмадим.

<sup>3</sup> Қиёғи – пичоғи, ханжари.


Энди кўринг, полвон кўзин ёшлади,  
Қувонгандан ёқасини ушлади,  
«Во болам!» – деб майиблардай инграниб,  
Кунтуғмиш тахтидан ўзин ташлади.

Кунтуғмиш тахтидан тушиб, ақлидан адашиб, нима қиларини билмай шошиб, чошиб дорнинг остига келса, томошабинлар зич-тўп бўлиб турипти, йўл бермайди.

Одамларнинг: «Подшо келди», – деганига жаллодлар шошиб, «Шу вақтга довур ўлдирмабсан», – деб бизларни ўлдиради деб, Моҳибойга пичоқ солмоққа шошиб, бўйнидан арқон билан курмак<sup>1</sup> бойлаб, мирғазаблар: «Торт!» – деб юборди. Тортиб юборди. Кунтуғмиш полвон чошиб келиб, Моҳибойни суяб, жаллодларга: «Ипни қўйиб юбор!» – деди. Жаллодлар ипни қўйиб юборди. Моҳининг дами тутилиб, нафаси ичига тушиб қолди. Кунтуғмиш Моҳини кўкрагига олиб: «Шамолни очинглар!» – деб ҳар кўзидан етмиш қатра ёшини тўкиб, Моҳининг бетига тикилиб турибди.

Шу турган ҳалойиқ билди: Шу – Кунтуғмиш полвон экан, ўғри бўлиб қўлга тушган болалар – қумда қолган ўша гўдаклар экан. Арқони давлат, Холмўмин бош бўлиб келиб, Моҳибойни суяб кўтариб, арқка олиб чиқиб кетдилар. Бир соатдан кейин Моҳибой ўзига келди. Холбека бечора Моҳини бағрига босди.

...Кунтуғмиш элга тўй бериб, тўй томом бўладиган куни жаами арқони давлатни йиғиб, Холмўминни Зангарга подшо қилди. Энди Кунтуғмиш полвон Дўрман элига бормоқчи бўлиб, йўл жабдуғини тайёрлади. Икки боласи, қошида Холбека ёри билан, қанча хизматкор, канизаклари билан жўнади. ...Кунтуғмиш омон-эсон, сиҳат ва саломат юртига бориб, синглиси Оппоғой билан, қавму қариндошлари билан, ўзининг ёри жўралари билан кўришди. Кунтуғмиш Дўрман элига тўй бериб, мурод-мақсадига етди.



1. Кунтуғмиш болаларидан қандай айрилиб қолди?
2. Кунтуғмишнинг чўпон билан танишиш воқеасини айтиб беринг. Чўпоннинг инсоний фазилатлари ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Етимларнинг ҳаёти қандай кечди? Етим бўлиш осонми?



<sup>1</sup> Курмак – арқон боғлаш усули. Курмак бойланганда, арқон тортилган сари маҳкамроқ сиқилаверади.

## ТУШУНИШ

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>
---	------------------------	---	----------------

1. Гуркибой ва Моҳибойни чўпонлар ва балиқчилар қароргоҳидан қандай сабаб қочишга мажбур қилди? Жавобингизни изоҳланг.
2. Гуркибой ва Моҳибойларнинг дўстлашиш воқеасига ўз фикрингизни билдиринг. Жавобингизни асар матнига таянган ҳолда далилланг.

## ҚЎЛЛАШ

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

1. Достоннинг 2-қисмига сарлавҳа қўйинг.
2. Холбеканинг “Кўкрагимга сутим келди ийсиниб” деган ифодасининг ҳаётда қўлланилиш асосларини изоҳланг.

## ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

1. Гуркибой ва Моҳибойларнинг исми нимани англатади? Сабабини тушунтиринг.
2. Достондаги шевага хос сўзларни топинг ва қуйидаги жадвални тўлдириб, иш дафтарингизга ёзиб олинг.

Шевага хос сўзлар	Адабий тилдаги шакли
<i>Обкеб бер</i>	<i>Олиб келиб бер</i>

## УМУМЛАШТИРИШ

Моҳибой ва Гуркибойларнинг табиатига хос хусусиятларни “Т-жадвали” усули бўйича шарҳланг.

Гуркибой		Моҳибой	
<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>	<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>

## БАҲОЛАШ

1. Достондаги қаҳрамонларнинг қайси сифатларидан ибрат олиш мумкин? Қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатига ўз фикрингизни билдиринг.
2. Асар якуни сизни қаноатлантирадимиз? Достонни яна қандай тугатиш мумкин?



**Билиб олинг!**

## ИШҚИЙ-ҚАҲРАМОНЛИК ДОСТОНЛАРИ

“Достон” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “қисса”, “ҳикоя”, “тарих” маъноларини ифодалайди. Ўзбек бадиий адабиётида достонлар яратилиш усулига кўра икки хил бўлади. Биринчи тури ёзма адабиёт вакиллари томонидан ҳар бир банди маснавий – икки мисрадан иборат, фақат шеърий шаклда яратилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Навоийнинг «Хамса» асаридаги бешта достон ва ҳоказолар. Ёзма адабиётдаги достонлар аруз вазнида ёзилади. Индивидуал ижод маҳсули ҳисобланади. Иккинчи тур достонлар оғзаки ижод маҳсули сифатида фольклор аъёналарга бўйсунган ҳолда яратилади. Адабиётшунос олим М.Саидов таърифича, оғзаки ижоддаги достонларда шеърий ва насрий парчалардан иборат бадиий манба – матн бўлиши керак. Иккинчидан, достоннинг мусиқаси бўлиши лозим. Учинчидан, достонни бир киши ижро этганлиги тўғрисида кўпчилик ҳақида қўбиз чала билиши зарур. Тўртинчидан, достонни кўйлаётган бахши яхши овозга эга бўлиши ва қўшиқ айтиш маҳоратини эгаллаган бўлиши зарур.

Халқ оғзаки ижодидаги достон фольклоршунос олимларнинг диққатини алоҳида ўзига жалб этган, ўзбек халқ оғзаки ижоди таркибида энг кўп ўрганилган, катта мунозараларга сабаб бўлган, қолаверса, ўзбек халқ оғзаки ижоди меросини бутун дунёга маълум ва машҳур қилган жанрдир.

Умуман, достонлар мазмунан қуйидаги турларга бўлинади:

1. Қаҳрамонлик достонлари («Алпомиш», «Чамбил қамали» ва б. достонлар).
2. Ишқий-романтик достонлар («Равшан», «Кунтуғмиш»).
3. Жангнома достонлари («Якка Аҳмад»).
4. Китобий достонлар («Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Сайёд ва Ҳамро»).
5. Тарихий достонлар («Ойсулув»).

Достонларнинг ижодкорлари реал одамлар ҳақида ҳикоя қилишдан кўра инсон тўғрисидаги ўз орзуларини ифодалашга кўпроқ ҳаракат қилганлар. Достонларнинг сюжети ҳам шунчаки воқеалардан, оддий кечмишлардан эмас, балки қизиқарли, кўрқинчли, кутилмаган саргузаштлардан иборат бўлади.

Халқ достонларининг жуда катта қисми севги саргузаштларини тасвирлашга бағишланган бўлади. Бундай асарлар адабиётшуносликда ишқий достонлар дейилади. Шуниси қизиқки, достон қаҳрамонларининг муҳаббати ҳам доим ғайриоддий тарзда бошланади ва яқун топади. Эътибор қилинг, «Равшан»да Зулҳумор узукда кўринади, «Кунтуғмиш»да эса, Холбека йигитни тушида йўлиқтириб, Кунтуғмиш қизнинг суратига ошиқ бўлиб қолади.

Ишқий достонларнинг ўзига хослигини таъминлайдиган асосий бадиий белги ҳам севгининг, айнан, бир-бирини кўрмаган одамлар ўртасида ғойибдан пайдо бўлишидир. Муҳаббатнинг ғойибдан пайдо бўлиши унинг қадр қимматини оширади.



Илоҳий туйғуга етишмоқчи бўлган қаҳрамонлар эса, оддий кишилар бўлмаслиги ва уларнинг фавқулодда жисмоний, ақлий, руҳий қудратга эга бўлиши табиий бир ҳолдир. Ғойибдан белги берилган муҳаббатга эришиш ҳеч қачон ҳам осон бўлмайди. Чунки яхши ниятли кишилар йўлига тўғаноқ бўладиган шайтон малайлари ҳамиша ҳам бор. Достон персонажлари ана шундай кучларга қарши кураш йўлида ақл бовар қилмайдиган қаҳрамонликлар кўрсатадилар. Адабиётшунослик илмида бу хилдаги асарлар қаҳрамонлик достонлари саналади.

Ишқий достонларнинг ҳаммасида қаҳрамонлик унсурлари учрайди. Шунинг учун уларни ишқий-қаҳрамонлик достонлари дейиш тўғрироқ бўлади. Севги ҳамиша одамни қаҳрамонликка ундайди. Қаҳрамонлик эса муҳаббатнинг ушалишига олиб келади. Бошқа ҳамма қизлардан ҳусни, ақли, кучи билан ортиқ бўлган сулувга ошиқ бўлган йигит достонда қатор қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиши ва ўз муҳаббатига азобли синовлар орқали етишуви шарт бўлган.


«Кунтуғмиш» достони бир-бирига илоҳий севги билан боғланган икки кишининг машаққатларга тўла муҳаббат тарихи тасвирига бағишланган. Кунтуғмиш ва Холбекани адоқсиз азоблар ичидан олиб чиққан туйғу покиза ва соф севгидир. Ҳанузгача севги-муҳаббат инсон ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Туйғу эскирмас экан, ўша туйғунинг кўркем бадиий ифодаси ҳам оҳорини йўқотмай қолаверади.





Ўқиш

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ**  
(1020/21–1085)



Юсуф Хос Ҳожиб (асл исми Юсуф) тахминан 1020/1021 йили Боласоғунда (айрим манбаларда Қуз Ўрду) дунёга келган. У туркигўй шоир, мутафаккир, давлат арбоби ҳамда «Қутадғу билиг» достонининг муаллифи. Шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар берувчи ягона манба ҳам «Қутадғу билиг» китобидир. Ушбу китобга кўра, у замонасининг барча асосий илмларини атрофлича ўрганган, араб ва форс тилларини мукаммал билган. Маҳмуд Қошғарий каби туркий тилнинг мавқеини ошириш, унинг маданий-адабий ҳаётдан ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун курашган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») асари исломий туркий адабиётни бошлабгина бермай, уни янги тараққиёт босқичига ҳам кўтарди. У нафақат туркий халқлар адабиёти анъаналари, балки қардош халқлар, жумладан, форсий адабиёт тажрибаларини ҳам ижодий ўзлаштирган ҳолда яратилган. «Шоҳнома» каби мутақориб вазнида ёзилган ва «Туркий Шоҳнома» номи билан шуҳрат қозонган (73 боб, 6520 байт ва тўртликлардан иборат).

«Қутадғу билиг» – XI аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалари бадий талқин қилинган, туркий халқлар тарихи, маданияти, илм-фани, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи, қадриятлари хусусида батафсил маълумот берилган. Юсуф Хос Ҳожиб уни Боласоғунда бошлаб, Қашқарда ёзиб тугатган ва қорахоний ҳукмдор Тавғоч Буғрохонга тақдим этган. Буғрохон муаллифни тақдирлаб, унга «Хос Ҳожиб» («Эшик оғаси») унвонини берган. Шундан кейин шоир «Юсуф Хос Ҳожиб» номи билан машҳур бўлган. Лекин дostonнинг охиридаги шикоят оҳангларига қараганда, шоир умрининг охири бу давлатнинг таназзули даврига тўғри келган, шунга мувофиқ ҳаёти ҳам оғир кечган. Шоирнинг Қашқардаги мақбараси зиёратгоҳга айланган.



*Видеолавҳа томоша қилиш*



*Муҳокама қилиш*

Интернет манбаларидан фойдаланиб, Юсуф Хос Ҳожиб ҳақида берилган видеолавҳани кўринг ҳамда ўз таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.



Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Кунтуғди, Ойтўлди, Ўгдулмиш, Ўзгурмиш, адолат, давлат, ақл ва қаноат.

	<i>Матнолди топшириқлар</i>		<i>Гуруҳда ишлаш</i>
---	-----------------------------	---	----------------------

1. “Қутадғу билиг”нинг номи қандай маъно англатади?
2. Достоннинг ёзилиш тарихи ҳамда сабаблари ҳақида нима биласиз?
3. Асар парчасини “**Жигсо**” усули орқали ўзлаштиринг.

	<i>Ўқиш</i>
---	-------------

## ҚУТАДҒУ БИЛИГ (Достондан парча)

**Бегликка саза бўлғутег бег некутег керакин айтур**  
(*Бекликка лойиқ бек қандай бўлиши кераклигини айтади*)

Элиг айди эмди айитғу сўзум,  
Бу эрди муни эмди айтур ўзум.  
(*Элиг дер: Менинг сўрайдиган сўзим,  
Ушбулар эди, энди айтайин ўзим*)

Тўрутти апа ўғланин бир байат,  
Улуғ бар кичиг бар эсиз эдгу ат.  
(*Яратди одамни илоҳий калом,  
Улуғ бор, кичик бор, яхши-ю ёмон*).

Билиглиг билигсиз чиғай бар йа бай,  
Уқушлиғ уқушсиз отун бир гадай.  
(*Бордир илмли, илмсиз, қашшоқ, бой,  
Уқувли, уқувсиз, ночор ва гадой*).

Неку-тег керак бег муни бағласа,  
Жави барса ати ишин ишласа.  
(*Қандай бек керакки, бунни бошқарса,  
Донги чиқса унинг, иши ўнганса*).

Этилса эли ҳам байуса будун,  
Ати эдгу бўлса ул артар будун.  
(*Юрти обод бўлса, эли бойиса,  
Эзгу ном чиқарса, улус кўпайса*).



Йумутса эрат бўлса кучлуг алиг,  
Йуритса тўру туз йэтурса билиг.  
*(Лашкар тўпласа, қўли кучли бўлса,  
Тўғри сиёсат юритса, билимга амал қилса).*

Эражин авинса йэса эл узун,  
Бутун жан узулса йэса ул ажун.  
*(Роҳатда яшаса, элга узоқ бош бўлса,  
Жони узилганда, у дунёлигини топса).*

### Ўгдулмиш жаваби элигга *(Ўгдулмишнинг Элигга жавоби)*

Бу беглик ишин барча беглар билир,  
Тўру ўнди қилқ йан улардин келир.  
*(Бекликнинг ишини том беклар билар,  
Сиёсат, низом ва қоидалар улардан келар).*

Байат кимка берса бу беглик иши,  
Берур ўг кўнгул кўр ул ишка туши.  
*(Худо кимгаки бекликни ато қилар,  
Унга бу иш учун идрок ва кўнгул берар).*

Кими бег тўрутмак тиласа байат,  
Берур ашну қилқ йанг уқуш йуг қанат.  
*(Кимни бек қилиб яратишни истаса Худо,  
Олдин унга ақлу уқувдан қанот беради).*

Бу беглик иши бўлди беглар иши,  
Бу беглар ишин билди беглиг киши.  
*(Беклар юмуши бу – мамлакат иши,  
Беклик нелигин билар бек киши).*

Элиг айди уқтун бу сўз барча чин,  
Кўни сўзладинг сўз йипар бурди кин<sup>1</sup>.  
*(Элиг айтди: Уқдим, барча сўзинг чин,  
Яхши сўзладинг, гўё таралгандай кин).*

Мен иш қилғучимен сен иш кўргучи,  
Ишиг кўргучидин билур қилғучи.



<sup>1</sup> Кин – кийикнинг мушк беги, мушк.

*(Мен иш қилгувчиман, сен иш кўргувчи,  
Кўргувчидан иш ўрганар қилгувчи).*

Байат берди эмди сена ўг кўнгул,  
Уқуш ҳам билиг бирла бўлдунг амул.  
*(Худо сенга берди ақл ҳам кўнгил,  
Уқув ҳам билим билан бўлдинг омил).*

Қамуғ ишни уқтунг ма билдинг ўзун,  
Менга ма бағирсақ-са қилқин сўзун.  
*(Барча ишни уқдингу билдинг ўзинг,  
Менга содиқдир ишингу сўзинг).*

Бағирсаққа айтур киши ўз сўзин,  
Бағирсақ йулуғлар кишика ўзин.  
*(Киши ўз сўзини садоқатлига айтади,  
Садоқатли одамга жонини фидо этади).*

Неку тер эшитгил бағирсақ киши,  
Бағирсақлик-ул кўр кишилик баши.  
*(Нелар дер, эшитгин, вафоли киши,  
Садоқатда эрур кишилик боши).*

Йанут берди Ўгдулмиш айди элик,  
Эсан инч тирилгин эй устаг алик.  
*(Жавоб бериб Ўгдулмиш айтди: Элиг,  
Эсон ва тинч яшагин, эй қўли баланд).*

Бу бегликка ашну туб асли керак,  
Атим алп қатиг қурч йана тўнг йурак.  
*(Бек кишининг таги асл бўлиши керак,  
Бўлсин мерган, қўрқмас ва ботир юрак).*

Уқушлуғ керак ҳам билиглик керак,  
Ақилиқ керак ҳам силиглик керак.  
*(Уқувли ҳам билимли бўлиши керак,  
Саховатли ҳам улугсифат бўлиши керак).*

Бег ати билиг бирла бағлиқ тутур,  
Билиг лам(и) кетса бег ати қалур.  
*(Бек оти «билиг» билан боғлиқ эрур,  
«Билиг»дан «лом» кетса, бег қолур<sup>1</sup>).*

<sup>1</sup> Мисра мазмуни: «билиг» сўзидан «лом» ҳарфи олинса, «бег» сўзи қолади.

Неку тер эшитгил билиг билмиш эр,  
Башинда кечурмуш уқуш уқмиш эр.  
*(Эшитгин, билимли сенга нелар дер,  
Бошидан кечирган ҳамда уққан эр).*

Билиглиг керак бег уқушлуғ удуг,  
Ангар тегмаса бир мофажа йудуг.  
*(Бек бўлсин билимли, уқувли, зийрак,  
Унга тегмасин ногаҳоний бало).*

Қилинж эдгу эрдан керак минг туман,  
Ати эдгу бўлса тутунса бўдуг.  
*(Эр минг турли эзгуликлар қилсин,  
Ўзин тўғри тутиб, эзгу ном қозонсин).*

Апа оғлани барча асли дедуг,  
Билиг бирла бўлди кўр удрун кад ўг.  
*(Кимларни бировлар тағи тоза дер,  
Билим туфайлигина етук бўлди, кўр).*

Идуқ ул беглик ариғлик тилар,  
Ариғлик била элда сақлик тилар.  
*(Бу беклик муқаддас тилар у поклик,  
Поклик билан бирга тилар сергаклик).*

Будунқа беки артуқ ўдрум керак,  
Кўнгул тил кўни қилқий кўдрун керак.  
*(Халқнинг беки етук, сара бўлиши керак,  
Кўнгли ва тили эзгу, хушфеъл бўлиши керак).*

Билиглик уқушлуғ будунқа талу,  
Ақи ҳам кўзи тўқ не кўнгли тўлу  
*(Билимли, уқувли, халқига толе,  
Сахий ҳам кўзи тўқ ва кўнгли тўла).*

Билиг бирла бошлар киши баши,  
Уқуш бирла уқса ўнгарур иши.  
*(Билим билан бошланар кишилик боши,  
Ақл билан қилса, ўнганар иши).*

Будунуғ билиг бирла баста беки,  
Билиг бўлмаса ишка йақмас ўги.

*(Бек билим билан бекликни забт этади,  
Билим бўлмаса, ишга ортга кетади).*

Бу беглик игинга оти ўг билик,  
Уқуш бирла эмла эй қилқи силиг.  
*(Бекликка теккан дард давоси ақл ва билим,  
Уни ақл билан эмла, эй хулқи мулойим).*

Экигун ажунух булуғли киши,  
Эди қутлуғ ул бу тугел қут баши.  
*(Иккала дунёга эришган киши  
Жуда бахтлидир, бу тугал бахт боши).*

Мунгар менгзату айди шаир бу сўз,  
Кўру барса маъни билигсизка кўз.  
*(Буларга ўхшатиб шоир айтар сўз,  
Кўргин унинг маъниси билимсизга кўз).*

Қилинчи ўнггай бўлса қилқи кўни,  
Севинчин кечар-ул ошул бег куни.  
*(Қилгани тўғрилиқ бўлса, ёқимли феъли,  
Севинч билан кечар ўша бек куни).*

Байат кимка берса бу эдгу қилиқ  
Бу эдгу қилиқ бирла эдгу йўрлиқ  
*(Худо кимга берса эзгу бир амал,  
Унга эзгу йўриқ ҳам берар ҳар маҳал).*

Қилинч эдгу эрдан керак минг туман  
Анинг тутса эл кенд кутурса туман  
*(Эрдан керак эзгу хулқ, ҳунар минг туман,  
Анинг-ла элу юртдан зулмат кетгай бегумон).*

Байат кимга берса қилинч арқуқи,  
Ани эмгатур бу замона ўқи.  
*(Худо кимга ёмон хулқ берар,  
Уни бу замона ўқи азобга солар).*

Қайу бегда бўлса бу арқуқ қилинч,  
Иши барча тетру севинчи сақинч.  
*(Қайсики бек бўлса ёмон қилиқли,  
Бўлар иши терс, севинчлари қайғули).*



Сақинуқ керак бег не қилқи ариғ,  
Ариғлиқ тилар тутчи урғи ариғ.  
*(Бекка керак сергаклик ва хулқи поклик,  
Пок кишиларнинг интилгани доим поклик).*

Ўруглуг амуллуқ бўлур бегка кўрк,  
Бу беглиг ишинга бу-ул бағу ўрк.  
*(Қарор ва сабр бек учун зийнатдир,  
Булар беклик юмушларини боғловчи бошбоғдир).*

Бу ўглуг кишилар ўнгарур ишиг,  
Йирақ тутғу ишта бу ўгсуз кишиг.  
*(Ақлли кишилар ўнглаз ишини,  
Ишдан йироқ тут ақлсиз кишини).*

Кўнгул бўлмаса эр кўзи асғи йўқ  
Ўғи бўлмаса эр ўғи ўсғи йўқ  
*(Эрда кўнгил бўлмаса, очик кўздан фойда йўқ,  
Эрда ақл бўлмаса, унинг ишида унум йўқ).*

Неку тер эшитгил эй элчи баши,  
Ўруг кад кўнгуллуг синамиш киши.  
*(Эшитгин, нелар дер элнинг боши,  
Равшан, соф кўнгилли, синаган киши).*

Қайу эрда бўлса уқуш бирла ўг,  
Ани эр атағил неча ўгса ўг.  
*(Қайси эрда уқув ва ақл бўлса,  
Уни эркак дегин, қанча мақтасанг мақта).*

Евак қурғу қилқи қилинчи буши,  
Билигсизка белгу бўлур бу иши.  
*(Шошқалоқлик, енгилтаклик, феъли тезлик  
Нодон билимсиз кишиларга хос белгилардир).*

Ева қилмиш ишлар бича йиг бўлур,  
Ева йеса аш сув бича иг бўлур.  
*(Шошиб қилинган иш келтирар ташвиш,  
Касаллик келтиради шошиб ютилган ош).*

Кўзи тўқ керак ҳам ўвутлуғ тузун,  
Ачуқ ҳам йазуқ бўлса қилқин сўзун.

*(Кўзи тўқ, андишали, тўғри, бўлсин эр,  
Иши ҳам, сўзи ҳам очиқ бўлиши керак).*

Тўдумсуз бўлур-ул кўзи суқ киши,  
Кўзи суққа йетмаз бу дунё аши  
*(Кўзи суқ киши тўймас бўлади,  
Кўзи суққа дунё етмайди).*

Қамуғ ач йеса ичса ахир тўдур,  
Кўзи ач киши ўлса ачлиқ қўдур.  
*(Барча оч одамлар еса-ичса охири тўяр,  
Кўзи оч ўлганда очлигин қўяр).*

Кимингда ўвут бўлса қилқи силик,  
Қамуғ тенгсиз ишка тегурмас илиг.  
*(Кимда бўлса андиша, хулқи силлиқ,  
Ҳар хил тенгсиз ишга урмайди илик).*

Қамуғ тенгсиз ишдин йиғиқли ўвут,  
Қамуғ эдгу ишка улағли ўвут.  
*(Барча номуносиб ишлардан тиювчи уятдир,  
Барча хайрли ишларга йўлловчи уятдир).*

Тили чин керак бўлса кўнгли кўни,  
Будунқа асиғ қилса туғса куни  
*(Тили чин, кўнгли тўғри бўлса,  
Халққа яхшилик келтирса, кунин туғдирса).*

Қали бўлса беглар хийанат кўнгул,  
Будунқа асиғ бўлмас андин тўнгул.  
*(Агар беклар бўлса хийанат кўнгил,  
Халққа яхши бўлмас, улардан тўнгул).*

Сўзин қийғучи бегка тутма умунч,  
Тириглик йава қилға ўкунч  
*(Сўзидан қайтувчи бекка боғлама умид,  
Тириклигинг зое кетар, келтирар ўкинч).*

Қайу бег сақ эрса элин беклади,  
Йағи бўйни янчти уза иглади.  
*(Қайси бек ҳушёр бўлса, элин сақлайди,  
Ёв бўйнин янчади, устига балолар ёғдиради).*

Қайу бег тұру берса кўни,  
Элин этти қўдти йарутти куни  
*(Қайси бек элда тўғри сийәсат юритса,  
У элни яшнатиб қўяди, ёруғликка чиқаради).*

Айа элчи беглар элиг қулса сақ,  
Бу сақлиқ била сен тузу элка бақ.  
*(Эй элбош беклар, ҳушёр элиг истасангиз,  
Ўзингиз элга ҳушёрлик билан қарангиз).*

Бу сақлиқ била артти беглар эли,  
Ўсаллиқ кўру бузди беглик ули.  
*(Бекларнинг эли соқлик туфайли ортди,  
Ғофиллик сабаб беклик пойдевори бузилди).*

Эки ненг била элчи беглик бузар,  
Кирур эгри йўлқа кўнидин азар.  
*(Элбоши икки нарса билан юртни бузади,  
Эгри йўлга киради, тўғри йўлдан озади).*

Бири куч бириси ўсаллиқ қилур,  
Бу экки била бег элин артатур.  
*(Бири – зўрлик, бири – ғофиллик,  
Бек бу икки нарса билан элини бузади).*

Сақ эрса беки элка тегмас илик,  
Қали тегса йетрур уқуш ўг билиг.  
*(Беги ҳушёр бўлган элга ёв қўли тегмас,  
Агарда тегса ҳам жазосиз қолмас).*

Бу кучкай киши кент ва беглик йемас,  
Бу кучкай кучини будун кўтрумас.  
*(Зўравон эр элу юртни сўрай олмайди,  
Чунки золим зулмини халқ кўтармайди).*

Неку тер эшитгил билиглик сўзун,  
Ейумади залим элин кеч узун.  
*(Не дейди эшитгин билимли сўзин:  
Золим ҳокимлиги бўлмайди узун).*

Куйар ўт турур куч йағуса куйар  
Тўру су турур ақса немат унар

*(Зулм ёниб турган ўтдир, ёнашса куйдирар,  
Адолат сув кабидир, оқса, неъмат ундирар).*


Кўнгул тузса беглар юритса тўру,  
Бу беглик бузулмас турур кеч ўру.  
*(Беклар кўнгилни тўғри қилиб юритса сиёсат,  
Бу беклик бузилмас, турар кўп муддат).*

Қамуғда ярақсиз йе элиг қути,  
Бу беглар уза қўпса йалған ати.  
*(Барчадан яроқсиз, эй бахтиёр элиг,  
Бекларнинг ёлгончи деб от чиқаришдир).*



Бу йалған кишилар вафасиз бўлур,  
Вафасиз киши халққа тенгсиз қилур.  
*(Ёлгончи кишилар вафосиз бўлар,  
Вафосиз киши халққа тенгсизлик қилар).*

Неку тер эшитгил вафалиғ киши,  
Вафа-ул кишика кишилик баши.  
*(Нелар дер эшитгил вафоли киши,  
Вафодир инсонга инсонлик боши).*

Тили йалған эрнинг жафа қилқи-ул,  
Жафа кимда эрса ўшул йилқи-ул.  
*(Тили ёлгон кишининг қилмиши жафодир,  
Жафо кимда бўлса, ўша йилқидир).*

	<b>Савол ва топшириқлар</b>
---	-----------------------------

БИЛИШ

	<b>Жуфтликда ишлаш</b>		<b>Сўзлаш</b>
---	------------------------	---	---------------

1. Кунтуғди ўз халқига қандай муносабатда бўлган?
2. Ҳукмдор қандай сифатларга эга бўлиш керак? Ҳозирги кунда уларни кимларга тенглаштириш мумкин?

ТУШУНИШ

1. Беклик вазифасининг моҳиятини асар матнига таянган ҳолда тушунтириб беринг.

2. Сизнингча, ҳукмдорга қандай талаблар қўйиш мумкин? Фикрингизни исботловчи далиллар келтиринг.

### ҚўЛЛАШ

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

1. Боблардан ҳикматли сўзлар ўрнида қўлланиладиган жарангдор байтларни топиб, иш дафтарингизга кўчириб олинг.
2. Асардан ҳозирги кунда ишлатиладиган сўзларни топинг ва уларнинг маъносини шарҳланг.

### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	-----------------------	---	-------------

1. Беклик шарт ва талаблари берилган бобнинг асардаги ўрни, ҳозирги вақтдаги аҳамиятини изоҳланг.
2. Дарсликда берилган бобларни гуруҳларга тақсимланг. Боблардаги маънавий фазилатларнинг улуғланиши ҳамда иллатларнинг қораланишига мисоллар келтириб, қўйидаги жадвални тўлдилинг.

Бобнинг номланиши	
Фазилатлар	Иллатлар
<i>Мисоллар</i>	<i>Мисоллар</i>

### УМУМЛАШТИРИШ

Достондаги асосий қаҳрамонлар, уларнинг рамзий маънолари ҳамда бадиий вазифаларини тавсифланг.

Тимсоллар	Рамзий вазифаси	Бадиий вазифаси

### БАҲОЛАШ

1. Достон қандай қофияланган? Бундай қофияланишга ўз муносабатингизни билдилинг.
2. Асарга ҳозирги кун нуқтаи назаридан ўз қарашларингизни билдилинг.



*Матнолди топшириқлар*



*Гуруҳда ишлаш*

БИЛИШ

Асар парчасини “*Жигсо*” усули орқали ўзлаштиринг.



*Ўқиш*

Сув башлар эран кўр юраклиг керак,  
Йураксиз эрат алса андин йурак.  
*(Лашкарни бошловчи эр юракли бўлиши керак,  
Токи юраксиз лашкар ундан олсин юрак).*

Йураклик йураксиска бўлса баши,  
Йуракли бўлур ўтру текма киши.  
*(Юракли юраксизларга бош бўлса,  
Сўнг барча киши юракли бўлади).*

Кўр арслан бўлу берса итқа баши,  
Бу ит барча арслан бўлур ўз туши  
*(Кўргин, агар итларга бош бўлса арслон,  
Итларнинг барчаси у каби бўлари қопогон).*

Қали бўлса арсланқа ит башчиси,  
Бу арслан бўлур барча ит сақиши.  
*(Агар арслонларга бошчи бўлса ит,  
Арслонлар бўлади мисоли бир ит).*

Ақилиқ керак бегка қисқи кўнгул,  
Бу қисқи кўнгул бирла қилқи амул.  
*(Бек учун саховат ва кичик феъллик керак,  
Кичик феъллик билан бирга ювошлик керак).*

Неку тер эшитгил уруб йегли эр,  
Уруб ал эй алп эр йана эрка бер.  
*(Эшитгин, йигиб ёювчи киши нима дер:  
Йигиб ол, эй ботир, яна эрга бер).*



Ақи бұл бағишла ичур ҳам йетур,  
Қали әксусе ур йана ал йетур.  
*(Сахий бұл, бағишла, ичир ҳам едир,  
Агарда камайса, яна йиғ, яна ол, едир).*

Азиғлиғ кур эрка бу ненг әксумас,  
Туғуғли ўрунг қушқа менг әскумас.  
*(Ризқли эр кишининг моли камаймас,  
Туғилган оққушнинг дони камаймас).*

Қилиқ балду ўқ йа қави куч йурак,  
Бар эркан кад эр ненга қўрқмас керак.  
*(Қилич, ойболта, ўқ-ёй, куч-қувват, юрак,  
Бор экан, эр киши қўрқмаслиги керак).*

Ажунчи бўғу бег нелуг ганч урур,  
Эрат қайда бўлса ануқ ганч урур.  
*(Жаҳонгир, доно бек қандай ганж йиғар,  
Лашкар қайда бўлса, ганж шу ердадир).*

Бу эл тутғуқа кўп эрта су керак,  
Эрат тутғуқа ненг тавар ту керак.  
*(Элни тутиш учун керак кўп қўшин,  
Бойлик керак лашкарни сақламоқ учун).*

Бу ненг алғуқа бир керак бай будун,  
Будун байликинга тўру туз қўдун.  
*(Бойлик олиш учун бой халқ керак,  
Халқ бой бўлиши учун тўғри сиёсат керак).*

Буларда бири қалса тўрти қалур,  
Бу тўрти йема қалса беглик ўлур.  
*(Буларнинг бирисиз бари қолади,  
Бу тўртов бўлмаса, беклик ўлади)*

Адин ма бу беш ненг йирақ тутғу бег,  
Ати эдгу бўлса ку жав булғу бег.  
*(Бундан ўзга беш нарсадан ўзини узоқ тутса,  
Бек шухрат таратган эзгу отга эга бўлади).*

Бириси евеклик бириси саран,  
Учунчи бушилиқ серин ўз йиран.

*(Бири – шошқалоқлик, бири – очкўзлик,  
Учинчи – жаҳолат, ундан бўл, йироқ).*

Бу тўртинч йавуз бегка арқуқ қилинч,  
Бешинчи йарағсиз бу йалған эринч.  
*(Тўртинчи – ёмонлик бек учун зарарли амал,  
Бешинчи – ёлгон эркакка ярашмас ишдир).*

Бу қач ненгда беглар йирақ тутғу ўз,  
Ати артамаса йўриқ бўлса сўз.  
*(Бир қанча нарсдан бек йироқ турса,  
Оти булганмайди, сўзи қайтмайди).*

Буларда энг инға бу арқуқ қилинч,  
Бу арқуқ қилинчлик не мунглуғ эринч.  
*(Булардан энг пасти – бузуқ феъллик,  
Бузуқ феъллик эрга қандай бахтсизлик).*

Ағир юк кишика қилинч арқуқи,  
Қилинч арқуқ эрса бўлун ит ўқи.  
*(Оғир юкдир эрга феълнинг бузуқлиги,  
Феъл бузуғи эрур эрнинг итлиги).*

Йағи қилмағусун қилинчи қилур,  
Йағи бу йағидин не бар ардуқи.  
*(Ёви қилмас ишни феғли қилади,  
Бу – ёв, унинг ёвдан недир ортиги).*

Ўкуш эл тутайин теса эй элик,  
Уч иш қилғу ўтру етилса илик.  
*(Кўп элларни олайн десанг, эй элиг,  
Қўлингдан келса, уч ишни қилишинг керак)*

Ўнг илгинг қилич тутса урса салиб,  
Сўл аби била ненг улас алиб.  
*(Ўнг қўлинг қилич тутса ва тортиб урса,  
Сўл қўлинг нарса олиб улашса).*

Тилин сўзласа сўз шакардай сучиг,  
Бўйун берди бег қул улуғ йа кичиг.  
*(Тилинг сўз сўзласа шакардай чучук,  
Унга бўйин берса бегу қул, улуғу кичик).*



Эй элиг бу қач ненг керак бегка кўр,  
Будунқа севулса ўрун бўлса тўр.  
*(Эй элиг, бек агар шуларга эга бўлса, кўр,  
Халқига севикли, ўрни бўлар тўр).*

Киши ўдруми бу будунда талу,  
Талу ўдрум-ул бу ируксиз тўлу  
*(У киши – кишилар сарвари, элнинг бутуни,  
У етук ва сара, ҳеч камчиликсиз, комилдир).*

Ажун будуни ўгру ангар қул бўлур,  
Ажун йер бу беглар тилакин бўлур.  
*(Олам эли, сўнгра унга қул бўлар,  
Бундай бек жаҳонни эгаллаб, тилагин топар).*

Тугуг йуз ириг сўз куваз кур қилиқ,  
Кишиқ тезкурур кўндрү билмас йўриқ.  
*(Совуқ юз, йирик сўз ҳам ёмон қилиқ,  
Кишини сарсон қилар, бермайди йўриқ).*

Талу бег бўлайин теса белгулуг,  
Талу тутғу ердан эй атлиғ кулуг.  
*(Бутун бек бўлайин десанг, белгилик,  
Хислатларингни тугал тут, эй оти қутлуқ).*

Қали бег бўлур бўлса қилқи қара,  
Қарадан бу инға бўлур халқ ара.  
*(Бек қилган иш гар бўлса қора,  
Қорадан ҳам тубан бўлар халқ ора).*

Йузи кўрки кўрклуғ керак бег йулуг,  
Бўди ўрту бўлса не жавлуқ кулуг.  
*(Бекнинг юзи кўрки, ҳам бўлса силлиқ,  
Бўйи ўртача-ю ном бўлса улуг).*

Кўругли йузин кўрса севса кўриб,  
Эли бунда бақса қуванса туруб.  
*(Кўрки юзини кўриб севиб қолишса,  
Эли унга боқиб қувониб турса).*

Бўр ичмас керак бег фасад қилмаса,  
Бу эки қилиқдин қачар қут баса.

*(Бек ичимлик ичмаса, қилмаса фасод,  
Бу икки қилмишдан қут қочар, ҳайҳот).*

Сучигка сучинса ажун беглари,  
Ачиғ бўлди ел кун будун иглари.  
*(Беклар дунёнинг ширинлигига берилса,  
Элу халқнинг қисмати аччиқ бўлади).*

Ўйунқа авинса ажун тутғучи,  
Элин бузди бўлди ўзи қултғучи.  
*(Ишратга берилса, дунё тутғувчи,  
Эли бузук, ўзи бўлар тиланчи).*

Ўдинда кечурса бу беглик ишин,  
Ани етса бўлмас езарса қушин.  
*(Вақтидан қилинмаган беклик ишлари,  
Учиб кетган қушдир бўлмайди етиб).*

Бўр ичма айа бўрчи бўғзи қули,  
Бўр ичса ачилди чиғайлиқ йўли.  
*(Май ичма, майпараст бўғзининг қули,  
Май ичсанг, очилар гадолик йўли).*

Қара бўрчи бўлди ненг бўлди йел,  
Беки бўрчи бўлса қачан турға эл.  
*(Қора майхўр бўлса, мол елга кетар,  
Бек майхўр бўлса, эл қайга кетар?)*

Фасад қайда бўлса қачар қут тез-а,  
Фасад чин йурир тутчи беглик буза.  
*(Фасод қайда бўлса, барака қочар,  
Фасодчи доимо бекликни бузар).*

Ариғ-ул бу қут қир ариғлиқ тилар,  
Сузуф-ул бу давлат сузугни йулар.  
*(Қут пок нарсадир, у поклик тилайди,  
Давлат соф нарсадир, софлик ҳолайди).*

Қара тенгсизин барча беглар етар,  
Беки қилса тенгсиз анинг ким этар.  
*(Қора хатоларин беки тузатар,  
Бек бузуқлик қилса ким ҳам тузатар?)*

Киши игласа ўт ўтачи берур,  
Ўтачи игинга емин ким қилур.  
*(Одам тоби қочса, табиб ўт берар,  
Табибнинг дардига ким дармон қилар?)*

Ариғ тутғу беглар кўни қилқ қилиқ,  
Будун бег йўлиндин тузар йўл йўриғ.  
*(Беклар феъли тўғри, иши бўлса пок,  
Халқ бек йўлидан юриб тутади йўриқ).*

Беки эдгу бўлса йўриқий кўни,  
Тақи артуқ эдгу йурқай қули.  
*(Беги эзгу бўлса, йўриғи тўғри,  
Қуллари янада яхшироқ йўлдан юриди).*

Кувазлик била кўкка ағмас киши,  
Қали қусқи бўлса бузулмас иши.  
*(Кибр билан киши кўкка етмайди,  
Камтар бўлса, ишлари йитмайди)*

Бег алчиқ керак бўлса қутқи кўнгул,  
Муни-тег йўқ ерса сен андин тўнгул.  
*(Мулойим ва очиқ бекка қўйилар кўнгил,  
Йўқ эса, сен ундан бутунлай тонгил).*

Будун башчи бегка бу ҳиммат керак,  
Бу ҳиммат била ҳам мурувват керак.  
*(Халққа бошчи бўлган бекка ҳиммат керак,  
Ҳиммат билан бирга мурувват керак).*

Кимин ҳиммати бўлмаса ул ўлуг,  
Экагун ажунда бу бўлмас улук.  
*(Кимнинг ҳиммати бўлмаса, улдир ўлик,  
Икки дунёда ҳам бўлолмас улуг).*

Бу эл тутруқи ҳам туби беглики,  
Эки ненг турур асли йилдиз кўки.  
*(Элни бошқариш ҳам беклик асосин  
Икки нарса эрур асл илдизи).*

Бириси будунқа туру-ул улуш,  
Бириси эратқа уласа кумуш.

*(Бири – халққа адолат қилиш,  
Бириси – лашкарга кумуш тарқатиш).*

*Тўру бирла будни севинса туруб,  
Кумуш бўлса эрат йарунса кўруб.  
(Адолат туфайли халқи севинса,  
Кумушга етишиб, лашкар қувонса).*

*Бу эки қуту бўлса бегдин севинч,  
Эли қапғи этлур булур бег авинч.  
(Бекдан бу икки тоифа бўлса миннатдор,  
Элу мулки яшнаб, бек овинч топар).*

*Қайу бег будунқа тўру бермаса,  
Қўдазмаса будунин йегучи йеса.  
(Қайси бек элига адолат қилмаса,  
Халқ молини егувчи еяверса).*

*Ўт идти бундунқа бузулди эли,  
Йиқилди сезигсиз бу беглик ули.  
(Халқи ўртасига рахна тушади, эли бузилади,  
Сезилмай, бекликнинг пойдевори йиқилади).*

*Қайу бег эратни севундурмаса,  
Қилич қинда чиқмас аинда баса.  
(Қайси бек лашкарни хурсанд қилмаса,  
Қўшининг қиличи қинидан чиқмас).*

*Қилич бирла беглар узатур илиг,  
Қиличсиз ўсал бег басумас элиг.  
(Қилич билан беклар қўли баланддир,  
Қиличсиз бек – ночор, юрт боса олмас).*

*Қилич балду бўлди бу эл сақчиси,  
Қиличин алир бег будун башчиси  
(Қилич ва ойболта – бу элнинг соқчиси,  
Қилични олган бек элнинг бошчиси).*

*Қилич тебрар эркан йағи тебрамаз,  
Қилич қинқа кирса бег инчлик йемаз.  
(Қилич тебранаркан ёв тебранмайди,  
Қилич қинга кирса, бек тинчимайди).*

Севунчлуғ тут эй бег қилич урғучиғ,  
Севинчин тирил тутчи кўрма ачиғ.  
*(Қилич урғувчини севинтир, эй бек,  
Доим хурсандликда яша, кўрма аччиқлик).*

Бедуг иш будун башламақи ағир,  
Баш ағриғ била тутчи эмгак тегир.  
*(Халқни бошқариш жуда огир иш,  
Ундан келар доим бошоғриқ, ташвиш).*

Севинчи аз-ул кўрса қадғу ўкуш,  
Аз-ул ўггучиси телимрак сўкуш.  
*(Кўр, севинч оз унда, кўндир қайғуси,  
Раҳмати оз унинг, кўпроқ сўкиши).*

Ўкуш севмагучи севари аз-ул  
Кериши телимрак еражи аз-ул  
*(Севмайдигани кўп, севгувчиси озроқ,  
Фавғоси кўп, фароғати озроқ).*

Кўру берса тегма ишинда хатар,  
Хатарлиғ ишиг кўрса татиғ кетар.  
*(Кўраверса ҳар ишда хатар,  
Хатар кўрган эрнинг роҳати кетар).*

Бу йанглиғ турур барча беглик иши,  
Қайуси эраж ер қайу ўз баши.  
*(Бу янглиғ доимо бекликнинг иши,  
Бағзи бек топганин ер, бағзан ўз бошин).*

Ўзунг дунйа уқба бўлайин теса,  
Бу қач ишни қўдма қаттиғлан ўса.  
*(Ўзинг дунёнинг тағига етайин десанг,  
Бир қанча ишларга қаттиқ тур, қўйма)*

Кўни тут кўнгул тил байатқа сигин,  
Иди йарлиғин сен ағир тут татин.  
*(Кўнгил ва тилни тўғри тут, худога сигин,  
Эгамнинг буйруғини ҳурмат қил, топин).*

Неку қилса раббдин тапи бўл тапи,  
Ўзунг қуллуқи-ул тапилиқ тапи.

*(Раббдан нима келса, рози бўл, рози,  
Розию ризолик бу сенинг қуллигингдир).*


Сенинг бўлди дунёа тириглик била,  
Тириклик булунса йатиб йе кула.  
*(Сенинг бўлди дунё тириклик била,  
То тирик экансан, ётиб е, ўйна).*

Қамуғ эрдами бўлса эрда ўру,  
Будунқа берур бўлса эдгу тўру.  
*(Барча фазилати бўлса бошқадан устун,  
Тўғри йўл кўрсатса, халқига бутун).*

Қайу элка бўлса бу янглиғ беки,  
Қутулди ул эл будуни кетти иги.  
*(Қайси элнинг бўлса бу янглиғ беги,  
Ул эл ғамдан қутулди, ариди дарди).*

	<b>Савол ва топшириқлар</b>
---	-----------------------------



	<b>Гуруҳда ишлаш</b>
---	----------------------

Нима учун бекларнинг ўрни иккала дунёда ҳам улуғ бўлади? Сиз асардаги ушбу фикрга қўшиласизми?



	<b>Ёзиш</b>
---	-------------

Берилган парчадаги ҳикматли сўзларни иш дафтарингизга ёзиб олинг. Жадвални тўлдиринг.

Ҳикматли сўзлар	
Асардаги нусхаси	Замонавий нусхаси

## ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Асарни “Концептуал жадвал” график органайзери орқали таҳлил қилинг.

Ўрганилаётган асар ғоясини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1-белги	2-белги	3-белги
1-жиҳат			
2-жиҳат			

## УМУМЛАШТИРИШ

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------	---	---------------	--	-------------

“Дебат” усули. Синфни икки гуруҳга бўлиб, асардаги тимсоллар хатти-ҳаракатини муҳокама қилиб баҳс уюштиринг.

## БАҲОЛАШ

1. Эл фаровон ва бахтли яшайдиган фурсат қачон келади? Саодатга етишиш учун нима қилиш даркор?
2. “Мен бахтли элнинг бахтли фарзандиман” мавзусида “Беш дақиқали эссе” усули асосида ижодий иш ёзинг.





## ХОРАЗМИЙ (XIV аср)

Хоразмий турк мумтоз адабиётида «нома» жанрининг асосчиси сифатида ном қолдирган шоирдир. Афсуски, шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумот кам, ҳатто унинг исми ҳам номаълум. Муаллифни «Муҳаббатнома» орқали таниймиз, асардаги қисқа маълумотларнигина биламиз. Асар адибнинг фавқулодда истеъдодли ва халқона ифода йўлини эгаллаганини кўрсатади. Шоирнинг тахаллуси у туғилган ва яшаган юртдан олинган бўлса ҳам, шоир Хоразмда ёшлик давридагина яшаган, холос. «Муҳаббатнома»да айтилишича, асар Хоразмда эмас, балки Сирдарё ёқаларида битилган. Асар форсий «ҳикоят»ида Шом ва Рум ўлкаларида бўлгани ҳам эслатилади.

Шоир 1353 йилда Олтин Ўрда хони Жонибекнинг Сирдарё музофотидаги амалдорларидан бири Муҳаммад Хожабек билан танишади. Муҳаммад Хожабек аввал форсий шеърлар битиб юрган шоирга шу ерда қолиб, туркча асар ёзишни сўрайди. Шу тариқа, «Муҳаббатнома» асари дунёга келади. У ҳижрий 754 (мелодий 1353) йилда ёзиб тугалланган.





«Муҳаббатнома» асарида гарчи нома, ғазал, соқийнома, маснавий, муножот, қитъа ва фард каби жанрлар жамланган бўлса ҳам, «нома» унинг етакчи жанри саналади. Асардаги ўн бир номадан учтаси: тўртинчи, саккизинчи, ўн биринчи номалар, улардан кейин келадиган маснавий ҳамда бошланғич ғазал форс тилида битилган. «Муҳаббатнома»нинг ички қурилиши ниҳоятда изчиллик билан пухта ишланган. У турли жанрларда муҳаббат ҳақида ёзилган асарларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки яхлит бир бутун тугалланган асар сифатида таассурот беради.

Муқаддимадаги бобларда асарнинг ёзилиш тарихига оид фикрлар баён қилинган. Ундан кейин изчил тартибда нома, ғазал ва маснавий келади. Асар сўнгидаги «Муножот», «Хотимат ул-китоб», «Илтимосун айтур» ва «Фард» сарлавҳалари билан келтирилган бўлимлар асосий қисмдаги ўн бир номага ўзига хос тарзда яқун ясайди.



*Тақдимот*

Интернет манбаларидан фойдаланиб, Хоразмий ҳақида видеотақдимот тайёрланг.



*Ўқиш*

БИЛИШ



Асар парчасини “Жигсо” усули орқали ўзлаштиринг.

## МУҲАББАТНОМА (қисқартириб олинди)

Аввал кўришканин айтур  
Тун оқшомким кўрунди байрам ойи<sup>1</sup>,  
Муҳаммад Хўжабек – давлат ҳумойи.  
Буюрди ўзга шодурвон<sup>2</sup> урулди,  
Қадаҳ келтурдилар, мажлис қурулди.  
Хусайний пардаси узра тузиб соз,  
Муғанний бу ғазални қилди оғоз...

<sup>1</sup> Байрам ойи – янги чиққан ой.

<sup>2</sup> Шодурвон – соябон, чодир.

## Баёни воқеъин айтур

Табассум қилди, айди: «Эй фалони,  
Кетургил бизга лойиқ армуғони.

س.س.س . دڤن لار اكادميىسى

Кўнгул баҳринда кўп гавҳарларинг бор,  
Очунда порсий дафтарларинг бор.

شەرق خەلقلىرى  
يامان يا كالىقلارنى

Муҳаббат нардини кўплардин уттунг,  
Шакартек тил била оламни туттунг.

Тиларманким, бизинг тил бирла пайдо,  
Китобе айласанг бу қиш қотимда.

مستند  
كىچىك سۈرئە  
؛

Ким уш елтек кечар айёми фоний,  
Жаҳонда қолса биздин армуғони».

Қабул қилдим, ер ўптим, айдим: «Эй шоҳ,  
Эшикинг тупроғи давлатли даргоҳ.

شرق اديياتى نثرىياتى

Кучум етмишча кўп хизмат қилойин,  
Жаҳонга эзгу отингни йойойин.

Букун тонгқа текин май нўш<sup>1</sup> қилғин,  
Бадиҳа бу ғазални гўш қилғин<sup>2</sup>.

### Ғазал

Юзунгда кўрдум, эй жон, байрам оийн,  
Мунунг шукронаси қурбон бўлойин.

Агар кун туғмаса ҳам ёқту<sup>3</sup> қилғай,  
Юзунг нури бу дунёнинг саройин.

Гар Афлотун сенинг ишқингда тушса,  
Берур елга қамуқ тадбиру ройин.

Саодат бирла бахт икиси бичти,  
Бўйингизга латофатнинг буқойин.

<sup>1</sup> Нўш – ичиш.

<sup>2</sup> Гўш қилғин – қулоқ тут, эшитгин.

<sup>3</sup> Ёқту – ёғду, нур.

Ижозат берсангиз тонг ёқтуситек,  
Жаҳонға ҳуснунгиз жовин<sup>1</sup> йойойин.

Сиза теб келди Хоразмийни асранг,  
Қим асрарлар қамуқ шаҳлар гадойин.

### Маснавий

Ровисқинча<sup>2</sup> ғазал, шаҳ гўш<sup>3</sup> тутти,  
Манга хилъат<sup>4</sup> киюруб, қўш тутти.

Бир оз кечти дағи мажлис исинди,  
Қадаҳ чаврулдию<sup>5</sup> май бошқа минди.

Яна фурсат била бўлдум маҳални,  
Ўқудум хизматинда бу ғазални.

### Ғазал

Яратқонким тан ичра жон яратти,  
Сени кўрклуқлар узра хон яратти.

Қуёш янглиғ юзунгизни ёрутти,  
Фалактек бизни саргардон яратти.

Халойиқ қибласи бўлди жамолинг,  
Ўшал кунким сени яздон<sup>6</sup> яратти.

Жамолингни жаҳонга жилва қилди,  
Мени ул сурата ҳайрон яратти.

Қарим тенгри камолин қилса изҳор,  
Сен ойни бўйла бенуқсон яратти.

Зиҳи<sup>7</sup> қодирким ул бир қатра сувни  
Муҳаббат гавҳаринга кон яратти.



<sup>1</sup> Жовин – овозасини, доврўғини.

<sup>2</sup> Ровисқинча – ўқиб, эшитиб бўлганича маъносида.

<sup>3</sup> Гўш – қулоқ.

<sup>4</sup> Хилъат – ҳашаматли кийим, сарпо.

<sup>5</sup> Чаврулди – айланди.

<sup>6</sup> Яздон – Худо, тангри.

<sup>7</sup> Зиқи – офарин

Азалда қилди Хоразмийни муҳтож,  
Тағи манзурини султон яратти.

### Маснавий

Китобат бошладим анжома етгай,  
«Муҳаббатнома» Мисру Шома етгай.

Бу хон узра салом нома қилдим,  
«Муҳаббатнома»ни ўн нома қилдим.

Қилойин икки бобин порсий ҳам,  
Ким атлас тўн ярошур бўлса муълам<sup>1</sup>.

Бурун алқисса бек мадҳин аёйин,  
Ўшандин сўнгра нома бошлағойин.

Зиҳи арслонюрак қўнғирот уруғи,  
Кичик ёшдин уруғларнинг улуғи.

Саодат маъдани иқбол ганжи,  
Муҳаммад Хўжабек олам кунжи<sup>2</sup>.

Ўзи жонсиз тан эрди мулк сенсиз,  
Шаҳаншоҳ Жонибекхонга етансиз.

Сулаймон салтанатлиқ подшо сен,  
Масиҳ анфослик Юсуфлиқо сен.

Ошар елдин сенинг йилганда отинг,  
Қуёш янглиқ жаҳонни тутти отинг.

Агар минг йил тирилса Холами Тай,  
Сенинг отинг эшитгач ерлар ўпгай.

Улус туттунг қамуқ ақлинг кучиндин,  
Черикда<sup>3</sup> қон томар қамчинг учиндин.

Гаҳе Ҳотам уёлур базм ичингда,  
Гаҳе Рустам юпонур разм<sup>4</sup> ичинда.

<sup>1</sup> Муълам – оғритувчи, алам берувчи.

<sup>2</sup> Кунж – бурчак.

<sup>3</sup> Черик – қўшин, лашкар.

<sup>4</sup> Разм – уруш, жанг.

Қачонким икки саф бўлса муқобил,  
Сенинг чокарларинг<sup>1</sup> ўқ ўкраюр<sup>2</sup> бил.

Киран разм ичра тўйға киру янглиқ,  
Ачиқмиш бўри қўйға киру янглиқ.

Агар десам сени Рустам ярарсен,  
Қиличинг бирла сафларни ёрарсен.

Қуёшдек давлатинг тобанда<sup>3</sup> бўлсун,  
Эшикингда ети кўк банда бўлсун.

Айтсун банда Хоразмий дуолар,  
Карамдин ҳар замон қилғин атолар.

Ким учмоқтур<sup>4</sup> сенинг базминг биноси,  
Ҳамиша ёз эрур жаннат ҳавоси.

### Ғазал

Қадаҳ чаврулди уш бўстон ичинда,  
Хуш ичгил роҳни<sup>5</sup> райҳон ичинда.

Чаман фарроши яъне тонг насими,  
Гул афшонлиқ қилур бўстон ичинда.

Чечак япроқлари ерга тушубтур,  
Анингтек ким ақиқлар кон ичинда.

Кел, эй, учмоқ гули, чимгонга<sup>6</sup> чиққил,  
Бу кун ўлтурмағил айвон ичинда.

Бизинг бек ёдиға ишрат қилоли,  
Нечаким йўқтурур биз сон ичинда.

Муҳаммад Хўжабек улким Алитек,  
Ўкуш жавлон қилур майдон ичинда.

<sup>1</sup> Чокар – хизматкор.

<sup>2</sup> Ўкраюр – бақирмоқ.

<sup>3</sup> Тобанда – товланувчи, нур таратувчи.

<sup>4</sup> Учмо – жаннат.

<sup>5</sup> Роҳ – май.

<sup>6</sup> Чимгон – чимли майдон, ўйингоҳ.

Ўқи ногаҳ агар сандонға текса,  
Башоғи<sup>1</sup> итланур<sup>2</sup> сандон ичинда.

Ўкуш йиллар яратқон боқий тутсун,  
Ҳаётингни, беким, даврон ичинда.

Хоразмийнинг кетиб ақли бошиндин,  
Турур тек сурати йўқ жон ичинда.

### Васфул ҳол айтур

Йигитсен бода ичкил нуқл<sup>3</sup> ошоғил,  
Бугундин сўнг юз эллик йил яшоғил.

Нишоту<sup>4</sup> айш нўшонуш<sup>5</sup> қилғил,  
Хирадни<sup>6</sup> май била мадҳуш<sup>7</sup> қилғил.

Ким асру<sup>8</sup> бевафодур бу замона,  
Жаҳон қолмас кишига жовидона<sup>9</sup>.

Улусқа раҳм этиб ғамхор бўлғил,  
Ҳамиша шоду бадхурдор<sup>10</sup> бўлғил.

Муҳаббат бирла жониндин бу мискин,  
Дуо қилди ижобат бўлсун, омин.

Муҳаммад Хўжабек мадҳин тугаттим,  
«Муҳаббатнома»ни бунёд эттим.

### Аввалги номани айтур

Аё кўрк ичра олам подшоҳи,  
Жаҳон тутти сенинг ҳуснунг сипоҳи.

<sup>1</sup> Башоғи – ўқ учига ўрнатиладиган металл парчаси.

<sup>2</sup> Итланур – ўткирланур.

<sup>3</sup> Нуқл – луқма, овқат.

<sup>4</sup> Нишот – суюниш, шодланиш.

<sup>5</sup> Нўшонуш – устма уст.

<sup>6</sup> Хирад – ақл.

<sup>7</sup> Мадҳуш – беҳуш, маст.

<sup>8</sup> Асру – жуда, ниҳоятда.

<sup>9</sup> Жовидон – абадий.

<sup>10</sup> Бадхурдор – сирли.

Пари рухсораларнинг кўрка бойи,  
Юзинг наврўзу қошинг байрам ойи.

Кўнгул ширин сўзингга бўлди Фарҳод,  
Кўзунг Кашмир жодусига устод.

Қаро менг ол яноқингга ярошур,  
Бошим дойим адоқингга ярошур.

Бўйунг сарву санубартек, белинг қил,  
Вафо қилгон кишиларга вафо қил.

Ақиқинг суҳбатиндин жон бўлур сўз,  
Қамартек чехрангга боқса қамар сўз.

Муҳаббат нори жондин кетмади ҳеч,  
Қўлум сийм олмангизга етмади ҳеч.

Саройдин<sup>1</sup> борди Чин-Мочинга човинг,  
Қиё боқсанг бўлур арслонлар овинг.

Табассум қилсангиз шаккар уёлур,  
Тишинг инжусидин гавҳар уёлур.

Жамолинг етти оламга сипаҳлар,  
Қатингда ер ўпарлар жумла шаҳлар.

Фалак ишқинг йўлинда бесару пой,  
Исирғанг донаси Зухра, юзунг ой.

Латофат мулкида султонсен, эй жон,  
Қамуқ бошдан-оёққа жонсен эй жон.

Қатиқ кулсанг магар оғзинг билургай,  
Пари кўрса сени, мендак тилургай<sup>2</sup>.

Сочинг бир торина минг ҳур етмас,  
Юзунгнинг нурина минг нур етмас.

Кўнгулнинг қони қайнаб барча тошқай,  
Кўзумнинг ёшидин кавсар бўлошқай.

<sup>1</sup> Сарой – шаҳар номи.


<sup>2</sup> Тилургай – тингай, азобда қолгай.

Кишининг сенсизин не жони бўлсун,  
Анингтект умрнинг не сони бўлсун.

Жамолингтект кишининг йўқ жамоли,  
Дариғо, бўлмаса эрди заволи.

Қиёмат кўрклузен хуснунға не сўз,  
Йироқ бўлсун жамолингдин ёвуз кўз.

Букун йўқтур, сен ойтек кўкта, асраъ<sup>1</sup>,  
Қулунг бечора Хоразмийни асра.


	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

БИЛИШ

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>
---	----------------------------

1. Сиз ўқиган парчада мумтоз шеърийятнинг қандай жанрлари берилган?
2. Асар кимга бағишланган? Унинг “буюртмачи”си ким?

ТУШУНИШ

	<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-----------------------

1. Нима учун асар “Муҳаббатнома” деб аталган? Жавобингизни асосланг.
2. Нима сабабдан ушбу асар нома жанри силсиласига киритилган? Далиллар келтиринг.

ҚЎЛЛАШ

	<i>Ёд олиш</i>
---	----------------

Ўзингиз ёқтирган ғазални ёд олинг.

<sup>1</sup> Асраъ – тезюрар, суръати тез.



## ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



### *Жуфтликда ишлаш*

1. Асарда берилган жанрларнинг вазни, қофияси ва радифини таҳлил қилинг.  
“Юзинг наврўзу қошинг байрам ойи” мисрасида қандай санъат ифодаланган?
2. Ўзингиз танлаган ғазал байтларини шарҳланг.

## УМУМЛАШТИРИШ

Асарда акс эттирилган ҳукмдор шахсини “*Кластер*” усули бўйича ёритиб беринг.

## БАҲОЛАШ



### *Тинглаш*

Интернет манбаларидан (Хуршид Даврон кутубхонаси) фойдаланиб, аруз вазнидаги мумтоз асарларни ифодалаи ўқишни машқ қилинг.



	<i>Матнолди топшириқлар</i>		<i>Гуруҳда ишлаш</i>
---	-----------------------------	---	----------------------

## БИЛИШ

Асар парчасини “*Жигсо*” усули орқали ўзлаштиринг.

	<i>Ўқиш</i>
---	-------------

## Маснавий

Кел, эй соқи, кетургил бодаи ноб,  
Кула-ўйнаю ичсунлар бу асҳоб<sup>1</sup>.

Ким уш елтек кечар айёми фоний<sup>2</sup>,  
Ажалдин ҳеч кишининг йўқ амони.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам.

## Иккинчи номасин айтур

Саломим гулга элт, эй тонг насими,  
Ким эрур ой қули, ахтар<sup>3</sup> надими<sup>4</sup>.

Саломиким кўнгул жонона айса,  
Ёрур кўзлар саводидин битиса.

Саломимни тегур ул дилистонға,  
Раҳмсиз бевафо жону жаҳонға.

Саломимни тегур ул кўркка бойға,  
Ким урур чехраси минг таъна ойға.

<sup>1</sup> Асҳоб – суҳбатдош.

<sup>2</sup> Фоний – ўткинчи.

<sup>3</sup> Ахтар – юлдуз.

<sup>4</sup> Надим – яқин дўст, ҳамсуҳбат.

Саломимни тегур ул хушлиқоға<sup>1</sup>,  
Қамуқ бошдин-оёқ оби бақоға<sup>2</sup>.

Айитқил, эй висолинг умр боғи,  
Эшигинг тупроғи кавсар булоғи.

Айитқил, эй сўзи ёлғон-жафокор,  
Қароғлари<sup>3</sup> қароқчи, ўзи айёр.

Айит, эй меҳринг оз, ишванг фаровон,  
Нетадур ул оғизда мунча ёлғон.

Айт мендинким, ул мискин урур оҳ,  
Қачон энгай гадонинг эвина<sup>4</sup> шоҳ.

Қачон қилғай кўзумни ёқту ул ой,  
Эрур юзи қуёштек оламорой<sup>5</sup>.

Қачон лаълинг қадаҳлар нўш қилғай,  
Карашманг бандани мадхуш қилғай.

Жаҳон тутти жамолинг, дод қилғил,  
Бу мискинни бирар ҳам ёд қилғил.

Сенингдек подишонинг марҳабоси,  
Менингтеқ минг гадонинг хун<sup>6</sup> баҳоси.

Кучум етгунча кўп қилдим вафолар,  
Вафолик қулни асрар подшолар.

Манга сенсиз ўлумдир бу ҳаётим,  
Сенинг меҳринг била йўғрулди зотим.

Кўнгулга ўзганинг меҳрин ёвутмон,  
Йироқлик бирла мен сизни унутмон.

Эрурман васлингга дойим талабгор,  
Нечаким тун узун бўлса тонги бор.

<sup>1</sup> Хушлиқо – юзи ёқимли.

<sup>2</sup> Оби бақо – абадийлик суви.

<sup>3</sup> Қароқ – кўз қорачиғи.

<sup>4</sup> Эви – уйи.

<sup>5</sup> Оламорой – оламни безовчи.

<sup>6</sup> Хун – қон.

Топилғай мақсудум табқумда<sup>1</sup> бори,  
Саодат қилса Хоразмийға ёри.

Оғир уйқучи бахтим неча ётқай,  
Висолинг машриқиндин ҳам тонг отқай.

### Маснавий

Кел, эй соқи, кетургил жоми жамни,  
Кишининг кўнглидин май юр<sup>2</sup> ғамни.

Ким ошти кўкка оқим ихтироқи<sup>3</sup>,  
Куюрди кўнглуми дилбар фироқи.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам.

### Учинчи номасин айтур

Аё хуршидтек олам чароғи,  
Мунаввар чеҳрангиз фирдавс боғи.

Очилса лаълингиз шаккар сочилур,  
Кўриб гулғунчанинг оғзи очилур.

Бўйунгтек сарв йўқ бўстон ичинда,  
Юзунг нуридин ой нуқсон ичинда.

Қилур зулфинг қамуқ оламини шайдо,  
Бўлур жоду кўзунгдин фитна пайдо.

Ярар минг жон бир ишколинг<sup>4</sup> фидоси,  
Кўзум мардуми холингнинг фидоси.

Сени кўрган ўзиндин ёт бўлур,  
Руҳунгни кўрса минг шаҳ мот бўлур.

Икки зулфинг кўнгулларни паноҳи,  
Эшикинг тупроғи жон саждагоҳи.

<sup>1</sup> Табқу – толеъ.

<sup>2</sup> Юр – ювар.

<sup>3</sup> Ихтироқ – тутун.

<sup>4</sup> Ишкол – ишқал, мушкуллик, қийинчилик.

Рақибингдур тикан, сиз тоза гулсиз,  
Чечак чимгон аро бўлмас тикансиз.

Шакардин тотли сўзли дилрабосен,  
Дареғоким<sup>1</sup>, чечактек бевафосен.

Манго ҳаддин оширма бу жафони,  
Кўзингдин солма бу мискин гадони.

Эшиткил бу ғазалда ишларидин,  
Муҳаммад Хўжабек аймишларидин.

### Ғазал

Жаҳонда сентек жонон йўқ, эй жон,  
Сенинг дардингга ҳеч дармон йўқ, эй жон.

Анингдек ерга қўл сунди иликким,  
Йироқтин боқмағо имкон йўқ, эй жон.

Бу кун минг жон била кимки кўнгулни,  
Санго бермас танимда жон йўқ, эй жон.

Бизинг мазҳабта<sup>2</sup> ошиқларни сизлар,  
Агар ўлтурсангиз товон йўқ, эй жон.

Унуттунг бу Муҳаммад Хўжани оҳ,  
Бизингтекларга анда сон йўқ, эй жон.

Сени жонимдин ортиқроқ севармен,  
Бу сўзда ҳақ билур ёлғон йўқ, эй жон.

Сенинг ишқингда сайрарға Хоразмий,  
Бу кун оламда бир бўстон йўқ, эй жон.

### Маснавий

Кел, эй, гулчеҳра соқий май кетургил,  
Мени ҳайрат мақомига<sup>3</sup> етургил.

---

<sup>1</sup> Дареғо – ажабо.

<sup>2</sup> Мазҳаб – синф, қавм, оқим.

<sup>3</sup> Мақом – даража.

Ҳабибим нақшидин маъний бўлайин,  
Таҳайюрда<sup>1</sup> ўзимдин қуртулойин<sup>2</sup>.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ андиша қилсам.

### Бешинчи номасин айтур

Аё гулчеҳралар молик риқоби<sup>3</sup>,  
Қамуқ олам сенинг ғамзанг хароби.

Латофат мулкининг соҳибқирони,  
Мувофиқ суратинг бирла маони.

Хираддин оздурур ғамзанг хумори,  
Янғоқларинг Халилуллоҳ<sup>4</sup> нори.

Сенинг ҳуснунг қамуқ оламда машҳур,  
Юзунгдин кизланибтур<sup>5</sup> хулд<sup>6</sup> аро ҳур.

Кўнгулга жондин ортиғроқ кераксен,  
Парию ҳурдин ҳам кўрклураксен.

Мен асру бенаво, сиз муҳташамсиз,  
Латифу нозику зебо санамсиз.

Менинг дардимға дармон васл эрур бас,  
Вале ҳаргиз улашмас гавҳари хас.

Саботек билмас охир ўз чоғини,  
Босар ҳар дам эшигинг тупроғини.

Кулар ой ҳуснунгга гултек энгингиз,  
Қаротур лола кўнглутек менгингиз.

Менга учмоқ эрур васлинг ҳузури,  
Юзунгдин шуъла урур тенгри нури.

<sup>1</sup> Таҳайюр – ҳайрат.

<sup>2</sup> Қуртулойин – қутулайин, яъни ўзимни унутайин.

<sup>3</sup> Риқоб – пул.

<sup>4</sup> Ҳалилулло нори – Иброҳим пайғамбарни куйдириш учун ёқилган ўт.

<sup>5</sup> Кизланиш – қизганиш.

<sup>6</sup> Хулд – жаннат.

Чечак дерман юзунгизга, қамар ҳам,  
Халойиқ севганин холиқ севар ҳам.

Сенинг ишқинг каманди бизни тортар,  
Жамолинг равнақи оламни ўртар.

Ўшул кунким, сени холиқ яратти,  
Сени дилбар, мени ошиқ яратти.

Нечаким берса чехранг кўзлара нур,  
Чечактеқ бўлмағил ҳуснунгга мағрур.

Сенинг ишқингда Хоразмий йўқолди,  
Ва лекин ер юзунда оти қолди.

### **Маснавий**

Кел, эй ой юзлу дилбар, тут бирор қўш,  
Бирор қўш бирла қилғил бизни мадҳуш.

Бўлоли айшу ишрат пешалардин<sup>1</sup>,  
Қутулсин кўнглумиз андешалардин.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам.

### **Олтинчи номасин айтур**

Аё бўйи санубар, чехраси ой,  
Қуёш янглиғ жамолинг оламорой.

Турубтур кўзда қадингиз хаёли,  
Анингдекким сув узра тол ниҳоли.

Юзунг нури қуёшнинг нурун ўртар,  
Сақоқинг<sup>2</sup> шуъласи оламни ўртар.

Ўтурсанг ўлтурур фитна, кетар ғам,  
Агар қўпсанг қиёматлар қўпар ҳам.

<sup>1</sup> Пеша – ҳунар, касб, одат.

<sup>2</sup> Сақоқ – юз, чехра.

Сумантек оразинг гулдур тикансиз,  
Манга дўзах эрур учмоҳ<sup>1</sup> сенсиз.

Юзунгузда кўрунур кўзгутек нур,  
Бўюнгузга латофат кисвати<sup>2</sup> тур.

Тишинг, лаълинг гуҳар жон дуржи ичра,  
Юзунг, қошинг қуёш ой буржи ичра.

Не билур қадрингизни текма<sup>3</sup> нодон,  
Гуҳар қадрини аъмо<sup>4</sup> билмас, эй жон.

Кўзумдин ҳар замон йўлтек фаровон,  
Висолинг орзусиндин оқар қон.

Кўнгуллар оҳидин иймангил, эй шоҳ,  
Ким ойина тўнар кўп қилсалар оҳ.

Жаҳон тутти қаро зулфунг балоси,  
Куюрди халқни чехранг юлоси<sup>5</sup>.

Бўйун сундим бу йўлда минг балоға,  
Кўнгул парвона бўлди ул юлоға.

Билурсизким эрур айём фоний,  
Нечук ҳаддин ошурурсиз жафони.

Қачонким шод эсанг, ғамгина раҳм эт,  
Агар султон эсанг, мискина раҳм эт.

Сенинг зулфунг каманди бизни тортар,  
Жамолинг равнақи оламни ўртар.

Севармен кўзни сизни кўрмак учун,  
Юрурман ерда изни кўрмак учун.

Қулунг не қилсун ўз ҳаддини тақсир,  
Кўнгул бир, қибла бир, жонона ҳам бир.

<sup>1</sup> Учмоҳ, учмоқ – жаннат.

<sup>2</sup> Кисват – кийим, уст-бош.

<sup>3</sup> Текма – ёппа, буткул.

<sup>4</sup> Аъмо – оддий киши, авом.

<sup>5</sup> Юло – шуъа, жилва.



Муҳаббатин туғар минг турли асрор,  
Қўнгул асрорини жон бирла асрор.

Чечаксен, банда сайрар булбулунгдур  
Неча боринча Хоразмий қулунгдур.

### Маснавий

Кел, эй соқи кетургил лолагун май,  
Қим ул май қилди кўпни Ҳотами Тай.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам.

### Еттинчи номасин айтур

Шакар эрнинг<sup>1</sup> қачон сўз қилса оғоз,  
Қилур жон тўтиси танларда парвоз.

Шакарму эрнингиз ё қанд, ё жон,  
Уёлур лаълингиздан оби ҳайвон.

Қачонким бўлса тор оғзинг шакарбор,  
Сабо гулғунчани оғзини йиртор.

Қаро қошингда юз минг фитналар бор,  
Қўзунг оҳуси арслонларни овлар.

Санго пайваста эй кони малоҳат,  
Қўзунг қошинг била ўқ ё не ҳожат.

Билик билмак ичинда жавҳарисен,  
Вале ҳусн ичра жавҳардин арисен<sup>2</sup>.

Қаро кирпукунгга қундуз тенголмас<sup>3</sup>,  
Сақоқингни ёқанг қундуз ўпар бас.

Дудоғингдин қўнгул жон ҳосил этмас,  
Аёқинг тупроғин ўпсам не етмас.

---

<sup>1</sup>Эрин – лаб.

<sup>2</sup>Ари – пок, тоза, тиниқ.

<sup>3</sup>Тенголмас – тенглашолмас.

Тилармен ким юзунгга сажда қилсам,  
Висолинг қадрининг шукрини билсам.

Сенинг ишқингда бағримдин оқар қон,  
Жамолингнинг тамошосин тилар жон.

Жамолингдин хирад шайдо бўлубтур,  
Ичим бағрим қамуқ савдо тўлубтур.

Қачон ўлсам санго қадрим билургай,  
Бу йўлга тушса Афлотун телургай<sup>1</sup>.

Карашма бирла ошиқ ўлтурурсиз,  
Сиз ўлтурган киши ўлгайму ҳаргиз.

Қилибтур халқни шайдо карашманг,  
Қиёматлар қўпар пайдо карашманг.

Тирик бўлинг шаҳо даврон боринча,  
Қулунгузмен танимда жон боринча.

Умр кечти қамуғ савдо ичинда,  
Неча юзгай киши дарё ичинда.

Кўнгул икки жаҳонни кўзга илмас,  
Сенинг ишқинг умрнинг ҳосили бас.

Довурсизнинг турур даврон боринча,  
Қулунгузмен танимда жон боринча.



ТУШУНИШ



Нима учун “нома”, “ғазал” қисмлари шаклан ва ҳажман турлича бўлиб, “маснавий” қисми доим бир хил байт билан тугалланган деб ўйлайсиз? Фикрингизни аниқланг.

<sup>1</sup> Телургай – телбалангай.

## ҚЎЛЛАШ



### Ёзиш

Қуйидаги тизимдан фойдаланиб, матнга таянган ҳолда бадиий асар тилини аниқланг. Шоир нима учун уларни қўллаган?

Тасвирий восита	Далиллар
<i>Ташбеҳ</i>	
<i>Талмеҳ</i>	
<i>Тазод</i>	
<i>Ирсолиъ масал</i>	
...	



### Ёд олиш

1. Парчадан истаган ғазални ёд олинг.

## ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



### Ёзиш

1. Ҳамма номалар маъшуқага қарата айтилгани ҳолда нега иккинчи номада “тонг насими”га мурожаат қилинади? Маснавий байтидаги “бу йўл” дейилганда шоир нимани назарда тутган?



### Жуфтликда ишлаш

2. Ўзингиз танлаган ғазал байтларини шарҳланг.

## УМУМЛАШТИРИШ



### Ёзиш

Берилган парчада қандай рамзий образлар ишлатилган? Иш дафтарингизга ёзиб олинг.

## БАҲОЛАШ



### Гуруҳда ишлаш

Парчада келтирилган номалар кимга бағишланган? Бунда шоирнинг санъаткорлиги қандай намоён бўлган? Жавобингизни далилланг.



Ўқиш



Матнолди топшириқлар



Гуруҳда ишлаш

БИЛИШ

Асар парчасини “*Жигсо*” усули орқали ўзлаштиринг.

### Маснавий

Кел, эй соқий, назардин солмағил гал,  
Кетур ул майки бўлғай бизга сайқал.

Эрур бечора Хоразмий муроди,  
Ики оламда дилбар иттиҳоди.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ андиша қилсам.

### Тўққузунчи номасин айтур

Аё оҳу назарли шаҳриёри,  
Ҳусн майдонининг чобуксувори<sup>1</sup>.

Қилич урсанг қулунгман жовидона<sup>2</sup>,  
Ва гар ўқ отсангиз бағрим нишона.

Қамуқ умрум сенинг нозинг фидоси,  
Менинг кўнглум қуши бозинг<sup>3</sup> фидоси.

Нечаким илмасангиз кўзга бизни,  
Кўнгул жон ичра асрар меҳрингизни.

<sup>1</sup> Чобуксувор – уста чавандоз.

<sup>2</sup> Жовидона – абадий.

<sup>3</sup> Боз – лочин, қирғий.

Жамолинг мадҳидин офоқ<sup>1</sup> тўлди,  
Санго олмоқ кўнгулни хатм бўлди.

Ачиқ сўзи Қирим шаҳдиға<sup>2</sup> ўхшар,  
Жамол айёми гул аҳдиға ўхшар.

Манго ишқинг йўлинда қон кўрунур,  
Юзинг ойинасинда жон кўрунур.

Яротти ой бикин<sup>3</sup> зебо сени ҳақ,  
Ким, уш чехранг берур оламға равнақ.

Мени қилди фалактек бесару пой,  
Тоғи минг йиллар сандек туғмағай ой.

Жаҳоннинг фитнаси усрук кўзунгда,  
Аён Исо дами<sup>4</sup> ширин сўзунгда.

Агар кўрса сени ҳам лола сўлғай,  
Сенингдек гул магар учмоҳда бўлғай.

Аёқинг ўпмакин қул қилди одат,  
Сулаймон бўлмади мундоқ саодат.

Висолингнинг бу кун шукрин қилурман,  
Хаёлинг кўзда учқонин билурман.

Қуёш акси юзунгдин роҳ ичинда,  
Сенингдек йўқ чечак учмоҳ ичинда.

Қулинг кўптур вале мен инжа<sup>5</sup> қулмен,  
Висолинг қадрини билмас дугулмен.

Кўнгул сенсиз тиламас танда жонни,  
Кўрар юзунгда Хоразмий жаҳонни.

---

<sup>1</sup> Офоқ – дунё.

<sup>2</sup> Қирим шаҳди – Қирим асали.

<sup>3</sup> Бикин – сингари, каби.

<sup>4</sup> Исоҳдами – Исо пайғамбарнинг ўликни тирилтирувчи нафаси.

<sup>5</sup> Инжа – нафис, нозик.

## Маснавий

Кел, эй соқий, кетур паймона бизга,  
Иноятлар<sup>1</sup> қилур жонона бизга.

Ичолинг бодани жонон юзига,  
Ҳазир суйин сочолинг жон юзига.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ андиша қилсам.

## Ўнунчи номасин айтур

Аё номехрибон аҳди бақосиз<sup>2</sup>,  
Жаҳон елтек, умр гултек вафосиз.

Қамуқ ёқут эринли, сўзи дурлар,  
Вафосизлиқни сиздин ўрганурлар.

Умр меҳнат била поёна келди,  
Кўнгул жавринг элиндин жона келди.

Мени ўлтурди ишқинг, бермадинг дод<sup>3</sup>,  
Борурмен остонангдин ёр, хайр бод<sup>4</sup>.

Кўзум кўрди жамолинг шевасини,  
Кўнгул томади боғинг мевасини.

Эрур жон мақсуди эрнинг наботи<sup>5</sup>,  
Ҳусуннинг ҳам бўлур охир закоти.

Сенга то бўлдум, эй жон, ошномен,  
Жафонг илгиндин усру мубталомен.

Салойин ўзуми ўзга диёра,  
Кўнгулни боғлағойин ўзга ёра.

<sup>1</sup> Иноят – ёрдам, марҳамат.

<sup>2</sup> Бақосиз – доимий бўлмаган, ўткинчи.

<sup>3</sup> Дод – адолат, кўнгил сўраш.

<sup>4</sup> Бод – шамол, ел.

<sup>5</sup> Эрнинг наботи – лабинг новвоти.

Телим<sup>1</sup> гулчеҳра наргис кўзлилар бор,  
Шакар дудоғли, ширин сўзлилар бор.

Вале кўнгул қутулмас домингиздин,  
Қамуқ шақкар томар дашномингиздин.

Бағишласанг қоним, султонсен охир,  
Кўзумга нур, танимга жонсен охир.

Давр сизнингдурур даврон боринча,  
Қулунгизмен танимда жон боринча.

Билурменким сизингдек бўлмай, эй жон,  
Бўюнсундум жафоға, қулмен, эй жон.

Киши қайда ўларин билса бўлмас,  
Ҳақиқат ёридин айрилса бўлмас.

Хирад бирла жаҳон афсонаси мен,  
Вале занжирингиз девонаси мен.

Ўлумдур бизга жононсиз тирилмак,  
Маҳол эрур тана жонсиз тирилмак.

Кўнгул меҳри назар йўлиндин ортар,  
Нигори жаврини жон бирла тортар.

Ҳусунни то ҳувайдо<sup>2</sup> қилди холиқ,  
Ҳусн бирла вафо бўлмас мувофиқ.

Жафодин инграмас бу йўлда ушшоқ<sup>3</sup>,  
Вафодин жаврингиз минг қатла хушроқ.

Аюрмен, юз нечаким келса меҳнат,  
Жафо сиздин, тағи биздин муҳаббат.

Ўғон Юсуф жамолин сизга берди,  
Муҳаббат кимёсин бизга берди.

Бу Хоразмий «Муҳаббатнома»сини  
Аторуд кўрди, солди хомасини.

<sup>1</sup> Телим – бир қанча, кўп, анча.

<sup>2</sup> Ҳувайдо – белгили, ошкор.

<sup>3</sup> Ушшоқ – ошиқлар.

## Маснавий

Кел, эй соқий, кетургил хуш сабуҳи,  
Ким ушбу дам эрур жоннинг футуҳи<sup>1</sup>.

Ичолинг бодани гуллар сўлиёр,  
Танимиз оқибат тупроқ бўлиёр.

Бу ерга етти сўз тахир бўлди,  
Бурун ўн дедим у ўн бир бўлди.

## Муножот

Илоҳи, оқту<sup>2</sup> қилғил жонимизни,  
Халалдин<sup>3</sup> сақлагил имонимизни.

Тикандин қудратинг пайдо қилур гул,  
Хато кўп келди мен қулдин, кечургил.

Муҳаммад Хўжабек Жамшиди соний,  
Жаҳоннинг орзусию халқ хони.

Саодатни ҳунарга ёр қилғил,  
Ҳунардин бизни бархурдор қилғил.

Сўзум бикрини<sup>4</sup> кўргуз шаҳға ширин,  
Шаҳиким қилди Хусравларни Ширин.

Аёйин эмди бир қитъа эшитгил,  
Нечукмен ҳолу аҳволимни билгил.

## Қитъа

Тамаъ доминда қолур қуш эмасмен,  
Талим айвон уза учқон Ҳумомен.

Қиличтек тил била туттум жаҳонни,  
Қаноат мулки ичра подшомен.

---

<sup>1</sup> Футуҳ – очилиш, енгилиш, таслим бўлиш.

<sup>2</sup> Оқту қилмоқ – кечирмоқ, аямоқ.

<sup>3</sup> Халал – камчилик, нуқсон.

<sup>4</sup> Бикр – иффат, тозалик.



Харобот<sup>1</sup> ичра масжидда ерим бор,  
Ким уш ҳам риндмен<sup>2</sup>, ҳам порсомен<sup>3</sup>.

Неча ҳашматли султон бўлса бўлсун,  
Айитмон мол учун мадҳу сано мен.

Қиёматқа текин қолсун отинг теб,  
Сенинг табқунгға бўлдум ошно мен.

### Хотимат ул – китоб

«Муҳаббатнома» сўзун мунда йиттим,  
Қамуғун Сир ёқосинда битдим.

Ўқиғил фотиҳада қибла ёни  
Севунсун банда Хоразмий равони.

Бу дафтарким, бўлубтур Миср қанди<sup>4</sup>  
Ети юз элли тўрт ичра туганди.

Тугатмакликка ҳақ берди иноят,  
Эшитгил эмди ҳам бир хуш ҳикоят...

### Илтимосин айтур

Муни ким ишқ бирла бир ўқуғай,  
Ҳақиқат оламини мунда билғай.

Айитқон бу китобни ҳам битигай,  
Тилармен ким дуода ёт қилғай.

### Фард

Ниёзим бу турур сендин нигоро,  
Унутма бандани баҳри худоро.

---

<sup>1</sup> Харобат – майхона.

<sup>2</sup> Ринд – майхўр.

<sup>3</sup> Порсо – ёмон ишлардан сақланувчи.

<sup>4</sup> Миср қанди – Мисрда тайёрланган ширинлик каби асил.



### *Савол ва топшириқлар*

#### **БИЛИШ**

Асарда шоир ҳақида қандай маълумотлар берилган? Уларни изоҳланг.

#### **ТУШУНИШ**

Сизнингча, нима учун шоир ўз асарида Жонибек ҳақидаги мақтовлари билан биргаликда уни танқид ҳам қилади?

#### **ҚЎЛЛАШ**



### *Муҳокама қилиш*

1. Тўққизинчи номадан шоир таржимаи ҳолига оид жиҳатларни топинг.
2. Ўнинчи нома мисраларининг бирида закот тушунчасига хос жиҳатлар берилган. Ана шу мисраларни топиб, байт замиридаги яширин маънони аниқланг.



### *Ёд олиш*

3. Парчадан истаган ғазални ёд олинг.

#### **ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

4. Асарда берилган жанрларнинг вазни, қофияси ва радифини таҳлил қилинг.



### *Жуфтликда ишлаш*

5. Парчада берилган истаган шеърингизни шарҳланг.

#### **УМУМЛАШТИРИШ**



### *Ёзиш*

Берилган парчада қандай рамзий образлар ишлатилган? Иш дафтарингизга ёзиб олинг.

#### **БАҲОЛАШ**

1. “Муножот” қисми кимга бағишланган? Жавобингизни асар матнига таянган ҳолда асосланг.
2. “Хотимат ул-китоб” бобида шоир ҳақидаги маълумотларни изоҳланг.



**Билиб олинг!**

### **«НОМА» ЖАНРИ ҲАҚИДА**

*«Нома» форсча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси «хат», «мактуб» демакдир. «Нома» жанри адабий истилоҳ сифатида хат тарзида ёзилган бадиий асар маъносини ифодалайди. Шарқ мумтоз адабиётида «нома», асосан, шеърий йўл билан битилган. «Нома» бирор асар таркибидаги мактуб (масалан, Шириннинг Фарҳодга ёзган мактуби) сифатида эмас, балки мустақил асар сифатида пайдо бўлган. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида «нома» жанрининг асосчиси сифатида Хоразмийни таниймиз. «Муҳаббатнома» асари фақатгина нома, мактублардан иборат бўлмай, балки ўз таркибига бир неча жанрдаги шеърларни жамлаган ва муайян мақсадга йўналтирилган асардир.*

*Хоразмийдан кейин унинг анъаналари Хўжандийнинг «Латофатнома», Юсуф Амирийнинг «Даҳнома», Саид Аҳмаднинг «Таашшукнома» ва Саййид Қосимийнинг «Ҳақиқатнома» ва «Садоқатнома» каби асарларида давом этган.*

*Айрим бадиий асарларнинг номларидаги «нома» сўзи («Бобурнома», «Ҳумоюннома» каби) мактуб маъносини ёки «нома» жанрини эмас, балки ўша шахс ҳақидаги тарихий асар маъносини билдиради.*

### **ФАРД ҲАҚИДА**

*Фард жанрининг номи арабча «ёлғиз, битта, ягона» маъноларини англатувчи сўздан олинган. Адабий истилоҳ сифатида бир байтдан иборат бўлган, тугалланган шеър фард деб айтилади. Лутфий, Навоий ва Бобур шеъриятида фарднинг яхши намуналари бор. Чунончи, Бобурнинг:*

*Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,  
Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни*

*фарди сўз санъатида шоир истеъдодининг бетакрорлиги ҳақида айтилган ҳикмат кабидир.*

*Фард айрим йирик асарларда қиссадан ҳисса тарзида хулоса айтиш учун ҳам келтирилади. «Муҳаббатнома» сўнггида келган*

*Ниёзим бу турур сендин нигоро,  
Унутма бандани баҳри худоро*

*фарди шундай талаб билан келтирилган хулосаловчи фардлар сирасига киради.*

## САЙФИ САРОЙИ (1321–1396)



XIV аср турк адабиётининг истеъдодли вакиллари-дан бири Сайфи Саройининг асл исми Сайфи («Қилич» маъносини англатади) бўлиб, у 1321 йилда Хоразмдаги Қамишли қишлоғида туғилган. Ёшликда таҳсил учун Олтин Ўрда давлатининг пойтахти Сарой-Бату (Батия) шаҳрига бориб, узоқ вақт бу ерда яшаб, ижод қилган. Шунинг учун «Саройи» тахаллусини олган, бироқ умрининг охирларида Саройдан Мисрга бориб яшаган ва у ерда вафот этган.

Сайфи Саройидан бизгача у қадар катта бўлмаган адабий мерос етиб келган. Шоирнинг шеърлар мажмуаси, форс шоири Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарининг таржимаси ҳамда «Суҳайл ва Гулдурсун» досто-

ни сақланиб қолган, холос.

Сайфи Саройининг шеърлари 1926 йилда Истамбулда чоп қилинган «Турк адабиёти намуналари»да берилган. Бу шеърлар Саройининг сўз қудратини ва гўзаллигини яхши ҳис қилган ва етук ғазаллар ярата оладиган нозик дидли шоир эканидан далолат беради. Сайфи Саройи томонидан «Гулистони бит туркий» номи билан тавсия этилган асар машҳур Эрон шоири Муслиҳиддин Саъдийнинг «Гулистон» асарининг таржимаси бўлиб, у ҳижрий 793 (милодий 1390–91) йилларда амалга оширилган. Ушбу таржиманинг муқаддимасида шоирларни уч гуруҳга ажратиб, уларни булбул, зоғ ва тўти деб кўрсатади. Шеър ва шеърият ҳақидаги шоирнинг ўзига хос қарашлари мана шу муқаддимада акс этган.

Сайфи Саройининг ўзбек эпик шеърияти тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган дostonларидан бири «Суҳайл ва Гулдурсун»дир. Дostonда 796 ҳижрий йил санаси келтирилган, бу милодий ҳисоб бўйича 1394 йилга тўғри келади. Демак, дoston шоирнинг Мисрдалиқ даврида ёзилган. Бу асарнинг яратилишига ўзбек халқ оғзаки ижодидаги машҳур «Гулдурсун» афсонаси ўз таъсирини кўрсатган бўлиши мумкин.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Мулоқот</i>
	<i>Матнолди топшириқлар</i>		<i>Гуруҳда ишлаш</i>

Асар парчасини “*Жигсо*” усули орқали ўзлаштиринг.

### СУҲАЙЛ ВА ГУЛДУРСУН



Эмас афсона, чин ушбу битилмиш,  
Бу чин афсонатек ишқда етилмиш.

Темур Урганжа тортиб келди лашкар,  
Кўруб кўз-кўр, бўлиб қолди қулоқ-кар.

Қўзутти<sup>1</sup> жанг билан оламда тўфон,  
Оқитти<sup>2</sup> сувтекин<sup>3</sup> ер узра кўп қон.

Суҳайли алпни элттилар асирга,  
Ҳама қолди бўлиб ожиз бу сирга.

Сипоҳийлар қилолмай қолди чора,  
Фақат қолдирди бу ғам дилда ёра<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Қўзутти – қўзғоти.

<sup>2</sup> Оқитти – оқизди.

<sup>3</sup> Сувтекин – сув каби, сингари.

<sup>4</sup> Ёра – яра.

Суҳайл ҳусну эрур Юсуфдин олий,  
Этар мот олмани юзининг оли<sup>1</sup>.

Вале жавр тоши ёғиб боши узра,  
Этипти бошини хам қоши узра.

Уна<sup>2</sup> йўқтур зулмкорларда парво,  
Кима мунғайсин этиб дарда даво?

Фақат ҳолин кўрганлар этар оҳ,  
Учар атрофда қушлар – дардли ҳамроҳ.

Бўлиб мутриб<sup>3</sup> гулистонларда булбул,  
Қилур минг турли нағма бирла ғулғул.

Бошин эгмиш етиб<sup>4</sup> олтин бошоқлар,  
Бошоқларни экинчилар машоқлар<sup>5</sup>.

Оғочларда<sup>6</sup> шакартекин емишлар<sup>7</sup>,  
Бу ерни эллари учмоқ демишлар.

Суҳайл шу йўл узар бормоқда ғамгин,  
Севинчи қора кийган, кўзи намгин<sup>8</sup>.

Унинг кўнглинда сўлғинлик ҳамиша,  
Кўринмас унга гулзору на беша<sup>9</sup>.

### СУҲАЙЛНИНГ ЧОҲДА ЁТМИШИ

Пою илкин<sup>10</sup> этиб занжир билан банд,  
Ёғочни-да анга эттилар побанд<sup>11</sup>.

Ва они ташладилар катта чоҳга,  
Сира осмай алар гўш оҳу воҳга.

<sup>1</sup> Ол – қизил.

<sup>2</sup> Уна – унга.

<sup>3</sup> Мутриб – куйчи, ашулачи.

<sup>4</sup> Этиб – пишиб етилиб.

<sup>5</sup> Машоқламоқ – йиғиштирмақ.

<sup>6</sup> Оғоч – дарахт.

<sup>7</sup> Емиш – мева.

<sup>8</sup> Намгин – намли, ёшли.

<sup>9</sup> Беша – ўрмон.

<sup>10</sup> Пою илкин – оёғу қўлини.

<sup>11</sup> Побанд – қўшиб бойлаш.



Гунаш<sup>1</sup> дунё юзиндин чоҳға ботти,  
Узулган гултекин тупроқда ётти.

Ва лекин эрдами<sup>2</sup> бор, сув ўлмас<sup>3</sup>,  
Қавиларға<sup>4</sup> ҳеч анда қўрқув бўлмас.

Фалак айланмаси-ла давр етгай,  
Адолат урлуғундин<sup>5</sup> бахт битгай.

### СУҲАЙЛНИНГ ТУШ КЎРМИШИ

Азоб ичра ётиб зиндонда Суҳайл,  
Этарди хорғонида уйқуни майл.

Кўруб уйқуда ҳам қўрқувли тушдин,  
Қолурди айрилиб ҳар дамда ҳушдин.

<sup>1</sup> Гунаш – қуёш.

<sup>2</sup> Эрдам – номус, ор.

<sup>3</sup> Сув ўлмас – афв бўлмас, йўқ бўлмас.

<sup>4</sup> Қавилар – қувватли.

<sup>5</sup> Урлуғ – улуғ.

Бу тушда: бир пари боғда юрармиш,  
Юриб боғ ичра у гуллар терармиш.

Деюб анга Сухайл: «Не гул терурсен?  
Ўзинг гулшанда кўркли гул эрурсен

Недур зотинг, пари ё одамизод?  
Манга айт, одинги доим этай ёд,

Шукрлар этойин аллоға минг бор,  
Ки еткурди манга сентек гунаш ёр».

Жавоб кутти бўлиб у ишқ аро маст,  
Вале тақдир кулуб тез бермади даст.

Ғазолдек<sup>1</sup> силкиниб қочти париваш,  
Сухайл кўнглиға ташлаб катта оташ.

Сухайл юрди пари қочған сориға,  
Этай деб маҳваши – дилкаш париға.

Еталмай кўргони рухсори моҳға  
Йиқилди юрубон пой узра чоҳға.

Уёниб билди шунда туш эконин,  
Ва сизди ботганин андуҳ тиконин.

## **ШОҲ ҚИЗИ ГУЛДУРСУН СУҲАЙЛНИ КЎРГОНИ ВА УНИ СЕВИБ ҚОЛҒАНИНИНГ БАЁНИ**

Ўлан узра қурулған хаймада<sup>2</sup> шоҳ,  
Зафардан шод бўлуб ётмишди огоҳ.

Бор эрди шоҳ қизи, Гулдурсун оти,  
Тилим эврилмас<sup>3</sup> айтмоға сифотин.

Эмас гул юзи Гулдурсундин ортуқ,  
Анинг кўнглинда ишқ тенгиздин<sup>4</sup> ортуқ.

---

<sup>1</sup> Ғазол – кийик.

<sup>2</sup> Хайма – чодир.

<sup>3</sup> Эврилмас – айланмас.

<sup>4</sup> Тенгиз – денгиз.



Этурди фасли гул сайри хиёбон,  
Неча маҳрамлари<sup>1</sup> бирлан хиромон.

Шу он келтурдилар чоҳга Суҳайлни,  
Гулдурсун боқибон тўхтатти сайлни.

Ўзин гул билдию булбул – Суҳайлни,  
Уни севдию таслим этти майлни.

Ва не чора қисин булбул қафасда,  
Керак гул ғунчаси озод нафасда.

Севар булбул гулин, гул булбулин ҳам,  
Нечун гул айласин булбул кўзин нам?

Келиб Гулдурсун кўнглина бу сўзлар,  
Кежин кунларки, бунга чора излар.

У издаб чора, яхши чора топти,  
Солиб ичина ғурниқ<sup>2</sup> эвни ёпти.

Эвини истади посбонға бермак,  
Кечин бориб Суҳайлни ўлди кўрмак.

### ГУЛДУРСУННИНГ ЧОҲҒА ТУШУБ, СУҲАЙЛ БИЛАН СЎЗЛАШГОНИ

Кечин бўлғач, бориб посбонға ўтру<sup>3</sup>,  
Ўзин хоҳишин айтти анда ўтиру.

Эпи<sup>4</sup> еб, исригач<sup>5</sup> бир онда посбон,  
Чоҳ ичра боқти тез хуршиди тобон.

Не кўрсунким, бўлуб тупроқда беҳол,  
Суҳайл ётур, топтолмиш янғли гул ол.

Кўруб Гулдурсун оғлаб ҳолиға юз,  
Чоҳ ичра кирди, қўйди юзина юз.

<sup>1</sup> Маҳрам – хос хизматкор, яқин канизак.

<sup>2</sup> Ғурниқ – занжир, халқа.

<sup>3</sup> Ўтру – рўпара, юзма-юз, қарама-қарши.

<sup>4</sup> Эпи – май.

<sup>5</sup> Исригач – маст бўлғач.

Сухайл бошин кўториб кўрди қизни,  
Қул эрмас, подшоҳ деб сизди ўзни.

Ўнгинда тушдакин кўрганга у шод,  
Алам тоши синиб, дил бўлди озод.

Алар юз қўйишиб бир-бир юзина,  
Узоқ боқиштилар бир-бир кўзина.

Гулдурсун айтти анга: «Мен фидойинг»,  
Сухайл айтти анга: «Ўлдум гадойинг.

Сенингсиз манга оламдур қаронғу,  
Ўлим-да солмағай бизлара ғулу<sup>1</sup>.

Агар минг жоним ўлса сенга тортиқ»,  
Бўлурму дўсту ёрлиқ шундан ортиқ?

### **СУХАЙЛ БИЛАН ГУЛДУРСУННИНГ ЧОХДАН ЧИҚИБ ҚОЧҒОНЛАРИ БАЁНИ**

Бу кеч сенгаю менга келди бир гез<sup>2</sup>,  
Деди Сухайлға Гулдурсун: «Туруб тез,

Чиқиб чоҳдин узоқларға қочайлик,  
Бу ерда агламай кўнгул очайлик».

Сухайл кийди туруб арвад<sup>3</sup> қумошин<sup>4</sup>,  
Чиқарса кимса йўқ, чоҳдин у бошин.

Бирикиб кетти ошиқлар узоққа,  
Илинмай йўл уза қўйғон тузоққа.

Алар кўп юрдию сахроға кирди,  
Гунашдин сахро ичра дўзах эрди.

Йўқ эрди сув, емакка анда ўтмак<sup>5</sup>,  
Агар бўлганда ҳам ақчаси лак-лак.

<sup>1</sup> Ғулу – ғулғула, нифоқ.

<sup>2</sup> Гез – кез, пайт.

<sup>3</sup> Арвад – аёл, хотин.

<sup>4</sup> Қумошин – товар, кийим.

<sup>5</sup> Ўтмак – нон, овқат.

Учиб келмас эди қушлар бу ерға,  
Топилмас эрди сув, ташна ҳар эрға.

Йиқилди ташна Гулдурсун очиндин,  
Кўмак кимдин келур, чўл ичра кимдин?!

Суҳайл борди топарға сувға, донға,  
Вале дармон беролмай қолди жонға.

У саҳро ичра чорасиз қолди ёлғиз,  
Бўлуб ташна, қуруб қолғонтек илдиз.

Менга яхши деди ёр бирла ўлмак,  
На лозим ғам билан дунёда қолмақ!

Шу сўзни айтти, тег уриб ўзиға,  
Кўринмай қолди кенг олам кўзиға.

Суҳайл оҳидин шу дам қўпти бўрон,  
Анингтеким, бузулди чархи даврон.

Алар узра тўкилди, кўмди тупроқ,  
Бу сирни танҳо саҳро билди кўпроқ.

Анга келди шараф мард ўлмагиндин,  
На келгай эрди қўрқиб қолмагиндин?!

Ўлурму севги ҳам бил, шундин ортуқ,  
Ки иккиси қилур жонини тортуқ.

Хотин содиқ, ани севгил азиз эр,  
Ҳар оғир ишда ҳам доим сени дер.

Унга дўст бўл, уни севгил, кўнгул бер,  
Унинг сўз баҳридин гавҳарларни тер!

Бўлур бу битигим<sup>1</sup>, тарихга ёдгор,  
Бу ёдгоримда ёлғон йўғу чин бор.


Битиган номани эллар ўқуғай,  
Суҳайлнинг тарихини тоза билғай.

---



<sup>1</sup> Битиг – ёзув, асар.

Илоҳо, асрагин Сайфи Саройинг,  
Халос айлаб зулмдин кенг саройинг.

Еди<sup>1</sup> юз тўқсон олти, наврўз ойи,  
Хатм этти<sup>2</sup> буни Сайфи Саройи.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

**БИЛИШ**

	<i>Расм чизиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------------	---	-----------------------

1. Асар қандай тарихий воқеа асосида тасвирланган? Жавобингизни асосланг.
2. Суҳайлнинг чоҳдаги аҳволини акс эттирувчи расм чизинг.
3. Асарда Суҳайлнинг туш кўриши қандай тасвирланган? Сизнингча, бунда биронта яширин маъно борми?

**ТУШУНИШ**

	<i>Муҳокама қилиш</i>
--	-----------------------

1. Достон қайси жанрда ёзилганлигини аниқланг. Ушбу жанрда ёзилган асарлар номини айтинг.
1. Асарда Суҳайлнинг мардлиги қайд этилган ўринларни топинг. Нима учун муаллиф қаҳрамонни шундай жасорат эгаси қилиб яратган?
2. Нима сабабдан достонда инсон эрки ҳақидаги мулоҳазалар киритилган? Унинг бадиий жиҳатларини асар матнига таянган ҳолда тушунтириб беринг.

**Қўллаш**

1. Асар матнига таяниб достоннинг ёзилиш вақтини аниқланг. Санани ўқитувчингиз ёрдамида ҳижрийдан милодий санага ўтказинг.

	<i>Ёд олиш</i>
---	----------------

2. Ўзингиз ёқтирган парчани ёд олинг. Бунда аруз вазнидаги шеърларни ифодали ўқиш қойдасига риоя қилинг.

<sup>1</sup> Еди – етти.

<sup>2</sup> Хатм этти – тугатти, тамомлади.



### Гуруҳда ишлаш

1. Асарнинг авж нуқтасини топинг ва уни гуруҳда муҳокама қилинг.

### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



### Ёзиш

1. Асардаги радиф ва қофияларни аниқланг ва иш дафтарингизга ёзиб олинг.
2. Ҳазал байтларини кетма-кетликка амал қилган ҳолда шарҳланг.
3. Ҳазалда қўлланилган шеърий санъатларни аниқлаб, асар матнига таянган ҳолда жадвални тўлдиринг. Улар нима учун қўлланганлигини асосланг.

Шеърий санъат	Далил	Шарҳи

### УМУМЛАШТИРИШ

1. Асарнинг бош қаҳрамонлари Суҳайл ва Гулдурсунга хос фазилатларни **“Тўнлаштириш”** усули асосида ёритиб беринг.
2. Муаллифнинг вафо, садоқат ҳақидаги ўй-фикрлари қайси мисраларда яққол кўринган? Сиз бу сўзларнинг мазмунини қандай тушунасиз? Жавобингизни **“Ассоциация”** усули орқали шарҳланг.
3. Достонда қандай ғоя илгари сурилган? Жавобингизни асар матнига таянган ҳолда асосланг.

### БАҲОЛАШ

Асардан олган таассуротларингизни **“ПОПС формуласи”** орқали ёритиб беринг.

- 1-Ҳап: Менинг фикримча,..
- 2-Ҳап: ...сабабини мен бундай тушунтираман...
- 3-Ҳап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...
- 4-Ҳап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки,..



**Билиб олинг!**

### **МАСНАВИЙ ҲАҚИДА**

*Маснавий жанри шарқ адабиётига араб шеърятидан ўтган бўлиб, унинг маъноси иккиликдир. Маснавий усули билан шеър ёзилганда байтдаги ҳар икки мисра ўзаро қофияланиши керак. Бу йўл воқеа ва ҳодисаларни эпик кўламда акс эттиришга имкон бергани учун ҳам дostonлар кўпинча маснавий йўли билан ёзилади. Ўзбек адабиёти тарихида маснавий йўли билан яратилиб, бизгача тўла ҳолда сақланиб қолган асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» дostonидир. Сайфи Саройи дostonи ҳам мана шу шеърӣ усул билан ёзилган. Дostonлар одатда араб арузининг мутақориб баҳрида ёзилади. Бироқ айрим дostonлар бошқа вазнларда ҳам ёзилиши мумкин, Бунга мисол тариқасида Алишер Навоийнинг айрим дostonларини, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарини мисол қилиб келтириш мумкин.*

*Маснавий шаклида дostonлардан ташқари қасида, шеърӣ нома ва бошқа турдаги асарлар ҳам яратилиши мумкин.*



## ЛУТФИЙ (1366–1465)



Лутфий – туркий адабиётининг XV аср иккинчи ярмигача бўлган энг машҳур лирик шоир. Шунинг учун ҳам замонасининг аҳли адаби ва аҳли фузалоси уни “Малик ул-калом”, яъни “сўз подшоси” деб эъзозлаган. Манбаларда тахаллуси олдидан “улуғ устод” маъносидаги “Мавлоно” сифатининг қўшиб тилга олиниши ҳам шундан. Обрўйи ва шуҳрати юксак даражага етган эди. Алишер Навоий уни устозларидан бири деб билади.

Шоир Ҳиротда туғилиб-ўсган, ўзи яшаган Деҳқанор деган қишлоқда дафн этилган.

Лутфийнинг ҳаёт йўли сингари, ижодий тақдири ҳам жуда ибратли: у 99 йил яшаган. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида маълумот берилишича, Лутфий умрининг охирларида «офтоб» радифли бир шеър ёзган, ўша замоннинг кўп шоирлари унга татабуъ қилганлар, аммо улардан ҳеч бири Лутфийнинг «панжасига панжа» ура олмаганлар.

Ҳақиқатан ҳам, Лутфийнинг шеърояти – хилма-хил шакллардан таркиб топган мазмундор, рангин шеъроят. Бизгача шоирнинг XVI–XX асрлар мобайнида кўчирилган туркий девонининг 33 қўлёзма нусхаси етиб келган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Лутфий ғазалнавис сифатида Шарқ адабиётида барқарорлашган адабий-эстетик анъаналар билан халқ оғзаки ижодиёти тажриба тамоёйили ва усулларини ниҳоятда моҳирлик билан мувофиқлаштирган. Шу боисдан ҳам унинг ғазалларида миллий ҳис-туйғулар нурланиб, инсоний дард, армон, қайғу ва шодлик тасвири такрорсиз бир таъсирчанлик касб этган. Шоирнинг “Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма, Қондур жигарим, хоҳ инон хоҳ инонма”, – каби мисраларини ўқиганда, уларнинг бундан бир неча аср муқаддам ёзилганига баъзан ишонини ҳам қийин бўлади. Чунки улар шу даражада содда, оғзаки нутққа яқин ва китобий безакдорликдан йироқ ва самимийдир.






*Видеолавҳа томоша қилиш*



*Тинглаш*

Интернет манбаларидан фойдаланиб, шоир ғазалига басталанган қўшиқларни тингланг. Ўз таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ғазал мавзуи ва тили, ички ва сиртки қофия, радиф, шеърий санъатлар, матлаъ ва мақтаъ.

	<i>Матнолди топшириқлар</i>		
	<i>Мулоқот</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>

1. Ғазал қандай шеърий жанр?
2. Ўзбек адабиёти тарихида қайси шоирлар ғазал жанрида ижод қилган?
3. Қандай ғазални ёддан ўқий оласиз?



	<i>Ўқиш</i>		<i>Ёд олиш</i>
---	-------------	---	----------------

## ҒАЗАЛЛАР

### СЕНСАН СЕВАРИМ...

Сенсен севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳижрон кечаси чархи фалакка<sup>1</sup> етар, эй моҳ,  
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

<sup>1</sup> Фалак – осмон.



Ҳаққоки<sup>1</sup>, қилич келса бошимға, эшикингдин,  
Йўқтур гузарим<sup>2</sup>, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Усрук<sup>3</sup> кўзинг ашколина<sup>4</sup> ҳар гаҳ назар этсам,  
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъқуб бикин<sup>5</sup> кўп йиғидин қолмади сенсиз,  
Нури басарим<sup>6</sup>, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзунгға кўз солғали ўзга киши бирла,  
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди,  
Эй сиймбарим<sup>7</sup>, хоҳ инон, хоҳ инонма.



### Савол ва топшириқлар

#### БИЛИШ



### Жуфтликда ишлаш

1. Ғазалнинг ҳажм ва мавзуси ҳақида маълумот беринг.
2. Яъқуб пайғамбар ким? У ҳақида қандай ривоят бор?

#### ТУШУНИШ

Нима учун шоир ёр эшигидан бошқа саждагоҳ йўқлигини таъкидлайди? Ушбу мисра кимга бағишланган?

#### ҚўЛЛАШ



### Якка тартибда ишлаш



### Ёзиш

Ғазал мазмунини ифодаловчи 7 таянч сўзни топинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.  
Таянч сўзлар ёрдамида ғазал мазмунини насрий баён қилинг.

<sup>1</sup> Ҳаққоки – Худо ҳаққи, худое.

<sup>2</sup> Гузар – манзилгоҳ.

<sup>3</sup> Усрук – маст, сузилган.

<sup>4</sup> Ашкол – шакллар.

<sup>5</sup> Яъқуб бикин – Юсуф алайҳиссаломнинг йиғлайвериб кўр бўлиб қолган отаси Яъқуб пайғамбар каби.

<sup>6</sup> Нури басар – кўзим нури.

<sup>7</sup> Сиймбар – кумуш тан, оқ бадан.

### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

1. “Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди” мисрасининг мазмунини таҳлил қилинг. Байтда қандай шеърий санъат мавжудлиги ҳақида жуфтликда ўртоқлашинг.
2. Ҳазал байтларини шарҳланг.

### УМУМЛАШТИРИШ

Ҳазалда қандай шеърий санъатлар қўлланган? Ҳазал матнига таянган ҳолда жавобингизни асосланг. Ҳадвални тўлдилинг.



Шеърий санъат	Далил	Шарҳи

### БАҲОЛАШ

	<i>Тинглаш</i>
---	----------------

Интернет манбаларидан фойдаланиб, ушбу ҳазалга басталанган қўшиқни тингланг. Сизнингча, қуй ҳазалга қандай оҳанг бағишламоқда?



	<i>Ўқиш</i>		<i>Ёд олиш</i>
---	-------------	---	----------------

### МЕНИ ШАЙДО ҚИЛАДУРҒОН...

Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,  
Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Ўқдайин қоматимизни қора қошлиғлар учун  
Мутассил ё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Мени ёзғурма<sup>1</sup> «севар» дебки, менинг ҳаддим эмас,  
Ул таманно қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

<sup>1</sup> Ёзғурма – айблама.

Борма, дерлар, эшики сори дамо-дам, нетайин,  
Кўп тақозо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Тори мўйин ҳаваси бирла қоронғу кечада  
Жонни савдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Ўзгадин кўрмаки кўзунг ёшини, эй Лутфий,  
Айни дарё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.



### Савол ва топшириқлар

#### БИЛИШ



### Якка тартибда ишлаш

1. Ҳазалдаги анъанавийлик ва ўзига хослик ҳақида нима дея оласиз?
2. Сизнингча, шеърдаги радиф кимга қаратила айтилган?

#### ТУШУНИШ



### Жуфтликда ишлаш

1. Нима учун лирик қаҳрамон ишққа мубтало бўлган? Бош сабабчи ким?
2. Нима сабабдан муаллиф дарё каби кўз ёш тўкади? Ушбу байтда шоир санъаткорлиги қай даражада намоён бўлган?

#### ҚўЛЛАШ



### Ёд олиш

1. Ҳазалнинг авж нуқтасини топинг.
2. Ҳазални ёд олинг.

#### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



### Ёзиш

1. “Ўқдайин қомат”нинг “ё” бўлишини қандай тушунасиз? Байтдаги шеърий санъатларни таҳлил қилинг.
2. Ҳазал байтларини кетма-кетликка амал қилган ҳолда шарҳланг.

## УМУМЛАШТИРИШ

1. Ғазал байтларини туташтирувчи ва бирлаштирувчи омилни топинг.
2. Шеърга қайси шоир ўхшатма ёзган? Ушбу ғазални топиб, “Т-жадвал” усули асосида икки ғазални талқин қилинг.

Асл нусхадаги ғазал		Ўхшатма ғазал	
<i>Афзаллиги</i>	<i>Фарқи</i>	<i>Афзаллиги</i>	<i>Фарқи</i>



## БАХОЛАШ

1. Берилган ғазалнинг кейинги шухрати ҳақида нима дея оласиз?

	<i>Тинглаш</i>
---	----------------

2. Ушбу ғазал таъсирида Алишер Навоий ғазал битган. Ўша ғазални топинг ва шарҳланг.



	<i>Ўқиш</i>		<i>Ёд олиш</i>
---	-------------	---	----------------

## АЁҚИНГҒА ТУШАР ҲАР ЛАҲЗА ГИСУ...

Аёқингға тушар ҳар лаҳза гису<sup>1</sup>,  
Масалдурким: «Чароғ туби қоронғу».

Тутурмен кўзки, кўрсам оразингни<sup>2</sup>,  
Ки дерлар: «Оққан ариққа оқар сув».

Юзунгни туттум ортуқ ою кундин,  
«Кишининг кўзидур, оре, тарозу».

<sup>1</sup> Гису – соч.

<sup>2</sup> Ораз – юз, бет.

Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат<sup>1</sup>,  
Ки айтурлар: «Тилаганни – тилогу<sup>2</sup>».



### Савол ва топшириқлар

#### БИЛИШ

1. Ушбу ғазал матнининг сиз ўрганган бошқа ғазаллардан фарқи нимада?
2. Ёзма адабиётнинг халқ оғзаки ижоди билан ҳамоҳанглиги ҳақида ўз фикрингизни билдириңг.

#### ТУШУНИШ

1. Сизнингча, шоирнинг бош дарди нимада деб ўйлайсиз?
2. Қайси мисра унинг ички кечинмаларини яққол тасвирлайди?

#### ҚўЛЛАШ

1. Ғазалда берилган мақолларни бошқа мақоллар билан алмаштиришга ҳаракат қилиңг.
2. Ғазални ёд олинг.

#### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

1. Байтлар мазмунини шарҳланг.
2. Ғазалдаги ўзбек халқ мақолларини иш дафтарингизга ёзиб олинг ва жадвални тўлдириңг. Уларнинг ғазалдаги вазифаси ҳақида фикр билдириңг.

<i>Асардаги шакли</i>	<i>Ҳозирги кундаги шакли</i>

#### УМУМЛАШТИРИШ

Ғазалда қўлланилган шеърий санъатларни аниқлаб, асар матнига таянган ҳолда жадвални тўлдириңг.



Шеърий санъат	Далил	Шарҳи

#### БАҲОЛАШ

Ушбу ғазал таъсирида Алишер Навоий ғазал битган. Ушбу ғазални топинг ва шарҳланг.

<sup>1</sup> Ижобат – қабул қилиш.

<sup>2</sup> Тилаганни тилогу – тилаган киши тилагига етишади.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Ёд олиш</i>
---	-------------	---	----------------

### ҲАҚ УЛ КУНКИМ...

Ҳақ ул кунким жамолинг бор этибдур,  
Жаҳон ҳуснин борин сизга берибдур.

Парию одами мундоқ хўб<sup>1</sup> эрмас,  
Фаришта гўёи кўктун энубдур<sup>2</sup>.


Қуёш ойдек юзунгнинг хижлатидин<sup>3</sup>,  
Қочиб, тўртинчи кўк узра чиқибдур.

Юзунг ногаҳ кўруб ойдек соғиндим,  
Магар хушу хирад<sup>4</sup> мендин кетибдур.

Хирад кетмай нетар мендек гадодин?  
Қошимға ул шаҳи хўбон<sup>5</sup> келибдур.

Қилур даъвийн<sup>6</sup> нур ул шамъи мажлис,  
Магар парвона шомимдин олубдур.

Неча бу Лутфий қулға жавр этарсен?  
Вафо қилким, жафо ҳаддин ошибдур!

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

БИЛИШ

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------

1. Ғазалда Ҳақ тимсоли устунми ёки ёр тимсоли устунми? Жавобингизни асосланг.
2. Ёрнинг ойдек юзи қуёш ва офтобни хижолат қилганлиги қайси мисрада берилган? Бунинг сабабини изоҳланг.

<sup>1</sup> Хўб – яхши.

<sup>2</sup> Энибдур – тушубдир.

<sup>3</sup> Хижлат – хижолат.

<sup>4</sup> Хирад – ақл, идрок.

<sup>5</sup> Хўбон – яхшиларнинг яхшиси.

<sup>6</sup> Даъвийн – даъволар.

## ТУШУНИШ



### Сўзлаш

1. Сизнингча, нима учун шоир ғазалга шам тимсолини киритган?
2. Нима сабабдан шоир ўзини гадо деб атади? Жавобингизни изоҳланг.

## Қўллаш

1. Оллоҳга бўлган муҳаббат қайси байтда яққол тасвирланган?
2. Ғазални ифодали ўқишни машқ қилинг.

## ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



### Ёзиш

1. Ғазалнинг қофия ва радифларини аниқланг.
2. Байтларнинг мазмунини ўз сўзларингиз билан шарҳланг.
3. Шоирнинг ғазалда шеърий санъатларни қўллаш маҳоратини мисралар таҳлили орқали кўрсатиб беринг.

Шеърий санъат	Далил	Шарҳи

## УМУМЛАШТИРИШ



### Сўзлаш

1. “Ҳақ” сўзининг мазмунини “*Ассоциация*” усули бўйича тушунтиринг.
2. Сўнгги байтда “Лутфий қулга жавр этарсен” деб мурожаат этган? Мисрада келтирилган “қул” сўзининг маъноларини “*Кластер*” усули асосида тушунтиринг.

## БАҲОЛАШ

Ғазалда қандай яширин бадиий маъно мавжуд? Ғазал мисраларидан жавоб топиб фикрингизни изоҳланг.





Ўқиш



Ёд олиш

## ТУЮҚЛАР

Кўнглума ҳар ёнки боқсам, доғи бор,  
Ҳар неча дардимни десам, доғи бор.  
Қилча танга бори ишқинг ёр эди,  
Бир сори<sup>1</sup> бўлди фироқинг доғи бор.

\* \* \*

Мен сенинг илқингдин, эй дил, бандамен,  
Ваҳ, қачон етқаймен ул дилбанда мен.  
Бевафоларға мени қилдинг асир,  
Сен менга султонсан, эй дил, банда мен.

\* \* \*

Чархи кажрафтор<sup>2</sup> элидин ёзамен,  
Чиқмадим ҳижрон қишидин ёза мен.  
Бир мени ёрлиқ била ёд этмас ул,  
Ҳар неча ул шаҳға қуллуқ ёзамен.

\* \* \*

Қоматимни неча қошинг ё қила?  
Неча ҳажр ўти жонимда ёқила?  
Ғамза<sup>3</sup> бирла тўкти қоним ул санам,  
То хинотек қон элина ёқила.

\* \* \*

Эй кўнгул, ёрсиз санга не бор, бор,  
Қайдаким ул зулфи анбар бор, бор<sup>4</sup>.  
Чек жафоу жавру нозин борини,  
Бир кун ўлғайким, дегайлар: «Бор-бор!»

<sup>1</sup> Бир сори – бир томон.

<sup>2</sup> Кажрафтор – тесқари қилиқли, терс айланувчи.

<sup>3</sup> Ғамза – ишва, ноз.

<sup>4</sup> Бор – юк.





## Савол ва топшириқлар

### БИЛИШ



### Ўқиш



### Ёзиш

1. Берилган туюқларни диққат билан ўқиб, мисралар замиридаги яширин маъноларни аниқланг.
2. Шеърлардан бир шаклдаги сўзларни ажратиб, иш дафтарларингизга ёзиб олинг.

### ТУШУНИШ

Сизнингча, нима учун туюқларда шаклдош сўзлар қўлланилган?

### ҚўЛЛАШ



### Ёд олиш

1. Ўзингиз мустақил равишда шаклдош сўзларни ишлатиб, туюқ яратишга ҳаракат қилинг.
2. Ўзингиз истаган учта туюқни ёд олинг.

### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

1. “Бандамен” тарзидаги қофияланган туюқдаги яширин маъноларни топинг ва шеърый санъатларни таҳлил қилинг.
2. “Ёзамен” сўзлари билан зийнатланган туюқ замиридаги мазмунни изоҳланг.

### УМУМЛАШТИРИШ

Ҳамма туюқлар учун умумий бўлган жиҳатларни **“Тўплаштириш”** усули бўйича ўз фикрингизни синфдошларингизга ҳавола этинг.

### БАҲОЛАШ

Шеърларни ифодали ўқиш мусобақасини уюштиринг ва диктофон орқали қайта эшитиб, бир-бирингизга баҳо беринг.





**Билиб олинг!**

### ТУЮҚ ҲАҚИДА

Туюқ – бу соф туркча (ўзбекча) сўз бўлиб, «ечилмайдиган қилиб туймоқ», «чигаллаштирмоқ» маъноларини англатади. Дарҳақиқат, туюқни тугал тушуниш учун кишида фикр, сўз, топқирлик, зийраклик шаклланган бўлиши керак.

Алишер Навоийнинг англатишича, «туюқда... тажнис айтилгай», яъни бу жанрда жинсдош (шаклдош) сўзларнинг маънодорлигидан фойдаланилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур туюқнинг бир неча турларини кўрсатиб, «туюқ бир неча навъдур... бири улким, ҳар тўрт қофияда тажнис риоят қилинибтур. Нечукким:

*Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга,  
Ҳажр аро раҳм айла, ёро, манга,  
Ўқунг этти хўб ямон ёро манга,  
Марҳами лутфинг била ёро манга»*

тарзида мисол келтирган. Бобурнинг бу туюғида «ёро» сўзи «ярамайман»(1), «эй ёр» (2), «яра» – жароҳат (3) ва «ярамоқ» феълининг буйруқ шаклидаги ярагин (4) маъноларида ишлатилган. Туюқлар худди рубоийлар сингари -а-а-б-а ва -а-а-а-а тарзида қофияланади. Туюқ ўзбек тилининг бадиий ифода имкониятлари катталигини кўрсатиши ва шоирларнинг бир сўз замиридаги турли маъноларни топа олиш маҳоратини ўлчаш нуқтаи назаридан ўзига хос жанрдир.





Ўқиш



Сўзлаш

## АЛИШЕР НАВОИЙ (1441–1501)



*Донолар бисотидан*

*«...туркий тилда ҳеч ким Навоийдек кўп ва хўп шеър айтмаган ҳамда назм гавҳарларини сочмаган эди».*

*Абдурахмон Жомий. «Баҳористон» дан*

*«... Бу улуг амир дину давлат ҳомийси, шариат ҳамда миллатнинг пушти паноҳидир».*

*Давлатшоҳ Самарқандий*

*«Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожизтурур».*

*Ҳусайн Бойқаро*



Низомиддин Мир Алишер Навоий сўз даҳолари орасида энг нодирларидан бири бўлиш билан бирга устози Абдурахмон Жомийнинг таъбирича, «низоми миллати ва дин» (дин ва миллатнинг низоми) даражасига етган шахс эди. Алишер Навоий даҳосининг қайси бир қиррасини ўрганмайлик, унинг турк миллати тараққиёти йўлида буюк хизматлар қилганини англаймиз. Айниқса, шоирнинг таржимаи ҳолини кузатганда фавқулодда буюк истеъдод эгаси бўлган Алишер Навоийда шеър завқи ва истеъдоди жуда эрта уйғониб куртак ёза бошлаганининг гувоҳи бўламиз. «Мажолис ун-нафоис» асарида шоирнинг ўзи шундай ёзган: «Фақир аввал назмеки ўрганибмен, ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг ора-


сида эрдим, азизлар шеър ўқимоқ таклифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилурлар эрди». Демак, Алишер болалик чоғлариданоқ азизлар мажлисларига шеър ўқишга таклиф қилинган, табиийки, уч ёшли болада бундай туғма салоҳиятни кўрганлар ҳайратда қолганлар. Кейинроқ, Хуросондаги Тафт шахри яқинида

тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашгани ёки Фаридиддин Атторнинг форс тилидаги «Мантиқ ут-тайр» («Қуш нутқи») номли фалсафий асарини ёд олгани ҳам фавқулодда истеъдоднинг эрта куртак ёзганидан дарак беради.

Ёш Алишер болалигиданоқ мустақил тарзда ғазаллар яратишга киришгани маълум. Ҳазратнинг ўзи бу тўғрида «Бадойиъ ул-бидоя» («Гўзалликнинг бошланиши») девони дебочаси (кириши)да шундай ёзган: «ети-сакизимдин шеър тартиб бериш шавқи рағбати хаёлимни банд этди». Шоир дастлабки ғазаллари биланоқ шеър аҳлининг ҳайрат ва муҳаббатига сабаб бўлди. Ёш Алишернинг кекса шоир мавлоно Лутфий билан учрашуви ва унинг:

*Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлгоч қуёш*

матлаъси билан бошланадиган ғазалига юқори баҳо бериб, шу вақтга қадар ёзган 12 минг байт шеърини унга алмаштирмоққа рози бўлгани Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» («Муқаррам хулқлар») асаридан маълум. Ниҳоят, йигитлик даврида бир неча шоири давронлар ёш Алишернинг Камол Турбатий билан учрашгани ва у ҳам Навоийнинг шеърини даҳосини эътироф этганлигига шохидирлар.



Алишер Навоийнинг комил шахс даражасига етишишида турли соҳа вакиллари бўлган устозларининг ҳиссалари катта. Улардан бири Саййид Ҳасан Ардашер бўлиб, уни шоир «ота масобаси» (даражаси)да кўрган ва бу устози ҳақида кейинроқ махсус рисола битган. Ҳазратнинг яна бир устози сарой паҳлавонларининг етакчиси, ашулачи ва раққос, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) билимдони ва шоир, табиб ва ошпаз Паҳлавон Муҳаммаддир. Шунча хислатлар эгаси бўлса-да, устози ниҳоятда камтаринлик билан ўзини «дун» – қуйи мартабада ҳисоблаганини Алишер Навоий замондошларига намуна қилиб ёзади. Тасаввуф тариқатида Абдурахмон Жомий билан бўлган устоз-шогирдлик муносабатлари нафақат Алишернинг буюк тасаввуф шоири сифатида камол топишига, балки Жомийнинг форсий дунёдаги энг улуғ устозлардан бирига айланишига ҳам таъсирини ўтказган.

Алишер Навоий болалик давридан то умрининг охирига қадар яратилган рубоий



шеърларини бир неча девонларга жамлагани маълум. Унинг ихлосмандлари томонидан тартиб берилган биринчи шеърлар мажмуаси навоийшуносликда «Илк девон» унвони билан машҳурдир. Сўнгра эса, 1470-йилларда Хусайн Бойқаро саройида вазирлик мансабида фаолият кўрсатаётган бир даврда «Илк девон»га кирмаган шеърларни ҳам жамлаган ҳолда «Бадойиъ ул-бидоя» («Гўзалликнинг бошланиши») ва «Наводир ун-ниҳоя» (Нодирликлар ниҳояси») номли девонлари тартиб билан берилган.

Алишер Навоийнинг лирик мероси «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») умумий номи остида тўрт девон қилиб тузилган. Ҳар бир девон махсус «Дебоча» билан очилади, сўнгра мумтоз шеърят анъаналари асосида дастлаб ғазал жанрида битилган асарлар келтирилади. Шоирнинг ҳар бир девонида 650 тадан ғазал бўлиб, жами ғазалларининг сони 2600 нафардир. Сўнгра эса бошқа 16 жанрдаги (Алишер Навоий уларни «синфлар» деб атаган) асарлар келади.

Биринчи девон «Ғаройиб ус-сиғар» («Болалик ғаройиботлари») бўлиб, унда шоир ижодининг дастлабки даврида яратилган шеърлар ҳамда кейинги даврларда битилган бўлса-да, қандайдир маънода девоннинг номига мувофиқ келган асарлар жамланган. Иккинчи девон «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик нодирликлари») номи билан машҳурдир. Унда инсон умрининг шу фасли билан боғ-




лиқ асарлар йиғилган. Бироқ ҳар бир девон инсон умрининг муайян бир фасл билан боғлиқ ҳолда номланганлиги шартли эканлигини ҳам унутмаслик керак бўлади. Учинчи девон «Бадоеъ ул-васат» («Ўрта ёшлик гўзалликлари») деб номланиб, шоирнинг балоғат палласи билан мантиқан боғланган шеърӣ асарлар бу девондан ўрин олган. Тўртинчи – «Фавойид ул-кибар» («Кексалик фойдалари») девонига шоирнинг етук ёшидаги асарлари, тафаккур ва туйғулар хазинасидаги гўзал ҳамда фойдали кайфиятларни ифодалаган шеърлари киритилган.

Навоӣ ғазалларининг мавзулар кўлами кенг. Уларда бош қаҳрамон кўпинча ошиқ тимсолида гавдаланиб, шоирнинг замона талотумлари билан уйғунлаша олмаганлиги изтироблари, маъшуқанинг жабри жафосидан нолиши баробарида даврнинг турли ўйин-найранглари сабабли кўнглидан кечирган аламли мушоҳадалар ҳам акс этгандир. Ғазалда соф ишқӣ, интим туйғулар ва кайфиятлар билан бир қаторда кучли ижтимоӣ муаммолар ҳам акс этган. Шоир ва адабиётшунос М. Шайхзода Алишер Навоӣ ғазалларининг мавзу доирасидан келиб чиқиб, уларни ошиқона, орифона ва риндона ғазалларга ажратиб ўрганиш ҳам мумкинлигини айтган эди. «Кеча келгумдир дебон...», «Қаро кўзум...» деб бошланувчи ғазалларининг асосӣ йўналиши ошиқона кайфиятларни ифода этса, бошқа кўплаб ғазалларида тасаввуфӣ талқин, руҳ манзиллари ва камолоти тасвирига кенг ўрин берилади.

Алишер Навоий ғазалларини ўрганганда улардаги фақат ташқи маъноларнигина илғаб қолмай, балки унинг яширин сифатларини ҳам идрок этиш лозим бўлади. Ана шундагина «ғазал мулкининг султони» бўлган Алишер Навоий ғазалларини теранроқ англаш мумкин.

	<i>Видеолавҳа томоша қилиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	--------------------------------	---	-----------------------

1. Интернет манбаларидан фойдаланиб, Алишер Навоий ҳақида берилган видеолавҳаларни кўринг ҳамда ўз таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>
---	----------------------

2. Муҳокама учун очиқ ва ёпиқ саволлар тузинг, ҳамда гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.



*Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ғазалнавис шоир, бадий тим-сол, фалсафа, шеърий санъат, лирик қаҳрамон, бегона байт, тасаввуф.*



1. Нима сабабдан Алишер Навоийни ғазалнавис шоир деб атаймиз?
2. Ғазалларининг асосий мавзу доираси қандай?



## ҒАЗАЛЛАР

### КЕЧА КЕЛГУМДИР ДЕБОН...

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў<sup>1</sup> келмади.

Оразидек ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қоронғу, келмади.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,  
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча сув келгай деб ўлтурманг мени,  
Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Толиби содиқ<sup>2</sup> топилмас, йўқса ким қўйди қадам,  
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқа ўтру<sup>3</sup> келмади.

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

*“Бадоеъ ул-васат”нинг 608-газали*

<sup>1</sup> Бадхў – ёмон қилиқли.

<sup>2</sup> Толиби содиқ – садоқатли шогирд.

<sup>3</sup> Ўтру – қарши, рўпара.





### Савол ва топшириқлар

#### БИЛИШ



### Муҳокама қилиш

1. Ҳазалнинг мавзусини аниқланг.
2. Асардаги бадий тимсол нимани ифодалайди?
3. Бегона байт қандай байт? Ҳазалда у қандай ўринга эга?

#### ТУШУНИШ

1. Сизнингча, муҳаббат тимсоли орқали шоир қандай ғояни кўзлаган?
2. Нима сабабдан муаллиф “девонавор” йиғлайди? Жавобингизни асосланг.

#### ҚўЛЛАН



### Ёзиш

1. Ҳазал мазмунини ифодаловчи 7 та таянч сўзларни иш дафтарингизга ёзиб олинг.
2. Ушбу ғазалда қайси сўзлар ўз маъносида эмас, кўчма маънода ишлатилган?

#### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



### Гуруҳда ишлаш



### Ёзиш

1. Ҳазалда қандай шеърий санъатлар қўлланилган? Жавобингизни шарҳланг.

Шеърий санъат	Далил	Шарҳи

2. “Оразидек ойдин”, “Рўзгоримдек қоронғу” ифодалари замиридаги зиддиятни қандай баҳолайсиз? Ўзаро зид тушунчалар асосида қуриладиган санъат мумтоз шеъриятда қандай аталар эди?



### Сўзлаш

1. Ҳар бир байтни ўз сўзингиз билан қайта сўзлаб беринг.

#### УМУМЛАШТИРИШ

“Ассоциация” усули орқали “Толиби содиқ”, “май”, “бода” тимсолларининг маъноларини изоҳланг.



*Тинглаш*

Интернет манбаларидан фойдаланиб, ушбу ғазалга басталанган қўшиқни тингланг. Сизнингча, куй ғазалга қандай оҳанг бағишламоқда?



*Ўқиш*



*Ёд олиш*

### ҚАРО КЎЗУМ...

Қаро кўзум, келу мардумлуғ<sup>1</sup> эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин<sup>2</sup> яса гулшан,  
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингға<sup>3</sup> бағир қонидин хино боғла,  
Итингға ғамзада<sup>4</sup> жон риштасин расан<sup>5</sup> қилғил.

Фироқ тоғида топилса, туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан<sup>6</sup> қилғил.

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни боштин аёғ чин ила<sup>7</sup> шикан<sup>8</sup> қилғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монень<sup>9</sup>,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб, ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

<sup>1</sup> Мардумлиғ – одамийлик, ҳимматлилик.

<sup>2</sup> Равза – боғ, жаннат.

<sup>3</sup> Таковар – от.

<sup>4</sup> Ғамзада – ғамда адо бўлган.

<sup>5</sup> Расан – арқон, арғамчи.

<sup>6</sup> Кўҳкан – тоғ қазувчи.


<sup>7</sup> Чин ила – сочининг жингалак қисми.

<sup>8</sup> Шикан – букилиш, буралиш.

<sup>9</sup> Эмас монень – тўсиқ эмас.

Навойй, анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғли ўқин шамъи анжуман қилғил.

“*Фаройиб ус-сиғар*”нинг 371-газали



*Савол ва топшириқлар*

**БИЛИШ**


*Сўзлаш*

1. Ҳазалнинг қофия ва радифида ишлатилган сўзлар қайси тилдан олинган?
2. Ҳазалда муаллиф кимларга мурожаат қилганлигини аниқланг.

**ТУШУНИШ**


*Муҳокама қилиш*

1. “Кўз қаросида ватан” қилишни қандай тушунаси? Мазкур ифоданинг бадиий маъносини изоҳланг.
2. Сўнгги байтларда жон ва ўлим тушунчалари қайси маънода тилга олинган?

**ҚўЛЛАШ**


*Ёзиш*

Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдиринг.

Матннинг асосий ғоясини топинг	
Аниқ ва ноаниқ маълумотлар	
Фикрингизни расм билан тасвирланг	
Тарбиявий хулоса чиқаринг	

**ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**


*Мулоқот*


*Ёзиш*

1. Ҳазал байтларини кетма-кетликка амал қилган ҳолда шарҳланг. Шоирнинг аввал ёрга, сўнгра боғбон, рафиқ ва бошқаларга мурожаат этишини қандай изоҳлайсиз?
2. Шеърда қандай шеърый санъат воситалари қўлланилган? Жадвални тўлдиринг.


Шеърый санъат	Далил	Шарҳи

УМУМЛАШТИРИШ



Гуруҳда ишлаш

“Оқилнинг олти қалпоғи” усули асосида асар сюжетини умумлаштиринг.



БАҲОЛАШ



Тинглаш

Интернет манбаларидан фойдаланиб, ушбу ғазалга басталанган қўшиқни тингланг. Сизнингча, куй ғазалга қўшимча нафислик ҳадя қилганми?





*Ёд олиш*

### **КЎРГАЛИ ҲУСНУНГНИ...**

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,  
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санго.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батарроқ мубтало бўлдим санго.

Мен қачон дедим вафо қилғил, манго зулм айладинг,  
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манго, бўлдум санго.

Қай пари пайкарға<sup>1</sup> дерсен телба бўлдунг бу сифат,  
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим овора бўл,  
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.

Жоми Жам бирла Хизр суйи<sup>2</sup> насибимдур мудом,  
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.

Ғусса чангидин навое<sup>3</sup> топмадим ушшоқ аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

*“Ғаройиб ус-сигар”нинг 16-газали*



*Савол ва топшириқлар*

**БИЛИШ**



*Сўзлаш*

Ғазалнинг насрий баёнини ёзинг.

<sup>1</sup> Пари пайкар – пари суратли.

<sup>2</sup> Хизр суйи (суви) – ҳаёт бахш этувчи сув.

<sup>3</sup> Навое – овоз, садо, насиб, баҳра.

**ТУШУНИШ**



*Мулоқот*

1. Нима учун шоир «Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санго» деб ёрга мурожаат этади?
2. Шоирнинг ёрдан кўнгул узиш иштиёқи борлиги сабабини тушунтиринг. Бунинг имкони бормиди?

**ҚўЛЛАШ**



*Жуфтликда ишлаш*



*Ёд олиш*

1. «Мен қачон» деб бошланадиган байтдаги ўзаро зид сўзларни топинг. Бу зиддиятли тасвир орқали шоир англатмоқчи бўлган фикрни аниқланг.
2. Ҳазални ёд олинг.
3. Шеърда қандай мурожаатномалар бор?

**ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**



*Ёзиш*

1. Ҳазал байтларини кетма-кетликка амал қилган ҳолда шарҳланг.
2. Шеърда қандай шеърий санъатлар қўлланилган? Жадвални тўлдилинг.


Шеърий санъат	Далил	Шарҳи

**УМУМЛАШТИРИШ**



*Гуруҳда ишлаш*

1. «Вафо» ва «фидо» сўзларининг маъносини «Венн диаграммаси» асосида ёритиб беринг ва уларнинг зид тушунчаларини келтиринг.



2. «Пари пайкар» бирикмасини қайта такрорлаш орқали шоир қандай мақсадни кўзлаган?

### БАҲОЛАШ

1. Жоми Жам ва Хизр тимсоллари моҳиятида қандай маъно яширинган?
2. Матлаънинг бадий гўзаллиги хусусида ўз фикрингизни билдилинг.



*Ёд олиш*

### ҚОШИ ЁСИНМУ ДЕЙИН ...

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,  
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?!

Кўзи қаҳринму дейин, кирпичи<sup>1</sup> захринму дейин,  
Бу кудурат<sup>2</sup> аро рухсори сафосинму дейин?!

Ишқи дардинму дейин, ҳажри набардинму<sup>3</sup> дейин,  
Бу қатиқ дардлар аро васли даъвосинму дейин?!

Зулфи доминму<sup>4</sup> дейин, лаъли каломинму дейин,  
Бирининг қайди<sup>5</sup>, яна бирининг адосинму<sup>6</sup> дейин?!

Турфа ҳолинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,  
Мовий кўнглак узра гулранг қабосинму<sup>7</sup> дейин?!

Чарх ранжинму дейин, даҳр<sup>8</sup> шиканжинму<sup>9</sup> дейин,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?!

<sup>1</sup> Кирпик – киприк.

<sup>2</sup> Кудурат – дилғашлик.

<sup>3</sup> Набард – уруш, жанг, азоб.

<sup>4</sup> Дом – тузоқ.

<sup>5</sup> Қайд – боғланган.

<sup>6</sup> Адо – ноз, карашма.

<sup>7</sup> Қабо – устки кийим, камзул.

<sup>8</sup> Даҳр – дунё, олам.

<sup>9</sup> Шиканж – қийноқ, азоб.

Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эт  
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?!

“Наводир уш-шабоб”нинг 483-газали

	<b>Савол ва топшириқлар</b>
---	-----------------------------

БИЛИШ

	<b>Сўзлаш</b>
---	---------------

Асарга яна қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?

ТУШУНИШ

	<b>Жуфтликда ишлаш</b>
---	------------------------

1. Ошиқ кўнглига дарду бало солган сабаблар қайси мисраларда ўз аксини топган?
2. Лирик қаҳрамон кўнглида кудурат ва рухсор туфайли пайдо бўлган сафонинг сабабларини шеър матнига таянган ҳолда тушунтиринг.

ҚўЛЛАШ

	<b>Ёзиш</b>
---	-------------

1. Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдириг.

Матннинг асосий ғоясини топинг	
Аниқ ва ноаниқ маълумотлар	
Фикрингизни расм билан тасвирланг	
Тарбиявий хулоса чиқаринг	

	<b>Ёд олиш</b>
---	----------------

2. Ҳазални ёд олинг.



## ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	-----------------------	---	-------------

1. Ишқ дарди ва ҳажр азобини тортаётган ошиқда васл даъвоси қандай пайдо бўлганлигини изоҳлаб беринг.
2. Суюқлисининг кирдикорларидан зорланиб турган ошиқнинг бирданига давр ва дунё озорларидан шикоят қила бошлашларини қандай изоҳлайсиз?

## УМУМЛАШТИРИШ

1. Ҳазалда сўроқларнинг аҳамияти ва бадиийлик даражаси шеърга қандай руҳ бағишлаган?
2. Ҳазалдаги ички оҳангдошликни мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

## БАҲОЛАШ

1. Ҳазал охирида биринчи мисранинг такрор қўлланилишига ўз фикрингизни билдиринг. Сизнингча, бунда номувофиқлик борми?
2. Ҳазалда қандай тасвир воситалари қўлланган? Улар қандай бадиий-эстетик вазифаларни бажармоқда?
3. Ҳазалнинг тили, унда қўлланган сўзларнинг ҳиссий-таъсирчанлик томонлари ҳақида нималарни айта оласиз?



	<i>Ёд олиш</i>
---	----------------

## ЖОНҒА ЧУН ДЕРМАН...

Жонға чун дермен: не эрди ўлмаким кайфияти?  
Дерки, боис бўлди жисм ичра маразнинг<sup>1</sup> шиддати.

Жисмдин сўрсамки, бу вазъингға<sup>2</sup> не эрди сабаб?  
Дер: анга бўлди сабаб ўтлуқ бағирнинг ҳирқати<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Мараз – касаллик, дард.

<sup>2</sup> Вазъ – тузилиш, тартиб, ҳолат.

<sup>3</sup> Ҳирқат – куйиш, ёниш.



Чун бағирдин сўрдум, айтур: андин ўт тушти манга,  
Ким кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати<sup>1</sup>.

Кўнглума қилсам ғазаб, айтурки, кўздундур гунаҳ,  
Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тухмати.

Кўзга чун дерменки, эй тардомани<sup>2</sup> юзи қаро,  
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балоу ваҳшати.

Йиғлаб айтур кўзки, йўқ эрди манга ҳам ихтиёр,  
Ки кўрунди ногаҳон ул шўхи маҳваш талъати.

Эй Навоий, барча ўз узрин деди ўлгунча куй,  
Ким санга ишқ ўти-ўқ эрмиш азалнинг қисмати.

*“Фавойид ул-кибар”нинг 597-газали*

<sup>1</sup> Барқи офати – офат чақмоғи, чақини.

<sup>2</sup> Тардоман – бузуқ, ахлоқсиз.



### Савол ва топшириқлар

#### БИЛИШ



### Сўзлаш

1. Ҳазал ҳажми, мавзуси ва қофияси ҳақида маълумот беринг.
2. Шеърга яна қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?

#### ТУШУНИШ



### Муҳокама қилиш

1. Нима сабабдан ошиқ бемор? Унинг асл сабабини аниқланг.
2. Нима учун шоир ўлгунча куйишга тайёр эканлигини изоҳланг.

#### ҚЎЛЛАШ

1. Муаллиф байтларни бир-бири билан қандай сўзлар билан боғлаган? Жавобингизни ғазал матнига таянган ҳолда далилланг.



### Ёд олиш

2. Ҳазални ёд олинг.

#### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



### Ёзиш

1. Шеърда қандай шеърий санъат қўлланилган? Жадвални тўлдиринг.

Шеърий санъат	Далил	Шарҳи

2. Ҳазални “Адабий давра” усули бўйича таҳлил қилинг.
  - а) таҳлил қилиш – ғазал мазмуни бўйича 5та савол тузиш;
  - б) аниқлаш – ғазалнинг қайси мисраси энг муҳим эканлигини далиллаш;
  - в) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғлаб далиллаш.
  - г) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни хулосалаш.

## УМУМЛАШТИРИШ

“Нилуфаргул” технологияси ёрдамида газалдаги лирик қаҳрамон хатти-ҳаракатларига хулоса ясанг.

	<i>Лирик қаҳрамон</i>	

## БАҲОЛАШ

Сизнингча, лирик қаҳрамон изтиробларига ким айбдор? Асар матнига таяниб жавобингизни асосланг.



*Ёд олиш*

## ЁРДИН АЙРУ КЎНГУЛ...

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ.  
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким жони йўқ.

Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул  
Бир қаро туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.

Бир қаро туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга  
Ул қоронғу кечадекдурким, маҳи тобони<sup>1</sup> йўқ.

Ул қоронғу кечаким, йўқтур маҳи тобон анга  
Зулматедурким, анинг сарчашмайи ҳайвони<sup>2</sup> йўқ.

Дўзахийким равзаи ризвондин<sup>3</sup> ўлғай ноумид,  
Бир хуморийдурким, анда мастлиғ имкони йўқ.

<sup>1</sup> Маҳи тобон – ёруғ ой.

<sup>2</sup> Сарчашмайи ҳайвон – тириклик суви, оби ҳаёт булоғи.

<sup>3</sup> Равзаи ризвон – жаннат боғи.

Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки бор,  
 Ҳажридин дарди ва лекин васлдин дармони йўқ.

“*Фаройиб ус-сиғар*”нинг 310-газали



*Савол ва топшириқлар*

БИЛИШ



*Сўзлаш*

1. Ҳазал ҳажми, мавзуси ва қофияси ҳақида маълумот беринг.
2. Мантиқий боғлиқлик нуқтаи назаридан ҳазал Навоийнинг қайси шеърига ўхшайди?

ТУШУНИШ



*Муҳокама қилиш*

1. Нима сабабдан шоир ёрдан айри кўнгилни султони йўқ мамлакатга ўхшатади?
2. Муаллиф “Қаро туфроғ”ни “қоронғу кеча”га ўхшатиш орқали қандай мақсадга эришди?

ҚўЛЛАШ



*Ёзиш*

1. Ҳазалдаги тимсолларни иш дафтарингизга ёзиб олиб, уларнинг талқинларини ўзаро қиёсланг.



*Ёд олиш*

2. Ҳазални ёд олинг.

ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



*Ёзиш*


1. Шеърда қандай шеърый санъат қўлланилган? Жадвални тўлдилинг.

Шеърый санъат	Далил	Шарҳи

2. Ғазал байтларини кетма-кетликларга амал қилган ҳолда шарҳланг.

УМУМЛАШТИРИШ

1. “Ассоциация” усули ёрдамида “Ноумидлик белгиси” тушунчаси мазмунини ёритиб беринг.
2. “Қоронғу кеча” ва “сарчашмаи ҳайвон” тушунчаларини ўзаро боғланг ва уларни Венн диаграммаси бўйича изоҳланг.



БАҲОЛАШ



Гуруҳда ишлаш

1. Сизнингча, ғазал бадиий гўзаллигини таъминлаган асосий омил ва мантиқий асос нима?
2. Байтдан байтга ўтувчи сўзларнинг ғазалнинг умумий тузилишида ўрни ва мавқеини аниқлаш учун “ПОПС” формуласи орқали фикр билдириш.



Якка тартибда ишлаш



Ёзиш

- 1-гап: Менинг фикримча,..
- 2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман...
- 3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...
- 4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки,..





Ўқиш

## МОҲЛАРОЙИМ НОДИРА (1792–1842)



Нодира тахаллуси билан машҳур бўлган шоиранинг асл исми Моҳларойим бўлиб, Қомила, Макнуна тахаллусларини ҳам қўллаган.

Шоира 1792 йили Андижон ҳокими Раҳмонқул оталиқ оиласида туғилган. Қўқон хони Олимхон укаси Умархонни 1807 йилда тоғаси Раҳмонқулнинг қизи Моҳларойимга уйлантирди. Умархонга Марғилон беклиги топширилгач, шоирани ўзи беклик қилаётган Марғилон шаҳрига олиб кетади.

1810 йилда Умархон Қўқон хонлиги тахтини эгаллайди. Умархон Нодира учун фақат ҳукмдор ва севиқли ёр эмас, балки шеъриятда устоз мақомида ҳам бўлган. Умархон саройида ташкил этилган шеърият мажлисларида аёллар иштирок этмаса ҳам, Нодира теграсида шоиралар тўплана бошлади.

1822 йилда Амир Умархон вафот этди, тахтнинг вориси ёш ўғил Мадалихон хонлик мансабида тургани билан мамлакатнинг кўп юмушлари Нодирабегим бошқаруви билан амалга ошириладиган бўлди. 1842 йили Бухоро амири Насруллохон Қўқонни босиб олгач, унинг буйруғи билан Нодирабегим ўғиллари Муҳаммад Алихон ва Султон Маҳмудхон билан бирга қатл қилинди.

Нодирабегим шеъриятдан намуна сифатида икки девон сақланиб қолган. Улардан бири туркий девон бўлса, иккинчиси форсий шеърлардан иборат «Девони Макнуна»дир. Нодиранинг нисбатан тўла деб ҳисобланган девонида 189 ғазал бўлиб, улар орасида форсчалари ҳам учрайди.



Тинглаш

Интернет манбаларидан фойдаланиб, шоир ғазалига басталанган қўшиқни тингланг. Ўз таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

## ҒАЗАЛЛАР

Жилва кўрсатди чу ул сарви дилоро боғ аро,  
Чашни<sup>1</sup> қумри бўлди бир чашни томошо боғ аро.

Сурмагун<sup>2</sup> чашми назар солди гулистон аҳлина,  
Ҳасратидин қолди наргис кўзи шахло боғ аро.

Орази гулгун ила қилди чаман сори хиром,  
Гул яқосин чок айлаб бўлди расво боғ аро.

Сарви гулрухсорим ила базми ишрат деб баҳор,  
Сарви бирла гулдин этди жоми мийно<sup>3</sup> боғ аро.


Лола янглиғ доғ бўлди гул жамоли рашкдин,  
Доғлиқ гуллардин ўлди сайри саҳро боғ аро.

Сайр учун қўйғай қадам деб сабзайи хобидадин,  
Ҳар тараф бир фарши маҳмалдур<sup>4</sup> муҳайё боғ аро.

Кўрди ул сарви дилоро қомати мавзунини<sup>5</sup>,  
Сарв қаддин қилди қумрилар таманно боғ аро.

Сен букун хандонсан, эй гул, Нодира дилдорсиз,  
Йиғламоқдиндур булутлардек муҳайё боғ аро.



	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

**БИЛИШ** 

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>
---	----------------------------

1. Ғазал ҳажми, мавзуси, радиф ва қофияси ҳақида маълумот беринг.
2. Ғазалнинг матлаъи ва мақтаъсини кўрсатинг.

<sup>1</sup> Чашн – базм, йиғин.

<sup>2</sup> Сурмагун – сурмали, қора.

<sup>3</sup> Жоми мийно – шиша қадақ, кўкимтир жом.

<sup>4</sup> Фарши маҳмал – бахмал палос.

<sup>5</sup> Мавзун – текис, хушбичим.



ТУШУНИШ



*Жуфтликда ишлаш*

3. Нима сабабдан боғда сарв билан гул кўк шишани қўлланишади?
4. Ёш ниҳоллар кўзидан ёшлар фаввора бўлиб отилишининг сабаби нимада?

ҚЎЛЛАШ



*Ёзиш*

5. Муаллиф “доғлиқ гуллар” деганда қандай гулларни назарда тутган? Сизнингча, улардаги доғ қаердан пайдо бўлган?
6. Ҳазал мазмунини ёритиб берувчи 7 та таянч сўзни иш дафтарингизга ёзинг.

ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

7. Шеърда қандай шеърый санъат қўлланилган? Жадвални тўлдилинг.

Шеърый санъат	Далил	Шарҳи



*Гуруҳда ишлаш*

8. Ҳазални “*Адабий давра*” усули бўйича таҳлил қилинг.
  - а) таҳлил қилиш – Ҳазал мазмуни бўйича 5та савол тузиш;
  - б) аниқлаш – Ҳазалнинг қайси мисраси энг муҳим эканлигини далиллаш;
  - в) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғлаб далиллаш.
  - г) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни хулосалаш.

УМУМЛАШТИРИШ

“*Нилуфаргул*” технологияси ёрдамида Ҳазалдаги боғни тасвирланг.

	<b>БОҒ</b>	

БАҲОЛАШ



*Расм чизиш*

Шоиранинг тасвир маҳоратига ўз муносабатингизни билдириб расм чизинг.



### *Ёд олиш*

## **ФИҒОНКИМ, ГАРДИШИ ДАВРОН...**

Фиғонким, гардиши даврон<sup>1</sup> айирди шаҳсуворимдин<sup>2</sup>,  
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсен ҳоли зоримдин.

Ғуборим<sup>3</sup> ишқ водийсида барбод ўлди андоғким,  
Биёбонларда Мажнун тўтиё<sup>4</sup> излар ғуборимдин.

Қизил қондур сиришким<sup>5</sup>, заъфарондур<sup>6</sup> чехрайи олим<sup>7</sup>,  
Мени ким кўрса фарқ этмас, хазон бирла баҳоримдин.

Бузулди рўзгорим, хонайи айшим хароб ўлди,  
На роҳат кўрмаген эмди бузулгон рўзгоримдин.

Биёбонларни излаб топмадим ёрим сўроғини,  
Берурман жон, сабо ногаҳ хабар келтурса ёримдин.

Диёрим аҳли мендин ёрсиз бегона бўлмишлар,  
Ки мен ҳам ёрсиз озурдаман<sup>8</sup> ёру диёримдин.

Гаҳи йиртиб яқо, гаҳ қон ютуб, гаҳи фиғон эттим,  
Налар ўтди бу ахшом, Нодира, жони фиғоримдин<sup>9</sup>.



### *Савол ва топшириқлар*

#### **БИЛИШ**

1. Ғазал ҳажми, мавзуси ва қофияси ҳақида маълумот беринг.
2. Ғазалнинг матлаъи ва мақтаъсини кўрсатинг.

<sup>1</sup> Гардиши даврон – даврлар айланиши, чархифалак.

<sup>2</sup> Шаҳсувор – моҳир чавандоз, маҳбуба.

<sup>3</sup> Ғубор – гард, чанг, нишон.

<sup>4</sup> Тўтиё – кўз дориси.

<sup>5</sup> Сиришк – кўз ёши.

<sup>6</sup> Заъфарон – сариқ тусли.

<sup>7</sup> Чехрайи ол – қизил юз.

<sup>8</sup> Озурда – озорланган, ранжиган.

<sup>9</sup> Фиғор – яраланган, мажруҳ.

## ТУШУНИШ

1. Нима учун Мажнун ошиқ ғуборидан тўтиё излайди? Бунинг ёр севгисига қандай алоқаси бор?
2. Нима сабабдан шоира байтларнинг бирида “бузулди рўзгорим” деб ёзади? Бунда қандай яширин маъно бор?

## ҚЎЛЛАШ

1. Асарнинг авж нуқтасини топинг.
2. Ҳазални ифодали ўқинг ва ёд олинг.

## ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

3. Шеърда қандай шеърый санъат қўлланилган? Жадвални тўлдилинг.

Шеърый санъат	Далил	Шарҳи

4. “*Инсерт*” усули орқали ҳазални муҳокама қилинг.

Маҳсус белгилар	Маҳсус белгиларнинг маъноси
З	<i>Ҳазалда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса</i>
С	<i>Ҳазалда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса</i>
?	<i>Ҳазал билан танишиш жараёнида саволлар тугилса (тушунмовчиликлар юзага келса)</i>

## УМУМЛАШТИРИШ

5. Шоиранинг ҳолати ҳазалнинг умумий руҳига ҳамоҳангми? Жавобингизни “*Тўп-лаштириш*” усули орқали асосланг.

## БАҲОЛАШ

6. Ҳазал орқали шоиранинг қандай дил изтироблари акс эттирилганлигини аниқлаш учун “**ПОПС**” формуласи орқали фикр билдилинг.
  - 1-гап: Менинг фикримча,..
  - 2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман...
  - 3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...
  - 4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки,..



## Тинглаш

Ушбу ҳазалга басталанган қўшиқни Интернет манбалари орқали тингланг. Сизнингча, қуй ҳазалга қўшимча нафислик ҳадыя қилганми?



### *Ёд олиш*

## **НА ГУЛ САЙР АЙЛА...**

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,  
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт.

Узору<sup>1</sup> қадду рафторингни<sup>2</sup> кўрсат,  
Чаман сарву гулини шармсор эт.

Лаби махмурдурмен<sup>3</sup> жоми май тут,  
Қарам қил, соқийё, дафъи хумор эт.

Аналҳақ можаросин айладинг фош,  
Кел, эй Мансур, истиқболи дор эт.

Дури ашқу ақиқу хуни дилни  
Келур ёринг аёқига нисор эт.

Куюб, Эй Нодира, олам элига  
Муҳаббат шевасини ошкор эт.



### *Савол ва топшириқлар*

#### **БИЛИШ**

1. Ҳазал ҳажми, мавзуси, радиф ва қофияси ҳақида маълумот беринг.
2. Ҳазалнинг матлаъи ва мақтаъсини кўрсатинг.

#### **ТУШУНИШ**

1. Ҳазалда шоира илоҳий ишқни назарда тутганми ёки мажозий ишқними? Жавобингизни ҳазал матнига таянган ҳолда изоҳланг.
2. Нима учун муаллиф соқийга мурожаат этади? Мумтоз шеърятда соқий қандай рамзий маънони билдиради?

<sup>1</sup> Узор – юз, бет.

<sup>2</sup> Рафтор – юриш.

<sup>3</sup> Махмур – маст, ширакайф.

### ҚЎЛЛАШ

Ғазалдаги тасаввуфий тимсолларни топиб, иш дафтарингизга ёзиб олинг. Сизнингча, бунда қайси шоирларнинг таъсири яққол кўзга ташланади?

### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Шеърда қандай шеърий санъат қўлланилган? Жадвални тўлдилинг.

Шеърий санъат	Далил	Шарҳи

Ғазал байтларини кетма-кетликларга амал қилган ҳолда шарҳланг.

### УМУМЛАШТИРИШ

“*Моделлаштириш*” усули орқали тасаввуф таълимотининг мазмунини ёритиб беринг.

### БАҲОЛАШ

Ғазалдан олган таассуротларингизни “*Кир ёйиш*” усулига асосланиб вараққа ёзинг ва дорга териб чиқинг.





**Билиб олинг!**

## МУСАММАТ ҲАҚИДА

Мусаммат мумтоз ўзбек шеърляти таркибий тузилишини ташқил этадиган асосий тушунчадир. У арабча сўз бўлиб, «ипга терилган марварид» маъносини англатади ва мумтоз шеърлий жанрларнинг миқдорий таркибини белгилаб беради. Мусамматлар мазмунига кўра икки хил бўлади: мустақил (табъи худ) мусамматлар ва бирор ғазал асосида яратиладиган тазмин мусамматлар. Уларда ҳар бир банддаги мисралар сони муҳим аҳамиятга эга ва шунга қараб мусамматлар бир неча кўринишларга эга бўлади.

Агар бир банд уч мисрадан иборат бўлса, бу мусаллас, ҳар бир банд тўрт мисрадан ташкил топса мураббаъдир. Шу тариқа мухаммас (бешлик), мусаддас (олтилик), мусаббаъ (еттилик), мусамман (саккизлик)лар вужудга келади. Шунингдек, таснеъ ёхуд мустаснеъ ва машруъ ёки муашшар каби шеър шакллари ҳам мавжуд. Демак, мусаммат шеър бандининг миқдорини белгилайди, бу миқдор, ўз навбатида, шеърлий жанрни тайин қилади.

Мусамматларнинг биринчи банди ўзаро қофияланиб келади (а-а-а-а), кейинги бандининг сўнги мисраларида ҳам мана шу қофияланиш сақланади (б-б-б-а, в-в-в-а каби). Мусаддас, мусаббаъ, мусамман ва муашшарларда бу каби қофиянинг тузилиши сақланиб қолса-да, сўнги икки мисрасида биринчи банддаги қофия тизими сақланиши ҳам мумкин (а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а... а-а-а-а-а-а-а, в-в-в-в-в-а-а...)

Ўзбек шеърлятида муашшар жанрининг юксак намунаси сифатида қараладиган Нодиранинг «Фироқнома» асаридан биринчи бандни келтирамиз:

Оҳким, беҳад мени жавру жафо айлар фалак,  
Фурқат ичра қисматим дарду бало айлар фалак,  
Ёрдин айру манго кўп можаро айлар фалак,  
Ғам ила гулдек юзимни қаҳрабо айлар фалак,  
Бевафолар оқибат, кимга вафо айлар фалак,  
Ҳасрату дарду аламга мубтало айлар фалак,  
Ёрни албатта ёридин жудо айлар фалак,  
Гул била булбулни бебаргу наво айлар фалак,  
Ҳеч ким, ёраб, жаҳонда ёридин айрулмасун,  
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрулмасун.





Ўқиш



Сўзлаш



### АБДУРАУФ ФИТРАТ

(1886–1938)

XX аср ўзбек миллий тафаккури тараққиётида алоҳида мартабага эга бўлган мутафаккир, жамоатчи, сиёсий арбоб, маърифатчи, ёзувчи, шоир, олим ва журналист Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат 1886 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Абдурауф илк таҳсилни масжиддаги мактабда олгандан сўнг, Бухородаги Мирараб мадрасасида ўқиган.

Мадрасани муваффақиятли тамомлаган Фитрат 1909 йилда «Тарбияти атфол» хайрия жамияти орқа-

ли Туркияга жўнатилган дастлабки беш истеъдодли ёшларнинг бири сифатида Истанбулда таҳсил олади. У ерда Фитрат форс тилидаги шеърларини жамлаб «Сайҳа» («Наъра») номида тўплам эълон қилган. «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи қиссаси» каби асарлар ёзган.

1914 йилда Истанбулдан Бухорога қайтиб келган Фитрат жаид мактаблари очиш ва болаларни янги тартибда ўқитиш ишлари билан шуғулланди. Фитрат «Ёш бухороликлар» номли сиёсий партия тузиб, унинг атрофига мамлакат келажаги учун хизмат қилишга бел боғлаган ёшларни тўплади. Таълим беришнинг эски усули тарафдорлари бўлмиш «қадимчилар» Фитрат бошлиқ жаид («янги-чи») ларнинг бу фаолиятларига қарши бориб, уларнинг маърифатпарварлик борасидаги уринишларини йўққа чиқаришга ҳаракат қилдилар.

1917 йилдан Самарқандда «Хуррият» газетасига муҳаррирлик қила бошлади ва мана шу пайтда унинг ўзбек тилида ёзилган ўтли шеърлари, ўткир публицистик мақолалари, «Юрт қайғуси» номли сочмалари эълон қилинди.

Бухородан чиқиб кетишга мажбур бўлган Фитрат 1918 йилнинг охирида Тошкентда «Чиғатой гурунги» номли илмий-адабий-маданий тўгарак тузди. Бу ташкилот Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган дастлабки илмий муассаса ҳамда ўзига хос ёзувчилар уюшмаси эди.

Фитрат 1923–1924 йилларда Москвадаги Лазаревлар номидаги Шарқ тиллари институтида (ҳозирги Осиё ва Африка институти) ва Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) академиясида ишлади ва шу илмий даргоҳнинг тавсияси билан Фитратга профессорлик илмий унвони берилди. Биринчи ўзбек профессори Фитрат ўзга юртда ишлашни хоҳламай, Тошкентга келди.

1937 йил 24 апрелининг қоқ тунида қамоққа олинган Фитрат 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ташланди. Суднинг ҳукми 1938 йилнинг 5 октябрида, яъни ижро этилганидан бир кун кейин чиқарилганди.

Фитрат жўшқин туйғулар эгаси бўлган шоир ҳам эди. Унинг шеърларига хос кўтаринкилик, юрт қайғусини кечираётган қалб изтиробларининг самимий ифодаси, ошиқ юрак нидолари эскирмасдир.

	<i>Видеолавҳа томоша қилиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	--------------------------------	---	-----------------------

Интернет манбаларидан фойдаланиб, Фитрат ҳақида берилган видеолавҳаларни томоша қилинг. Ўз фикр-мулоҳазаларингиз ва таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.







### *Матнолди топшириқлар*

1. Фитрат ва унинг замондошлари миллатпарварлик руҳдаги асарлар ёзишларига қандай тарихий ҳодиса сабаб бўлган?
2. Шўро тузумининг дастлабки йилларида қандай ҳодисалар рўй берган?




### *Ёд олиш*

## **МИРРИХ ЮЛДУЗИГА**

Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тувғони,  
Нега биздан қочиб мунча узоқларга тушибсан?  
Тувғонингга нечун сира гапурмасдан турибсан,  
Сўйла, юлдуз, ҳолинг надир, нечук топдинг дунёни<sup>1</sup>?  
Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар,  
Сўйла, юлдуз, сенинг дағи қучоғингда бўлурми?

Борми сенда бизим каби инсонлар,  
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар,



<sup>1</sup> Нечук топдинг дунёни? – «Дунёни қандай баҳолайсан» маъносида.

Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,  
Қардош этин қўймай еган қоплонлар?  
Борми сенда ўксуз<sup>1</sup> йўқсулнинг қонин  
Гурунглашиб, чоғир<sup>2</sup> каби ичканлар?

Борми сенда бутун дунё тузугин<sup>3</sup>  
Ўз қопчиғин тўлдиргани бузганлар?  
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,  
Ўз қозонин қайнатғувчи ҳоқонлар?  
Борми сенда қорин-қурсоқ йўлида  
Элин, юртин, борин-йўғин сотқонлар?

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		<i>Гуруҳда ишлаш</i>
---	-----------------------------	---	----------------------

### БИЛИШ

Ушбу шеърни ёзиш билан Фитрат қандай мақсадни кўзлаган?

### ТУШУНИШ

1. Нима учун бир ўлка ёнса, кимнингдир қозони қайнайди? Дунёдаги шундай “тартиб”ни адолатли деб ҳисоблайсизми? Сизнингча, чинакам адолатли тартиб қандай бўлади?
2. Бугунги кунда дунёда ўзга ўлкаларга ўт қўйиб, ўз қозонини қайнатишга уринишлар бўляптими? Фикрингизни далилланг.

### ҚўЛЛАШ

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	------------------------	---	-------------

“Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар” фақат шоир замониға хос кимсалармикан? Яқин ва узоқ тарихдан мисоллар келтиринг ва иш дафтارينгизга ёзиб олинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

“Тинчлик” сўзига “Синквейн”, яъни беш мисрали шеър усулини қўлланг.

1. Битта от сўз туркуми,
2. Иккита сифат сўз туркуми,
3. Учта феъл сўз туркумига хос сўз

<sup>1</sup> Ўксуз – бахтсиз.

<sup>2</sup> Чоғир – май, шароб, кайф берувчи ичимлик.

<sup>3</sup> Тузук – низом, тартиб-қоида.

4. Тўрт сўздан иборат гап
5. Мавзуга доир бир синоним.

**ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**



*Муҳокама қилиш*

Шеърда қандай шеърий санъат қўлланилган? Жадвални тўлдилинг.

Шеърий санъат	Далил	Шарҳи

Шеърдаги афсус-надомат туйғусининг асл мазмунини муҳокама қилинг.

**УМУМЛАШТИРИШ**



*Ёзиш*

XX асрда яратилган асарлар орасида “Миррих юлдузига” шеърига мазмунан яқин турадиган яна қандай асарларни биласиз?

**БАҲОЛАШ**

“*Инсерт*” усули орқали ушбу асар ҳақида олган билимларингизни мустаҳкамланг.

“V” – <i>биламан</i>	
“+” – <i>билмайман</i>	
“-“ – <i>янги ахборот</i>	
“?” – <i>тушунмадим</i>	





*Ёд олиш*

## ГЎЗАЛИМ, БЕВАФО ГУЛИСТОНИМ...

Гўзалим, бевафо гулистоним,  
 Боғи умримда тоза райҳоним.  
 Ғаму қайғуларим хужуминдан  
 Сен эдинг меҳрибон нигоҳбоним.  
 Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,  
 Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг.

Кел, гулим, кел, аёғингга йиқилай,  
 Бир замон қўй: тўлиб-тошиб йиғлай.  
 Қўй, бир оз қўйки, хоки пойингни  
 Сурмадек ёшли кўзима суртай.  
 Кетма, тур, тингла арзи ҳолимни,  
 Арз этай ҳоли пурмалолимни.  
 Қани у дамки, сен эдинг ёрим,  
 Мунисим, ҳамдамим, мадакорим,  
 Сенинг оғушинг, илтифотингда  
 Роҳат этмишди жисми беморим.  
 Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,  
 Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг.

Кел, аёғингга қон бўлиб тўкулай,  
 Бир нафас дард-ҳажрдан қутулай,  
 Кел, гўзал дилбарим, кел, сочингни  
 Бир тарай, бир ўпай-да, ўлай.  
 Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,  
 Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг.



*Савол ва топшириқлар*

БИЛИШ



*Ўқиш*



*Тинглаш*

1. Шеър мавзусини аниқланг.

2. “Ўргимчак уни” усули орқали шеърни ифодали ўқинг.



### ТУШУНИШ

1. Сизнингча, шоир шеърдаги самимиятни қайси мисралар ёрдамида исботлаш мумкин? Жавобингизни матнга таянган ҳолда исботланг.
2. Нега шоир ўз ҳаётини “боғ умрим” деб атайди? Инсон ҳаётини яна қандай аташ мумкин? Фикрингизни далилланг.

### ҚЎЛЛАШ

	<p><i>Гуруҳда ишлаш</i></p>		<p><i>Муҳокама қилиш</i></p>
--	-----------------------------	--	------------------------------

Шеърдаги лирик қаҳрамон руҳий изтиробларининг авж нуқталари ифодаланган мисраларни топинг ва муҳокама қилинг.

### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Шеърда қандай шеърий санъатлар ишлатилган?

Шеърий санъат	Далил	Шарҳи

### УМУМЛАШТИРИШ

Шеърдаги тимсолларни топиб, ҳар бирини яқка ҳолда, сўнгра бир-бирига қиёслаб таҳлил қилинг.

### БАҲОЛАШ

	<p><i>Ёзиш</i></p>
--	--------------------

Фитратнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти қайси жиҳатлари билан бизга ибрат бўла олади? Ёзма равишда баён қилинг.





## ЯНА ЁНДИМ

Юрагимнинг қалин, қизғин олови-ла қайнагон  
Кўз ёшларим, қайдасиз?  
Куним каби узун, қора шу кечада кутуб мен  
Эришмадим сира сизга, нега бўйла<sup>1</sup> қочасиз?!  
Нечун мени сабабсизча унутдингиз, айтингиз?  
Ўтунамен, ялинамен, қочмангиз, қайтингиз!  
Яна бутун борлиғимнинг негизлари емирлиди,  
Умидимнинг кўп чидамли тераклари йиқилди.  
Хаёлимнинг тотли, чучук соатлари бутунлай  
Узоқлашиб кетди мендан... тўсуб турар йўлимни.  
Ўлим дағи қутқорғани келиб тутмас қўлимни.  
Кеча унинг нур тенгизи бўлгон гўзал манглайин  
Толғаланмиш<sup>2</sup> кўргач мен...  
Ер юзида борлиғимни кўрсатмакдан уялдим,  
Ютдим бутун қайғуларнинг, мотамларнинг оғусин.  
Жон тутғуси бўлган кўзи оғир, нозли сузиларди,  
Бир оз бурун чоғир ичган париларга ўхшарди.  
Билмам нечун ўйнарди!..  
Каъба узра айлангувчи кўгарчиндек<sup>3</sup> юрагим,  
Соатларча шул кўзларнинг теграсида айланди.  
Бироқ у менга сира боқмади.  
Йиғладим,  
Кулдим,  
Ёлиндим,  
Тушундим –  
Биттаси ҳам мижозига ёқмади.  
Йиғла бир оз, ўксузланган тилагим,  
Мен ҳам сендай бахтсизликка тутундим,  
Умидсизлик ора тушуб, йўқсул жоним ўртанди.

<sup>1</sup> Бўйла – бундай.

<sup>2</sup> Толғаланмиш – долғаланмиш, безовталаниш, бу ерда тиришган маъносида.

<sup>3</sup> Кўгарчин – каштар.



### Савол ва топшириқлар

#### БИЛИШ



#### Ўқиш



#### Тинглаш

Шеърни овоз чиқариб ўқинг. Ундаги бош ғояни аниқланг.

#### ТУШУНИШ



#### Муҳокама қилиш

1. Нима учун шоир кўз ёшларига мурожаат қилмоқда? Улар муаллифга нима бериши мумкин? Жавобингизни исботланг.
2. Нима сабадан шеър сўнгида мисралар қисқариб, бир сўз бир сатрга айланди? Бунинг асосий сабаби нима деб ўйлайсиз?

#### ҚўЛЛАШ



#### Ёзиш

Асар мазмунини ёритиб берувчи 7 та таянч сўзни аниқланг ва уларни иш дафтари-нгизга ёзинг. Сўзларни гуруҳларда изоҳланг.

#### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Шеърда қандай бадий тасвир воситалари ишлатилган?

Бадий тасвир воситалари	Далил	Шарҳи

#### УМУМЛАШТИРИШ



#### Муҳокама қилиш

1. Шеърдаги тимсолларни аниқланг. Шеърнинг оҳанги қаҳрамонлар кайфиятига таъсир қилганми?
2. Ўлимдан нажот топмоқчи бўлаётган лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини “Баҳс-мунозара” усули орқали муҳокама қилинг.



*Ёзиш*

Фитрат шеърларидан олган энг катта таассуротингиз, энг муҳим хулосаларингизни “Кир ёйиш” усулига асосланган ҳолда вараққа ёзиб, дорга териб чиқинг.



Адабий меросимизга тенгдошларингизнинг муносабати Сизни қониқтирадими? Бу масалада нималарни таклиф қила оласиз? “Беш дақиқали эссе” усули орқали фикрингизни баён қилинг.







## ҒАФУР ҒУЛОМ (1903–1966)



XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакили Ғафур Ғулом 1903 йилнинг 10 майида Тошкентда туғилди. Бўлажак адиб 9 ёшида отасидан, 15 ёшида онасидан ажралди.

Ғ. Ғулом 1916 йилда рус-тузем мактабида таҳсил олди. 1917 йилдаги Октябрь инқилобидан кейин босма-хонада ҳарф терувчи бўлиб ишлади. Муаллимлар тайёрлайдиган саккиз ойлик курсда ўқиди. Янги ғояларга, янгича ёндашувларга, тажрибаларга ўч Ғафур Ғулом даврнинг талабини тез англаб етди. Шу боис янги мактабларнинг бирида аввал ўқитувчилик, сўнг директорлик қилди. Етим болалар ётоқмактаб (интернат)ига мудири бўлди.

Ғафур Ғулом 1943 йилда ташкил этилган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биринчи аъзолари қаторида сайланган эди.

Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида», «Сен етим эмассан», «Алишер», «Вақт», «Соғиниш», «Кўкан» сингари шеърий асарлари ва «Ёдгор», «Афанди ўлмайдиган бўлди», «Ҳасан Кайфий», «Энг расво намози аср», «Менинг ўғригина болам» сингари насрий битиклари янги даврдаги ўзбек халқи маънавиятининг шаклланишида муҳим ўрин тутган ижод намуналаридир.

Ўзбекистон халқ шоири, қатор давлат мукофотларининг совриндори Ғафур Ғулом 1966 йилнинг 10 июлида вафот этди.



Интернет манбаларидан фойдаланиб, Ғафур Ғулом ҳақида берилган видеолавҳаларни томоша қилинг. Ўз фикр-мулоҳазаларингиз ва таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.



### *Матнолди топшириқлар*

1. Сизнингча, вақтни нимага тенглаштирадик бўлади? Исботланг.
2. Қуйидаги расмни изоҳлашга ҳаракат қилинг.



### *Ёд олиш*

## **ВАҚТ**

Ғунча очилгунча ўтган фурсатни  
Капалак умрига қиёс этгулик,  
Баъзида бир нафас олғулик муддат  
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Яшаш соатининг олтин капгири  
Ҳар бориб келиши бир олам замон.  
Қоинот шу дамда ўз кўрасидан  
Ясаб чиқа олур янғидан жаҳон.

Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб  
Яшаб, умр кўриб, ўтгучилар бор.  
Кўз очиб юмгунча ўтган дам қиммат,  
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун  
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.  
Нурлар қадами-ла чопган секунднинг  
Барини<sup>1</sup> тутолмас айюҳаннос овоз.

Йигит термулади қизнинг кўзига,  
Қиприк сузилиши, майин табассум...  
Қўша қаримоққа муҳр бўлади  
Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.

Яшаш дарбозаси остонасидан  
Зарҳал китоб каби очилур олам,  
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,  
Фурсатдир қилгучи азиз, мукаррам.

<sup>1</sup> Бар – этак, ўнғир.





Рейхстаг<sup>1</sup> устига ғалаба туғин  
Қадашда отилган жангчининг ўқи  
Ялт этган умри-ла барқарор қилди  
Башарнинг муқаддас, олий ҳуқуқин.

Ғалаба амри-ла мағлуб немиснинг  
Генерали қўл қўйди. Уч секунд фақат...  
Шу малъун имзода одамлар ўқур  
Миллион йил фашистнинг умрига лаънат.

Азиз асримизнинг азиз онлари,  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шухрат қолдирмоққа Геростратдек  
Диана маъбудин ёқмоқ шарт эмас,  
Кўпларнинг бахтига ўзникин жамлаб  
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас.

<sup>1</sup> Рейхстаг – Олмония парламенти мажлис ўтказадиган жой.


Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,  
 Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал.  
 Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун  
 Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,  
 Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.  
 Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,  
 Умримиз боқийдир, умримиз боқий.


*Савол ва топшириқлар*

**БИЛИШ**



 <span style="font-size: 1.2em;"><i>Ўқиш</i></span>	 <span style="font-size: 1.2em;"><i>Тинглаш</i></span>
--	---

1. Шеърни ифодали ўқиб, асар мазмунини англашга ҳаракат қилинг.
2. Асарнинг ифода тарзига эътибор беринг.

**ТУШУНИШ**




*Муҳокама қилиш*

1. Нима учун капалак умри ғунча очилгунча фурсатга тенглаштириляпти?
2. Шеърда қандай тарихий воқеалар ўз аксини топган?


**ҚўЛЛАШ**



Сизнингча, шеърнинг қайси мисраларини “шоҳ сатрлар” деб аташимиз мумкин?

**ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**




*Гуруҳда ишлаш*

Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдириг.

<i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i>	
<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>	
<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>	
<i>Асар бўйича ҳаётини мулоҳаза юритинг</i>	
<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>	

## УМУМЛАШТИРИШ

Асарда қайси асосий тушунчалар шеърнинг дастлабки сатридан охиригача ёнма-ён келтирилиб, шу пайтнинг ўзида бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирланган? “Т-жадвал” усулини қўлланг.

1-тушунча		2-тушунча	
<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>	<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>

## БАҲОЛАШ

«Ўйла, изла, топ» ўйини орқали шеърдан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.

<i>Шеър нима учун қизиқарли бўлди?</i>	<i>Шеърнинг энг гўзал мисралари?</i>	<i>Вақтни тежаш ҳақидаги маслаҳатингиз</i>



*Видеолавҳа томоша қилиш*

Интернет манбаларидан (Хуршид Даврон кутубхонаси) фойдаланиб, Ғафур Ғуломнинг “Вақт” шеърини тингланг, ифодали ўқишни машқ қилинг.





### *Матнолди топшириқлар*

1. Шеърнинг сарлавҳасига эътибор беринг. Сизнингча, муаллиф кимни соғиниши мумкин?
2. Қуйидаги расмни изоҳлашга ҳаракат қилинг. Расм замирида қандай тарихий воқеа ётибди?



### *Ёд олиш*

## **СОҒИНИШ**

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,  
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.  
Энг кичик заррадан Юпитергача  
Ўзинг мураббийсан, хабар бер қуёш.

Узилган бир киприк абад йўқолмас,  
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид,



Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,  
Ҳозир қонда кезар эртаги умид.

Хоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган,  
Бахтли тонготар чоғ уни кузатдим,  
Бир малъун гулшанга қадам қўймишкан,  
Жони бир жондошлар қолармиди жим.

Унда етук эди мерос мард ғурур,  
Остонани ўпиб, қасамёд қилди.  
Укаларин эркалаб ўзимдай мағрур,  
Яъни обод уйимни у дилшод қилди.

Иблисинг ғарази бўлган бу уруш  
Албатта, етади ўзин бошига.  
Ўғлим омон келади, ғолиб, музаффар,  
Гард ҳам қўндирмасдан қора қошига.

Не қилса отаман, мерос ҳиссиёт...  
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,  
Кутаман кўринса узоқдан бир от,  
Келаяпти, дейман кўринса ғубор.

Кечқурун ош сузсак бир насиба кам,  
Қўмсайман бировни – аллакимимни.  
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,  
Баъзан васвасалар босар дилимни.

Балки бир ғалат ўқ, ё хавфу хатар  
Ҳазинаи умримдан йўқотди олмос...  
Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,  
Ҳаётий бу олам сизу бизга хос.

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,  
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.  
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,  
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.

Ўроғу гулқайчи, истак кўтариб,  
Ҳовримни босишга боққа жўнадим.  
Ҳашарчи қўшни қиз – унинг севгани,  
Маъюс босар эди орқамдан одим.

Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига,  
Садафдай кўзимда беҳуда бу ёш,  
Икковинг икки ёш, лабинг лабига  
Қўяр. Васвасамдан кулади қуёш.

Сизларни келди деб эшитган куни  
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда  
Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман,  
Ғалаба кунлари яқин албатта.

Яёв, кўксим очиқ, бошда шафтолу,  
Худди мўйловингдек майин туки бор.  
Ҳар битга шафтолу мисоли кулгу,  
Шафақдай ним пушти, сарин, беғубор.

Суйганинг лабида реза тер каби,  
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.  
Мунчалик мазани топа олмайди,  
Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.

Э, ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,  
Ўз боғинг, ўз меванг данагин сақла.  
Шу мерос боғингни ўз қўлингга ол,  
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.

Боғда товус каби хиромон бўлиб,  
Умид данагини бирга экингиз.  
Ғолиб келажакни сайр қилайлик  
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.



#### *Савол ва топшириқлар*

#### БИЛИШ

1. Шеър ёзилишига сабаб бўлган ҳаётий фактни билиб олинг.
2. Сизнингча, агар шоир фарзанди урушга бормаганида ушбу шеър ёзилармиди?

#### ТУШУНИШ

1. Нима учун ҳашарчи қиз маънос одим босарди? Унинг ҳолатини тасвирланг.

*Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига,  
Садафдай кўзимда беҳуда бу ёш,*



*Икковинг икки ёш, лабинг лабига  
Қўяр. Васвасамдан кулади қуёш, –*

банддаги “ёш” сўзининг ишлатилиш ўрнини тушунтиринг.

#### ҚЎЛЛАШ

1. Шеър матнига таянган ҳолда отанинг ўғлини урушга қайси фаслда жўнатганлигини аниқланг.
2. Отанинг руҳий ҳолати қайси мисраларда кучлироқ ифодаланган?
3. Шеърда тасвирланган ўзбек халқининг урф-одатларини топинг ва уларни иш дафтарингизга ёзиб олинг.

#### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------	---	-------------

Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдиринг.

<i>Матннинг асосий гоясини топинг</i>	
<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>	
<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>	
<i>Асар бўйича ҳаётий мулоҳаза юритинг</i>	
<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>	

#### УМУМЛАШТИРИШ

Асарда ифода этилган ота сиймосини “ўзбек отаси” сифатида қабул қилиш мумкинми? “*Кластер*” усули бўйича фикрингизни ёритиб беринг.

#### БАҲОЛАШ

“Ғафур Ғулом шеърларидаги миллий руҳ тасвири” мавзусида эссе ёзинг.



**Билиб олинг!**

## ҚОФИЯ

Ўзбек бадиий тафаккури амалиётида шеърий асарнинг ўзига хослигини таъминлайдиган, унинг оддий қора сўздан фарқини тайин этадиган бадиий унсур қофиядир. Қофия шеърий асар мисралари охирида келадиган оҳангдош сўзлардан иборатдир. У шеърий нутқни таъсирчан, майин, ёқимли ва оҳангдор қилади. Қофия бўлгани боис ҳам шеърни эсда сақлаб қолиш осон кечади. Мақолларнинг тез эсда қолиши ва авлоддан-авлодга ўтиб юриши сабаби ундаги чуқур мазмундан ташқари пухта ички қофияга мавжудлигидир.

Шеърий асарларнинг қай тарзда қофияланиши, кўпинча, унинг жанрини белгилайди. Адабиёт назарияси бўйича шу вақтга қадар ўзлаштирган билимларингиздан маълумки, ғазал бошқача қофияланади, рубоий ўзгача, маснавий эса тамомила бўлакча оҳангдошликка эга бўлади. Бармоқ вазнида ёзилган шеърларга эътибор бериб қарасангиз, қофия унинг муайян банд – қисмларга бўлинишини таъминлайдиган омилдир. Поэтлик кайфият ўзгариши билан қофия ўзгаради, қофиянинг ўзгариши шеърий банднинг пайдо бўлишига олиб келади.

Шеърий қофия тўқ ва оч сингари турларга эга. Тўқ қофияли шеърда мисралардаги оҳангдош сўзлар бир-бирига тўла уйқаш бўлади. Шеър мисраларининг бир-бирига тўла оҳангдош бўлмаган сўз ёки бўғинлар ёрдамида қофияланиши оч қофия дейилади.

Мумтоз адабиётимизда қофияга жуда катта эътибор берилган. Шеърий қофия сирларини ўргатувчи махсус илм мавжуд бўлган. У пайтларда қофиянинг ҳар хил туркумга мансуб сўзлардан бўлиши катта айб саналган. Қофиядош сўзлар, албатта, бир сўз туркумига тегишли бўлиши талаб қилинган. Шунинг учун ҳам нафақат бир бўғин ёки сўз, балки бутун-бутун мисралар қофиядош бўлиб келган шеърлар яратилган.





Ўқиш



## МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ ОЙБЕК (1905–1968)

XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакили Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905 йилнинг 10 январида Тошкент шаҳрининг Говкуш маҳалласида бўзчи оиласида туғилди. 1919 йилда ёш Ойбек шўроларнинг «Намуна» мактабига қабул қилинди. 1921 йилдан Навоий номидаги таълим-тарбия техникумида таҳсил кўра бошлади.

1925 йилда техникумни битириб, у Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ижтимоий фанлар факультетининг иқтисод бўлимига ўқишга кирди. У 1927 йилда ўқишини Ленинграддаги Халқ хўжалиги институтига кўчирди. 1929 йилда Тошкентга қайтиб келиб, 1930 йилда университетни тугатиб, шу ернинг ўзида дарс бера бошлади. У 1935 йилда Тил ва адабиёт институти илмий ходимлигига ўтди. 1943 йилдан эндигина ташкил этилган республика Фанлар Академияси академиги қилиб сайланди. Шу йилдан эътиборан у ФАнинг гуманитар фанлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлай бошлади. 1945–1949 йилларда Ойбек Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасини бошқарди.

Ўсмирлигидан шеърлар ёза бошлаган бўлажак адиб ўзига «Ойбек» деган тахаллус танлади. Чунки болалигидан уни ҳайратга солган, ўйлашга мажбур қилган, кўзини қувонтирган нарсалардан бири ой эди. Ойбек XX асрнинг энг сермаҳсул ёзувчисидир. Унинг ижодий умри мобайнида ёзган барча асарлари ўн тўққиз томни ташкил этади. Ойбек ижодини шеърлар ёзиш билан бошлади. Кейинчалик ҳикоялар, дostonлар, пьесалар, қиссалар, романлар, илмий мақолалар ёзди, кўплаб таржималар қилди.

Ойбек 1968 йил 1 июлда вафот этди.



Видеолавҳа томоша қилиш



Муҳокама қилиш

Интернет манбаларидан фойдаланиб, видеолавҳалар томоша қилинг.  
Ўз фикр-мулоҳазаларингиз ва таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.

	Ўқиш		Муҳокама қилиш		Сўзлаш
---	------	---	----------------	---	--------

БИЛИШ

Берилган парчани “Жигсо” усули орқали ўрганинг.

## НАВОИЙ

(Романдан парчалар)



### БИРИНЧИ БОБ

...Токчада ёнган шамнинг шуъласи ва қия очик даричадан тушган ой нури гиламларнинг гуллари устида живиллаб, хаёлий, майин манзаралар, ўйинлар ясар, ўқтин-ўқтин эсган шабада шам ёлқинини липиллатар, пастгина курси устида очик турган қалин, катта китобнинг варақларини шилдиратар ва танбурда шоир чалаётган куйнинг сеҳрига берилгандай жимгина тинар эди... Мусиқийни шеърдан айирмаган Навоий гўзал садолар илмини чуқур билар ва чуқур севар эди. Шоир кўзлари ярим юмуқ ҳолда завқ билан чертар, қиллар ҳаётнинг, кўнгилинг пинҳон оҳангини садоларнинг фусункор тили билан сайратар эди...

Бу ерда ҳар бир нарса унга яқин, меҳрибондек кўринади. Илгари бундай туйилмас эди. Балки марҳум ота ва онанинг руҳи, меҳри бу нарсаларда аксини қолдиргандир. Бир вақт Ғиёсиддин Кичкина худди шу дарича остида ўтириб, уни эркалатмасмиди? Тўрт яшар вақтида (шоир ғира-шира базўр хотирлайди) Мирзо Қосим Анворийнинг байтларини бийрон тили билан ўқиб бераркан, ота қандай қувонарди!.. Марҳума она-чи! Мактабда мухтарам қари домла ўргатган сабоқларни ёддан ўқиб бераркан, суюнар, ўғлининг каттакон мулло бўлишини орзу қиларди.

...Хусайн Бойқаро билан бирга мактабда ўқиркан, саккиз-тўққиз ёшида Фариддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр»ини мутолаа қилар, унинг сирли оташин фикрларига берилиб кетиб, ниҳоят, бора-бора ўйин-кулгини, уйқуни, таомни ҳам унутгани, бечора ота-она бу аҳволдан қўрқиб ноилож, шу китобни ман этиб, қўлидан тортиб олиб яширганлари, китобни бошдан-оёқ ёд олгани учун барибир такрорлай бергани – шунинг сингари ажойиб, ширин, аччиқ хотираларни эсларкан, кўксини қандайдир ҳислар тўлқинидан бўшатмоқ учун хўрсиниб қўйди. ...Мавлоно Лутфий билан учрашув ва унинг кутилмаган даражада баҳо бериши – буларни унутмоқ мумкинми? Ишқ билан, ҳаяжон билан юракка, мияга нақшланган воқеалар, онлар...

Ташқарида оёқ товуши эшитилди. Шоир бошини бирдан кўтарди. Эшик «ғирч» этиб очилди-да, рухсат сўраб, укаси Дарвешали кирди. Бу ўқимишли, тавозеъли одам бўлса ҳам бир кўп жиҳатлардан акасига ўхшамасди. Ҳавойи ҳаётга берилган, бепарво, уқувсизроқ эди. Навоий унинг ниммаст сузилган кўзларига қаради, киноя билан жилмайди.

– Сўзланг, иним, юртда қандай хабарлар бор?

– Шу кунларда шиъий ва сунний<sup>1</sup> ғавғосидан ўзга муҳим ҳодисани билмайман, – деб жавоб берди Дарвешали аста ўтириб, – ҳар ерда суннийлар норозилик билдирмоқдалар: «Подшоҳ шиъий, масжидларда имомлар шиъий... Бунга бардош этиб бўладими!» дейдилар.

– Таассуфки, – деди Навоий ғижиниб, бошини тебратиб, – бу маъносиз ғавғо подшоҳнинг фармони билан рўй берди. Халқ орасига тафриқа<sup>2</sup> солмоқдан ўзга иш йўқми, ажабо? Иним, ҳар қандай мазҳаб жанжалларидан юқори турмоқ лозим. Ягона ҳусни мутлоқ мавжуддир. Қуёшнинг нурида, денгизларнинг жўшқинида, тоғларнинг муаззам жуссасида ва япроқларнинг титрашида унинг жамоли жилвасини кўрамиз. Кўнгилни унинг ишқи, ёди билан тўлдирмоқ керак.

– Бу диний низолар улғайиб кетмаса эди... – деди ниҳоят Дарвешали.

– Хайр, биз бу дағдағаларни ўртадан кўтаришга ҳаракат қилурмиз, – деди Навоий қатъий оҳанг билан. – Гарчи бу мазҳабларнинг бирини ўзгасидан афзал кўрмасак ҳам, улуснинг бирлигини эътиборга олурмиз. Иним, дунёда китоб ўқимоқдан, тафаккурдан, шеър айтмоқдан ўзга завқбахш машғулот йўқдир. Табиатим кўпроқ бу томонга мойил эди. Сокин бир масканда яшаб, бу завқ дарёсида сузмоқчи эдим. Лекин менга, маълумингиз, давлатда вазифа бердилар... Ёлғиз эл ва улус манфаатини назарга олиб, мансабни қабул этдим. Масалан, бир кутубхона яратмоқ хаёлим бор... Сиз энди «доруғайи кутубхонаи ҳумоюндирсиз<sup>3</sup>», сизга таалуқли бўлганидан, айтиб ўтмоқ истайман.

– Ҳар бир ниятингиз учун қул каби хизмат қилурмен, – деди Дарвешали қўлини кўксига қўйиб.

<sup>1</sup> Шиъий ва сунний – ислом динининг шиа ва сунний мазҳаблари.

<sup>2</sup> Тафриқа – ажралиш, бўлиш, фарқ солиш.

<sup>3</sup> Доруғайи кутубхонаи ҳумоюнӣ – шарафли, яъни шоҳ кутубхонаси бошлиғи.

– Биз шундай кутубхона бино қилайликки, – завқ билан давом этди Навоий, – бутун эл қошида манзур ва мўътабар бўлсин. Жамики улум ва фунундаки<sup>1</sup>, ...қадимдан то шу дамгача одамзоднинг фикр гавҳари ижод этмишдир ва китоб суратига чекилмишдир – барчаси бизнинг кутубхона хазинасини зийнатласин. Фақирнинг холис нияти шулки, бу ерда Хуросоннинг ва ўзга мамлакати исломнинг барча уламо, фузало, шуароси китоблардан истифода қилғай. Бу ерда фалсафанинг Суқрот, Афлотун ва Арастулари, ҳикмат ва риёзиётнинг Фипоғурлари, илми ҳайъатнинг Улуғбеклари, шеърнинг Фирдавсий ва Низомий Ганжавийлари – ҳар қайсилари ўз соҳаларида осойишта машғулотда бўлғайлар. Илмнинг равнақига ҳаракат қилғайлар, фикрнинг янги-янги хазиналарини ихтиро эткайлар.

Навоий укасига маънодор тикилди.

– Яхшилик билан ном қолдирмоқнинг ўзи улуг мукофотдир, – деди у. – Ҳимматингиз самосини ҳаргиз булут қопламасин, иним.

Шоир бир тахта шилдирама қоғоз олиб, очик, қалин китоб устига қўйди. Қаламни чиройли мўъжаз мис сиёҳдонга ботирди-да, қоғоз устида жуда эҳтиёт билан, аста юрита бошлади. Қоғоз ғалати чизиқлар билан тўла бошлади. Ниҳоят, Навоий қаламни қўйди, қаддини ростлади, укасига табассум билан боқди.

– Мана бу ашколга диққат этинг, – деди у қоғозни Дарвешали томон суриб, – биз меъморий санъатда соҳиб вуқуф<sup>2</sup> эмасмиз. Бу соҳанинг устоди комили, албатта, ўз сўзини айтар, лекин биз ўйлаган иморат, тахминан, шу шаклда бўлиши керак.

Қоғоздаги шакл – бинонинг тархи эди. Дарвешали қизиқиб томоша қиларкан, бу муаззам бино бутун тафсилоти билан шоирнинг кўз олдида гавдалангандек, Навоий унинг ички тузилиши, ташқи кўриниши, нақшлари, бўёқларига қадар тушунтирди. Дарвешалининг ҳар бир саволига, гўё шу қабилдаги бинони бирон жойда кўриб, мақбул топган каби, тўла жавоб берар эди. Кейин Дарвешали билан китоблар йиғиш тўғрисида сўзлашди.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

*Зўравон ва ноинсоф солиқчи Тўғонбек қишлоқлардан биридаги гўзал қиз Дилдорни кўнгил хуши учун ўғирлайди. Қиз унга бўй бермагач, Дилдорни хожаси Маждиддинга инъом этади, у эса, Ҳусайн Бойқаро ҳарамига совға қилади. Қиз оғир қисматига кўниккиси келмайди. У султон ҳарамидан қочишга аҳд қилади. Дилдорни чин юракдан севган деҳқон йигит Арслонқул мағрур ва сардоқатли қизни қутқармоқчи бўлади. Ҳазрати Навоийнинг марҳамати ана шу ёшларнинг шахсий ҳаётларида ёруғ бир из қолдиради. Қўйидаги парчада шулар ҳақида ҳикоя этилади.*

<sup>1</sup> Улум ва фунун – илмлар ва фанлар.

<sup>2</sup> Соҳиб вуқуф – воқиф, хабардор.

Шу кундан бошлаб Дилдор «ёмон ният»ни... амалга оширолмаққа уринди: «Ёўлим, ёки ёрга қовушмоқ!» – бу фикр унга ҳоким бўлди. Тунлари мижджа қоқмай, турли режа ва йўллар ахтарди. Ўйлай-ўйлай, ўзича энг қулай чора топади. Бироқ бир зумдан кейин бундан воз кечади. Чунки қулай деб билган бу режада қўрқинчли мушкулот пайдо бўлади. Ниҳоят, ўйлашдан хуноб бўлиб, бир қарорни маҳкам ушлади.

Бешинчи куни қоқ ярим кечада, бурканиб, ўзини уйқуга солиб ётган Дилдор кўрпадан бошини чиқарди. Ўн икки қизнинг барчаси данг қотиб ухларди. Хурракдан бошқа, на уриниш, на хўрсиниш сезди. Қоронғида жимгина кийимларини кийди. Оқшом ўрин солганда, ёстиғининг тагига суқиб қўйган ханжарни олди. Буни у бир вақтлар эркакларга берилган бир зиёфатдан кейин хонани йиғиштираётган вақтда топиб олиб, вазирзодалар, бекзодалардан бири тушириб қолдиргандир, деб қандайдир бир ният билан ҳеч кимга кўрсатмай, яширин сақлаган эди.

Туртиниб эшикка бораркан, юраги узилгандай, бирдан тўхтади: деворга суялди. У кўп йиллар бирга яшаган, бирга йиғлаган жонажон ўртоқларидан айрилади! Улар билан бирга кечган ҳаётнинг бутун саҳифалари унинг кўз олдидан бир-бир ўтаверди. Бу саҳифалар юрак қони билан ёзилгандек, яқин эди. ...Томоғини бўққан бир дард билан пичирлади: «Хайр, дарддошларим, ўртоқларим! Агар ўлсам, гоҳ-гоҳ мени ёдланглар! Тирик бўлсам, мен сизларни ҳеч вақт унутмаймен. Тангрим сизларга узун умр берсин, ёруғ кунларни насиб этсин!» Дилдор қайнаб тошган кўз ёшларини энг учи билан артиб, ташқари чиқди. Кеча тим қоронғи ва изғиринли эди. Усти қотган лой йўлларда илдам юриб, дарахтзорлар, хиёбонлар оралаб кетди. Қоронғилик ичидан даҳшатли қўллар унга ёпишаётгандай туюлиб, кўзлари сергак жовдирар: юрак кучли урар, қўллари титрар эди. Кичик дарвозага яқинлашганда, чийиллаган товуш эшитди: «Қимсан?» Бу энг золим, итфеъл қул эди. Шунинг учун уни канизаклар ўзаро «Қопоғон» деб номлар эдилар. Дилдор чўчиб, орқага тисланди. Кейин ўзини тутиб олди, ханжарни энг ичига яшириб, дадил гапирди:

- Мен, мен, Оллоёр! – югуриб, қулнинг пинжига тиқилди.
- Тун ўртасида? Бу ёққа қара! – Оллоёр хира фонусни қизнинг юзига тутди. Дилдор жўрттага ҳаяжонини кучайтириб, зўраки ҳансираб гапирди:
- Оч эшикни, табиб мавлоно Абдулхайга киши юбор!
- А! Не дейди ўзи? Тушунтир.
- Хадичабегим бирдан хаста бўлиб қолдилар. Вой ўлай, аҳволлари жуда оғир. Тиллари сўзлашдан қолди.
- Давлатбахт қани? Нега у келмади? – қошиб гапирди Оллоёр.
- Аҳ, нега аҳволни тушунмайсен! Шўрлик Давлатбахт бемор билан овора. Эшик орқасида посбон борми? Буюр унга!

Оллоёр нимадир пўнғиллаб, дарвоза томон юрди. Белидан калидни олиб, катта чўнг қулфга солди. Дарвозанинг бир қанотини қия очиб, асабий қичқирди:

- Мизроб, ҳай Мизроб!

Қул остонадан ташқарига бир қадам қўйди. Яна Мизробни чақирди. Дилдор остонага чиқиб, қўлини орқасига олиб, дарвозага суялди.

– Посбон бўлмай ўлиб кет, ҳар кеча маст... – вайсади Оллоёр.

Дилдорнинг кутгани бу эди.

– Тезроқ уни топиб жўнат! Бунча беғамсен, – жўрттага қистади Дилдор.

– Кир, қорангни ўчир!

Оллоёр қизни ичкари итариб, дарвозани ёпмоқчи бўлди.

Дилдор фурсатни қўлдан қочирмасликка тиришди Оллоёрнинг устига бирдан отилди-да, ханжар урди. Унинг кўкрагини мўлжаллаган бўлса ҳам, лекин ҳаяжондан, тажрибасизликдан, ханжар қулнинг елкасига тегди, Оллоёр фонусни улоқтириб, бақирди. Дилдор бутун кучи билан қочди. Орқадан бақириб-чақириб Оллоёр қувди. Эллик қадамча нарида Оллоёр Дилдорнинг сочидан ушлаб қолди. Қиз орқага қайрилиб, унинг дуч келган аъзосига шошиб-пишиб, лекин ғазаб билан уч-тўрт марта тиф урди. Оллоёр даҳшатли чинқириш билан ерга юмалади. Дилдор ханжарни қўлда маҳкам сиқиб, ўқдай учди. Атрофдан «ҳой, тут!» каби қисқа, кесик садолар эшитила бошлади. Томоғи қақраган, ғазабли, эссиз-ҳушсиз Дилдор бор кучи билан югурди. Анча масофа босгандан сўнг қоронғида пастгина деворга бирдан урилди. Девордан чаққон сакради. Қуюқ дарахтзор орасига кираркан, орқада хансираган, пишқирган кимдир девордан юмалади ва қувди. Дилдор қутулишга илож йўқлигини сизди. Ғазаби тошди. Ханжарни кўтариб, қувловчига ҳамла қилди. Лекин гурзидай муштнинг зарбаси билан шу онда ерга мукка йиқилди.



### *Савол ва топшириқлар*

#### **ТУШУНИШ**

Нима сабабдан Навоий ўз болалиги ва ёшлик йилларидаги воқеаларни эслайди?

#### **Қўллаш**



### *Жуфтликда ишлаш*



### *Ёзиш*

1. Парча мазмунини ёритиб берувчи 7 та таянч сўзларни ёзинг ва уларни изоҳланг.
2. Дилдорнинг табиатига хос хусусиятларни асар матнига таянган ҳолда ёритиб беринг.


#### **ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

Парчани “Чархпалак” усули орқали таҳлил қилинг.



## УМУМЛАШТИРИШ

Алишер Навоий ва унинг укаси Дарвешалининг оға-ини ўртасидаги муносабатни Венн диаграммаси орқали қиёсланг.



“Ягона давра” усули орқали берилган парча бўйича фикрларингизни билдиринг.

## БАҲОЛАШ

Романнинг ёзилиш тилига эътибор беринг. Сизнингча, ёзувчи ўша давр руҳини қай даражада етказишга муваффақ бўлган?



	Ўқиш		Муҳокама қилиш		Сўзлаш
--	------	--	----------------	--	--------

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Боғи Зоғоннинг зарҳал хоналаридан бирида Тўғонбек сувсар пўстинга ўралиб, ёш шаҳзода Музаффар Мирзо билан нонушта қилиб ўтирарди. Шаҳзодага яқинлиги орқасида унинг обрўси кун сайин ошарди. Ҳусайн Бойқаро унга бекларидек илтифот кўрсатарди. Энди давлатда энг катта мансабдорлар у билан ҳисоблашмоққа мажбурлар. Тўғонбек шаҳзодадан суюрғол<sup>1</sup> тариқида катта ерлар олган. Ҳиротнинг донгдор давлатманд оилаларидан Абулзиёнинг гўзал қизига уйланган. Унинг эшигида қўша-қўша навкарлар, уй ичида ўнлаб чўрилар хизмат қилади. У Музаффар Мирзо исмидан ҳар хил хиёнатга бош уриб, ҳар жиноятни оқлайди. Тўғонбек... режаларини содда сўзлар, содда, ёрқин мисоллар билан, бола англайдиган равишда, яққол кўрсата билганидан Музаффар Мирзо уни қизиқиб тингларди...

<sup>1</sup> Суюрғол – подшоҳлар томонидан совға қилинган ер.

...Хизматчи дастурхонни йиғиштиргандан сўнг шаҳзоданинг йигитларидан бири кирди. Бу қўшиқчи, ўйинчи, ярим шоир, ярим жангчи эди. Зиёфат ва базмга доир ишларни аксар вақт у бажарарди. Йигит бу кунги умумий зиёфат учун кимлар чақирилиши ва нималар ҳозирланиши тўғрисида сўради. Тўғонбек меҳмонларни, чолғучи ва ўйинчиларни, овқат ва ичкиликларни бирпасда санаб берди. Йигит қўзғола туриб, яна ўтирди, олифта мўйлабини силаб, кулимсираб, деди:

- Бу кеча Хадичабегим саройларида ажаб воқеа рўй берибди, эшитдиларми?
- Қандай?– Тўғонбек билан шаҳзода айна вақтда сўрашди.
- Бир канизак, – давом этди сўзида йигит, – тун ярмида қочибди, бир қулни ханжар билан ғоят қаттиқ яралабди.
- Забардаст экан-да! Хўш, тутибдиларми? – сўради Музаффар Мирзо.
- Тутибдилар.
- Исмини билдингизми? – сўради пешонасини қашиб Тўғонбек.
- Ғолибо, Дилдор, дедилар...

Музаффар Мирзо қўлини силтаб, воқеага аҳамият бермаганини билдирди-да, муаллимдан имло-иншо дарси олмоқ учун қўшни хоналардан бирига чиқиб кетди. Тўғонбек йигитни юмушга жўнатиб, танҳо ўйлади. Сўроқда бир чоғлар, Ёдгор Мирзо тартибсизлиги замонида, қизнинг Тўғонбек томонидан олиб қочилгани таҳқиқланса, гап чувалиши мумкинлигини мулоҳаза қилди – кўнгли ғаш бўлди. Аксига Мажидиддин ҳам Хиротда эмас. Қизнинг изини тезроқ ўчириб, хавфсизланишга қарор қилди. Қундузи сербар бўркни<sup>1</sup> маҳкам бостириб кийиб, ташқарига югурди. Отни миниб, орқасидан уч сувори навкарни эргаштириб, Ихтиёриддин қалъаси томон қаттиқ елди. Қоровулхона олдида отдан тушган ҳамон ёнига Зайниддин келди.

– Бу ерларда нима қилиб юрибсиз, мулло? – кеккайиб, тил учида сўради Тўғонбек.

– Бугун бир ақрабомиз жаҳаннамга тушибди, – жавоб берди Зайниддин сохта тавозе билан. – Ўйлайменки, бек жанобларининг ҳам бошида шунга ўхшаш бир дағдаға бордир.

Тўғонбек бу сўзлардаги кинояни тушунди, лекин ўзини билмасликка солди.

– Ундай тўқимачиликка берилманг, мирзо йигит! – деди-да, отни навкарларга тутқазиб, ғизиллаб қоровулхонага кирди.

Зайниддин узоқ чўзилган бир ўлтиришдан тонг қоронғисида чиқиб, таниш бир сипоҳидан воқеани эшитган эди. «Яна Арслонқулнинг гўзали бўлмасин», деган бир шубҳа билан бу ерга югурди. Шубҳаси ҳақиқат бўлиб чиқди. Қиздан дастлабки сўроқни Эрали жаллоднинг ўғли Пирмат Калла сўраганини, қиз ҳеч кимнинг исмини айтмасдан, ўзини шоён бир жасурлик билан тутганини эшитди.

Зайниддин совуқда қалтираса ҳам, Тўғонбекнинг чиқишини кутди. Чунки унинг худди шу воқеа муносабати билан келганлигига шак қилмасди. Кўп ўтмасдан, ғолибона юриш билан Тўғонбек ичкаридан чиқди. Зайниддинга истехзо

<sup>1</sup> Бўрк – қалпоқ, қишлоқ бош кийим.

аралаш кулиб ҳам қўйди. Зайниддин ичида ўйлади: «Ҳа, ит, ҳақиқатни булғамоқчи бўлдинг!». Кейин Тўғонбекка яқинлашди.

– Тунги воқеанинг оқибати не бўлур экан, бек? – сўради Зайниддин қизиққан чет одамдай.

– Мен қайдан билай? Ўзга дардим йўқми? – тескари қараб, тўнг жавоб берди Тўғонбек.

Зайниддин кескин бурилиб, мадрасага югурди.

Ҳужрада Султонмурод билан Арслонқул нима тўғрисидадир қизгин гаплашмоқда эдилар.

– Кел, дўстим, мушкул масалада бизга йўл кўрсат, – суюниб ёнидан жой кўрсатди Султонмурод.

– Қандай масала?

– Ахир, Дилдорни қутқармоқ керак! – жавоб берди Султонмурод.

– Тўғри, жуда илдам қутқармоқ керак. Фақат, биласизми, қаердан?

– Қаердан эмас, қандай қилиб, денг!.. – қалпоғини кўтариб, умидвор кўзлари билан Зайниддинга тикилиб, – деди Арслонқул.

– Нима? Ғолибо, ғафлатда экансизлар. Қиз бир зиндондан иккинчи бир зиндонга тушди!

Арслонқул билан Султонмурод нафаслари ичига тушиб, кўзларини олайтиришди...

Зайниддин бутун воқеани айтиб берди. Ҳужрани чуқур жимжитлик босди. Арслонқулнинг кўзларидан томчилар юмалади. Султонмурод тўсатдан кўзғолди.

– Филҳақиқат, бу қиз олам нодираси экан! – бутун гавдасини қамраган ҳажон билан гапирди у. – Биродарлар, ҳар қайсимиз бир вазифага бел боғлайлик. Дилдорнинг жонини ўз жонимиздай сақлаймиз. Зайниддин, сен Тўғонбекнинг кирдикоридан дурустроқ хабарлар топмоққа ҳаракат эт! Арслонқул, сиз қўрғон теварагидан узоқлашманг, лекин, ғоят хушёр бўлинг! Мен... мен не қилай? Афсуски, вазир Хўжа афзал жаноблари кеча Марвга жўнаган эдилар. Хўб, мен инсофли беклардан, Ҳиротнинг эътиборли зотларидан кўмак сўраймен...

Султонмуродга ҳеч ким эътироз қилмади. Оқшом, агар тинчлик бўлса, Зайниддиннинг уйида учрашмоққа тил бириктириб, ҳужрани тарк этишди.

Арслонқул дев қадамлар билан юриб, Қалъаи Ихтиёриддинга келди. Уст-ма-уст юксалган тоғ чўққилари каби баланд, муаззам қалъа... Баланд кунгурали, қалин, метин деворлари, азамат қуллалари<sup>1</sup>, тупроқ қўрғонлари билан самога юксалган қаҳрли, оғир иншоот... Зиндон бу ерда эди. Арслонқул қалъа билан унинг шимолида бўлган от бозори ўртасида ғамгин қатнаб турди. Унинг пешонаси темир чамбар кийгандай оғир эди. Унинг кўзида қўрқинч манзаралар жонланди. Бу ерда жаллод болтаси остида кесилган, қўллари қирқилган ёки дорга осилиб, бир нафас типирчилаб, алифдай чўзилган одамларни кўп марта кўрган эди. Юрагини даҳшат қоплади. «Борди-ю, Дилдорни олиб чиқиб оссалар

<sup>1</sup> Қулла – чўққи.

ёки бўйнига тиг қўйиш учун чуқур олдига ётқизсалар – у нима қилади? Хотинлардек чапак чалиб йиғласинми? Қуруқ қўл билан жаллодларга хужумдан нима фойда чиқади?» – ўйлади ичида. Кейин бир он иккиланмасдан, уйга чопди.

Холаси бозорга кетган экан. Ховлида танҳо, ғивирлаб юрган чолнинг орқасидан бориб, елкасини астагина қоқди.

– Почча, бир қилич тўғрисида гапирардингиз, кўрсатинг менга.

– А, қилич? Хиротни ёв босмоқчими? – ўсиқ қошлари орасига кўмилган кўзларини катта очиб, сўради чол.

– Йўқ, тинчлик... Аммо зарур, – шоширди Арслонқул.

Чол хона ичига кириб, катта сандиқни кўрсатди. Қалидни топмагач, йигит сандиқнинг ҳалқасидан ушлаб, куч билан тортиб, очди. Ҳар хил кийим-кечаклар остидан қилични олди-да, қинидан суғуриб, диққат билан қаради.

– Эй, бўтам, нимасига қарайсен! – деди чол. – Исфиҳон пўлати... Отам раҳматли Амир Темурнинг бекларидан эди. Бу қилич қанча-қанча мамлакатларни кўрган, қанча халқларнинг бошида ўйнаган... Ҳиндистон, Дашти Қипчоқ, Араб, Эрон, Қоғқоз ва Диёри Рум... – яна кўп иқлимларни кўрган бу тиг. Соҳибқирон Темурнинг замонида яшаган бўлсам эди, умрим кулолчилик билан ўтармиди? Хитойнинг бир вилоятига ҳоким бўлармидим?.. Во дариғ!

– Яхши қилич! – салмоқлаб, тигни яна қинига тикди Арслонқул ҳам узун чопони ичидан тақиб олди. Сўнгра латтага ўралган бир пичоқни тоқчадан олиб, этигининг қўнжига суқиб қўйди.

– Ҳа, Яъжуж-Маъжужга қарши отланяпсанми? Белда қилич, қўнжда пичоқ? Аммо тигни, бўтам, ҳақ йўлга ишлат, ноҳақ қон тўкма! – Арслонқулнинг йўлини тўсиб гапирди чол.

– Бу қилич балки бутун умрида биринчи марта зулмга қарши ишлатилар!

Арслонқул кўчага чиқиб, бошини қашиб ўйлади-да, баъзи дўст-ёрларига йўлиқмоқ учун Инжил ёқасига, жангу жадалдан завқланадиган олов йигитлардан, ўртоқларидан бир гуруҳини кўмакка чақиргани жўнади.

Хуфтон вақтида Арслонқул Зайниддиннинг эшигини тикирлатди. Қоронғида бир аёл эшикни очиб, даричасидан шам нури сизғиб турган бир хонага киришни таклиф этди. Хона ичида ҳеч ким йўқ эди. Гилам устида қаламдонлар, қаламлар, ҳар хил шаклдаги сиёҳдонлар, битилган ва битилмаган жуз-жуз<sup>1</sup> қоғозлар ётар, қоziқда танбур ва ғижжак осиглиқ... Арслонқул бир чеккага ўтирди, қалпоғини бир ёнига қўйиб, кўзларини юмиб, хорғин, ғамли ўйлади. «Бу бечораларни ишдан қўйдим, китобдан айирдим. Бири Рум мамлакатидан келган Чалабий деган катта олимни енгган донишманд бўлса, бири катта битикчи... Мен каби бегона, саводсиз одамга шунчалик меҳрибонлик қиладилар. Бундай оқ кўнгил, ҳақпараст одамлар бўлмаганда эди, дунё ҳамиша қоронғилик остида қолган бўлар эди. Улар ташвишда, мен бу ерда ўтирайин!» – ўйлади ичида Арслонқул ҳам зиндон томонга жўнамоқчи бўлди. Бироқ, шу аснода ховлида гурунг эшитилди. Арслонқул ирғиб туриб, икки дўстни қаршилади.

<sup>1</sup> Жуз – ўрам.

– Хўш, кун бўйи нималар билдингиз? – чарчоқ ҳолда ўтираркан, Арслонқулнинг чопон ичидаги қиличини сезиб, таажжуб билан сўради Султонмурод.

– Ҳеч нима билмадим. Тишдан қарасанг, тинчликка ўхшайди.

– Тўғри, ҳозирча осойишталик... Энди нима қилмоқни маъқул топурсиз? – ёзув ашёларини йиғиштириб, сўради Зайниддин.

– Бу кеча қилмоқчи бўлган андак юмушимиз бор, агар сизлар мақбул топсангизлар.

– Тунда зиндонга хужум ясасак, – жиддий гапирди Арслонқул. – Посбонларни, жаллодларни кесиб<sup>1</sup>, гуноҳсизларни тутқундан озод қилсак...

– Яхши жасорат, аммо куч қани? Осон иш эмас, ахир, – деди сабрсизланиб Зайниддин.

– Мендан бошқа беш азамат бор, – жавоб берди Арслонқул. – Бари жанг-жадалдан завқланадиган олов йигитлар. Улар Ҳиротда орттирган яхши ўртоқларимдан. Ҳозир зиндон теварагида айланиб юрибдилар. Ижозат берсангиз, фурсат пойлаб, бир қирғин соламиз. Биз бу хусусда ўзаро яктан, якдилмиз.

Зайниддин ва Султонмурод сукут этиб, бир-бирларига узоқ тикилишди.

– Бу мардона ҳаракатга қандай қарайсен? – сўради, ниҳоят, Султонмурод.

– Мен, ростини айттайин: Арслонқул ва унинг дўстларидан бундай баҳодирлик кутмаган эдим. Жасоратларига офарин ўқимоқлик керак. Аммо, гарчи бу йўлни қанчалик ҳақли топмайин, зиддига сўзламоққа мажбурмен.

– Не сабабдан? Бажара олмоғумизми? – унинг сўзини кесди Арслонқул.

– Мушкул иш! – давом этди сўзида Зайниддин, чиройли қошларини жиддий чимириб. – Улардан ўнлаб киши қирилур, балки сизлардан ҳам бир киши тирик қолмас. Натижа? Балки – ҳеч!

Арслонқул азамат гавдасини эгиб, оғир сукутга ботди.

– Менимча, иним, – Арслонқулга мурожаат этди Султонмурод, – бу қарорингизни охирги навбатда, яъни тамом иложсиз қолган бир пайтда тадбиқ этмоғимиз керак. У вақт бундай йигитлик ажойиб бир маънога эга бўлур. Аммо ҳозирча лузуми йўқ. Чунки биз баъзи улуғ мансабдорлар билан сўзлашдик. Улардан яхши ваъдалар олдик. Аҳвол қийин бўлса ҳам, Дилдорга бериладиган жазо орқага сурилди. Ишни эскитмоққа яна ҳаракат қилурмиз.

– Ўлим жазоси хавфи йўқми? – титрак товуш билан сўради Арслонқул.

– Айтиш қийин. Чунки Тўғонбек каби золим йиртқич бор, – жавоб берди Султонмурод.

– Дилдор не жинойт қилибдики, ўлим жазосига буюрурлар! – қатъий, ишонч билан деди Зайниддин. – Иншоолло, мамлакатда Тўғонбек кабиларни масъулиятга тортувчилар ҳам бор...

– Аҳвол шундай экан, мен Марвга – Алишер Навоий қошига борамен, – қаддини ростлаб гапирди Арслонқул. – Бутун юрак дардимни шоирга очамен. Бу ўй хали хотиримга келган эди, лекин фурсат йўқлигидан, аҳвол танглигидан доғда эдим. Модомики, ўлим хавфи йўқ, албатта, борурмен.

<sup>1</sup> Кесиб – сўйиб, ўлдириб.

– Мана бу фикрингизга жонлар тасаддуқ, – қичқирди Султонмурод.

Султонмурод Зайниддиннинг розилигини истади. Учовлари бу тўғрида қизгин суҳбатлашди. Зайниддин ҳам бу фикрни маъқул кўрди. Арслонқул, гўё елкасидан тоғ ағдарилгандай, жонланиб кетди. Худди ҳозир йўлга тушмоқчидай, қалпоғини ҳам бостириб кийиб олди. Лекин бақувват, югурик от топиш керак эди. Арслонқул ва Султонмуродда сийқа танга ҳам йўқ; улар ўз пулларини бириктириб фолбиннинг оғзига урган эдилар. Ниҳоят, Султонмурод ўзида хусусий суратда дарс олувчи давлатманд бир шогирдидан от тиламоққа қарор қилди-да, шошиб жўнади. Зайниддин Арслонқулни бирга олиб, унинг ўртоқлари билан танишмоқ, керак бўлганда фойдаланмоқ ниятида Ихтиёридин қалъасига кетди.

Тонгда шаҳар дарвозалари очиларкан, Ҳиротдан илк чиққан киши ўйноқи бедов отли Арслонқул бўлди. Бечора ошиқ работларда оз қўнди. Девдай югурган, қурбон қидирган қонли йиртқичдай увуллаган сахро бўронларида, тунларда ҳам танҳо йўл босди. Работларда қўнаркан, йўлга чиқиш олдидан холасидан олган бир неча тангани отнинг ем-хашагига харжлаб, ўзи оч ўтирди. Работларда дам олган йўловчиларнинг ҳангомаси унинг қулоғига кирмас, ҳамма вақт юраги ҳовлиқарди: «Балки ҳозир Дилдорни осаётгандирлар, ё бўлмаса уни қийнамоқдадирлар, ё бўлмаса, азамат шериклари зиндонга босқин яшашга мажбур бўлиб, бари қирилдими?» Ваҳим хаёллар йигитни қора гирдоб каби, тунги сахронинг даҳшати каби ўраб оларди.

Тўртинчи кун оқшом узоқдан Марвнинг қўрғонлари кўзга чалинди. Арслонқулни, нечундир, умидсизлик, жасоратсизлик эгаллаб олди. Юраги қаттиқ урди. Далага кенг ёйилган қароргоҳ чодирларига етгач, бу кайфият янада кучайди. У бўшашиб отдан тушди. Зарёқа тўнли, қимматбаҳо камарли, сувсар бўркли мағрур мансабдорлар, қиличларини осилтириб, ўқ-ёйларини елкаларидан ўтказиб, пиёда, отлиқ кезган қахрли сипоҳилар билан қайнаган муҳит ва улуг шоир билан учрашиш зарурияти уни довдиратди. Унга расмий чопар каби қараган навкарларнинг кўмаги билан Алишернинг чодирига келди. Кириш олдида бир дақиқа иккиланиб, хўрсиниб олди. Доимий яшаш учун қишбоп этилиб қурилган катта, баланд, қалин чодирнинг тўрида, қандилларда ёнган шамнинг нурида энгашиб ёзув ёзган шоирга қўл қовуштириб салом берди. Алишер бошини кўтариб, диққат билан йигитга тикилди.

– Кел, иним, эсонмисен? – қаламни қўйиб қўлини чўзди шоир.

Арслонқул аҳтиром билан унинг қўлини қисди. Шоир кўрсатган жойдан кўра қуйроққа тиз чўқди. Навоий ўз яқинларига қилган илтифот билан гапира бошлади:

– Бу томонларда не қилиб юрибсен? Ҳиротдан қачон чиққан эдинг? Сўйла, бизнинг Инжил лабидаги ишларимиз илгари бормоқдами?

Арслонқул дадилланди. Навоийнинг биноларидаги ишлар тўғрисида тафсилли сўзлади. Мирак Наққошдан чизи шикоят ҳам қилиб қўйди. Навоий завқланиб кулди, йилтираган кенг пешонасини ингичка бармоқлари билан силади, яна

сўзлашга қистади. Саволлар берди. Арслонқул ўз мақсадини тезроқ баён қилишга ошиқарди. Ниҳоят, ўз дардининг ифодасига йўл очди:

– Тақсир, мен Мирак Наққош билан Инжил бўйида гижиллашиб ишламоқни орзу қилардим, лекин бошимга бир фалокат тушиб, остонангизга бош уриб келдим.

– Не фалокат? – дарров қизиқди Навоий.

Арслонқул қудратли гавдасини бир оз эгди. Юзидаги дард, товушидаги ҳаяжон билан бутун воқеани бошидан-охиригача айтиб берди. Ҳеч нимани, хатто фолбин воқеасини ҳам яширмади. Охирда: «Умидим ёлғиз сиздан. Элга кўрсатган марҳаматингизни бу бечорадан аямагайсиз» деди-да, Султонмурод ёзиб берган хатни қўйнидан олиб, шоирга узатди. Навоий уни шамга тутиб ўқиди, олимнинг аҳволини сўради. Султонмурод билан унинг ўртасидаги самимиятни эшитиб, хурсанд бўлди. Кейин Дилдор билан йигитнинг илк севишган замонлари, қишлоқлари ва турмушларига доир бир кўп нарсаларни билишга қизиқсинди. Арслонқул, энди ўз қадрдонлари билан суҳбатлашгандай, тортинмасдан сўзлашди. Навоий сўзини битиргач, Арслонқул унинг оғзидан умидбахш сўз эшитмоқ орзуси билан ёниб:

– Тақсир, зиндонда ётган у бахти қарога нажот йўли борми? Ёинки... – сўзни охирига етказолмай, сукут қилиб, ерга қаради Арслонқул.

– Сабр эт, йигит, – жавоб берди Навоий жиддий, – агар мамлакатда жабрзулм бениҳоят авж олмаса эди, ишқингиз қаро киймас эди. Оила қўйнидан қизни ўғирлаб, чўри қилмоққа кимнинг ҳадди бўлур эди?! Модомики, бизни йўқлаб келибсен, дардингга даво топмоққа уринурмиз. Балки подшоҳга арз этурмиз. Чунки ёри дилнавозинг ўз жасоратида бир нима ортиқча иш қилибди. Зотан, бу ёмон эмас. У Тўғонбек каби қора махлуқларнинг иродасига соф, ҳур виждонлар асло итоат этмасликларини ғоят гўзал исбот этибди. Аммо қонунан оқламоқ учун бир оз ўйламоқ керак.

Арслонқул суюниб, ҳаяжон билан ўрнидан турди, ташқари чиқмоққа ижозат тилади.

– Хўб, истироҳат қил, сенга овқат берсинлар!


Йигит қоронғуда отлар орасида туртиниб, ўз жийронини топди. Силаб-сийпаб хашакка қўйди. Кейин ҳар ерда гулхан ёқиб тўп-тўп ўтирган навкарларнинг тунги ҳангомаларига аралашиб кетди. Улар билан бирга катта иштаҳа билан шовла, эт еди.

Чоштгоҳ паллада уни Навоий чақираёганини билдирдилар. Қадамларини унда-мунда ташлаб, ички ҳаяжон билан чодирга кирди. Навоий худди кечаги жойида, кўкимтир шоҳи чопонга ўралиб ўтирар эди. Ёнида гижжак ва танбур турарди.

– Муродинг ҳосил бўлди, йигит! – қувонч билан хабар берди Навоий. – Мана бу фармонни шамолдай тез элтиб, қалъа бекига топшиурсен. Асира ёрингга тез қовуш. Биздан ҳам салом айт! – кейинги сўзларни шоир кўзларида тошган самимий табассум билан сўзлади.

Арслонқул хатни жуда эҳтиёт билан қўйнига жойлади. Кўзларига ёш тўлиб, суюнчидан титраб, самимий, содда сўзлар билан шоирга миннатдорчилик билдирди.

Арслонқул отга югурди. Эпчиллик билан эгар-жабдуқни тўғрилади. Миниш олдида, йўлда отни боқиш учун ем тўғрисида ташвишланди. Пул оз қолган. Навкарлар, отбоқарларга «отанг яхши, онанг яхши» қилиб, битта қопчага арпа солиб олди-да, жийронни дингиллатиб, шаҳдам жўнаб қолди.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

**БИЛИШ**

Берилган парчани қай даражада диққат билан ўқидингиз? Кузатиш учун “*Дуруст ва дуруст эмас*” ўйинини ўтказинг. Қўйидаги берилган гаплар дуруст бўлса (+), дуруст бўлмаса (-) белгиси қўйиб чиқинг.

<i>Хусайн Бойқаро унга бекларидек илтифот кўрсатарди.</i>	
<i>Тўғонбек бу сўзлардаги кинояни тушунмади, шу сабаб ўзини фикрини маъқуллай бошлади.</i>	
<i>Зайниддин узоқ чўзилган бир ўлтиришдан тонг қоронғисида чиқиб, таниш бир сипоҳидан воқеани эшитган эди.</i>	
<i>А, қилич? Ҳиротни ёв босмоқчимиз?</i>	
<i>Бу кеча қилмоқчи бўлган андак юмушимиз бор, агар сизлар мақбул топсангизлар.</i>	
<i>Тўғонбек Арслонқулнинг розилигини истади.</i>	
<i>Тўртинчи кун оқшом узоқдан Марвнинг қўрғонлари кўзга чалинди</i>	
<i>Навоий ўз мақсадини тезроқ баён қилишга ошиқарди.</i>	
<i>Музаффар Мирзо қудратли гавдасини бир оз эгди.</i>	
<i>Султонмурод билан унинг ўртасидаги самимиятни эшитиб, хурсанд бўлди.</i>	
<i>Чоштгоҳ паллада уни Тўғонбек чақираёганини билдирдилар.</i>	
<i>Арслонқул отга югурди.</i>	

**ТУШУНИШ**


	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------	---	-------------

Нима учун Арслонқул Навоийдан нажот излаб боради? Бунинг ҳаётий асослари борми? Ўқитувчингиз ёрдамида тарихий фактларни излаб кўринг.



### ҚўЛЛАШ

Султонмурод, Зайниддин ва Арслонкул муносабатларини қуйидаги чизма орқали ёритинг.



### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

“Жадвал” график-органайзери орқали парчани таҳлил қилинг.

<i>Моҳияти</i>	<i>Ижтимоий тарбия турлари</i>				
	<i>Маънавий ахлоқий тарбия</i>	<i>Ақлий тарбия</i>	<i>Жисмоний тарбия</i>	<i>Эстетик тарбия</i>	<i>Меҳнат тарбияси</i>
<i>Мақсади</i>					
<i>Вазифалари</i>					
<i>Ўзига хос жиҳатлари</i>					

### УМУМЛАШТИРИШ



Музаффар Мирзо ва Тўғонбек табиатига хос жиҳатларни “Т-жадвал” усули орқали ёритиб беринг.

<i>Музаффар Мирзо</i>		<i>Тўғонбек</i>	
<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>	<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>

### БАҲОЛАШ

“Инсерт” усули орқали берилган парчадан олган билимларингизни мустаҳкамланг.

<i>“V” – биламан</i>	
<i>“+” – билмайман</i>	
<i>“-“ – янги ахборот</i>	
<i>“?” – тушунмадим</i>	

	Ўқиш		Муҳокама қилиш		Сўзлаш
---	------	---	----------------	---	--------

БИЛИШ

“Жигсо” усули орқали парча матнини ўрганинг.

Арслонқул Ҳиротдан чиққандан кейин Султонмурод ва Зайниддин яна кўпроқ масъулият сезиб, ташвишлари ортди. Тун-кун қулоқлари тиккайган, кўнгиллари ғаш бўлди. Арслонқулнинг шериклари тун-кун зиндон теварагида, жувозкашнинг отидай, айланиб юрдилар. Амалдорларнинг сўзига, ваъдасига қаттиқ ишониб бўлмас эди. Учинчи кундан бошлаб ҳаяжон ва таҳлика кучайди. Ҳиротда ҳар хил миш-мишлар тарқалди: «Қочқин чўрининг оғзиданми, ё бошқа жойидан дам қўйиб шиширар эмишлар! Дорга осиб, терисини шилар эмишлар! Ётқизиб, қоқ белидан ғўладай арралар эмишлар!» – бир-биридан ваҳим қийноқлар тўғрисида сўзлайдилар. Уларга совуққонлик билан қарамоқ жиноят бўлар эди. Чунки бу миш-мишлар орасида Тўғонбекнинг қонли, қора кўланкаси кўринар эди.

Зайниддин, Тўғонбек қошига бориб, уни инсофга чақиришга дўстини қистади. Султонмурод бу таклифни эшитгуси ҳам келмади.

– Қўй, дўстим, бетини кўрмоққа тоқатим йўқ. Унинг қулоқлари, гўё қўрғошин қуйилгандай, ҳақиқат сўзларига тамом кардир.

– Биламен, ўзим ҳам ундан нафрат қиламен, – деди Зайниддин. – Не қилайликки, зарурият... Унга мурожаат этмоққа, ҳатто ялинмоққа мажбурмиз. Сен унга бор, эски танишликни ўртага сол. Хотиримдадирки, бир вақтлар сени ҳурмат қилар эди. Эсингдами, нима дерди: «Султонмурод подшоҳлардан ҳам афзал. Чунки оламнинг хазинаси унинг бошига жамланган...» Шундай демасмиди?

– У вақтларда расво, разил бир қочқин эди. Энди қара! – Султонмурод кўзларини кўкка маънодор тикди. – Биласенми, Навоийнинг яхши бир байти бор, маъноси шундай: «Ёмонлардан яхшилик кутмоқ ҳайвон шохиди гул унмагини орзу қилмоқ билан баробардир!»

Зайниддин ортиқ қистамади. Ҳиротнинг юқори доираларига яқин бўлган баъзи танишлари билан учрашмоқ учун кетди. Ҳар ерда қўрқинчли миш-мишлар эшитди. Яна Султонмурод қошига келди.

– Ҳадичабегим Дилдорнинг ҳаракатидан ғоят қаҳрланган эмиш, – деди у хафаланиб.

– Демакки, иш ёмон, – ранги ўчиб шивирлади Султонмурод. Зайниддин боши билан тасдиқлади. Султонмурод «ух» тортиб, индамасдан бир ёққа илдам жўнади. Шаҳарнинг шимолида, эски шаҳзодалардан қолган чиройли бир қасрнинг эшиги олдида олимни икки навкар қаршилади:

– Хизмат?

– Тўғонбек жанобларига хабар берингиз, Султонмурод учрашмоқни орзу қилур.

Навкарларнинг бири, ёқинқирамагандек, имирсиланиб, ичкарига кириб кетди-да, кўп ўтмасдан, пайдо бўлди, боши билан имлади. Султонмурод катта боғ орқали ўтиб... қулоғига ҳалқа осган бир қулнинг кўрсатиши билан қалин сарвзорлар орасидаги йўлнинг бошида, мрамр зинали, айрим, катта хонага кирди. Бу уй қимматбаҳо жиҳозларга жуда бой эди, қалин кўрпачаларда Тўғонбек билан мавлоно Шаҳобиддин, яна кеккайган бир неча мансабдор ўтирарди. Султонмуродни Тўғонбек очиқ юз билан қабул қилди. Кейин у ўзини гўё юртнинг ҳомийси, ҳаётнинг ҳар томони билан қизиққан, билимдон ботир саркарда каби тутишга тиришиб, мадрасалар аҳволидан сўз очди. Султонмурод нозик киноявий табассум билан баъзи маълумотлар берди-да, ўзининг нима мақсад билан келганини айтди. Тўғонбек иягидаги қизғиш, сийрак дағал соқолини қашиб, сукут этди. Кейин яхдай совуқ, сунъий «қиҳ-қиҳ» қилиб кулди.

– У қочқин чўрига ҳомийлик қилиб нетасиз? – деди у қошларини киноя билан кериб. – Уйланмоқчимисиз? Қўйинг, мен сизга кўкраги хандалакдай диркиллаган сулув қизни топиб берамен.

– Бек, мен сизнинг ҳузурингизга уйланиш қайғусида келмадим, – ғазабдан қичқириб гапирди Султонмурод. – Мен ҳозир ўзгаларнинг бахти ва севгиси учун ғамхўрлик қилурмен. Кишиларни бахтли кўрмакнинг ўзи ҳам бахтдир.

Тўғонбек ёстиққа ёнбошлаб, олтин ҳалли шипга қаради. Мавлоно Шаҳобиддин бангиларникидек сариқ, қонсиз юзини босган очиқ киноя ва нохушлик билан деди:

– Юртнинг улуғлари бор, ишни уларга қўйиб бермоқ керак. Бизда бировдан жиноят содир бўлдими, дарров оқловчилар, адолат ҳақида лоф урувчилар пайдо бўлади.

– Тўғри, юртнинг улуғлари бор, – деди Султонмурод асабийланиб, – лекин зулм ҳам зўр, ўзбошимчалик ҳам зўр. Давлатда олий пояга минганлар ичида жоҳиллар ҳам бор. Биз ҳақиқат юзига тушган қора доғни шилмоқ ниятида келган эдик.

– Биродар, – қаддини ростлаб, юмшоқ гапиришга тиришди Тўғонбек, – жиноятчига жазо бермоқни худо ҳам, пайғамбар ҳам буюради. Масалани шайх-ул-ислом ҳал қилур.

– Қизга ҳеч ким жиноят ағдара билмас. Соф, асл руҳли жасур қизга лутф, марҳамат кўрсатмоқ лозим!

– Баракалло! Бу гаплар қайси китобдан? – хитоб қилди Шаҳобиддин.

– Ҳақиқий китобларнинг барчасида бу мазмун бордир! – жавоб берди Султонмурод.

– Мен сизга ўгут ўргатгудек билгич эмасмен, – гапирди қовоғини солиб Тўғонбек. – Бироқ, шу нарса муҳаққаққи, қорани оқламоқ ҳеч бир подшоҳнинг ёсасига<sup>1</sup> сиғмайди!

<sup>1</sup> Ёса – қонун маъносида.

Султонмурод келганига афсусланди. Ғазабини базўр босиб, ўйлади: қизни Мирзо Ёдгор замонида ким томонидан олиб қочилгани ҳақида тил тегизмакни мўлжаллади. Лекин, Тўғонбекни қутуртиришнинг оқибати қалай бўлар экан, деб иккиланиб қолди. Шу вақтда бир тўда маст, олифта йигитлар ва Ҳиротнинг машҳур қиморбозлари кириб келди. Султонмурод тил учида совуққина хайрлашиб, эшикка отилди. Ҳаяжондан, боғчада текис йўлни қўйиб, дарахтлар орасида, билқиллама нам ерда, кафшини лойга ботириб югураркан, орқадан товуш эшитди: «Мавлоно Султонмурод!» Олим қайрилди. Уй зинасида Тўғонбекни кўриб, қайтди.

– Дўстим, биздан кўнглингиз, қолди-а? – илжайди Тўғонбек.

– Мен сизни фазилатга даъват қилган эдим, афсус!

– Мен халқ олдида сизнинг илтимосингизга шундай жавоб бермоққа мажбур бўлдим. Тушундингизми? Гарчи бу ишга менинг дахлим йўқ бўлса ҳам, сўзингизни ерда қолдирмасликка тиришурмен.

Султонмурод кўзларини катта очиб, энди очиқ юзли Тўғонбекка тикилди.

– Кўнглингиз тинч бўлсин! – ишонтириб сўйлади Тўғонбек.

Султонмурод ташаккур билдириб, хайрлашди-да, суюниб, мадрасага келди. Ҳужрада Зайниддинни аввалгидан ҳам ғамгин кўрди.

– Хотиринг жам бўлсин, дўстим, балонинг олдини олдик.

– Ҳақиқатми? – ишонқирамай сўради Зайниддин.

Султонмурод бемалол ўтириб, орада ўтган ҳамма гапни айтиб берди. Дастлаб аллақандай гумонларга борган Зайниддин, кейин, айниқса, Султонмуроднинг ишончи таъсири билан, таскин топди. Бу оқшом улар ҳатто Арслонқулнинг қуролли шерикларини тарқатиб юбориб, тинч ухлашди.

Эртаси қиём чоғида икки дўст кўчага чиқишди. Саҳҳоблик растасига кириб, янги китоблар билан танишишди. Бу ерда ҳамма вақт учрайдиган баъзи олимлар, шоирлар, ҳаттотлар билан гаплашиб, турли мавзуларда суҳбатлашишди, таллашишди. Кейин ўзларининг бир неча кундан буён ўрганиб қолган жойларига, Ихтиёриддин қалъаси томонга беихтиёр боришди...

Улар пешин намозини шу ердаги масжидда адо этиб чиққанларида, узоқда қалин оломонни кўрдилар. Гумонсираб бир-бирларига қарадилар-да, у томон югурдилар: қоровулхона эшигида Тўғонбек қаққайган... «Нима гап?» – ранги ўчиб, Зайниддинга қаради Султонмурод. У жаҳл билан лабини буриб, кўздан йўқолди. Бир неча дақиқадан сўнг қайтиб, Султонмуроднинг қўлини туртди-да, четга имлади.

– Биласенми, – деди у лаби-лабига тегмай, – иш тамом... Тўғонбек Музаффар Мирзо номидан фармон ёзиб, унинг йигитларига топширибди. Ҳозир ҳукмни ижро қилармишлар.

Султонмурод шақ-шақ титраб кетди: «Ҳа, ит Тўғон, ғафлатда қолдирдинг бизни!» деди-да, пешонасига урди. Сўнг, бирдан ғазабли ҳаяжондан ўзини йўқотгандек, Тўғонбек томонга отилди. Зайниддин уни чаққонлик билан қучоқлаб олди.

– Дўстим, эсингни едингми? Эндиги ҳаракат бефойда! – деди у орқага суриб.  
– Тангри ҳаққи, мени қўйиб юбор! – қичқирди Султонмурод. – У итнинг ба-  
шарасига бутун халойиқ олдида бир тарсаки урай! Майли, қўлидан келса, мени  
ҳам дорга оссин!

– Беҳуда гапларни қўй! – ялинди Зайниддин. – Бир кун ундан ўхшатиб ўчи-  
мизни олурмиз.

Одам борган сари қалинлашди. Ҳар ким ўз билганича, тўқиб-бичади:  
осармишлар, кесармишлар! Кўплар ачинади: «Гуноҳи нима экан? Бечора қиз  
қафасдан қутулмоқчи бўлибди, холос!»

Тўғонбек ичкари кириб кетди. Посбонлар кўпайди. Музаффар Мирзонинг хос  
йигитлари пайдо бўлди. Улар даҳшат билан қичқириб, уриб, одамларни четга  
сура бошладилар.

– Нима қилмоқ керак? У бизни аҳмоқ қилиб, маъсум қизни кўз олдимизда  
қурбон этадими? Бу қандай разолат? – қичқирди Султонмурод.

– Вақт йўқ, шу чоқда кимга бориб арз этасен? Тўғонбекдан ёрдам сўраймиз-  
ми? Қасос учун букун-эрта Тўғонбекнинг калласини олдирурмен!

Навкарлар одамларни суриб, қонли иш учун жой ҳозирлай бошладилар.  
Жаллоднинг ҳам манҳус<sup>1</sup> сиймоси кўриниб қолди.

– Арслонқул! – қаттиқ қичқирди Султонмурод ва узоқда елиб келаётган жий-  
рон отга югурди.

– Тинчликми? – отни тўхтатмасдан сўради бақириб Арслонқул.

– Тинч... Сиз не келтирдингиз? Тўхта!

Арслонқул отдан сакради. Қўлтиғидан қоғозни чиқариб, Султонмуродга  
тутқизди: «Қалъа бекига!» Султонмуроднинг елкаси орқали Зайниддин ҳам  
қоғозга тикилди. Сўнг учовлари олдин-кетин қалъа бошлиғига чопишди.

Султонмурод кенг елкали, кўзлари аллақандай ҳаракатсиз, шоп мўйлов йи-  
гитга қоғозни очиқ виқор ва ғурур билан топширди. Қалъа беки йўғон, дағал  
бармоқлари билан қоғозни очиб, қимир этмай тикилиб қолди. Ниҳоят қичқириб  
гапирди:

– Ўлимдан ҳам, зиндондан ҳам қутулди! – навкарларга буюрди. – Олиб  
чиқинглар!

– Айт, бу битик нима? Кимдан у? – қалъа бекига яқинлашиб, ғулдиради  
Тўғонбек.

– Алишер Навоийдан... Мана, ҳамма бекларнинг муҳри босилган. Итоат қи-  
ламен! – совуқ жавоб берди қалъа беки.

– Ҳақиқат ҳамиша устун, у ҳамиша ғолиб чиқур! – кескин равишда гапирди  
Тўғонбекка Султонмурод.

Тўғонбекнинг юзи жаҳл ва ғазабдан аллақандай ёмон тиришди. Бўркини қў-  
лига олиб, индамасдан лапанглаб чиқиб кетди. Навкарлар оёқ-қўли занжирбанд  
Дилдорни олиб кирдилар. Унинг юзи хасталарникидай сарғайган, фақат жасур  
боққан кўзларигина жовдирар, ёнар эди. У мажолсизлангандек, деворга суялди.

<sup>1</sup> Манҳус – жирканч, нақс босган.

Арслонқул югуриб бориб, унинг пешонасини силади-да, дарров занжирларни еча бошлади.

– Мени қаерга олиб борадилар? Сиз нима қилиб юрибсиз бу ерда? – паришон сўради Дилдор.

– Қутулдинг, жоним, бутунлай қутулдинг! Дадил бўл! – йиғламсираган товуш билан майин деди Арслонқул.


– Ишониш қийин, ростми? – кўзларини катта очиб, гўё саволига ҳаммадан жавоб олмақчидек, атрофдагиларга бир-бир қаради Дилдор.

Тўрт-беш қадам нарида турган Султонмурод ҳаяжонли эди. У, Дилдорнинг бетига қарашга ботинолмаган каби, бошини қуйи солган эди. Улар кўчага чиққанда, оломон суюнч ва сурон билан қаршилади. Кимдир қаттиқ қичқирди: «Марвдан Навоий Ҳиротдаги балога чангал солди!»

– Тўғри!

– Умрлари узун бўлсин! – гуриллади оломон.

Оломондан узоқлашгач, Арслонқул тўхтаб, дўстларини уйга таклиф этди. Султонмурод чарчаганлигини баҳона қилди-да, узр тилади ва улар билан бирга боришни Зайниддиндан ўтинди. Дўсти рози бўлди.




ТУШУНИШ



1. Нима учун Султонмурод ва Зайниддин Дилдор учун масъулиятни ўз бўйниларига олди?
2. Арслонқулнинг қайси жиҳатлари Навоийда яхши таассурот қолдирди? Жавобингизни исботланг.

ҚЎЛЛАШ

“Қарорлар шажараси” усули асосида асардаги Арслонқулнинг дуч келган муаммолари устида ишланг.



### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдилинг.

<i>Матннинг асосий ғоясини топинг</i>	
<i>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</i>	
<i>Фикрингизни расм билан тасвирланг</i>	
<i>Асар бўйича ҳаётий мулоҳаза юритинг</i>	
<i>Тарбиявий хулоса чиқаринг</i>	

### УМУМЛАШТИРИШ



Берилган парча асосида ушбу жадвални тўлдилинг.

<b>Асарнинг авж нуқтаси</b>	<b>Тугуни</b>	<b>Ўқувчи фикри</b>

### БАҲОЛАШ

Навоийнинг ёрдамга муҳтож одамларга бўлган муносабатига нуқтаи назарингизни билдириб, Арслонқул мисолида “Беш дақиқали эссе” ёзинг.



	<i>Ўқиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	-----------------------	---	---------------

## ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Навоий хуфтондан сўнг, кутубхонани айланиб чиқиб, ўз хонасига кирди. Шамдонни токчадан олиб, кичкина майин гилам ёпилган паст курси устига қўйди. «Мажолис ун-нафоис»ни давом эттиришга ўтирди. Савағич қалам қоғоз устида шоирнинг фикрига, туйғусига иноқ юриб кетди.

Навоий тунларда қаламни қўлга олиб, ўз фикрлари, туйғулари билан улфатчилик қилишни севарди. Бу – бир қарич болаликдан қолган одат эди.

«Мажолис ун-нафоис» – бир неча юз шоирнинг ҳаётлари ва ижодларининг япроқларидан терилган бир гулдаста. Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳрда яша-



**Муҳаббат жоми дурдошоми улдур,  
Ҳамано Зинда пили Жомий улдур.**

**Кўруб сармаст жоми ваҳдат они,  
Демишлар Зинда пили ҳазрат они.**

Алишер Навоий. "Ҳамсат ул  
мутаҳаййирин" дан

моқда бўлган ёки дунёдан кўз юмган шоирларни, шеърга алоқа кўрсатган олим, фозилларни хотирага олади. Кўпларини танийди, кўплари билан мактублашган. Ораларида унга дўстлик ипи билан боғланганлар бўлганидек, душманлар ҳам бор. Лекин Навоий уларнинг ҳаётига, феъл-атвориغا, истеъдодига, юксак фазилатлари ва ожизликларига ҳолисона қарайди. Инсонларга хос қанча ғалати, қизиқ, турли-туман сифатлар кўз олдида ёрқинлашади... Инсон табиатининг порлоқ, хира, рангсиз, қора ва ҳоказо сонсиз жилвалари кўз олдида тажассумланади. Қанча ёрқин ва нодир сиймолар, қанча разил ва ожиз, қайғули ва кулгили қиёфалар унинг тасаввур ойнасида акс этади. Баъзан бир онгина шоирнинг юзидан маънодор табассум учиб ўтади. Шеър, санъат, илм аҳли – майли яхшими, ёмонми, оқилми, жоҳилми, инсонми, шайтонми барибир сўзнинг торини чертган. Шунинг учун китобда унинг тўғрисида бир неча оғиз гапириш керак.

Навоий фикрларининг базмига, қаламнинг оҳангига берилиб, вақтнинг алла-палла бўлганини сезмай қолди. Қаламни қўйди. Бармоқларида оғриқ сезди. Деворга суялиб, бошини қўйи солган ҳолда фикрга толгандай, бир муддат ўтирди. Яна касал Жомий кўз ўнгига келди. Юраги ҳовлиқди. Кундуз борганда, беморнинг ҳолини кўриб, кўнгли алланечук бузилган эди. Бирон кишини юборсаммикан, деб ўйлади. Лекин сезгилари ташвишли бўлганидан, ўзи боришга қарор қилди. Ўрнидан туриб, шамни ўчирди.

Изғирин шоирнинг юзини тирнади, этақларига ёпишди. Осмон қора, хўмрайган. Узоқда, майдонда навкарлар, қоровулларнинг гулхани туннинг қора бағрини яламоқда эди. Қаердадир чанг, уд ва най овозини эшитди, қаердадир ёлғиз товуш унинг бир ғазалини янги яратилган мақомлардан бирига солиб айтмоқда.

Жомийнинг эшигида, фанор билан ёритилган ҳовлида одамларнинг ташвиш билан юриб турганини кўрди. Булар Жомийнинг ақраболари<sup>1</sup>, яқинлари, дўстлари эдилар. Навоий беморнинг ҳоли ҳақида ҳеч ким билан сўзлашмаса ҳам

<sup>1</sup> Ақрабо – яқинлар, қариндошлар.



юрагини бирдан ўткир алам санчиб кетди, Хона ичига кирди. Тўрда, тўшакда ётган беморнинг атрофида бир тўда дўстлар турарди. Жомийнинг оёғида унинг ўғли Зиёвиддин Юсуф йиғидан шишган кўзларини ожизлик билан отага тиккан эди. Навоий хастанинг олдига тиз чўкиб, бошига энгашди. Қайғу ва муҳаббат учқунланган сўзлар билан унга мурожаат этди. Эвоҳ, донишманд кўзлар очилмади! Жомий беҳуш эди! Навоий дардли кўзларини табиб Абдулхайга тикди. Ҳозиқ<sup>1</sup> ҳаким бошини ожизона чайқади, холос. Навоий қалтираб ўрнидан турди, кўзларидан ёшлар қуйилиб, соқолларини ювди. Зиёвиддин Юсуфнинг бошини ота меҳрибонлиги билан силаркан, ҳеч ким ўзини тутта олмади – ҳўнграб-ҳўнграб йиғлашди.

Жомий гоҳ қисқа муддат ҳушига келади, гоҳ яна беҳол бўлиб ётади. Навоий унинг ёнидан силжимади. Хушовоз Ғиёсиддин Дехдор Жомий бошида қироат билан муттасил Қуръон ўқиди. Кейин қалин халқ давра қуриб, нақшбандий усулига мувофиқ зикр тушди. Эрталаб хастанинг ҳоли яна оғирлашди, кўп ўтмасдан ўлим ўз оғушига тортди...

Ўлимнинг еттинчи куни Навоий улуғ дўстининг хотираси учун минглаб халққа ош берди. Бу ерда Жомий ҳақида ёзилган шеърлар ўқилди. Оқшом уйга ҳорғин қайтди. У Жомийнинг ўлимидан кейин қандайдир бир танҳолик, ўксиз-



<sup>1</sup> Ҳозиқ – моҳир, билимдон.

лик сезар, бирин-сирин ўлим оғушидан жой олаётган жонажон дўстларни алам билан ёдлар, ҳаёт ва ўлим зиддияти ҳақида алам билан ўйлар эди. Бу – оламнинг марказий масаласи каби унинг бошида гала-гала масалаларни туғдирарди. Фикр фалсафа, илм, ҳақиқат, худо масалаларининг тубсиз гирдобиди чирпанар, яра-ланган бургут қудратли қанотларини тоғ-тошларга ура-ура, хавфсиз қўнаржой топишга урингандек, унинг фикри ҳам негизли бир маскан қидирарди.

Хотирига бир вақт ёзган шеъри тушди:

Нечук май билан бўлмасун улфатим,  
Ки жон қасди айлар ғами меҳнатим.  
Назар айла бу коргоҳ васфига,  
Ки ортар томошасида ҳайратим.  
Қуёш йўқки, бир зарра моҳиятин,  
Топа олмади саъй ила фикратим<sup>1</sup>.  
Не келмак аён бўлди, не кетмагим,  
Не умид яқин бўлди, не ружъатим<sup>2</sup>,  
Не касби улум этти ҳал мушкуллим,  
Не тутти илик тақвою тоатим<sup>3</sup>.  
Топай деб хабар ушбу мақсуддин  
Туташти басы қавм ила суҳбатим.  
Не қилур бу дардим иложин ҳаким,  
Не шайх айлади дафъ бу иллатим.  
Менинг бошима бас қаттиқ тушди иш,  
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.  
Харобот аро кирдим ошифта ҳол.  
Май истарга илгимда синган сафол.

Илҳомнинг шавқи билан айтилган бу фикрлар шоирнинг ҳозирги кайфиятига кўпроқ мос келади: асрлар сажда қилган ҳақиқатларга қараганда, бу маънолироқ каби кўринади. «Гарчи шак<sup>4</sup> фалсафанинг онаси ва ҳақиқатга йўлловчи бўлса ҳам, уни фикр доимий маскан қилолмас», – деди ичида.

### ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

...Ҳаял ўтмай йўлчилар Бадиуззамон бошлиқ истиқболга чиққан оломон билан учрашдилар. Булар ичида шаҳзоданинг хос йигитлари, яқинлари, ҳамсуҳбатлари, Балхнинг бир неча олдинги одамлари, халқ намояндалари бор эди. Бадиуззамон оддан таппа тушиб, Навоийга таъзим қилди ва адаб билан қўриш-

<sup>1</sup> Саъй ила фикрат – ҳаракат, уриниш билан фикрлар.

<sup>2</sup> Ружъат – қайтиш.

<sup>3</sup> Тақвою тоат – тақводорлик ва ибодат.

<sup>4</sup> Шак – ишончсизлик, шубҳа, гумон.

ди. Шоирнинг сихати, сафар машаққати тўғрисида дилдорлик қилди. Бошқалар ҳам тартиб ва такаллуф билан бирин-бирин келиб, шоирнинг қўлини сиқдилар.

Бу кеча Бадиуззамон шоир шарафига катта зиёфат берди. Турли овқатлар сузилган ҳамма идиш-оёқлар, қадаҳлар, кўзачалар олтин ва кумушдан эди. Меҳмон кутиш, мажлис тузишда донг чиқарган Бадиуззамон суҳбат, ўйин-кулги, муסיқий каби кўнгил очишларда тартибга, завққа, ингичкаликка букун алоҳида эътибор берди. Навоийнинг келиш сабаби шаҳзодага маълум бўлганидан, бу тўғрида икковлари ҳам бу кеча оғиз очмадилар. Чарчаган қари шоир мажлиснинг тезроқ тугашини кутди.

Иккинчи кун, нонустадан кейин холи уйда сўзлашдилар. Бадиуззамон Навоийни ҳурмат қилар эди, у билан суҳбатлашишдан завқланарди. Айниқса ёшлик йилларида Навоий унинг мураббийи ва муаллими каби эди. Бадиуззамон Темур сулоласига мансуб бир кўп шоҳлар, шаҳзодалар каби шеърдан завқланар, ўзи ҳам гоҳо-гоҳо бирор нарса ёзиб қўярди, Навоий шеърларини эса бир қарич ёшидан севиб ўқирди.

Шоир мамлакатнинг вазиятини муфассал тушунтириб, ўртадаги ҳар қандай хусумат, адоват, фитналарни йўқотмоқ учун атайлаб келганини сўзлади, фикрини тарихнинг чексиз ҳодисаларидан келтирилган мисоллар билан қувватлади. Шаҳзоданинг ақлига, виждонига таъсир қилишга тиришди. Унинг кўнглига қаттиқ тегадиган сўзларни ҳам очиқ айтишдан, уни қизартириб, бўзартиришдан тоймади.

– Мен бутун умр орзу қилган ҳукмдорни, у баркамол инсонни, – деди Навоий, – афсуски, ҳаётда кўролмадим, ёлғиз хаёлимда яратдим. Сиз танийсиз, биласиз уни, агар унутган бўлсангиз, «Искандарнома»ни яна бир карра ўқинг, ҳукмдор – у, барча фазилатларнинг кони – у... Сизларда унинг сояси ҳам йўқ. Сизлар унинг навқарига ҳам арзимайсизлар.

Бадиуззамон чиройли бошини қуйи солиб, қора, қийғоч кўзларини яширишга тиришди. Кейин кўнглида дард чайқалгандек, уҳ тортди. Отасининг унга нисбатан адолатсизлигидан шикоятланди. Ниҳоят, деди:

– Сиз каби азиз, улуғ устоднинг илтимосини қабул этмаслик улуғ гуноҳдир. Зоти олийингизга бўлган муҳаббатим юзасидан сўзларингизни қабул қиламен ва подшоҳ отамни инсофга, адолатга даъват этмоғингизни сўраймен.

Навоий хурсанд бўлди. Шаҳзодага яхши тилаклар тилади. Вилоятнинг ишлари ҳақида маълумот олди, ўрганди. Кейин қадрдонлари билан кўришмоқ ниятида аста-аста юриб чиқиб кетди.

Уч-тўрт кундан сўнг шоир бир мажлисдан қайтиб келгач, мулозимлар уни Бадиуззамон йўқлаганини билдиришди. Шаҳзода ўтирган хонага киргач, уни жуда ғамгин ва ҳурпайган ҳолда кўрди. Таажжубланиб сўради:

– Не юмуш билан мени тиладингиз?

Бадиуззамон жавоб бермади. Кўрпачанинг остидан бир қоғоз чиқариб, ёйиб узатди. Навоий хатга кўз югуртиш билан ғазабдан, саросимадан қалтираб кетди. Балх қалъаси бекига ёзилган Хусайн Бойқаро хатининг мазмуни шундай эди:

Бадиуззамон Мирзо шаҳардан ташқари чиқса, қайтганда шаҳарга киришга йўл қўйилмасин, тезда ҳибс этилсин! Навоий қалбаки хат бўлмасин, деган андишада муҳрга диққат билан тикилди, шубҳаси қолмади.

– Мана отамизнинг муҳаббати, садоқати! – деди ўз-ўзига сўзлагандай Бадиуззамон. – Агар навкарларим нонкўрлик қилиб, бу мактубни мендан яширсалар эди, эҳтимол мен ҳозир зиндонда ўтирган бўлур эдим! Йўқ, тангрига шукур, мунофиқлик фош этилди!

Навоий хатни Мирзонинг олдига ташлади. Ҳеч нарса демади. У Бадиуззамон қошида чиндан ҳам ғалати бир вазиятда қолган эди. Бу разил ҳаракати учун ичида Ҳусайн Бойқарони, атрофдаги бутун фитначиларни қаттиқ лаънатлади.

– Ҳайҳот! – деди Навоий ўрнидан қўзғалиб. – Ҳоқимларда ақл, виждон нишонаси қолмабди. Макрнинг, мунофиқликнинг деви ҳамма фазилатларини ўз комига тортибди. На сўзларида маъно бор, на ишларида ҳаё бор. Бундан даҳшатли, бундан аламангиз бадбахтлик асло бўлмас!

Бадиуззамон бошини кўтарди, шоирнинг бутун сиймоси учқунланган алам ва ғазаб билан нафас оларди. Шаҳзода унинг юрагининг софлиги, мақсадларининг олийлигига ишонганини сўзлади. Аммо унга бўлган бутун муҳаббатига қарамай, энди сулҳ тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмаслигини қатъий билдирди.

– Бутун тарих олдида, бутун олам олдида шармандаликни, разолатни бўйнингизга олиб, ота-бола майдонда бўғишинглар! – деди Навоий қайғудан ёнган овоз билан. – Шахсий хусумат, адоват ва таъма учун бу муборак ватаннинг тупроқларини қонга беланглар! Сизлар учун бу – йигитлик, мардоналик, рустамнамо қаҳрамонлик! Халқнинг ноҳақ тўкилган ҳар томчи қони учун тарих қошида юзларингиз абадият қора бўлур! Вақт ғанимат, бутун ёмонликларни намоён этмоққа ошиқинглар!

Навоий ғазабнинг кучи билан кескин юриб чиқиб, сафарга отланишни ҳамроҳларига буюрди.



## ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

...Ота-бола орасидаги беъмани уруш, адоват кун сари Навоийнинг юрагини чуқурроқ эзарди. Ҳар икки томон қатъий, узил-кесил жангларга ботинмасди. Гоҳ-гоҳ шиддатли тўқинишлар рўй берар, лекин улар уруш тақдирини ҳал қилишдан ожиз эди. Уруш узоқ давом этиб, инсон ҳаётини оз-оз қамраб, охирда «тома-тома кўл бўлур» дегандай, кўп қонлар беҳуда тўкилиши мумкин эди...

...Қари, бедармон шоирни қўлтиқлаб отга миндирдилар. Қувончли, миннатдор кўзлар бу сулҳ элчисини, гўё янги ойнинг олтин ўроғини илк кўриб, бахт ва саломатлик орзу қилганлар каби, узоқ вақт кузатиб қолдилар. Навоий ҳафта-ларча жанг майдони бўлган далада қолиб кетарди. Онда-сонда ўқлар, узук-юлуқ от асбоблари ётарди. Ўтларнинг устида ноҳақ тўкилган қонлар қуриган лола баргидай кўзга ташланарди. Шоир қошларини чимирди, пешонадаги чизиқлар яна қуюқлашди... От тақир тепаларга чиқиши билан, пастда Бадиуззамоннинг қароргоҳи: чодирлар, ғивирлашган одамлар, чопишган отлар кўзга чалинди. Аста чайқалиб, йўрғанинг бошини тортиброқ юраверди. Қароргоҳга яқинлашаркан, танишлар югуришди. Бадиуззамоннинг улуғлари ҳам келишди. Шаҳзоданинг ҳамсуҳбатларидан шоир Мавлоно Замоний ҳам қуллуқ қилди.

– Мирзонинг қошига элтинглар мени, – деди отдан тушиб, нафасини ростлаб Навоий.

Одамлар: «Марҳамат, марҳамат», деб эҳтиром билан йўл бошладилар. Мана, Бадиуззамон... чодирдан чиқиб, шоирни қарши олди. Ҳурмат билан элчини ўзининг хос чодирига таклиф қилди.

Навоий шаҳзоданинг илтимоси билан ҳаммадан юқори ўтирди. Зулнун Арғунбек ва бошқа юқори мансабдорлар ўз мавқеларига яраша жой олдилар.

– Шаҳзода, мен сулҳ барпо этмоқ кайфиятида келдим, – Бадиуззамонга мурожаат этди Навоий.

– Бу калима ҳаммамиз учун бебаҳо эди, – деди Бадиуззамон жиддий ва сокин, – аммо зоти олийларига маълум бўлган баъзи ҳодисалар бу калимани батамом маъносиз этиб қўйди...

– Хато қиласиз, шаҳзода, – ишонч билан деди Навоий, – мамлакат, давлат, эл-улус сулҳ ва осойишталикка ниҳоят ташна экан, ҳаёт ва саломатлик ёлғиз шу калимага боғлиқ экан, сиз қайси мантиқ билан аксини исбот қила олурсиз? Навоий давом этди: – Мен аминменки, сиз жаҳолат тиғини синдирмасангиз, биродарларингиз номуссизлик ботқоғига кун сайин чуқурроқ ботаверсалар, бу юртда ҳаёт ўчоғи соврилур. Мақсадларингиз нима? Биз сизлардан нима кутган эдик? Алҳол нималар кўрмоқдамиз. Хатоларни тузатмас экансиз, юрт сизни асло кечирмас! Иниларингиз сиздан намуна олмоқдалар. Сиз фалокат бошчиси бўлиб қолдингиз.

Бадиуззамон юзи оқариб кетди. Хуш мўйлаби титради, лабини тишлаб ерга қаради. Қари сардор Зулнун Арғунбек оғир сўлиш олди.

– Ўғлимнинг мотами дилимга чуқур жо бўлган... – деди қайғуланиб Бадиуззамон.

– Қўлларини гўдак қони билан бўяганларни, кимлар бўлмасин, ҳеч вақт оқламаймен, кечирмаймен. Ҳар вақт уларга лаънат ўқиймен, – деди Навоий ҳаяжонланиб. – Аммо халқ ва давлат айбдор эмас. Буни яхши фаҳхламоқ керак, ахир...


Бадиуззамон яна отадан кўрган ҳақсизликлар тўғрисида шикоят қилди. Навоий юрт, халқ олдида, тарих олдида шахсий гиналарнинг ҳеч қиймати йўқлигини исбот этмоққа тиришди. Ҳақиқий инсоннинг фазилати ҳақида гапириб, деди:

– Инсон учун тож киймоқ шарт эмас, балки номус ҳам виждон соҳиби бўлмоқ, жамият олдида ўз масъулиятини сезмоқ шарт!

Бадиуззамон сукут қилди. Лекин кўзлари билан Зулнун Арғунга нимадир ишорат этди.

– Мир жанобларининг сўзлари маъқул... – деди мажлисга қараб қари саркарда, содда дағал товуш билан. – Аммо не асосда сулҳ ясалмоғи керак – бу жиҳатни билсак яхши бўлур эди.





– Шартларни ҳам келтирганмен, – мажлисни кўзлари билан синаб деди Навоий, – бу шартлар асосида асло бузилмас, ҳамиша барқарор бир сулҳ тузмоғимиз керак.

– Билсак мумкинми? – сўради Бадиуззамон.

Навоий Балх вилояти ҳам Амударёдан то Мурғобгача бўлган ерларни идора этмоқ ҳуқуқи шаҳзодага берилиши мумкинлигини сўзлади. Бадиуззамон маслаҳатлашмоқ учун Зулнун Арғун ҳам бир неча яқинларини олиб, ташқари чиқиб кетди. Навоий шаҳзоданинг шоири бўлган Мавлоно Замоний билан суҳбатлашиб ўтирди. Бадиуззамон кириб, сулҳ шартларини қабул этганини билдирди. Бу кундан бошлаб ҳар қандай душманлик ҳаракатларидан воз кечишига шоирга қатъий ваъда этди. Зиёфатдан кейин шартнома тузилиб, имзо чекилди.

Иккинчи кун эрта билан Бадиуззамон ўз лашкарини кўчиришга бошларкан, Навоий Ҳусайн Бойқаро қароргоҳига сулҳ олиб келди. Сулҳ хабари бу ерда ҳаманинг юрагини фавқулодда қувонч билан тўлдирди.

Кечга яқин шоир Ҳиротга кирди. Бутун халқ уни табриклар, ўз муҳаббати ва миннатдорлигини намоён этди...


Шоир ўз хонасида ўтиради. Нечундир умр қуёшининг шомга кираётганини у кейинги вақтларда, ёлғиз қоларкан, кўпроқ ўйлай бошлади. Ўлим дўстларни бир-бир чақирмоқда. Ҳасан Ардашер қани? Пир Муаммой, жонажон Муҳаммад Саид паҳлавон қани? Жомий қани? Буларни ўйларкан, қалбида дард мавжланади. Бу – ўлимдан қўрққанидан эмас, балки ҳали қилмоқчи бўлган ишларнинг,

ёзилмаган мавзуларнинг кўплигидан... Сўнгги йилларнинг ташвишлари, изтироблар, меҳнат олтмишдан ошган шоирни оёқдан чалаётган эди. У тақдирнинг ранг-баранг жилваларини кўрди.

Шоир ўз ҳаётида яратган илмий, маданий муассасаларнинг яшашини, хайри аҳсонларнинг ўзидан кейин ҳам каттароқ миқёсда давом этишини орзу қилди. Ҳозир уни «Вақфнома» ёзиш фикри эгаллаб олди... Лекин олдин «Муҳокаматул луғатайн» ни битириш керак. ...Бутун Шарққа донг чиқарган форс тили билан хўрланган она тилини кураш майдонига олиб кириш керак.

Шоир дарича ёнида, шамга яқин ўтириб, қаламни қоғозлар бетида қитирлатди. Икки тил – ўзбек ва форс тиллари – икки паҳлавон. Улар гоҳ мантиқнинг гурзисини кўтардилар, гоҳ ҳусн ва салобатларини намойиш қиладилар. Гоҳ қўйинларидан дур ва гавҳарларни ҳовучлаб сочадилар, гоҳ хуш садоликни ишга соладилар...

Навоийнинг қалам тутган қўли толди. Юрагида шодлик денгизи чайқаларди: она тилининг ғалабаси унинг ғалабаси, унинг суйган халқининг, тарихининг ғалабаси эди. Шоир шамни ўчирди...

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

БИЛИШ

	<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-----------------------

1. Навоий ва Жомий муносабатлари акс этган лавҳаларни қайта ўқинг. Унинг ўлими Навоийга қандай таъсир кўрсатди?
2. “Мажолис ун-нафоис” қандай асар? Унинг ҳозирги кундаги аҳамиятини тушунтириб беринг.

ТУШУНИШ

1. Ҳусайн Бойқаро ва Бадиуззамон орасидаги адоватга ким айбдор? Ота билан ўғил орасига низо солиш адолатданми?
2. Нима сабабдан Бадиуззамон Навоийни яхши кутиб олди? Фикрингизни далилланг.

ҚўЛЛАШ

	<i>Видеолавҳа томоша қилиш</i>
---	--------------------------------

1. Интернет манбаларидан фойдаланиб, “Алишер Навоий” видеофильмининг 1-қисмидан лавҳа томоша қилинг. Фильмнинг авж нуқтасини топишга ҳаракат қилинг.





## Ўзиш

2. Асардаги тушуниш қийин бўлган сўзларни териб, луғат тузинг.


### ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Асарни *“Адабий давра”* усули бўйича таҳлил қилинг.

- а) таҳлил қилиш – асар мазмуни бўйича 5та савол тузиш;
- б) аниқлаш – ҳикоянинг қайси парчаси энг муҳим эканлигини далиллаш;
- в) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғлаб далиллаш;
- г) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни хулосалаш.

### УМУМЛАШТИРИШ

*“Оқилнинг олти қалпоғи”* усули асосида асар сюжетини умумлаштиринг.



### БАҲОЛАШ

Асардан олган таассуротларингизни *“ПОПС формуласи”* орқали фикр билдириш.

1-гап: Менинг фикримча,..

2-гап: ...сабаби уни мен бундай тушунтираман...

3-гап: Уни мен мана бундай дараклар билан исботлайман...

4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки,..



**Билиб олинг!**

## ТАРИХИЙ РОМАН ҲАҚИДА

Ёзувчи роман яратишда материални ўтмишдан ёки ўзи яшаб турган замондан олиши мумкин. Шунга кўра романлар тарихий ёки замонавий деб ажратилади.

Воқеа-ҳодисалари ва қаҳрамонлари узоқ ёки яқин ўтмишдан олиб ёзилган, қаламга олинган давр ёки шахслар ҳақиқий ёки тўқима бўлишидан қатъий назар, тасвирланган замон ва одамлар ҳақида ҳаққоний тасаввур берувчи романлар тарихий романлар саналади. Тарихий романларнинг кўпчилигига ўтмишда ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтган воқеалар, яшаб ўтган шахслар ҳаёти асос қилиб олинади. Баъзан бундай тарихий шахслар асарнинг бош қаҳрамони бўлиши («Навоий», «Чингизхон», «Улуғбек хазинаси» каби), баъзан эса тўқима қаҳрамонлар етакчи бўлиб, булар ёрдамчи образ тариқасида («Ўтган кунлар», «Кўҳна дунё» каби) иштирок этиши мумкин.

Агар роман асосида бир тарихий шахс ҳаёти (болалигидан то ўлимига қадар) тасвирланган бўлса, бу – тарихий-биографик роман, ёзувчининг ўз ҳаёти асос қилиб олинса, тарихий-автобиографик роман, муайян даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга таяниб яратилган бўлса, ижтимоий-тарихий роман ва ҳ.к. тарзида номланади.

Тарихий романда ёзувчи фантазиясига, бадиий тўқимага ҳам кенг ўрин берилди. Бу бадиий тўқима ҳақиқий тарихий фактларнинг моҳиятини кенгроқ очишга хизмат эттирилади. Шунга кўра романда ҳақиқий тарихий қаҳрамонлар билан бир қаторда тўқима қаҳрамонлар ҳам учрайди. Айтайлик, «Навоий» романида Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бадиуззамон, Жомий каби тарихий қаҳрамонлар бўлса, Арслонқул, Дилдор, Тўғонбек каби бадиий тўқима персонажлардир. Тўқима тимсоллар ўша давр ҳаётини, Навоий фаолиятининг турли қирраларини ёритишда ёрдам беради.

Тарихий романнинг тили замонавий романнинг тилидан бирмунча фарқ қилади. Унинг ҳам асосида ҳозирги замон ўзбек тили ётади, айти пайтда асар тилининг руҳи тасвирланаётган даврга мос равишда архаик(эскича)лаштирилади. Масалан, бора-ман – борамен, мендан – мендин, қолади – қолур каби. Айти пайт-да, тасвирланаётган даврга хос эскирган сўзлар ҳам меъёр билан ишлатилади: парвоначи, шулон, мубошир, улус, суюрғол каби.

Ўзбек тарихий романининг асосчиси А. Қодирий бўлиб, Ойбек бу жанр тараққитини янги поғонага кўтарди.

Бугунги ўзбек адабиётида тарихий романнинг бир қатор юксак намуналари яратилган. Булар: Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони», Ш. Холмирзаевнинг «Қил кўприк» ва бошқа романлардир.



Ўқиш

### МАҚСУД ШАЙХЗОДА (1908–1967)



Йигирманчи аср ўзбек адабиётининг таниқли вакили, серқирра ижод соҳиби Мақсуд Маъсум ўғли Шайхзода 1908 йилда Озарбайжоннинг Оқтош шаҳрида врач оиласида туғилди. Дастлабки маълумотни Оқтошдаги мактабларда олган Мақсуд 1925 йилдан эътиборан муаллимлик қилди. Айти вақтда, Боку олий педагогика институтини сиртдан ўқиб битирди.

1928 йилда миллатчи сифатида айбланиб, устидан жиноий иш қўзғатилгач, бўлажак шоир Кавказортидан чиқариб юборилади. Шу тариқа асли озар миллатига мансуб Мақсуд муаллим ўзбек ёзувчиси Мақсуд Шайхзодага айланди. Тошкентга келгач, у турли газета ва журналларда меҳнат қилди. 1935–1938 йилларда Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, 1938 йилдан умрининг охиригача Низомий номидаги педагогика университетида «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи» кафедраси мудирини, доценти сифатида фаолият кўрсатди.

Ҳали саводи чиқмай туриб, шеърлар тўқишга одатланган Мақсуд Шайхзода баракали ижод қилди. У бу ҳақда шундай деб эслайди: «...Мен, бизнинг ўзбек поэзиямизда «ёши катталар» деб аталган шоирлар авлодига мансубман. ...Инсон руҳини тарбиялаш, одамда яхшилик унсурларини кўпайтириш, халқда гўзаллик ва нафосат туйғусини янада баланд даражага кўтариш... санъатнинг муқаддас вазифасидир. Бу муқаддас вазифага ўртоқларим қаторида мен ҳам бир қатра ҳисса қўшган бўлсам, демак, дунёда беҳуда яшаманман, деб ҳисоблашга ҳаққим бор...»

Гўзал шахсияти, тилларда дoston бўлган инсоний фазилатлари, ўзбек адабиёти тарихи борасидаги чексиз билими билан зиёлиларимиз меҳрини қозонган Мақсуд Шайхзода «Жалолиддин Мангуберди» (1944), «Мирзо Улуғбек» (1960) сингари саҳна асарлари билан ўзбек миллий драматургияси тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Қуйида «Мирзо Улуғбек» фожиасидан олинган парча билан танишасиз.

	<i>Видеолавҳа томоша қилиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	--------------------------------	---	-----------------------

“Икки халқ фарзанди (Мақсуд Шайхзода)” видеолавҳасини томоша қилинг.  
Ўз фикр-мулоҳазаларингиз ва таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.

### “МИРЗО УЛУҒБЕК” ФОЖИАСИ



	<i>Матнолди топшириқлар</i>		<i>Гуруҳда ишлаш</i>
---	-----------------------------	---	----------------------

1. Мирзо Улуғбек ким?
2. У ҳақда қандай маълумотларга эгасиз?
3. У инсоннинг қайси фанга алоқаси бор деб ўйлайсиз?
4. Асар парчасини “*Жигсо*” усули орқали ўзлаштиринг.
5. Ролларга бўлиб ўқинг.

### *(Беш пардали фожиадан парчалар)*

Қ а т н а ш у в ч и л а р :

Мирзо Улуғбек ибн Шохруҳ – буюк олим, Мовароуннаҳр ҳукмдори, 56 ёшда.

Абдуллатиф Мирзо – унинг ўғли, 30 ёшда.

Али Қушчи – Улуғбекнинг шогирди ва маҳрами, астроном, 35 ёшда.

Саккокий – машҳур шоир, Улуғбекнинг дўсти, 45 ёшда.

Фируза – Улуғбекнинг севимли хотини, 22 ёшда.

Аббос – Саид Обиднинг ўғли, Абдуллатифнинг маҳрами, 28 ёшда.

Пири Зиндоний (Ҳасан чилангар) – маҳбус, 80 ёшда.

Бердиёр – Улуғбекнинг навкари, 35 ёшда.  
Абдурахмон Жомий – ёш олим ва шоир, 26 ёшда.  
Ота Мурод – деҳқон, 67 ёшда.

### Биринчи парда (Иккинчи кўриниш)

Самарқанд атрофида Кўҳак тоғининг этагида, уч ошёнлик расадхонанинг олд томони. Ҳаммаёқ қоронғи. Фақат Чиний кошонанинг деразаларидан хира ёруғ нурлар кўринади. Осмон ғоят ёрқин. Гўё фируза ранг мрамор кўзгуга сонсиз олтин зарралар сепилгандек фазода ва бепоён самовотда саноқсиз юлдузлар порлайди. Кўкдаги ой ўроғи уфқлардан кўтарилиб келмоқда. Бир томонда баланд минорада Мирзо Улуғбек қўлларини қовуштирган ҳолда коинотнинг бу сеҳрли китобини сайру томоша этмоқда.

У л у ғ б е к

Марҳабо, эй, самовотнинг олтин йўлчиси!  
Нега белинг шунча букик, чарчаб қолдингми?  
Оҳ, азизим, минг-минг йироқ йўлларда  
Юрган йўлчи толиб қолса, таажжуб эмас!  
Аммо доим умидворсан. Тўрт-беш кун ўтгач,  
Белинг ростлаб, қоматингни тўғрилайсанку!  
Оқ йўл сенга, манзилларда ҳормагин, ҳилол!  
Ууу... Қарагин, манзилларинг қанча серҳашам,  
Ҳеч бир шоҳга шунча иззат насиб бўлмаган.  
Юлдузларнинг тоифаси шунча меҳрибон,  
Бир-бирини олқишлайди чироқлар билан.  
Шунча ажиб коинотнинг сирли китоби...  
Гўшанганинг ширин, мужмал дамларин пойлаб,  
Қалби ўйнаб толпинувчи куёв сингари  
Коинотдан нашъаларни қидирав башар.  
Чунки сирлар бетидаги ниқобни очмоқ,  
Зиддиятлар маъносини англамоқ, ечмоқ,  
Мутафаккир назарида улуғ саодат.

Билмак – бутун коинотга сирдош бўлмоқлик,  
Китобларнинг лол тилига қулоқ солмоқлик,  
Ҳақиқатгўй донолардан таълим олмоқлик,  
Менга ором бермас эди ўша чоғларда.  
Эсимдадир, бир кун устоз Қозизоданинг  
Қўлларидан ўпганимни кўрганда бобом,  
Менга танбеҳ бериб: «Ўғлим, – деган эди у. –



Эркак қўлин, Афлотун ҳам бўлса у киши,  
Шаҳзодалар ўпмоқлиги буткул ножўя,  
Дунё сенинг оёғингни ўпмоғи лозим!»  
Мен султонлар ўртасида бўлдим донишманд,  
Донишмандлар тепасида султон саналдим.  
Маърифатни ҳукуматга қилиб раҳнамо,  
Бу ўлканинг ерида ҳам юлдузлар ёқдим.  
Инсонларга айтиб турдим: боққин самога.  
Қанча тоза ва мусаффо, фарахбахш, зебо.  
Эй, одамзод, ибрат олгин юлдузлардан сен  
Хайрихоҳлик ва баландлик хислатларида.  
Шалтоқларда ағнамагин, кўтарил, юксал,  
Сўқир бахтдан кўрар кўзли бахтсизлик афзал.

Самарқанд яқинидаги темурийлар қароргоҳи Кўксаройнинг таги маҳбуслар сақланадиган каттакон зиндон бўлган. Улуғбек одати бўйича тез-тез бу зиндонни айланиб кўриб, маҳбусларнинг қайси айби учун тутқунликда сақланаётганлиги билан қизиқади. Мана бугун ҳам у зиндонни айланмоқда. Зиндонбон ҳар бир ҳужра олдида тўхтаб, тутқуннинг гуноҳини тушунтириб боради. Ниҳоят, навбат Темурга қарши курашган сарбадорлар ҳаракатининг фаолларидан бири Ҳасан чилангар – Пири Зиндоний ётган ҳужрага келди...

### **Тўртинчи парда** *(Иккинчи кўриниш)*

Зиндон. Алоҳида ҳужра. Эшик очилгач, машғалнинг олови ҳужрани ёритади. Бир чорпояда одам ётгани кўринади.

У л у ғ б е к

Мен бир ўзим кириб кўрай, у қандай инсон!

Бердиёр машғални ҳужрага тикиб қайтади. Бошқа одамлар ҳужрага кирмай қайтадилар. Улуғбек ҳужрага кириб кетади. Бир оздан сўнг чорпояда ётган одам, машғалнинг ёруғидан бўлса керак, уйғониб туради. Бу ҳаддан ташқари кекса бир чол. Ҳамма ёғини соч-соқол босиб кетган банди.

П и р и З и н д о н и й

Ким бўлурсиз? Нима керак бу ғамхонада?

Мени яна айнатмоқчи бўласизми, ҳа!

Қилмишимга мен надомат чекмайман, билинг!

Темурбекка айтганимдан бўлак гапим йўқ.

У л у ғ б е к

Мен Улуғбек Мирзодурман, Шоҳруҳнинг ўғли,  
Соҳибқирон набираси, замон султони.  
Сенинг барча саргузаштинг билмак истайман.

П и р и З и н д о н и й

Нега даркор саргузаштлар, саргузаштларим!  
Мен уларни айтган билан ёрийдими кун?  
Ё лаънати зиндон қулаб, келарми эрклик?  
Ё қайтадан мен ёшариб, жўралар билан –  
Жумаликда яллахонлик қиламанми-а?  
Подшоҳларга инсонларни ўлдирмоқ осон!  
Аммо, қани, улар кимни тирилтган? Ҳайҳот!

У л у ғ б е к

Йўқ. Буларнинг чораси йўқ. Билмак истайман:  
Сен ким?

П и р и З и н д о н и й

Менми? Ҳасан деган битта чилангар.  
Бу зиндонга тушганимга неча йил бўлди,  
Бунга ўзим билолмайман, эслаёлмайман.  
Кўп чидамли нарса экан, дейман одамзод...  
Ҳеч бир махлуқ чидолмасди шунча жабрга.  
Бу дўзахга ташлаганда мени бобонгиз,  
Сиз дунёдан беҳабар бир гўдак бўлгансиз.  
Кўп таажжуб тилу лафзни унутмаганим.  
Айтинг, ҳозир ҳижриядан неча йил ўтган?

У л у ғ б е к

Саккиз юзу эллик икки тарихи – ҳижрий

П и р и З и н д о н и й

Воҳ-воҳ, демак эллик йилдир мен бунда банди...  
Аммо кўриб турибсизки, ўлган эмасман.  
Чунки йиғлаб кўз ёшини тўкмадим сира  
Йўқ, шаҳриёр, мен ўлмоқчи эмасман ҳали.  
Ҳа, Темурбек кўп азамат жаҳонгир эди.  
Аммо, менинг назаримда, у – қон тангриси.

У л у ғ б е к

Темурбекка бу ғаразнинг боиси нима?

П и р и З и н д о н и й

Самарқанддан ҳайдаб мўғул золимларини  
Сарбадорлар қўлга олди ҳокимиятни.  
Аммо, амир соҳибқирон ишгир жаҳонгир,  
Қалъаларни қақшатгучи қўрқмас саркарда,  
Очиқ жангда бас келолмай сарбадорларга  
Кони Гилга чақиртириб найранглик қилиб,  
Бошлиқларин сўйдирган ё осдирган дорга.  
Чунки улар ўз азмидан айнамабдилар,  
Ҳар хил ваъда қутқуларга унамабдилар.  
Менинг бобом, менинг отам бошларин дорга  
Бериб қўйиб ҳақиқатда сарбадор бўлди.  
Энди айтинг инсоф билан, Мирзо Улуғбек,  
Нечук бўлмай бобонгизга ўзим даъвогар?

У л у ғ б е к

Оталар-ку, қўзғолоннинг жазосин чекди.  
Сенга нечук бобом қилди шу хил сиёсат?

П и р и З и н д о н и й

Чунки бизлар – шаҳид бўлган сарбадорларнинг  
Етим-есир сабийлари<sup>1</sup> улғайиб билдик:  
Зулми жафо боислари подшоҳлар экан.  
Биз Қаршининг қўрғонида бир тўп фидойи  
Темурбекдан ўч олгани исён кўтардик.  
Ва енгилдик, шерикларим бари сўйилди.  
Ўта чаптаст қассоб эди, лекин бобонгиз!  
Ҳа, бу гапга энди билсам эллик йил бўбди...  
Эллик йил-а!.. Бандиликда умрим чириган,  
Демак, қанча фарзандларим туғилмай ўлган,  
Қанча ўроқ, қанча омоч ясалмай қолган.

У л у ғ б е к

Соҳибқирон нега сени қатл этдирмади?  
Ёки сени аядими?

П и р и З и н д о н и й

Йўқ, ундаймас.  
Беҳад золим бўлса-да, у зол<sup>2</sup> киши эди.  
Минбаъд исён бўлмасин деб Темур мулкида  
Менга таклиф қўйди амир... Катта жомеда

<sup>1</sup> Сабий – бола, ёш бола.

<sup>2</sup> Зол – маккор.



Жамоатни бирга тўплаб ўз оғзим билан  
Қораласам ва қарғасам сарбадорларни  
Ваъда: тўққиз тортиқ, мансабу давлат,  
«Хўб» демасам, мангу зиндон, умрбод зулмат!..

У л у ф б е к

Тириклайин кўмилмакка унадинг, бироқ  
У таклифга кўнмадингми?

П и р и З и н д о н и й

Мен гўдакликдан  
Султонларга адоватни кўнглимга битдим,  
Зўравоннинг зиллатига<sup>1</sup> ҳеч тоқатим йўқ.

У л у ф б е к

Сўзларингда тафаккурдан зуғум ортиқроқ,  
Султонлар ҳам худованднинг навкарлари-ку!  
Кеча-кундуз эл ғамидан безовта юрган –  
Подшоҳлар йўқ дейсанми? Улар ташвиши  
Минг тоштарош заҳматидан оғирроқ, ишон!  
Йўқ, буларни ҳаромтомоқ дейиш ноҳақлик!  
Салтанатки, султони йўқ – бошсиз бир тана.

П и р и З и н д о н и й

Умматларнинг ихтиёрин фақат бир одам  
Уҳдасига олмоқлиги хатарли даъво.  
Хуросондан сарбадорлар шундай дейишган:  
Подшоҳсиз ўзимизча яшаб кўрайлик,  
Нонимизни ҳадик олмай ошаб кўрайлик!  
Сабзаворда барча қуллар озод этилган,  
Оғир ўлпон-хирожлардан улус қутулган,  
Бек ва тўра, хону тархон юртдан қувилган.  
Сарбадорлар кенгашиб ўй ўйлашар экан.  
Донолардан раисларни сайлашар экан.  
Аммо ахир, уларни ҳам йўқ қилди Темур,  
Гўё фалак қахрланиб юборган маъмур.

У л у ф б е к

Сен ўйлаган масалалар кўп қизиқарли,  
Локин, замон ва заминдан узилган хаёл,  
Шу учун ҳам бекор кетди ғайратларингиз.

<sup>1</sup> Зиллат – хўрлаш, пастга уриш.

Мамлакатга урфон керак, илму маърифат,  
Бошбошдоқлик эмас, идрок, низом, фаросат.  
Шундай қилса, бориб-бориб равнақ топар юрт.  
Биринчи гал ориф бўлса султонлар ўзи,  
Ғафлат кетиб очилади улуснинг кўзи.

П и р и З и н д о н и й

Эшитганман, ўтакетган фозил экансиз.  
Аммо, асли шоҳ ўғлисиз, шу учун ҳар дам  
Кўзингизни қамаштириб тож ялтироғи...

У л у ғ б е к

Ким билади, бўлмасайдим шу замонада  
Бу давлатнинг бошида мен, нелар бўларди!  
Балки, диёр зулматларга чўкиб қуларди.  
Аммо, билгин, гапим холис Пири Зиндоний,  
Фақат тожнинг меҳри эмас шу андишалар,  
Мен шоҳликни маърифатга қилдим дастёр.

П и р и З и н д о н и й

Тушунмайман, тушунмайман, шавкатли Мирзо.  
Тахт қанақа маърифатга пойдевор бўлгай?  
Ваҳоланки, тож бошдаги фикрга қафас.

У л у ғ б е к

Сиз эллик йил ғафлат ичра қолгансиз, уста.

П и р и З и н д о н и й

Э, эллик йил... Эллик юз йил кечса-да тагин,  
Ўзгармайди шоҳларнинг зулмкор хулқи.

У л у ғ б е к

Замонамиз ғоят нозик. Ҳар ёқ хатарнок!  
Бизга лозим забардастлик, бирлик ва идрок.  
Бу фурсатда оломонга ғалаён солиб,  
Бизга қарши қўзғатганлар бизга дўст эмас.

П и р и З и н д о н и й

*(қаҳқаҳа солиб кулади)*

Майли, бизлар ҳурриятнинг фидойилари,  
Ҳуррият деб бандаликка кўнган эркинлар.  
Аммо, Мирзо, мен зиндоннинг ҳатто қаърида

Сизнинг баланд фаҳмингиздан бўлдим хабардор.  
Истасангиз тиз чўкайин оёфингизга,  
Сизга – буюк қалбли инсон, улуғ мунажжим!  
Аммо, султон Улуғбекка, соҳиби тожга  
Бош эгмайман, эголмайман, йўқ, эголмайман!

У л у ғ б е к

Сиз эллик йил ғафлат ичра ётгансиз, уста!

Улуғбек оғир қадамлар билан ҳужрадан чиқади. Чуқур ўйланиш билан ўзи-га-ўзи

Уҳ... кўп оғир мунозара! Бунақасини  
Кўрмагандим умрим бино бўлгандан бери!

Ф а р м о н ш о ҳ

Бу кексани чиқаришни буюрарларми?

У л у ғ б е к

Не хоҳласа бериб туринг, иззат кўрсатинг!  
Лекин... Бандда тура турсин Пири Зиндоний!



*Савол ва топшириқлар*

БИЛИШ



*Муҳокама қилиш*

1. Улуғбек нега юлдузларга нисбатан меҳрибонларча мурожаат қиляпти?
2. Улуғбекнинг Афлотунга қандай алоқаси бор?
3. Сизнингча, шоҳларнинг қўлидан қандай иш келмайди?

ТУШУНИШ

1. Пири Зиндонийнинг вақтни билмаслик сабабини тушунтиринг.
2. Улуғбекнинг бобосига қарши курашган инсонлар тақдири билан нима сабабдан қизиққанлигини аниқланг.
3. Пири Зиндоний Амир Темурни қандай атайди? Асар матнига асосланиб фикрингизни изоҳланг.

## Қўллаш

	<i>Видеолавҳа томоша қилиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	--------------------------------	---	-----------------------

1. Интернет манбаларидан “Мирзо Улуғбек” драмасини томоша қилиб, матн билан солиштиринг.
2. Пири Зиндоний сизда қандай таассурот қолдирди?

## Таҳлил қилиш

“Ўйлан, изла, топ“

<i>Асарнинг энг қизиқ лавҳалари</i>	<i>Ёдда қолган жумлалар</i>	<i>Улуғбекка маслаҳатингиз</i>

## Умумлаштириш

“Кластер” усули асосида Пири Зиндонийга таъриф беринг.



## Баҳолаш

Фожаи язасидан “ПОПС формуласи” орқали фикр билдиринг.

1-гап: Менинг фикримча, ...

2-гап: Сабаби уни мен бундай тушунтираман: ...

3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайманки, ...

4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки, ...



*Парда  
(Тўртинчи кўриниш)*

	<i>Матнолди топшириқлар</i>		<i>Гуруҳда ишлаш</i>
---	-----------------------------	---	----------------------

1. Асар парчасини “*Жигсо*” усули орқали ўзлаштиринг.
2. Ролларга бўлиб ўқинг.



Самарқанд, Регистон мадрасаси. Катта дарсхона. Турли мамлакатлардан келган талабалар...Улуғбек ва Али Қушчи кириб келади. Талабалар туриб, бош эгиб, Улуғбекнинг ишораси билан яна ўз жойларига ўтирадилар.

У л уғ б е к

Хайрли кун, ёш олимлар анжуманига!

Абдурахмон Жомий талабалар ўртасидан туриб, Улуғбек ҳузурига бориб таъзим қилади.

А л и Қ у ш ч и

Ушбу мулло Жомий, ўзи Ҳирот шаҳридан!

У л уғ б е к

Мулло Жомий? Абдурахмон? Сизни биламан.

Алалхусус, мен раҳматлик Қозизодадан

Эшитганман бир замонда таърифингизни.

Сизни ҳақим, ақли равшан, доно дерди у.

## Ж о м и й

Жаҳонпаноҳ, улуғ устоз, буюк аллома!  
Бугун бунда жам бўлишган фан толиблари.  
Йиллар бўйи илмингиздан, шафқатингиздан  
Баҳра олиб хатми-кутуб қилган ёшлардур.  
Шамчироққа парвоналар учиб келгандек,  
Биз ҳам Хинддан, Мулки Қошғардан,  
Аштархондан, Бағдод ёқдан, Озарбойжондан  
Келган эдик мадрасангиз остонасига.  
Энди сизнинг нурунгиздан бўлиб файзиёб  
Таълим учун, тадрис учун «шукрон» айтамыз.  
Олий рухсат бўлса агар уйга қайтамыз.

## У л уғ б е к

Илм йўлида ҳимматингиз муборак бўлсин!  
Лекин Сизга кетиш олди баъзи маслаҳат:  
Аввал шуки, илм нурун халққа элтишда  
Тушунарли тилда айтиш маромингизни.  
Илми ҳикмат, риёзиёт, фалакиётнинг,  
Табобатнинг, жўғрофиянинг ҳамма дастури  
Инсонликка наф қилмаса, бу катта нуқсон.  
Сизга мисол: ўттиз йилча бундан муқаддам,  
Сиз ўтирган шу мадраса очилишида  
Биринчи дарс ўқиб бериш шарофатини  
Мен мавлоно Хоразмийга тоширган эдим,  
Чунки менга ошкор эди билимдонлиги.  
Тўқсон олим, юз талаба ҳузурида у  
Кўп бамаъни, серфазилат каломлар айтди.  
Аммо... унинг ҳикматомуз каломларини  
Фақат бир мен, бирда Қозизодадан ўзга  
Ҳеч бир кимса тушунмади! Шу учун сизлар  
Ҳазар этинг такаллуфдан, ғализ сўзлардан.  
Замон ўтар, ваҳшат битар, ёмонлик кетар,  
Ўзгаради дунёмизда динлар, миллатлар,  
Ўзгаради миллатларда тиллар, одатлар,  
Аммо фаннинг шавкатига чўкмайди ғубор.  
Яна шуни унутмангки, илму маърифат  
Худованднинг даргоҳидан бизга иноят.  
У олимнинг шуурида омонат, холос.  
Уни фиқҳу фужур учун қўлламоқ гуноҳ,  
Яхшиликка, тараққийга хизмат этгай у.  
Мен сизларга айтадиган насиҳатим шу.  
Хотирларда сақланурми шу ўғитларим?

Ж о м и й

Албат устоз, пандларингиз ёдда сақланур,  
Китобларнинг зарҳалланган сарлавҳасидек.

У л у ф б е к

Энди мендан тухфа бўлсин ҳар бирингизга –  
Шу жадваллар! Али Қушчи, тарқатиб беринг!

Али Қушчи катта ипак қоғозларга кўчирилган жадвалларни талабаларга тақсимлаб беради.

А л и Қ у ш ч и

Бу жадвални давлатпаноҳ ҳазрат шахриёр  
Узоқ йиллар мобайнида тайёр этганлар.  
Изоҳини ҳазрат султон ўзлари бергай.

У л у ф б е к

*(мутуйиба билан)*

Али Қушчи, мен бир-икки сенга айтгандим,  
Тагин сени бу хусусда огоҳлантирай.  
Илму фанда шоҳу гадо тафовути йўқ.  
Мен девонда ва ўлкада султонман, холос.  
Мадрасада ё олимлар анжуманида  
Менга етар шу: мударрис Мирзо Улуғбек!


А л и Қ у ш ч и

Устоз, узрим қабул этинг, чунки фанда ҳам,  
Бизлар сизни олимларга султон биламиз.

У л у ф б е к

Бу фикрда аллақандай хатоликлар бор.  
Чунки султон буюради, мажбур этади.  
Жазолайди, гоҳо эса қатл эттиради.  
Аммо, илм оламида буюриб бўлмас.  
Чунки фаннинг ўз шоҳи бор, ўз даргоҳи бор.  
Унинг шоҳи – ҳақиқатни топмоқ қонуни.  
Даргоҳидир китобларнинг муқовалари.  
Энди, ҳамманг эшитинглар, шу жадвалларда  
Тарихларнинг тафовути, таносиби бор.  
Ва бирини иккинчига кўчирмоқ тарзи.  
Биз дунёнинг бино бўлган чоғин билмаймиз.  
Аммо инсон алифбони ихтиро этиб,

Тарих ёзмоқ ҳунарини эгаллаганда,  
 Ҳодисалар силсиласин боғламоқ учун  
 Тарихбоши белгилабди йиллар саноғин.  
 Турли динлар ва миллатлар турлича олган.  
 Ҳижрий тарих бошланади пайғамбаримиз  
 Муҳаммаднинг Мадинага кўчган йилидан  
 Румий тарих юнонларда қабул этилган,  
 Искандари Зулқарнайнинг вафотидан сўнг  
 Ўн икки йил ўтганида бошланибди ул.  
 Эронийлар тарихбоши дея санаёди  
 Яхди Журднинг шоҳ тахтига чиққан кунини.  
 Туркманларда мақбул экан Маликий тарих,  
 Жалолиддин Маликшоҳнинг номига боғлиқ.  
 Бошқа-бошқа тарихлар бор Чинда, Фарангда.  
 Бу хил-хиллик фикримизни чалкаштиради.  
 Айни битта воқеани турли тилларда  
 Ҳар тарихчи ҳар рақамда баён этади.  
 Воқеа бир, йиллар бошқа, тасаввур чигал.  
 Миллатларнинг ўртасида англашмовчилик.  
 Биз узоқ вақт бу фарқларни қиёслаб кўрдик.  
 Истадикки, ғов тўсмасин дўстликнинг йўлини.  
 Бу жадвалда турли-туман йиллар саноғин  
 Бир-бирига айлантормоқ тарзин, усулин  
 Рақамларда ҳисобладик, осонлаштирдик.  
 Булар сизга ишингизда қўлланма бўлсин.  
 Мисол учун: Абу Али ибн Синонинг  
 Туғилгани ҳижрий уч юз етмишинчи йил,  
 Сафар ойи эканини яхши биласиз!  
 Хўш, румларнинг тарихида бу қайси йилдир?  
 Мана жадвал! Шу хонадан топасиз жавоб.  
 Ёхуд бизнинг Самарқандни ҳоқон Чингизхон  
 Олти юз ўн олтинчи ҳижрийда босиб,  
 Ерла яксон этганлиги бизларга маълум.  
 Хўш, чинлилар тарихида бу қайси йилдир?  
 Мана жадвал! Шу хонадан топасиз жавоб.  
 Кўрасизки, биз тарихни, риёзиётни  
 Бирлаштириб шу мушкулни ҳал эта олдик.  
 Нега шундай? Чунки узоқ йиллар мобайни  
 Биз ҳисоблаб Қуёш кунин аниқлай олдик.  
 Зеро, барча эски саноқ хатолик экан.  
 Ҳар йилда бор уч юз олтмиш бешта тўлиқ кун,  
 Яна тўққиз дақиқаю олти сония.





Ана, ҳозир ҳижрий йилни шунга зарб этинг!  
Энди нима қилмоқ керак?..

Бердиёр кириб келиб, Улуғбек қўлига пойгир<sup>1</sup> топширади. Улуғбек хатни олиб, тез кўздан кечиради. Али Қушчини имлаб, хатни унга кўрсатади.


Энди нима қилмоқ керак?.. Мавлоно Али  
Масаланинг ечимини сизга уқдирар.  
Ғоят оғир кулфат тушди давлат бошига.

Тез қадамлар билан дарсхонадан чиқиб кетади... Али Қушчи чуқур ўйга толади. Талабалар ҳайрон.


**Ж о м и й**  
Айтинг,  
Не ҳодиса рўй берибди, мавлоно?  
Нега шунча изтиробда устоз Улуғбек?  
Ё бу сирми?

**А л и Қ у ш ч и**  
Афсус, буни яшириб бўлмас.  
Туркистонда зўр фалокат юз берган, дўстлар.  
Абдуллатиф катта исён кўтарган Балхда!

Абдуллатиф Самарқандни ва подшоҳлик тахтини куч билан ишғол этди. Отаси Улуғбекни эса Самарқанддан бадарға қилиш ҳақида фармон берди. Улуғбек сеvimли хотини Фируза ва икки хизматкори билан Самарқанд атрофидаги қишлоқлардан бирида Ота Мурод ҳовлисида тўхтади.



БИЛИШ



1. “Ғафлат ичида қолиш “дегани қандай тушунасиз?
2. Ёшлар анжуманига ташриф буюрган Жомий ҳақида қандай маълумотлар биласиз?
3. Талабаларга Улуғбек қандай топшириқ берди?

<sup>1</sup> Пойгир – ўрама хат сақланадиган идиш.

## ТУШУНИШ

1. Нега Улуғбек Пири Зиндонийни зиндондан бўшатмади?
2. Пири Зиндонийнинг Улуғбекни мунажжим сифатида ҳурмат қилишига сабаб нима деб ўйлайсиз?
3. Нега илм-фанда шоҳу гадой бўлмади деб ўйлайсиз?
4. Нима учун Улуғбек олимларга султон ҳисобланган?


## ҚЎЛЛАШ

	<i>Видеолавҳа томоша қилиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	--------------------------------	---	-----------------------

2. Тож – бошга қафас деган фикрга муносабатингиз қандай?
3. Асар мазмунига мос мақоллар топинг.

## ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Венн диаграммаси асосида олим ва султонга хос хусусиятларни таққосланг.



## БАҲОЛАШ

	<i>Ёзиш</i>
---	-------------

Олимлар анжуманига турли мамлакатлардан талабаларнинг бош қўшишига сабаб нима деб ўйлайсиз?

“Кластер” усули асосида берилган саволга жавобларингизни тўпланг.





	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	----------------------	--	-------------

Илм-фаннинг шон-шавкати ҳеч қачон сўнмаслиги ҳақида айтилган ўғитларни топиб, қайта ўқинг ва унга баҳо беринг.



*Парда*  
**Бешинчи парда**  
*(Бешинчи кўриниш)*

	<i>Матнолди топшириқлар</i>		<i>Гуруҳда ишлаш</i>
--	-----------------------------	--	----------------------

1. Асарни ролларга бўлиб ўқинг.

Самарқанд атрофидаги қишлоқ. Намозгар вақти. Ғира-шира қоронғи. Куз фасли. Ота Муроднинг ҳовлиси. Боқча, гулзор, айвон, шийпон кўринади. Ҳаво булут.

**Ф и р у з а**

*(булутли осмонга қараб)*

Гўё сирли самовотда биронта қасд бор,  
Ниқоб кийган кушандаги ўхшар коинот.

**У л у ғ б е к**

Сабр эт, жоним! Ироданинг фарзанди умид.  
Тундан кейин тонг отмасдан қолганмиди ҳеч.

**Ф и р у з а**

Устоз, кетиш қанча оғир, аммо сиз билан  
То дунёнинг чеккасига борсам розиман.  
Лекин айтинг: фикрингизча яна бир қарра  
Самарқандни кўрмак бизга бўлурми насиб?

**У л у ғ б е к**

Сизлар бешак кўрарсизлар. Мен-чи, мабодо  
Умрим вафо қилса, мен ҳам кўрарман албат.  
Бу ўғрилар салтанати кўп узоқ бормас,



Аммо шояд Самарқандни мен кўрмасам-да,  
Самарқанднинг шаҳри мени албатта кўрар.

О т а М у р о д

Чунки сизни виждони бор эл яхши кўрар.

Ф и р у з а

Нима деган: сиз кўрмайсиз, сизни у кўрар?

У л у ғ б е к

Яъни, тирик қайтолмасам Самарқандга мен,  
Бу шаҳарда кўмилгуси таним ҳар ҳолда.  
Ўз ўғлини наҳот четга қўйса Самарқанд?  
Наҳот, қирқ йил меҳнатимнинг эвазига мен  
Ўз шаҳримдан икки газлик ер ололмасам...  
Мен умримда кўп саргузашт, кўп одам кўрдим,  
Ҳоқонларга ҳамкасб бўлдим, жангларда юрдим,  
Шаҳарларни, қишлоқларни бирма-бир кездим,  
Қирда, даштда овчиликнинг гаптини сездим,  
Танилмасдан ўғриларга гоҳо йўлиқдим,  
Кўкни аниқ кўрмоқ учун тоғларга чиқдим,  
Баъзан овул тўйларида ўйинга тушдим,  
«Манман» деган паҳлавонлар билан курашдим.

Ф и р у з а

Валинеъмат, мен сиз билан бўлсам ҳар қайда  
Аждарни ҳам, девларни ҳам кўзга илмайман.

У л у ғ б е к

Зўр экансан, аммо улар йўқ нарсалар-ку!  
Йигитали, ишлар тахтми?

Й и г и т а л и

Тахтдур, шаҳриёр.  
Аммо, сизни сўраяпти шаҳардан чопар.

У л у ғ б е к

*(бироз безовталанар)*

Келсин, қани!

Ч о п а р

Янги султон сиздан қилар илтимос:  
Истайдилар, сафарингиз ясалса

Султонларга лаёқатли, шоҳона.  
Шоҳ отасин ҳашаматли юришин  
Катта-кичик, турку тожик кўролсин.  
Шу кечани шунда тунар экансиз,  
Издихомла эрта жўнар экансиз.

У л у ф б е к

Улар хоҳлар шу сафарим бўлғай шоҳона!  
Йўқ, Улуғбек бола эмас. Бу – бир баҳона.  
Мен кетаман. Мен жўнайман. Модомики, улар –  
Ҳалитданоқ менга қарши суиқасд ўйлар.  
У номардлар қасамларин буздилар шу кез,  
Буни-ку, мен билар эдим, аммо шунча тез –  
Бўлишини ўйламаган эдим сира ҳам!  
У аблахлар ўйлайдики, Улуғбек – сайёҳ  
Сафаридан қайтиб келса тагин бўлур шоҳ,  
Темур тожи яна топар ўз ворисини.  
Шундан чўчиб хон юборган суворисини.

Улуғбек дадил туриб ҳовлидан чиқмоқчи бўлади. Чопар дарҳол кўздан йўқолади. Аммо Улуғбек қайси томонга йўналса, девор орқасида, эшик олдида, дарахт тагида, панжара ёнида сипоҳлар пистирмада тургани маълум бўлади. Сипоҳлар унинг йўлини тўсиб, ҳовлидан чиқармаслик учун қуршовга олганлиги аён бўлади.

У л у ф б е к

Аҳ-ҳа, тузоқ! Бир кишига қарши бир лашкар!  
Оқпадарнинг қўрқоқлиги шунданда ошкор!

О т а М у р о д

Ё раббано, бу золимлар нима қилмоқчи!  
Ялмоғизми, нима булар, ақлидан озган!

Ф и р у з а

*(югуриб Улуғбекни қучоқлайди)*

Устоз, тўхтанг, булар билан олишманг, устоз!

Шу пайт дарахт тагида сояда турган Аббос ёруққа чиқиб, Улуғбекка қараб юради.

У л у ф б е к

Сен ҳали ҳам тирикмисан, ҳароми, ҳабис!

А б б о с

Тирикманки, токи кўрай ўлимингизни.  
Мен отамнинг хунини деб, қасосин кутиб,  
Биру бордан шу фурсатни ялиниб келдим.

У л у ғ б е к

Отанг қилган бадкирдорлик, ноинсофликка  
Энг енгилроқ жазо эди шаҳардан сургун.  
Балки ундан жабр кўрган оломон ўзи  
Алаш қилиб ўз ҳукмича теракка осиб,  
Худ<sup>1</sup> асфалассофилинга жўнатган уни.  
Бу гапларинг ё тухматдир ёки баҳона.

А б б о с

Падаримнинг ўлимига шаръий маҳкама  
Фақат сизни жавобгар деб билади. Мана!

*(фатвони қўйнидан олиб кўрсатади)*

У л у ғ б е к

Жаллодларнинг малайисан, бадбахт кушанда!

Бир зарба уриб Аббосни йиқитади. Аббос ўрнидан туриб, сипоҳларга ишора қилади. Йигитали эса қиличини суғуриб, уларни яқинлатмайди. Ота Мурод: «Мусулмонлар, вой-дод, босқин!» деб қичқириб, қишлоқ томонга қочади.

Йигитали, қиличимни бергин, кўрай-чи,  
Қиличбозлик билармикан бу нобакорлар!

Йигитали Улуғбекка қилич беради. Ўзи ҳам қилич тутиб Улуғбекнинг чап томонида туради.

Йўқ, бўшашган эмас ҳали Улуғбек қўли,  
Мен қилични олмасликка қасам ичгандим,  
Аммо бунга сен ҳароми мажбур этасан.  
Гоҳо керак бўлар экан бобо мероси.

Улуғбек фонус орқасида туриб, ҳужум қилаётганларни равшан кўрганлиги учун Аббос ва шерикларининг ҳаммаларига радди-бадал<sup>2</sup> бериб яқинлатмайди. У ҳам ўзини, ҳам Фирузани ҳимоя қилади. Йигитали жароҳат еб йиқилади.

<sup>1</sup> Худ – худди, нақ.

<sup>2</sup> Радди-бадал – карши зарба.

А б б о с

Фонусни ур! Йўқса унга бас келолмаймиз!

Бир неча сипоҳи фонусни уриб туширадилар. Ўртага қоронғилик чўкади.

У л у ғ б е к

Эҳ, номардлар, япалоқлар, кўршапалаклар,  
Қоронғида фақат сизнинг ишингиз унар!

Уч-тўрт сипоҳи қоронғидан фойдаланиб, Улуғбекка орқадан ҳужум қиладилар, ўнг қўлидан яраладилар, қилич Улуғбек қўлидан тушиб кетади.

А б б о с

Дарҳол боғланг! Ўчни ўзим олмоғим керак.  
Сипоҳлар арқон ташлаб, Улуғбекни дарахтга боғлайдилар.

Ф и р у з а

Қўлларингиз фалажлансин, йиртқич сотқинлар!  
Биласизми, не кишини яраладингиз!..

У л у ғ б е к

Ўлим мени қўрқитмайди. Лекин, афсуски,  
Мен дўстларни ҳасрат ичра қўйиб кетаман.

А б б о с

Ҳукми-шаръий бажарилур. Айтинг васият!

У л у ғ б е к

Васиятим, васиятим! Ким ҳам эшитгай?  
Мулким йўқки, бировларга мерос қолдирсам,  
Хазинам йўқ, бировини бойитиб қўйсам.  
Меросимдир китобларим ва жадвалларим.  
Бир мероски, замон уни маҳв этолмайди,  
Бир мероски, ворислари бу ватан аҳли,  
Бир мероски, баҳра топар ундан ер юзи.  
Ёвуз душман олдидамен бойловлиқ қўлим,  
Парвардигор, бундан ортиқ бормикан зулм?  
Қаердасан дастёрим, содиқ навкарим,  
Нега сени мен жўнатдим ўзимдан йироқ?  
Сен бўлмасанг кетар экан омадим ҳар чоқ.  
Сен қайдасан, ҳай, Бердиёр, Чотқол шунқори!  
Саҳна орқасидан Бердиёр товуши эшитилади.

Б е р д и ё р  
Лаббай, ҳазрат, садонгиздан айланай, ҳазрат!  
Ҳозир келдим, ҳай, номардлар!

А б б о с  
(*чўчиб сипоҳларга*)  
Жадал бўлинг, тез отланинг, дарҳол кетамиз,  
Мана қасос, мана сизга отамнинг хуни!

Улуғбек кўксига ханжар тикади.

У л у ғ б е к  
Ҳаромзода!

Арқонда дарахтга осилганича сушлашиб қолади. Аббос ва шериклари қочаётганида, Бердиёр яна болта, таёқ кўтарган деҳқонлар ва Ота Мурод чопиб кирадилар.

Б е р д и ё р  
Сени тирик қочирмайман!

Аббосга ёйдан ўқ узади. Аббос «ўлдим» деганича ерга йиқилади. Бердиёр ва деҳқонлар Улуғбекни дарахтдан ечиб, ерга ётқизадилар. Одамлар унинг атрофида тиз чўкадилар.

У л у ғ б е к  
Бу сенмисан, Бердиёрим? Кечикдинг бир оз.

Б е р д и ё р  
Оҳ, кечикдим бир дақиқа, қиблайи олам!  
Биз у чолни аяб секин йўл юриб эдик,  
Бу қишлоқнинг яқинидан ўтканимизда,  
Ота Мурод жар солганин эшитиб дарҳол.  
Ўзим чопиб келдим бунга... Оҳ, золим фалак!

Ф и р у з а  
(*уй ичидан*)  
Валламатни кўрай, вой дод, қутқазинг мени!

Ота Мурод югуриб уйга кириб кетади.



Бердиёр

*(Аббос қўлидан олган ханжарни қараб)*

У лаънати сизга тикқан шу ханжар тигин,  
Абдуллатиф исми бунга ёзуғлик экан.  
Бу Тошканднинг ханжаридир, дами заҳарли...  
Эй худо, сен гувоҳ бўлгин, бу ханжар билан  
Абдуллатиф калласини олмасам агар,  
Юз минг лаънат бўлсин менга!

Фируза ва Ота Мурод уй ичидан чиқиб келадилар. Фируза келиши билан Улуғбек ёнига чўкиб, унинг қўлини ўпади, ярасига рўмол қўяди ва йиғлайди.

Ф и р у з а

Уҳ, бу яра кошки менга урилса эди...  
Валинеъмат, сизга эмас, бу қонли ханжар  
Бу диёрнинг миясига берди жароҳат.

Абдураззоқ, Али Қушчи ва Пири Зиндоний келади.



У л у ғ б е к


Мен даврамда дўстларимни кўраман яна,  
Демак, бизга ўлим йўқдир, мен бўлмасам-да.  
(одамларни бир-бир кўрсатиб)

Сен яшарсан, сиз яшарсиз, сиз яшарсиз, сиз!

Шу пайтда осмонда булутлар орасидан тўлин ой кўриниб қолади.

Сен ҳам бир оз кечикибсан, кўкнинг фонуси!  
Душман мени енголмасди чиқсанг олдинроқ.  
Ортиқ тамом, ғурбатларда дайдиб юрмоқдан  
Шу ватанда шаҳид бўлмоқ олий саодат.  
Хайр сизга, шўх юлдузлар, сенга ғамли ой!  
Хайр сизга, дўстлар, хайр жами инсонлар!  
Хайр сенга, оҳ Фирузам, қалбим синглиси!  
Абдураззоқ, батафсил ёз бу қиссаларни!  
Дунё, дунё, бевафосан, биламан сени.  
Аммо, сенга ёмон фарзанд эмас эдим-ку!  
Ёруғ кунда, бахт айёми, мени ёд айла.  
Битди нафас. Йиғламайман. Сиз ҳам йиғламанг!  
Ўлади.

### Парда



#### БИЛИШ

1. “Иссиқ ўриндиқ” усули орқали фожианинг ўтган қисми бўйича фикр алмашинг.

#### ТУШУНИШ

2. Бердиёрнинг хабари нега ҳаммани ташвишга солди?



1. Илм оламига нима учун буюриб бўлмайди?
2. “Ироданинг фарзанди – умид” деган фикрга қўшилмасми? Мазмунини изоҳланг.



## ҚЎЛЛАШ



### Видеолавҳа томоша қилиш

1. Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят драма ва мусиқа театри сахналаштираган Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” драмасидан парча томоша қилинг, фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.
2. Ролларга бўлиб, фожеадан кичик парча сахналаштиринг.

## ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



### Гуруҳда ишлаш



### Муҳокама қилиш



### Тақдимот

“Улуғбекнинг ўлимига ким сабабчи?” мавзусида гуруҳларда тадқиқот иши юритинг. Қўшимча манбалардан фойдаланинг. Синфга тақдим этинг.

## УМУМЛАШТИРИШ

1. «Ассоциация» усули асосида Улуғбекка таъриф беринг.



2. Асардан Улуғбекнинг ватанга муҳаббати ёрқин намоён бўлган ўринларни топинг.

## БАҲОЛАШ

1. Асар фожеалигининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Жадвални тўлдириг.

1-сабаб	<input type="text"/>
2-сабаб	<input type="text"/>
3-сабаб	<input type="text"/>

2. Абдуллатифга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?
3. Қуйидаги видеолавҳа ва ўқиганларингиз асосида «Одам, олим ва султон Улуғбек» мавзусида эссе ёзинг. (“Хуршид Даврон кутубхонаси” туркумидан (Мирзо Улуғбек – 2 парда-) – видеоспектакль томоша қилинг).



**Билиб олинг!**

## ФОЖИА ЖАНРИ ҲАҚИДА

Фожиа жанри бадиий адабиётнинг драматик турига мансубдир. Трагедия юнонча сўз бўлиб, асл луғавий маъноси: «трагос» – эчки, «ода» – қўшиқ, яъни «эчки қўшиғи» демакдир. Бугунги кунда у ўзининг қадимий луғавий маъносидан бутунлай узоқлашиб кетган. Хўш, нега энди «эчки қўшиғи»? Бу атама қандай келиб чиққан?

Юнонистонда мелодгача бўлган антик – қадимги даврда ҳар йили февраль ойида ҳосил худоси – Дионис шарафига халқ байрамлари ўтказилган. Ўша тантаналарда Дионис кийимидаги киши тушган араванинг орқасидан бир тўп қизиқчилар эргашиб юришган. Улар ўша давр одатига кўра эчки терисини ёпиниб олишган. Буларни «трагослар» деб аташ расм бўлган. Кейинчалик бу термин адабиётга кўчиб, ўзининг асл маъносидан узоқлашган ва кўпроқ фожиали яқунга эга бўлган асарларга нисбатан ишлатиладиган бўлган. Чунки трагедиялар ҳам кўплаб томошабинларни ўзига жалб этиб, неча кунлар мобайнида қаторасига ўйналган.

Биринчи трагедиянинг ватани ҳам Юнонистон бўлиб, бу жанрнинг «отаси» Эсхил (мелоддан олдинги VI–V аср) саналади. Унинг замондошлари ва издошлари Софокл, Еврипид кабилар бўлиб, улар яратган фожиалар бугунги кунгача томошабинларни қизиқтириб келади.

Одатда, трагедия деганда охири ўлим билан яқунланадиган асарлар тушунилади. Бу хусусият кўпчилик фожиа асарларига хос бўлса ҳам, бирдан-бир ва асосий белги эмас.

Трагедия – қаҳрамонлар бошига ўлим келтирадиган оғир ва изтиробли ҳолатларни бўрттириб тасвирлаш йўли билан ҳаётда ҳамиша мавжуд бўлган фожиавийликни ёрқин акс эттирадиган асарлардир. Фожиада инсон ҳаётидаги энг қалтис, энг шиддатли, ҳалокатли ҳолатлар тасвирга асос қилиб олинади ва уларни даҳшатли тўқнашувлар, ташқи ёки ички курашнинг шиддатли силсиласида тасвирлайди. Шекспирнинг: «Отелло», «Ҳамлет», Пушкиннинг «Борис Годунов», Абдурауф Фитратнинг «Абулфайзхон», Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиаларида худди ана шундай ҳолатларни кўриш мумкин. Биз юқорида танишган «Мирзо Улуғбек» асарида Шайхзода бош қаҳрамоннинг фожиасини унинг олижаноблиги, ишонувчанлиги ва ўз замонасидан жуда ҳам илгарилаб кетгани билан изоҳлайди. Улуғбек идеаллари билан уни қуршаб турган кучлар ўртасида ҳал қилиб бўлмайдиган қарама-қаршилик мавжуд ва худди мана шу қарама-қаршилик қаҳрамон фожиасининг асосини ташкил этади.

Фожиа жанридаги асарлар аксарият фалсафий руҳ билан йўғрилган, романтик бўёқларга бой, драматизм энг юқори нуқтага олиб чиқилганлиги билан ажралиб туради. Бундай асар яратиш осон эмас. Шунинг учун ҳам мукамал фожиа асарлари адабиётимизда кам учрайди.

# МУНДАРИЖА

1-дарс. Кириш.....	4
--------------------	---

## ОТАЛАР СЎЗИ – АҚЛНИНГ КЎЗИ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАН

2-дарс. Кунтуғмиш (достон).....	8
3-дарс. Кунтуғмиш (достон).....	22

## ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИДАН

4-дарс. Юсуф Хос Ҳожиб .....	42
Қутадғу билиг .....	44
5-дарс. Қутадғу билиг .....	44
6-дарс. Хоразмий .....	64
Муҳаббатнома .....	65
7-дарс. Муҳаббатнома .....	74
8-дарс. Муҳаббатнома .....	84
9-10-дарс. Сайфи Саройи .....	92
Суҳайл ва Гулдурсун.....	93
11-13-дарс. Лутфий .....	103
Ғазаллар. Сенсан севарим.....	104
Мени шайдо қиладурғон.....	106
Аёғингга тушар ҳар лаҳза гису .....	108
Ҳақул кунким.....	110
Туюқлар .....	112
14-дарс. Алишер Навоий .....	115
15-17-дарс. Ғазаллар. Кеча келгумдир дебон .....	120
Қаро кўзум .....	122
Кўргули хуснунгни.....	125
Қоши ёсинму дейин .....	127
Жонға чун дерман .....	129
Ёрдин айру кўнгул .....	132

## УМР ФАЛСАФАСИ

18-21-дарс. Моҳларойим Нодира .....	135
Ғазаллар.....	136
Ғиғонким, гардиши даврон .....	138
На гул сайр айла .....	140

## ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАН

22-24-дарс. Абдурауф Ғитрат .....	143
Миррих юлдузига .....	145
Гўзалим, бевафо гулистоним.....	148
Яна ёндим .....	150
25-27-дарс. Ғафур Ғулом .....	153
Вақт.....	154
Соғиниш.....	158
28-31-дарс. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек .....	163
Навоий (романдан парчалар) .....	164

## ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ ҲАҚИҚАТ

32-33-дарс. Мақсуд Шайхзода.....	195
Мирзо Улуғбек .....	196

**Шахло Джамаловна Наралиева  
Нюлюфар Абдиқаримовна Қорганбаева  
Шахноза Бабажановна Алиакбарова**

**ЎЗБЕК ӨДЕБИЕТИ**

**Жалпы білім беретін мектептің  
8-сыныбына арналған оқулық**

**1-қисм**


*(өзбек тілінде)*

Редакторы  
Мұқабаның дизайнері  
Техникалық редакторы  
Дизайнын жасаған және  
компьютерде қалыптаған

**Ш.Наралиева  
Н. Тазабеков  
З. Бошанова  
Г. Өтенова**

ИБ №7368

Басуға 21.05.2018 ж. қол қойылды. Пішімі  $84 \times 108^{1/16}$ .  
Қаріп түрі «SchoolBook Kza». Офсетті басылым.  
Баспа табағы 14,0. Шартты баспа табағы 23,52.  
Шартты бояу көлемі 94,08.  
Таралымы 7000 дана.  
Тапсырыс №

 Қазақстан Республикасы “Жазушы” баспасы, 050009.  
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.  
E-mail: Zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-610-0



9

7 8 6 0 1 2 0 0 6 1 0 0